БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ 1

"СОЛИҚЛАР ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ" ГАЗЕТАСИГА ИЛОВА

1996

# Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси ва уни қўллашга доир тавсиялар

НАМУНАВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗИШЛАРИ

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Корхоналар молия-хўжалик
фаолиятининг бухгалтерия
ҳисобварақлари режаси

**ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИНИ
НАМУНАВИЙ БУХГАЛТЕРИЯ
ЎТКАЗМАЛАРИ БИЛАН ҚЎЛЛАНИШГА ДОИР**

# ТАВСИЯНОМАЛАР

*УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА*

Тошкент - 1996

Корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти-
нинг бухгалтерия ҳисобварақлари режаси
Ҳисобварақлар режасини намунавий бухгал-
терия ўтказмалари билан бирга қўлланишга
доир тавсияномалар
Услубий қўлланма - Тошкент:
Давлат солиқ қўмитаси, 1996.

Тўпламга Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ барча энг янги ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳисобга оладиган корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режаси ва уни қўлланишга доир тавсияномалар киритилган.

Тўпламдан синтетик ҳисобварақлар бўлимидаги намунавий ўтказмалар ҳам жой олган.

Ҳисобчилар, иқтисодчилар, аудиторлар, тадбиркорлар учун мўлжалланган.

© "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" Нашриёт уйи
© Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси

# КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби мулкчилик шаклларидан қатьи назар ҳамма корхона ва ташкилотлар учун ягона бўлган Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги Низомда ҳамда Корхоналар ва муассасалар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режасида (ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сонли қарори) белгиланган ҳисоб ва ҳисоботнинг услубий асосларига асосланади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишга доир харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги янги Низомнинг (ЎзР Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 27 январда 9-сон билан тасдиқланган) 1995 йил 1 январдан бошлаб амалиётга киритилиши муносабати билан ЎзР Молия вазирлиги 1995 йил 4 апрелдаги 17-02/28-сонли хати билан Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режасига ўзгартишлар киритди.

Қўлланмага корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режаси, уни қўлланишга доир тавсияномалар ва ҳисобварақлар бўлимидаги асосий хўжалик операцияларининг намунавий ўтказмалари киритилган. Улар ҳисобни икки бараварли тизим бўйича юритадиган корхона ва ташкилотлар томонидан қўлланилиши мумкин.

Ҳисобварақлар режасидаги ўзгартишлар ва қўшимчаларни ҳисобга оладиган, уларни қўллаш, 1996 йилнинг 1 мартидаги ҳолат бўйича ҳисобдаги янги вазиятлар ва объектларни акс эттириш юзасидан тушунтиришларни ўз ичига олган ушбу услубий қўлланма Э.Ф.Гадоев (раҳбар), Н.Ҳ.Ҳасанов, Л.П.Югайлар томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур қўлланмани ишлаб чиқишда БМТнинг транснационал корпорациялар бўйича экспертлари иштирокида ва А.С.-Бақоев раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси томонидан тайёрланган ҳисобварақлар режасини ва ҳисобварақларнинг ўзаро боғлиқлигини қўллашга доир йўриқнома қоидаларидан ҳам фойдаланилди.

## КОРХОНАЛАР МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИ

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| **1-бўлим. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ МАБЛАҒ САРФЛАШЛАРИ** | | | |
| Асосий воситалар | 01 | А | Асосий воситаларнинг турлари бўйича |
| Асосий воситаларнинг эскириши | 02 | П | 1. Ўз асосий воситаларининг эскириши<br>2. Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши |
| Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар | 03 | А | |
| Номоддий активлар | 04 | А | Номоддий активларнинг эскириши |
| Номоддий активларнинг эскириши | 05 | П | |
| Узоқ муддатли маблағ сарфлашлар | 06 | А | 1. Пайлар ва акциялар<br>2.Облигациялар<br>3. Берилган қарзлар |
| Қурилмага тегишли ускуналар | 07 | А | 1. Мамлакатда ишлаб чиқарилган қурилмага тегишли ускуналар<br>2. Хорижда ишлаб чиқарилган қурилмага тегишли ускуналар |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| Капитал маблағлар | 08 | А | 1. Асосий воситалар объектларининг қурилиши<br>2. Асосий воситалар айрим объектларининг харид қилиниши<br>3. Асосий воситаларнинг қийматини орттирмайдиган харажатлар<br>4. Ёш ҳайвонларнинг асосий пода ҳисобига ўтказилиши<br>5. Катта ёшдаги ҳайвонларнинг харид қилиниши<br>6. Текинга олинган ҳайвонларнинг ташиб келтирилиши |
| Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар | 09 | А | |

## 2-бўлим. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Материаллар | 10 | А | 1. Хом ашё ва материаллар<br>2. Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар<br>3. Ёқилғи<br>4. Тара ва тара материаллари<br>5. Эҳтиёт қисмлар<br>6. Бошқа материаллар<br>7. Четга қайта ишлашга берилган материаллар<br>8. Қурилиш материаллари |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар | 11 | А | |
| Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар (АТБ) | 12 | А | 1. Захирадаги арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар<br>2. Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар<br>3. Вақтинчалик (титул бўлмаган) иншоотлар |
| Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши | 13 | П | |
| Моддий бойликларнинг қайта баҳоланиши | 14 | АП | |
| Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши | 15 | А | |
| Материаллар қийматидаги фарқ | 16 | АП | |
| | 17 | | |
| | 18 | | |
| Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) | 19 | А | 1. Капитал маблағлар сарфлашдаги ҚҚС<br>2. Харид қилинган номоддий активлар бўйича ҚҚС<br>3. Харид қилинган моддий ресурслар бўйича ҚҚС<br>4. Харид қилинган АТБ бўйича ҚҚС |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|

## 3-бўлим. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Асосий ишлаб чиқариш | 20 | А | 1. Моддий харажатлар<br>2. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари<br>3. Ижтимоий ажратмалар харажатлари<br>4. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси<br>5. Бошқа харажатлар |
| Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар | 21 | А | |
| | 22 | | |
| Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар | 23 | А | 1. Моддий харажатлар<br>2. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари<br>3. Ижтимоий ажратмалар харажатлари<br>4. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси<br>5. Бошқа харажатлар |
| | 24 | | |
| Умумий ишлаб чиқариш харажатлари | 25 | А | 1. Моддий харажатлар<br>2. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари<br>3. Ижтимоий ажратмалар харажатлари<br>4. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси<br>5. Бошқа харажатлар |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| Давр харажатлари | 26 | А | 1. Сотиш харажатлари (савдо ташк. учун - Муомала харажатлари)<br>2. Маъмурий харажатлар<br>3. Бошқа умумий хўжалик ва операция харажатлари<br>4. Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари |
| | 27 | | |
| Ишлаб чиқаришдаги брак | 28 | А | |
| Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар | 29 | А | 1. Моддий харажатлар<br>2. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари<br>3. Ижтимоий ажратмалар харажатлари<br>4. Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси<br>5. Бошқа харажатлар |
| Капитал бўлмаган ишлар | 30 | А | 1. Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши<br>2. Вақтинчалик (титулли бўлмаган) иншоотларнинг барпо этилиши<br>3. Бошқа капитал бўлмаган ишлар |
| Келгуси даврлар харажатлари | 31 | А | |
| | 32 | | |
| | 33 | | |
| | 34 | | |
| | 35 | | |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| | 36 | | |
| Маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилиши (иш, хизматларнинг бажарилиши) | 37 | А | |
| | 38 | | |
| | 39 | | |

## IV бўлим. Тайёр маҳсулотлар, товарлар ва сотиш

| | | | |
|---|---|---|---|
| Тайёр маҳсулотлар | 40 | А | |
| Товарлар | 41 | А | 1. Омборлардаги товарлар<br>2. Чакана савдодаги товарлар<br>3. Товар билан банд ва бўш тара (идиш)<br>4. Харид қилинган буюмлар<br>5. Ижарага олинган буюмлар |
| Савдо устамаси | 42 | А | 1. Савдо устамаси (чегирма, устама)<br>2. Маҳсулот етказиб берувчиларнинг транспорт харажатларини қоплаш учун чегирмалари |
| Юклаб жўнатилган товарлар | 45 | А | |
| Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши | 46 | АП | |
| Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши | 47 | АП | |
| Бошқа активларнинг сотилиши | 48 | АП | 1. Қимматли қоғозлар ва валюталарнинг сотилиши<br>2. Бошқа мол-мулкнинг сотилиши |
| | 49 | | |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| **V бўлим. Пул маблағлари** | | | |
| Касса | 50 | А | |
| Ҳисоб-китоб варағи | 51 | А | |
| Валюта ҳисобварағи | 52 | А | 1. Республика ичидаги валюта ҳисобварақлари<br>2. Хориждаги валюта ҳисобварақлари |
| | 53 | | |
| | 54 | | |
| Банклардаги махсус ҳисобварақлар | 55 | А | 1. Аккредитивлар<br>2. Чек дафтарчалари |
| Пул ҳужжатлари | 56 | А | |
| Йўлдаги жўнатмалар | 57 | А | |
| Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар | 58 | А | 1. Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар<br>2. Депозитлар<br>3. Берилган қарзлар |
| | 59 | | |
| **VI бўлим. Ҳисоб-китоб қилишлар** | | | |
| Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоб қилишлар | 60 | П | |
| Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 61 | А | |
| Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб қилишлар | 62 | А | 1. Инкассо тартибидаги ҳисоб-китоб қилишлар<br>2. Режали тўловлар билан ҳисоб-китоб қилишлар<br>3. Олинган векселлар |
| Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 63 | А | |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварағининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 64 | П | |
| Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 65 | АП | |
| | 66 | | |
| Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 67 | П | Тўловлар турлари бўйича |
| Бюджет билан ҳисоб-китоб қилишлар | 68 | П | Тўловлар турлари бўйича |
| Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 69 | П | 1. Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоб қилишлар<br>2. Пенсия таъминоти бўйича ҳисоб-китоб қилишлар<br>3. Тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар |
| Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 70 | П | |
| Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоб қилишлар | 71 | АП | |
| | 72 | | |
| Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар | 73 | АП | 1. Кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоб қилишлар<br>2. Берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар<br>3. Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоб қилишлар |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварагининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| | 74 | | |
| Муассислар билан ҳисоб-китоб қилишлар | 75 | АП | 1. Устав жамғармасига омонатлар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар<br>2. Даромадлар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар |
| Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилишлар | 76 | АП | |
| | 77 | | |
| Шуъба корхоналар билан ҳисоб-китоб қилишлар | 78 | АП | |
| Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоб қилишлар | 79 | АП | 1. Ажратилган мол-мулк бўйича<br>2. Жорий операциялар бўйича |

## VII бўлим. Молиявий натижалар ва фойдани ишлатиш

| | | | |
|---|---|---|---|
| Фойдалар ва зарарлар | 80 | АП | 1. Сотилган товарлар, ишлар, хизматлардан олинган фойда (зарар)<br>2. Давр харажатлари<br>3. Операциялардан кўриладиган даромадлар ва тушумлар<br>4. Молиявий фаолиятдан кўриладиган фойда ва зарарлар<br>5. Фавқулодда фойдалар ва зарарлар |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварагининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| Фойда (даромадлар) учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар | 81 | АП | 1. Бюджетга фойдадан тўланадиган тўловлар. |
| Шубҳали қарзлар бўйича захиралар | 82 | П | |
| Келгуси даврлар харажатлари | 83 | П | 1. Келгуси даврлар ҳисобига олинган даромадлар<br>2. Ўтган йилларда аниқланган камомадларга доир қарзлар юзасидан тушиши лозим бўлган тушумлар<br>3. Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма билан бойликларнинг камомадига оид баланс қиймати ўртасидаги фарқ<br>4. Векселлар бўйича фоизлар |
| Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар | 84 | А | |

## VIII бўлим. Фондлар ва захиралар

| | | | |
|---|---|---|---|
| Устав сармояси (фонди) | 85 | П | 85.1. Устав сармоясини ҳисобга олишга мўлжалланган устав сармояси<br>85.2. Қўшилган сармоя<br>85.3. Захира сармояси |
| Захира фонди | 86 | П | |
| Тақсимланмаган фойда | 87 | П | |
| Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари | 89 | П | Захираларнинг турлари бўйича |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварагининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|

## IX бўлим. Кредитлар ва маблағ билан таъминлаш

| | | | |
|---|---|---|---|
| Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари | 90 | П | Кредитларнинг турлари бўйича |
| | 91 | | |
| Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари | 92 | П | Кредитларнинг турлари бўйича |
| Банкларнинг ходимлар учун кредитлари | 93 | П | Кредитларнинг турлари бўйича |
| Қисқа муддатли қарзлар | 94 | П | |
| Узоқ муддатли қарзлар | 95 | П | |
| Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар | 96 | П | |
| Ижарага оид мажбуриятлар | 97 | П | |
| | 98 | | |
| | 99 | | |

## БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАР

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ижарага олинган асосий воситалар | 001 | | |
| Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар | 002 | | |
| Қайта ишлашга олинган материаллар | 003 | | |
| Комиссияга қабул қилинган товарлар | 004 | | |
| Монтаж учун қабул қилинган ускуналар | 005 | | |
| Қатъий ҳисобот босма иш қоғозлари (бланклари) | 006 | | |

| Ҳисобварақнинг номи | Ҳисоб-варақ рақами | Ҳисоб-варақ тури | Илова ҳисобварагининг рақами ва номи |
|---|---|---|---|
| Тўловга қобилиятли бўлмаган дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзлари | 007 | | |
| Мажбуриятлар ва тўловлар (олинганлари) таъминоти | 008 | | |
| Мажбуриятлар ва тўловлар (берилганлари) таъминоти | 009 | | |
| Соликқа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган харажатлар | 010 | | |

# КОРХОНАЛАР МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБВАРАҚЛАРИ РЕЖАСИНИ ҚЎЛЛАШГА ДОИР ТАВСИЯНОМАЛАР

## I бўлим

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА БОШҚА УЗОҚ МУДДАТЛИ МАБЛАҒ САРФЛАШЛАР

Ушбу бўлимдаги ҳисобварақлар корхонага тегишли белгиланган тартибга кўра асосий воситаларга, номоддий активларга, корхонанинг узоқ муддатли бошқа активларга сарфланган маблағларига кирадиган, кейинчалик узоқ муддатли маблағ сарфлашлар деб аталадиган меҳнат воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

### 01-"АСОСИЙ ВОСИТАЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи корхона мулкчилик ҳуқуқлари асосида эгалик қиладиган фойдаланишда, захирада, консервацияда бўлган ёки ижарага берилган (узоқ муддатга ижарага бериладиганларидан ташқари) асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, ўтказувчи қурилмалар, ишчи машиналар ва куч машиналари ва ускуналар, ўлчовчи ва тартибга солувчи асбоблар ва қурилмалар, ҳисоблаш техникаси, транспорт воситалари, асбоблар, ишлаб чиқариш ва хўжалик инвентари ва буюмлари, ишчи ва маҳсулдор моллар, кўп йиллик дарахтлар, қиймати энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг ўн беш бараварлик миқдоридан ортиқ бўлган хўжалик ичидаги ва бошқа асосий воситалар (ЎзР ВМнинг 1995 йил 18 декабрдаги 461-сонли қарори) киради. Объектларнинг асосий воситаларга киритилиши ва уларнинг таркиби қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив актлар билан тартибга солинади.

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағида қуйидагилар ҳам ҳисобга олинади:

ерларни яхшилаш учун капитал маблағ сарфлашлар (мелиоратив, қуритиш, ирригация ва бошқа ишлар) ва ускуналар

ҳамда асосий воситаларга кирадиган бошқа объектлар. Бунда ижарага олинган асосий воситалар (узоқ муддатга ижарага олинганларидан ташқари) ижарачи томонидан балансдан ташқари 001-"Ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Кўп йиллик дарахтларга, ерларни яхшилашга қилинадиган капитал маблағ сарфлашлар ҳар йили бутун ишлар мажмуининг тугалланишидан қатъи назар фойдаланишга қабул қилинган майдонларга тегишли харажатлар суммасида асосий воситалар таркибига киритилади.

Асосий воситалар 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағида дастлабки бошланғич баҳосида ҳисобга олинади, бундай баҳо объектлар учун қуйидагича белгиланади:

муассислар корхонанинг устав сармоясига омонатлари ҳисобига киритган объектлар - томонларнинг келишувига биноан;

корхонанинг ўзида тайёрланган, шунингдек бошқа корхона ва шахслардан ҳақ эвазига харид қилинган объектлар - ушбу объектларни тиклаш (қуриш) ёки уларни харид қилиш учун кетган амалдаги харажатлар, шу жумладан уларни олиб келиш, монтаж қилиш ва ўрнатиш учун кетган харажатлардан келиб чиқиб;

бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган объектлар - эксперт йўли билан ёки қабул қилиш-бериш ҳужжатлари маълумотлари асосида.

Асосий воситаларнинг дастлабки бошланғич қиймати ўзгартирилишига фақат тегишли объектларнинг қўшимча қурилиши, қўшимча ускуналаниши, реконструкция қилиниши ва қисман бартараф қилиниши, шунингдек уларнинг қайта баҳоланиши ҳолларида йўл қўйилади.

Асосий воситаларнинг эскириши 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига омонатлари эвазига киритган асосий воситаларнинг кирим қилиниши 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебети ва 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Корхонанинг ўзида тайёрланган, шунингдек бошқа корхона ва шахслардан ҳақ эвазига харид қилинган асосий воситалар объектлари 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағидан 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебети бўйича кирим қилинади.

Бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган асосий



TEAI KUTUBXONASI
№ 355337

воситалар объектларининг кирим қилиниши 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебети бўйича 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараги билан боғлиқликда, давлат корхоналари учун эса - 85/1-"Низомий сармоя" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади.

Асосий воситалар объектларининг чиқиб кетиши (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо)да уларнинг дастлабки бошланғич қиймати 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағидан 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Шунга ўхшаган ёзув етмайдиган ёки тўла ишдан чиққан асосий воситаларнинг дастлабки бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганида ҳам амалга оширилади.

01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи бўйича тафсилий (аналитик) ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва айрим инвентарь объектлари бўйича юритилади. Бунда тафсилий ҳисобнинг тузилиши республика ҳудудидаги ва хориждаги асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **01-«Асосий воситалар» ҳисобварағи** | | |
| 1 | Объектларнинг ички кўчирилиши, уларнинг жорий ижарага берилиши | 01 | 01 |
| 2 | Ижарага олинган объектнинг харид қилингандан сўнг ижарачининг мулкига ўтиши (ижарачидаги ёзув) | 01 | 03 |
| 3 | Ижарага олинган асосий воситаларга тамомланган капитал маблағ сарфлашларнинг акс эттирилиши (ижарачида жорий ижара бўйича) | 01 | 08 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Яратилган ёки ҳақ эвазига харид қилинган асосий воситалар объектларининг дастлабки бошланғич қиймати бўйича кирим қилиниши (фойдаланишга топширилиши); ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилиши | 01 | 08 |
| 5 | Асосий воситаларга кирадиган барпо этилган вақтинчалик (титули) бинолар ва иншоотларнинг фойдаланишга топширилиши (барпо этиш бўйича харажатлар суммасига) | 01 | 30 |
| 6 | Кимошди савдосида харид қилинган хусусийлаштирилган корхона асосий воситалар объектларининг ҳисобга қабул қилиниши | 01 | 85 |
| 7 | Муассисларнинг омонатлари эвазига устав сармоясига киритган асосий воситалар объектларининг кирим қилиниши | 01 | 75 |
| 8 | Ишлаб чиқариш объектларининг баланс қиймати ошиши (қайта баҳолашда) | 01 | 85/3 |
| 9 | Ноишлаб чиқариш объектларининг баланс қиймати ошиши | 01 | 85/3 |
| 10 | Ижарага берувчининг ижарачи жорий ижара бўйича қайтарган асосий воситалар қийматини ижарачининг ижарага олинган асосий воситаларга сарфлаган капитал маблағлари қийматига оширилиши | 01 | 85/1 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Ижарага берувчининг ижарачи жорий ижара бўйича қайтарган асосий воситалар қийматини ижарачининг ижарага олинган асосий воситаларга сарфлаган капитал маблағлари қийматигача қўшимча баҳолаши | 01 | 85/3 |
| 12 | Бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган асосий воситалар объектларининг кирим қилиниши (давлат корхоналари учун 85/1) | 01 | 80 |
| 13 | Акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига асосий воситаларнинг келиб тушиши | 01<br>(75 | 75<br>85) |
| 14 | Асосий воситаларнинг акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига сотишда, текинга беришда, камомадда, дастлабки бошланғич қиймати бўйича ҳисобдан чиқаришда (тўла ишдан чиққанларини ва ҳоказо) асосий воситаларнинг чиқиб кетиши | (58,06<br>84,80<br>47) | <br>(47)<br>01 |
| 15 | Объектларнинг мавоза (алмашиш) тартибида ҳисобдан чиқарилиши | 47 | 01 |
| 16 | Асосий воситалар объектларининг алоҳида балансларга чиқарилган бўлинмаларга давлат корхоналари учун берилиши (дастлабки бошланғич қиймати) | 47<br>(02<br>(85 | 01<br>47)<br>47) |
| 17 | Капитал маблағ сарфлашлар ижарага берувчига берилди (ижарачи томонидан амалга оширилди) | 47 | 01 |
| 18 | Узоқ муддатли ижарага берилди (сотиб олиш ҳуқуқи билан) | 47<br>09<br>02 | 01<br>47<br>47 |
| 19 | Олдинги бандда кўрсатилган қабул қилинган объектлар бўйича эскириш суммасига | 01 | 02 |
| 20 | Текинга олинган ижтимоий соҳа объектларининг кирим қилиниши (давлат корхоналари учун) | 01<br>01 | 80<br>85 |

# 02-"АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағи корхона мулкчилик ҳуқуқлари асосида эгалик қиладиган ва у узоқ муддатга ижарага олган асосий воситаларнинг эскириши тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Асосий воситаларнинг ҳисобда акс эттирилиши лозим бўлган эскириши ҳар ойда амалдаги қонунларга мувофиқ асосий воситаларнинг тўлиқ қайта тикланиши учун амортизация ажратмаларининг белгиланган нормаларидан келиб чиқиб аниқланади.

02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

02-1-"Ўз асосий воситаларининг эскириши";

02-2-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши".

02-1-"Ўз асосий воситаларининг эскириши" илова ҳисобварағида корхона мулкчилик ҳуқуқлари асосида эгалик қиладиган асосий воситаларнинг эскириши ҳаракати ҳисобга олинади.

02-2-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши" илова ҳисобварағида корхона узоқ муддатга олган асосий воситаларининг эскириши ҳаракати ҳисобга олинади.

Асосий воситаларнинг эскиришига ҳисобланган сумма ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағи кредитига ёзиб қўйилади. Ижарага берувчи корхоналар ижарага берилган асосий воситаларнинг (узоқ муддатга берилганларидан ташқари) эскириши бўйича ҳисобланган суммани 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағининг кредити бўйича ва 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағининг "Бошқа умумий хўжалик ва операция харажатлари" илова ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирадилар.

Тўлиқ амортизация қилинган асосий воситалар бўйича эскириш суммаси ҳисобланмайди.

Корхона мулкчилик ҳуқуқлари асосида эгалик қиладиган асосий воситалар объектларининг чиқиб кетишида (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо) улар бўйича эскириш юзасидан ҳисобланган сумма 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағидан 47-"Асосий воситалар-

нинг сотилиши ва бошқача тарзда чиқиб кетиши" ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқарилади. Етмайдиган ёки тўлиқ ишдан чиққан асосий воситалар бўйича эскириш юзасидан ҳисобланган суммани ҳисобдан чиқарганда шунга ўхшаган ёзув амалга оширилади.

02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва айрим инвентарь объектлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **02-«Асосий воситаларнинг эскириши» ҳисобварағи** | | |
| 1 | Капитал қурилишда фойдаланиладиган асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 08 | 02/1 |
| 2 | Асосий ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар объектлари (ўзиники ва узоқ муддатга ижарага олинганлари) бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 20 | 02/1 |
| 3 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлардаги асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 23 | 02/1 |
| 4 | Умумий ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 25 | 02/1 |
| 5 | Умумий хўжалик мақсадидаги асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 26 | 02/1 |
| 6 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 29 | 02/1 |
| 7 | Келгуси ҳисобот даврларига тегишли эскиришнинг ҳисобланиши (кончилик-тайёргарлик ишлари, ерларнинг рекультивацияга доир харажатлар таркибида) | 31 | 02/1 |
| 8 | Маҳсулотни сотиш жараёнларига хизмат кўрсатадиган асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 26 | 02/1 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Савдо мақсадидаги асосий воситалар объектлари бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 26 | 02/1 |
| 10 | Ижарага берувчининг ижарага топширилган объектлар (узоқ муддатга сотиб олиш ҳуқуқи билан берилганларидан ташқари) бўйича эскиришнинг ҳисобланиши | 80 | 02/1 |
| 11 | Илгари навбатдаги харажатлар таркибида рўйхатдан ўтказилган эскиришнинг ҳисобланиши (мавсумий тармоқларда; асосий воситаларнинг таъмирланиши бўйича; вақтинчалик титулли биноларнинг барпо этилиши бўйича ва ҳоказо) (ЎзР Молия вазирлиги томонидан рухсат қилинади) | 89 | 02/1 |
| 12 | Объектларнинг корхона ичида кўчирилишида, ижарага олинган мулкнинг ижарачи мулкига ўтишида ва ҳоказо объектлар бўйича эскириш суммасининг ўтказилиши | 02/2 | 02/1 |
| 13 | Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг ижарага берувчига қайтарилишида (шартнома тугагунигача) эскириш суммасининг акс эттирилиши - ижарага олувчидаги ёзув | 02/2 | 03 |
| 14 | Ўз объектлари бўйича уларнинг сотилишида, ҳисобдан чиқарилишида, текинга берилишида, камомад бўлганида, бузилганида, ижарага берилганида ва шу кабиларда эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши | 02/1 | 47 |
| 15 | Асосий воситалар объектларининг ортиқча ҳисобланган эскириши аниқланди (амортизация ажратмалари таннархга ортиқча киритилган) | 02/1,2 | 80 |

# 03-"УЗОҚ МУДДАТГА ИЖАРАГА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР" ҲИСОББАРАҒИ

03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағи корхона томонидан узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ ижарага олувчи корхоналар томонидан фойдаланилади.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларга ижара шартномасига (ёки ижарачи ва ижарага олувчининг қўшимча битимига) кўра ижаранинг муддати тугаши билан ёки ижарага олувчи ижара муддати тугагунигача шартномада келишилган сотиб олиш нархининг ҳаммасини тўлаган тақдирда объектларнинг ижарага олувчининг мулкига ўтиши (сотиб олиниши) назарда тутиладиган объектлар киради.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағида ижарачи ва ижарага берувчи келишган нархда ҳисобга олинади. Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситаларнинг эскириши 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Корхонага узоқ муддатли ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағининг дебети ва 97-"Ижара мажбуриятлари" ҳисобварағининг кредити бўйича кирим қилинади.

Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланиши лозим бўлган тўловларнинг тўланиши 97-"Ижара мажбуриятлари" ҳисобварағининг дебети бўйича ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзув орқали акс эттирилади. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси 97-"Ижара мажбуриятлари" ҳисобварағининг кредити бўйича 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ўтказилади.

Ижарага олинган асосий воситалар объектининг ижара шартномасига (ёки ижарачи ва ижарага олувчининг қўшимча битимига) кўра ижарага олувчининг мулкига ўтишида ҳисобда 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебети ва 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Шу билан бир вақтда ушбу объект бўйича 02-"Асосий воситаларнинг эскири-

ши" ҳисобварағида ҳисобланадиган эскириш суммаси 02-2-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" илова ҳисобварағидан 02-1-"Ўз асосий воситаларининг эскириши" илова ҳисобварағида ўтказилади.

Агар ижара шартномасининг муддати тугаши билан асосий воситалар объекти ижарага берувчига қайтарилса, унда ҳисобда 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади. Агар ижарага олинган асосий воситалар объекти ижара шартномасининг муддати тугагунига қадар ижарага берувчига қайтарилса, унда ҳисобда 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағининг кредити ва 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" (ҳисобланган эскириш суммасига) ва 97-"Ижара мажбуриятлари" ҳисобварақлари (объектдан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланмаган тўловлар суммасига) дебети бўйича ёзувлар амалга оширилади.

03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб асосий воситаларнинг турлари ва айрим инвентарь объектлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Узоқ муддатга ижарага олинган ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар объектлари эвазига омонат ҳисобига қийматнинг ошиши (қайта баҳолашда) | 03 | 85 |
| 2 | Яна шунинг ўзи, фақат омонат ҳисобига ноишлаб чиқариш мақсадидаги объектлар бўйича | 03 | 85 |
| 3 | Корхонага (ижарачига) келишилган баҳо бўйича узоқ муддатли (молиявий) ижара шартлари асосида асосий воситалар объектларининг келиб тушиши | 03 | 97 |
| 4 | Ижарага олинган объектнинг ижарачи мулкига ўтиши | 01 | 03 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | **Объектларнинг ижара шартномасининг муддати тугагунга қадар ижарага берувчига қайтарилиши - ҳисобланган эскириш суммасига** | 02/2 | 03 |
| 6 | **Объектларнинг ижара шартномасининг муддати тугагунга қадар ижарага берувчига қайтарилиши - объектдан фойдаланганлик учун тўланмай қолган тўловлар суммасига** | 97 | 03 |

## 04-"НОМОДДИЙ АКТИВЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

04-"Номоддий активлар" ҳисобварағи корхона мулкчилик ҳуқуқлари асосида эгалик қиладиган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Корхонанинг номоддий активлари таркибида ердан, сувдан, бошқа табиий бойликлардан, саноат ва интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, рухсатномалар, савдо маркалари ва савдо белгилари, ЭҲМ учун дастурий маҳсулотлар ва бошқа шунга ўхшаган ҳуқуқлар акс эттирилади. Объектларни номоддий активларга киритиш тартиби ва уларнинг таркиби қонунчилик ва бошқа норматив актлар орқали тартибга солинади.

Номоддий активлар 04-"Номоддий активлар" ҳисобварағида дастлабки бошланғич баҳосида ҳисобга олинади, бундай баҳо қуйидаги объектлар учун қуйидагича тартибда белгиланади:

муассислар корхонанинг устав сармоясига омонатлари ҳисобига киритган активлар - томонларнинг келишувига биноан;

бошқа корхона ва шахслардан ҳақ эвазига харид қилинган активлар - ушбу объектларни харид қилиш ва уларни тайёр ҳолатга етказгунгача кетган амалдаги харажатлардан келиб чиқиб;

бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган активлар - эксперт йўли билан.

Номоддий активларнинг амортизацияси 05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағида ҳисобга олинади; ҳисобланадиган амортизация ажратмалари суммалари бевосита 04-"Номоддий активлар" ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқ-

ариладиган (05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағидан фойдаланмасдан) объектлар бундан мустаснодир.

Муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига омонатлари эвазига киритган номоддий активларнинг кирим қилиниши 04-"Номоддий активлар" ҳисобварағининг дебети ва 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Бошқа корхона ва шахслардан ҳақ эвазига харид қилинган номоддий активлар объектлари "Номоддий активлар" ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварағининг кредити бўйича кирим қилинади.

Бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган, шунингдек ҳукумат органининг субсидияси сифатида олинган номоддий активларнинг кирим қилиниши 04-"Номоддий активлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи (давлат корхоналари учун - 85 - ҳисобварағи) билан боғлиқликда акс эттирилади.

Номоддий активларнинг чиқиб кетишида (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо) уларнинг дастлабки бошланғич қиймати 04-"Номоддий активлар" ҳисобварағидан 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активларнинг четга (юридик ва жисмоний шахсларга) сотилишидан тушган тушум 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисоб-китобларни ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

04-"Номоддий активлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб номоддий активларнинг турлари ва айрим объектлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **04-"Номоддий активлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Номоддий активларнинг бошқа корхоналар ва шахслардан кассадан, банкдаги ҳисоб-китоб, валюта ёки махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўлаб харид қилиниши ва кирим қилиниши | 04 | 50, 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига омонатлари эвазига ёки акцияларга (шу жумладан ер участкаларидан, табиий бойликлардан, бино ва шу кабилардан фойдаланиш учун ҳуқуқларга) обунани тўлаш ҳисобига киритган номоддий активларнинг кирим қилиниши | 04 | 75 |
| 3 | Номоддий активларнинг турли корхоналар ва шахслардан харид қилиниши ва кирим қилиниш (ҳақ тўлангунгача) | 04 | 76 |
| 4 | Номоддий активларнинг текинга ёки ҳукумат органининг субсидияси сифатида олиниши | 04 | 80, 85 |
| 5 | Номоддий активлар объектларининг харид қилинган қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш ҳисобига берилиши (муддати - бир йилдан ортиқ) | 48 (06 | 04 48) |
| 6 | Номоддий активларнинг чиқиб кетиши (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо), дастлабки бошланғич қиймати бўйича | 48 | 04 |
| 7 | Қимматли қоғозлар сотувчига номоддий активлар объектларини бериш йўли билан ҳақ тўлаб сотиб олинган (муддати - бир йилгача) | 48 (58 | 04 48) |
| 8 | Кимошди савдосида (кўрикда) корхона қийматининг бошланғич баҳога нисбатан ошиши акс эттирилади (мол-мулкнинг харид ва баҳоланган нархи ўртасидаги фарқ) | 04 | 85 |
| 9 | Кўрсатилган фарқнинг секин-аста ҳисобдан чиқарилиши (ҳар йили тенг ҳиссаларда) | 26 | 04,05 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Сотиб олинган хусусийлаштирилган корхона таркибидаги номоддий активларнинг қиймати ҳисобга қабул қилинади (эскиришсиз) | 04 | 85 |
| 11 | Номоддий активларнинг мавоза (алмашиш) тартибида келиб тушиши | 04 | 60,76 |
| 12 | Мавоза (алмашиш) тартибида берилган номоддий активлар қиймати ҳисобдан чиқарилади | 48 | 04 |

## 05-"НОМОДДИЙ АКТИВЛАРНИНГ АМОРТИЗАЦИЯСИ" ҲИСОБВАРАҒИ

05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағи корхона мулкчилик ҳуқуқлари асосида эгалик қиладиган ва қийматнинг узилиши амалга ошириладиган номоддий активлар объектлари бўйича тўпланган амортизация ажратмалари тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Номоддий активлар бўйича эскириш миқдори ҳар йили бундай активларнинг дастлабки бошланғич қийматидан ва уларни фойдали тарзда қўлланиш муддатидан (бироқ корхона фаолиятининг муддатидан ортиқ бўлмаган муддатдан) келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилинган нормалар бўйича ҳисобланади. Фойдали тарзда қўлланиш муддатини аниқлаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормалари беш йилгача муддатни (бироқ корхона фаолиятининг муддатидан ортиқ бўлмаган муддатни) назарда тутиб белгиланади.

Номоддий активларнинг эскиришига ҳисобланган эскириш суммаси ишлаб чиқариш харажатларини (муомала харажатларини) ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебетига ва 05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағининг кредитига ёзиб қўйилади. Номоддий активлар айрим объектларининг эскиришини ҳисоблаш улардан фойдали тарзда қўлланиш муддати давомида амалга оширилади.

Номоддий активларнинг чиқиб кетишида (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо) улар бўйича

ҳисобланган эскириш суммаси 05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағидан 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб номоддий активларнинг турлари ва айрим объектлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **05-"Номоддий активларнинг амортизацияси" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Корхона номоддий активларининг амортизацияси акс эттирилади | 04 | 05 |
| 2 | Капитал қурилишда фойдаланиладиган номоддий активлар объектларининг амортизациясини ҳисоблаш | 08 | 05 |
| 3 | Асосий ишлаб чиқаришда ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик мақсадларида, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда фойдаланиладиган номоддий активлар объектлари бўйича амортизациянинг ҳисобланиши | 20. 23, 25, 26, 29 | 05 |
| 4 | Хусусийлаштирилган корхона мол-мулкининг баҳолаш қийматидан (номоддий активлар таркибида ҳисобга олинган) нархнинг ошиши, ҳар ойда ҳиссалар билан узилади. | 26 | 05 |
| 5 | Номоддий активлар объектлари бўйича келгуси ҳисобот даврларига тегишли амортизациянинг ҳисобланиши (кончилик-тайёргарлик ишлари, ерларнинг рекультивациясига доир харажатлар таркибида) | 31 | 05 |
| 6 | Номоддий активлар объектлари бўйича маҳсулотни сотиш жараёнларига хизмат кўрсатадиган объектлар бўйича амортизациянинг ҳисобланиши | 26 | 05 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 7 | Савдо фаолиятида қўлланиладиган номоддий активлар объектлари бўйича амортизациянинг ҳисобланиши | 26 | 05 |
| 8 | Алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларнинг номоддий активлар объектлари бўйича амортизациянинг ҳисобланиши | 79 | 05 |
| 9 | Номоддий активлар объектларининг чиқиб кетиши (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо)да амортизация суммасининг ҳисобдан чиқарилиши | 05 | 48 |
| 10 | Номоддий активларнинг нотўғри (ортиқча) ҳисобланган амортизациясининг тўғриланиши (етарли ҳисобланмаганида - тескари ёзув) | 05 | 80 |

## 06-"УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒ САРФЛАШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ~~ҳисобварағи~~ бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари, давлатнинг фоизли облигациялари ва маҳаллий заёмларга, республика ҳудудида барпо этилган бошқа корхоналарнинг устав сармояларига, хориждаги корхоналарнинг сармоясига ва шу кабиларга узоқ муддатли маблағ сарфлашлар (инвестициялар)нинг, шунингдек корхонанинг бошқа корхоналарга берган қарзлари мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бунда фоизли облигациялар ва шу каби қоғозларга маблағ сарфлашлар, шунингдек корхонанинг бошқа корхоналарга берган қарзлари (агар уларни узиш муддати бир йилдан ортиқ қилиб белгиланган бўлса) 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Узиш (сотиб олиш) муддати белгиланмаган қимматли қоғозлар (масалан, акциялар)га маблағ сарфлашлар (агар бундай маблағ сарфлашлар бўйича бир йилдан ортиқ муддатда даромадлар олиш мўлжалланган бўлса) 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сар-

флашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

06-1-"Пайлар ва акциялар";

06-2-"Облигациялар";

06-3-"Берилган қарзлар" ва бошқалар.

06-1-"Пайлар ва акциялар" илова ҳисобварағида акциядорлик жамиятлари акциялари, республика ҳудудида барпо этилган бошқа корхоналарнинг (шу жумладан, шўъба корхоналарнинг) устав сармояларига, хориждаги корхоналарнинг (шу жумладан, шўъба корхоналарнинг) сармояларига ва шу кабиларга узоқ муддатли маблағ сарфлашлар (инвестициялар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

06-1-"Пайлар ва акциялар" илова ҳисобварағида давлатнинг фоизли облигациялари ва маҳаллий заёмларга, шунингдек шунга ўхшаган бошқа қимматли қоғозларга узоқ муддатли маблағ сарфлашлар (инвестициялар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Акциялар, облигациялар ва шу каби қимматли қоғозлар 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига харид нархи бўйича кирим қилинади.

Корхона амалга оширган узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети бўйича ва ана шу маблағ сарфлашлар ҳисобига берилган бойликлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақларнинг кредити бўйича акс эттирилади. Масалан, корхонанинг бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларини харид қилиши 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети бўйича ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисобварағи" ҳисобварақлари ёки моддий ва бошқа бойликларни ҳисобга оладиган (агар қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш моддий ва бошқа бойликларни (пул маблағларидан ташқари) сотувчи корхонага мулк қилиб бериш ёхуд фойдаланиши учун бериш йўли билан амалга ошириладиган бўлса) бошқа ҳисобварақларнинг кредити бўйича ўтказилади.

Корхона ўтказган, лекин ҳисобот даврида уларга корхонанинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (акциялар, облигациялар, бошқа корхоналарга амалга оширилган омонатлар суммалари ҳақидаги гувоҳномалар ва бошқалар) олинмаган узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашларнинг маблағлари 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида алоҳида тарзда акс эттирилади.

Агар корхона харид қилган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаган қимматли қоғозларнинг харид нархи уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, унда уларга тегишли даромадни ҳар гал ҳисоблашда харид нархи билан номинал қиймат ўртасидаги фарқнинг бир қисми ҳисобдан чиқариб турилади. Бунда 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича (қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган даромад суммасига) ва 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи (харид нархи билан номинал қиймат ўртасидаги фарқнинг бир қисмига) ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" (76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобвароқларига ёзилган суммалар ўртасидаги фарққа) ҳисобвароқларнинг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар корхона харид қилган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаган қимматли қоғозларнинг харид нархи уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, унда уларга тегишли даромадни ҳар гал ҳисоблашда харид нархи билан номинал қиймат ўртасидаги фарқнинг бир қисми қўшимча ҳисоблаб турилади. Бунда 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи (қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган даромад суммасига) ва 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобвароқларнинг (харид нархи билан номинал қиймат ўртасидаги фарқнинг бир қисмига) дебети бўйича ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" (76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ва 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобвароқларига ёзилган умумий суммага) ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Юқорида кўрсатилган ҳар иккала ҳолатда:

корхонанинг қимматли қоғозлар бўйича олиши лозим бўлган ҳар бир даромадни ҳисоблашда ҳисобдан чиқариладиган (қўшимча ҳисобланадиган) харид нархи билан номинал қиймат ўртасидаги фарқнинг бир қисми фарқнинг умумий суммасидан ва қимматли қоғозлар бўйича даромадларни тўлаш бўйича белгиланган даврийликдан келиб чиқиб белгиланади;

қимматли қоғозларнинг баҳоси тўланиши (сотиб олиниши) пайтига келиб улар 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган баҳо номинал қийматга мувофиқ келиши керак.

06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобва-

рағида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг баҳоси тўланиши (сотиб олиниши) ва сотилиши 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебети ва 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

06-3-"Берилган қарзлар" илова ҳисобварағида корхонанинг бошқа корхоналарга берган узоқ муддатли пулли ва бошқа қарзлари ҳисобга олинади. Корхонанинг бошқа корхоналарга берган, векселлар билан таъминланган узоқ муддатли қарзлари ушбу илова ҳисобварағида алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобвараги дебети бўйича 51-"Ҳисоб-китоб вараги" ҳисобвараги ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади. Қарзнинг қайтарилиши 51-"Ҳисоб-китоб вараги" ҳисобвараги ёки бошқа тегишли ҳисобварақларнинг дебети ва 06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашларнинг турлари ва ушбу маблағ сарфлашлар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи корхоналар, корхона иштирокчиси бўлган бошқа корхоналар, қарз олувчи корхоналар ва ҳоказо) бўйича юритилади. Бунда тафсилий ҳисобнинг тузилиши республика ҳудудидаги ва хориждаги объектларга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **06-"Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар ҳисобвараги** | | |
| 1 | Қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар, пайлар ва шу кабиларнинг) моддий ва бошқа бойликларнинг бундай қоғозларни сотувчи корхонанинг фойдаланиши учун мулк қилиб берилиши йўли билан харид қилиниши | 06 (46, 47, 48) | 46, 47, 48 Мол-мулк ҳисобвараги |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Монтаж қилиш талаб этиладиган ускуналар бошқа корхонанинг ташкил этилишида ўз улуши билан қатнашиш ҳисобига берилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 06<br>47 | 47<br>07 |
| 3 | Қимматли қоғозлар харид қилинган; уларнинг қиймати уларни сотувчи корхонага ярим тайёр маҳсулотлар, ишлаб чиқариш хизматлари ва шу кабиларни бериш йўли билан узилган | 06<br>46 | 46<br>20, 23, 29, 3 |
| 4 | Бошқа корхоналардан турли қимматли қоғозлар текинга олинган (узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар бўйича) | 06 | 80 |
| 5 | Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари харид қилинган; бошқа корхоналарга узоқ муддатли пуллик қарзлар (шу жумладан, векселлар ҳисобига) берилган; қоғозларни харид қилишдаги харажатларга ҳақ тўланган; харидор сотиб олишдаги фарқни баҳолаш нархидан паст баҳода акс эттиради. | 06 | 50, 51, 52, 76, 80 |
| 6 | Сотиб олинган хусусийлаштирилган корхона учун кредиторлик қарзи (бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан) | 06 | 76 |
| 7 | Ким ошди савдоси (кўрик) муваффақиятли тугаганидан сўнг гаров суммаси ҳисобга олинади | 06 | 76 |
| 8 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар улар муддатининг узайгани (бир йилдан ортиққа) сабабли узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар қаторига ўтказилган. | 06 | 58 |
| 9 | Муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига омонатлари ҳисобига киритган узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар суммалари (олинган қимматли қоғозларнинг қиймати) акс эттирилган. | 06 | 75 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Қимматли қоғозларнинг акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига келиб тушиши (янгидан ташкил этилаётган акциядорлик жамиятининг устав сармоясини шакллантиришда) | 06 | 75 |
| 11 | Корхона унга қимматли қоғозлар учун тегишли ҳуқуқларнинг ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномани олди | 06 | 76 |
| 12 | Қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қиймати ўртасидаги (харид қиймати паст) фарқ акс эттирилган (қўшимча ҳисобланган) | | 80 |
| 13 | Йил давомида узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашларга оид хорижий валютадаги операциялар бўйича курсдаги фарқлар:<br>а) бир жойга туплашда<br>ижобий<br>салбий<br>б) молиявий натижаларга бевосита ҳисобдан чиқаришда<br>ижобий<br>салбий | <br><br><br><br><br>06<br>80<br><br><br>06<br>80 | <br><br><br><br><br>80<br>06<br><br><br>80<br>06 |
| 14 | Акцияларнинг гаровга берилиши (илова ҳисобварақлари бўйича) | 06 | 06 |
| 15 | Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар сифатида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг узилиши (сотиб олиниши) ва сотилиши | 48 | 06 |
| 16 | Қарз олувчи корхоналарнинг узоқ муддатли қарзларни қайтариши; қарздорнинг узоқ муддатли векселга ҳақ тўлаши (кредит учун фоизлар билан бирга) | 51, 52 | 06 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 17 | Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашларнинг улар муддатининг қисқаргани (бир йилдан ортиқдан бир йилдан камга) сабабли қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар қаторига ўтказилган | 58 | 06 |
| 18 | Йил охирида қимматли қоғозларнинг харид ва бозор қийматн ўртасидаги (харид қиймати юқори) фарқ акс эттирилган | 80 | 06 |
| 19 | Пуллик ссуда бўйича вексель билан таъминланган қарзнинг даъво муддати ўтказиб юборилгани учун зарарга ёзиб қўйилиши | 80 | 06 |
| 20 | Қимматли қоғозларнинг камомади | 84 | 06 |

## 07-"ЎРНАТИЛАДИГАН УСКУНАЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағи қурилаётган (реконструкция қилинаётган) маблағ сарфлаш объектларида ўрнатиш учун мўлжалланган ва монтаж қилишни талаб этадиган технологик, энергетика ва ишлаб чиқариш ускуналарининг (шу жумладан, устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар учун) мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ қурувчи корхоналар томонидан фойдаланилади.

Монтаж қилиш талаб этиладиган ускуналарга фақат унинг қисмларини йиғиб, пойдеворга ёки тиргакларга, полга, қаватлар орасидаги тўсинга ва бино ҳамда иншоотларнинг бошқа ускунали конструкцияларига мустаҳкамлангандан сўнг ишга туширила диган ускуналар, шунингдек бундай ускуналарнинг эҳтиёт қисмларининг мажмуалари киради. Бундай ускуналар таркибига, шунингдек, назорат-ўлчов аппаратураси ёки ўрнатиладиган ускуналар таркибида монтаж қилиш учун мўлжалланган бошқа асбоблар ҳам киритилади.

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағида монтаж қили-

шни талаб этмайдиган ускуналар: транспорт воситалари, ўзи бемалол турадиган дастгоҳлар, қурилиш механизмлари, қишлоқ хўжалик машиналари, ишлаб чиқариш асбоблари, ўлчов ва бошқа асбоблар, ишлаб чиқариш инвентари ва бошқалар ҳисобга олинмайди. Монтаж қилишни талаб этмайдиган ускуналарни сотиб олиш харажатлари уларнинг омборга ёки бошқа сақлаш жойига келиб тушишига қараб бевосита 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида акс эттирилади.

Ускуналар 07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағида харид қилиш (тайёрлаш)даги нархлар бўйича қийматидан ва *ушбу бойликларни тайёрлаш ва корхона омборига олиб келиш харажатларидан ҳосил бўладиган харид қилиш (тайёрлаш)даги* амалдаги таннархи бўйича ҳисобга олинади.

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

07-1-"Мамлакатда ишлаб чиқарилган қурилмага ускуналар";

07-2-"Хорижда ишлаб чиқарилган қурилмага ускуналар".

Муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига ўз омонатлари ҳисобига киритган ускуналарнинг кирим қилиниши 07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағининг дебети ва 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварақининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ускуналарнинг бошқа корхоналар ва шахслардан ҳақ эвазига харид қилиниши 07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағининг дебети бўйича 80-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи ёки бошқалар билан боғлиқликда акс эттирилади.

Монтаж қилиш учун ускуна қиймати 07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағидан 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Бунда қурувчи томонидан қурилиш майдончасига олиб келинган монтажни талаб қиладиган ускунани пудратчи 055-"Монтаж учун қабул қилинган ускуна" ҳисобварағи бўйича балансдан ташқари ҳисобга қабул қилинади. Монтажга топширилган ушбу ускуна ёки унинг қисмларининг қийматини пудратчи 005-"Монтаж учун қабул қилинган ускуна" ҳисобварағи бўйича балансдан ташқари ҳисобдан чиқаради. Пудратчига берилган, доимий фойдаланиш жойида монтаж ва ўрнатилиши амалда бошланмаган ускуна қиймати қурувчида ҳисобдан чиқарилмайди.

07-"Ўрнатиладиган ускуналар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ускуналарни сақлаш жойлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 07-«ЎРНАТИЛАДИГАН УСКУНАЛАР» ҲИСОБВАРАҒИ | | | |
| 1 | Монтажни талаб этадиган ускуналарнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган (фарқ суммасига) | 07<br>14 | 14<br>80 |
| 2 | Келиб тушган монтажни талаб этадиган ускуналар кирим қилинган (15-ҳисобварақдан фойдаланишда) | 07 | 15 |
| 3 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш кўрсатган турли хизматлар (эҳтиёт қисмлар, штампларнинг тайёрланиши, транспорт ва шу каби хизматлар) монтажни талаб этадиган ускуналар қийматига киритилган | 07 | 23 |
| 4 | Номоддий активлар (ускунани харид қилишда фойдаланиладиган активлар) амортизация келиб тушган монтажни талаб этадиган ускуналар қийматига киритилган | 07 | 05 |
| 5 | Кирим қилинган ускуналар ёки уларни харид қилиш ва олиб келиш харажатларига банклардаги махсус ҳисобварақлардан (чеклар ва шу кабилар билан) ёки нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 07 | 50,<br>55 |
| 6 | Бошқа корхоналардан ҳақ эвазига харид қилинган ускуналар (шу жумладан, транспорт ва бошқа хизматлар) акцептланган; навбатдаги ой бошида - сторно (келиб тушмаганлари) | 07 | 60 |
| 7 | Илгари қўйилган эътирозлар бўйича ундирилмай қолиши мумкин бўлган суммалар қурилмага ускуналар қийматига ёзиб қўйилди | 07 | 63 |
| 8 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида харид қилинган ускуна акс эттирилади | 07 | 85 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Ускуналарни харид қилиш ва сақлаш пайтида ҳисобланган иш ҳақи бўйича ижтимоий сугурта ва таъминот органларига ажратмалар амалга оширилди | 07 | 69 |
| 10 | Монтаж қилишни талаб этадиган ускунани олиб келиш ва сақлаш билан боғлиқ ишлар учун иш ҳақи ҳисобланган | 07 | 70 |
| 11 | Ҳисобдор шахслар монтаж қилишни талаб этадиган ускунани харид қилиш, олиб келиш ва сақлаш билан боғлиқ турли харажатларга ҳақ тўлаган | 07 | 71 |
| 12 | Транспорт ташкилотлари ускунани олиб келиш бўйича амалга оширган ишларга чеклар билан ҳақ тўланган харажатлар ёзиб қўйилган; ускунани харид қилиш | 07 | 76 |
| 13 | Монтаж қилишни талаб этадиган ускуна акцияларга обуна ҳақ тўлаш ҳисобига келиб тушди | 07 | 75 |
| 14 | Монтаж қилишни талаб этадиган ускуна шўъба корхоналардан келиб тушди | 07 | 78 |
| 15 | Монтаж қилишни талаб этадиган ускуна шохобчалар, ваколатхоналар ёки корхонанинг алоҳида балансга чиқарилган бошқа бўлинмаларидан олинди | 07 | 79 |
| 16 | Ускуналарни рўйхатдан ўтказишда аниқланган ускуналар қийматининг қурувчининг харажатларига ёзилган камомадларга нисбатан ортиқ суммалари акс эттирилди; ёки рўйхатдан ўтказишда аниқланган ускуналарнинг ортиқча миқдорлари | 07 | 80 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 17 | Ускуналарни (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги) қайта баҳолаш натижасида қўшимча баҳолаш | 07 | 85/3 |
| 18 | Хорижий фирмаларга хорижий валютада берилган дебиторлик қарзи, бўнаклар бўйича курс тафовутларининг ускуналарга тегишли салбий сальдо ҳисобидан чиқарилади | 07 | 80 |
| 19 | Корхонанинг банклардан олинган ўртача муддатли ва узоқ муддатли кредитлари ҳисобига харид қилинган ва банкларнинг ўзи ҳақини тўлаган ускуналар кирим қилинган | 07 | 90,<br>92 |
| 20 | Яна шунинг ўзи, фақат бошқа корхоналарнинг қарз маблағлари ҳисобига | 07 | 94, 95 |
| 21 | Ускунани бошқа корхонага мулк қилиб бериш йўли билан қимматли қоғозлар сотиб олинган (узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар амалга оширилган) | 06<br>(47 | 47<br>07) |
| 22 | Монтажга топширилган ускунанинг қиймати ҳисобидан чиқарилади | 08 | 07 |
| 23 | Монтажни талаб қиладиган ускунанинг нархи камайтирилган | 14<br>26 | 07<br>14 |
| 24 | Монтаж талаб қиладиган ускуна нокапитал ишларни амалга ошириш учун бериб юборилган | 30 | 07 |
| 25 | Илгари ўрнатиш учун мўлжалланган ускуна сотиб юборилган | 48 | 07 |
| 26 | Монтаж талаб қиладиган ускунани бошқа корхонага мулк қилиб бериш сифатида қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар амалга оширилди (қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 48<br>(58 | 07<br>48) |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 27 | Ускунанинг суммаси кирим қилгандан сўнг аниқланган ускуна бўйича уларни етказиб берувчиларга ёки транспорт ташкилотларига эътирозлар тақдим этилган (нархларнинг ошиб юборилиши, арифметик хатолар ва ҳ.қ.) | 63 | 07 |
| 28 | Ускуналар корхонанинг шохобчалари, ваколатхоналарига ёки унинг алоҳида балансга ўтказилган бошқа алоҳида бўлинмаларига берилган | 79 | 07 |
| 29 | Ишларни пудрат усули асосида амалга оширадиган қурувчиларда рўйхатга олишда, шунингдек табиий офатлар ва шу кабиларда аниқланган ускуналар камомади акс эттирилган | 80 | 07 |

## 08-"КАПИТАЛ МАБЛАҒ САРФЛАШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи корхоналарнинг қурилиш-монтаж ишлари, ускуналарни, асбобларни, инвентарни харид қилиш, бошқа капитал ишлар ва чиқимлар учун сарфланган харажатлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Шунингдек корхоналарнинг республика ҳудудидаги ва ундан ташқаридаги молиявий маблағ сарфлашлари (бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва устав сармояларига, облигацияларга инвестициялар, берилган қарзлар) ҳам капитал маблағ сарфлашлар таркибида акс эттирилади.

Капитал маблағ сарфлашлар балансда амалдаги харажатлар бўйича акс эттирилади.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

08-1-"Асосий воситалар объектларининг қурилиши"

08-2-"Асосий воситалар айрим объектларининг харид қилиниши"

08-3-"Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар"

08-4-"Ёш қорамолларнинг асосий подага ўтказилиши"

08-5-"Катта ҳайвонларнинг харид қилиниши"

08-6-"Текинга олинган ҳайвонларнинг олиб келиниши"

08-7-"Молиявий маблағ сарфлашлар"

08-1-"Асосий воситалар объектларининг қурилиши" илова ҳисобварағида бинолар ва иншоотларни тиклаш, ускуналарни монтаж қилиш харажатлари, монтаж қилишга берилган ускуналарнинг қиймати ва капитал қурилиш учун сметалар, смета-молиявий ҳисоб-китоблар ва титул рўйхатларида назарда тутилган бошқа харажатлар ҳисобга олинади (бундай қурилишнинг пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширилишидан қатъи назар).

08-2-"Асосий воситалар айрим объектларининг харид қилиниши" илова ҳисобварағида ускуналар, машиналар, асбоблар, инвентарь ва асосий воситаларнинг монтажни талаб қилмайдиган бошқа объектларини харид қилиш бўйича харажатлар ҳисобга олинади.

08-3-"Асосий воситаларнинг қийматини оширмайдиган харажатлар" илова ҳисобварағида белгиланган тартибга кўра асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига киритилмайдиган асосий воситаларнинг қурилиши ва харид қилиниши билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети бўйича қурувчининг белгиланган тартибга кўра асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига киритиладиган харажатлари, шунингдек асосий воситаларнинг қурилиши ва харид қилиниши билан боғлиқ бўлган, лекин белгиланган тартибга кўра асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар ҳисобга олинади.

Фойдаланиш учун қабул қилинган, шунингдек бошқа корхоналар ва шахслардан ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар объектларининг қиймати 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағидан 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебетига ёзиб қўйилади. Асосий воситаларнинг қурилиши ва харид қилиниши билан боғлиқ бўлган, лекин белгиланган тартибга кўра асосий воситалар объектларининг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағидан ёки 96-"Мақсадли маблағ сарфлашлар ва тушумлар" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

08-4-"Ёш қорамолларнинг асосий подага ўтказилиши" илова ҳисобварағида хўжаликда асосий подага ўтказиладиган маҳсулдор ва ишчи ёш қорамолларнинг парвариш қилинишига оид харажатлар ҳисобга олинади.

08-5-"Катта ҳайвонларнинг харид қилиниши" илова ҳисобварағида асосий пода учун харид қилинган катта ва ёш қорамолларнинг қиймати, шу жумладан уларни олиб келишга доир чиқимлар ҳисобга олинади.

08-6-"Текинга олинган ҳайвонларнинг олиб келиниши" илова ҳисобварағида бошқа корхоналардан текинга олинган катта ва ёш қорамолларнинг хўжаликка олиб келинишига оид харажатлар ҳисобга олинади.

08-7-"Молиявий маблағ сарфлашлар" илова ҳисобварағида корхонанинг бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва устав сармояларига инвестициялари, берилган қарзлар ва шу кабилар ҳисобга олинади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш қорамоллар амалдаги қиймати бўйича баҳоланади. Асосий подага ўтказиладиган маҳсулдор ва ишчи ёш қорамолларнинг ҳамма турлари йил давомида 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварағидан 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебетига йил бошида баланс бўйича ҳисобга олинган қиймати бўйича йил бошидан то ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилгунига қадар орттирган оғирлиги ёки ўсишининг режадаги таннархи қўшилган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Ёш қорамолларнинг асосий подага ўтказилишида айни вақтда 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағи дебет қилинади ва 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи кредит қилинади. Йил охирида ҳисобот калькуляцияси тузилганидан сўнг йил давомида ўтказилган ёш қорамолларнинг кўрсатилган қиймати билан унинг амалдаги таннархи ўртасидаги фарқ қўшимча ҳисобдан чиқарилади ёки 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварағидан 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига сторно қилинади; айни вақтда қорамолларнинг баҳоси 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағида аниқлаштирилади.

Четдан сотиб олинган катта ҳайвонларнинг қиймати 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети бўйича уларнинг харид қилинишининг амалдаги таннархи бўйича, шу жумладан уларни олиб келишга доир харажатларни ҳам ҳисобга олиб кирим қилинади.

Асосий подани шакллантиришга оид тугалланган операциялар бўйича харажатлар 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағидан 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи бўйича сальдо корхонанинг тугалланмаган қурилишга ва асосий восита-

ларни сотиб олиш учун капитал маблағ сарфлашлари миқдорини, шунингдек асосий подани шакллантиришга доир тугалланмаган харажатлар суммасини акс эттиради.

08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб қуйидагилар бўйича юритилади:

асосий воситаларнинг қурилиши ва сотиб олиниши билан боғлиқ харажатлар бўйича, - асосий воситаларнинг ҳар бир қуриладиган ёки сотиб олинадиган объекти бўйича. Бунда тафсилий ҳисобнинг қурилиши қуйидагиларга қилинадиган харажатлар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим: қурилиш ишлари ва реконструкцияга; бурғилаш ишларига; ускуналар монтажига; монтажни талаб қиладиган ускуналарни харид қилишга; монтажни талаб қилмайдиган ускуналарни, шунингдек капитал маблағ сарфлашлар сметаларида назарда тутилган асбоблар ва инвентарни харид қилишга; лойиҳа-қидирув ишларига; капитал маблағ сарфлашлар бўйича бошқа харажатлар;

асосий подани шакллантириш билан боғлиқ капитал маблағ сарфлашлар бўйича, - ҳайвонларнинг турлари бўйича (йирик қорамоллар, чўчқалар, қўйлар, отлар ва ҳоказо).

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Объектларни қуришда фойдаланиладиган асосий воситаларнинг эскириши, капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатларга ёзиб қўйилган | 08 | 02 |
| 2 | Объектларни қуришда фойдаланиладиган номоддий активларнинг амортизацияси, капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатларга ёзиб қўйилган | 08 | 05 |
| 3 | Монтажни талаб қиладиган ускуналар, монтажга топширилган (монтажни тайёрлаш бошланган пайтдан бошлаб) | 08 | 07 |
| 4 | Сарфланган қурилиш ва бошқа материаллар капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатларга ёзиб қўйилган | 08 | 10 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Ёш қорамолларнинг асосий подага ўтказилиши акс эттирилган | 08 | 11 |
| 6 | Асосий воситалар қурилишида фойдаланиладиган арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмларнинг эскириш суммаси ҳисобланган | 08 | 13 |
| 7 | Тугалланмаган қурилишнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 08 | 85,3 |
| 8 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг капитал маблағ сарфлашларда кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилган | 08 | 23 |
| 9 | Умумий хўжалик харажатларини тақсимлашда унинг тегишли қисми капитал маблағ сарфлашлар харажатларига ёзиб қўйилган | 08 | 26 |
| 10 | Келгуси даврлар харажатларининг тегишли қисми капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатларга ёзиб қўйилган | 08 | 31 |
| 11 | Ўз қурилишининг эҳтиёжлари учун сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар қиймати тушум сифатида акс эттирилган | 08 | 46 |
| 12 | Турли харажатлар (капитал маблағ сарфлашлар бўйича), шу жумладан ҳисоб-китоб-касса хизмати бўйича банк хизматлари учун харажатларга нақд пулсиз йўл билан ҳақ тўланган | 26 (08 | 51, 52 51, 52) |
| 13 | Капитал маблағлар сарфлашларда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар тўланган | 80 | 51 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 14 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг капитал қурилиш учун бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари (шу жумладан, монтажни талаб қилмайдиган ускуналар) учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 08 | 60 |
| 15 | Капитал маблағ сарфлашлар билан боғлиқ суммалар бўйича қондирилмаган эътирозлар ҳисобдан чиқарилган | 08 | 63 |
| 16 | Капитал маблағ сарфлашлар билан боғлиқ мол-мулк суғуртаси бўйича қарз акс эттирилган | 08 | 65 |
| 17 | Турли бюджетдан ташқари фондларга тўловлар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган қарз акс эттирилган | 08 | 67 |
| 18 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида харид қилинган тугалланмаган капитал маблағ сарфлашлар ҳисобида акс эттирилади | 08 | 85 |
| 19 | Автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун (инвентарь қийматига) солиқ | 08 | 67 |
| 20 | Капитал маблағ сарфлашлар билан боғлиқ ва бюджетга киритилиши лозим бўлган суммалар бўйича (мол-мулк солиғи, ер тўлови ва шу кабилар) қарз акс эттирилган | 08 | 68 |
| 21 | Капитал қурилиш билан боғлиқ бўлган ходимларнинг ижтимоий суғуртаси, пенсия хизмати, тиббий суғуртаси бўйича қарз акс эттирилган | 08 | 69 |
| 22 | Капитал маблағ сарфлашларни ўзлаштиришда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича турли суммалар ҳисобланган | 08 | 70 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 23 | Ҳисобдор шахсларнинг капитал маблаг сарфлашлар буйича қилган харажатларига доир қарзи ҳисобдан чиқарилган | 08 | 71 |
| 24 | Муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига омонатлар сифатида киритган асосий воситаларнинг тугалланмаган объектлари (шу жумладан, ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари), шунингдек монтажни талаб қилмайдиган ускуналар қабул қилинган | 08 | 75 |
| 25 | Асосий воситаларни қуриш ва харид қилиш жараёнида (транспорт буйича ва ҳоказо) вужудга келган турли кредиторларга қарзлар; шу жумладан, мавоза асосидаги қарзлар акс эттирилган | 08 | 76, 60 |
| 26 | Шуъба корхоналарнинг капитал маблаг сарфлашлар буйича кўрсатган хизматлари (ўз улуши билан қатнашиш, моддий бойликларни бериш ва ҳоказо) учун қарзлар акс эттирилган | 08 | 78 |
| 27 | Алоҳида балансга чиқарилган ички бўлинмаларнинг капитал маблаг сарфлашлар буйича кўрсатган хизматлари учун қарзлар акс эттирилган | 08 | 79 |
| 28 | Тикланаётган асосий воситалар объектларининг қийматига киритиладиган зарарлар ҳисобдан чиқарилган | 80 | 8 |
| 29 | Капитал маблаг сарфлашларга тегишли бўлган валюта курсидаги фарқларга доир, хорижий валютадаги бўнаклар буйича дебиторлик қарзига доир салбий сальдо чиқарилади | 80 | 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 30 | Агар етишмайдиган ва ишдан чиққан бойликларнинг қийматини айбдор шахслардан ундириб олишдан воз кечилган ёки улар корхона ҳисобига қабул қилинган бўлса, унда бундай бойликларнинг суммалари капитал маблаг сарфлашлар бўйича харажатларга ёзиб қўйилган | 08 | 84 |
| 31 | Монтажни талаб қилмайдиган ускуналар текинга олинган | 08 | 80 |
| 32 | Капитал маблаг сарфлашларнинг (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги) қўшимча баҳоланишини акс эттириш | 08 | 85/3 |
| 33 | ЎзР Молия вазирлиги рухсати билан капитал маблаг сарфлашларга (қурилишга ва ҳоказо) киритиладиган турли харажатлар (таътиллар, хизмат муддати учун рагбатлантириш ҳақлари ва ҳоказо) захира қилиб қўйилган | 08 | 89 |
| 34 | Асосий воситалар объектларининг қурилиши ёки харид қилинишини (фойдаланишга топширилиши) натижасидаги дастлабки қиймати акс эттирилган | 01 | 08 |
| 35 | Тугалланмаган капитал маблаг сарфлашларда бўлган турли моддий бойликларнинг (шу жумладан, монтажни талаб қилмайдиган ускуналарнинг) нархи пасайтирилган | 80, 85/3 | 08 |
| 36 | Қурилиш материалларини етказиб берувчиларга ёки пудратчиларга эътирозлар билдирилган (ҳажмларнинг ошиб кетиши, турлича ортиқча ҳақ тўлашлар) | 63 | 60 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 37 | Асосий воситаларни қуриш ва харид қилиш жараёнида вужудга келган ва объектлар қийматига киритилмайдиган зарарлар ва турли йўқотишлар ҳисобдан чиқарилган | 80 | 08 |
| 38 | Асосий воситаларнинг қурилиши ва харид қилиниши билан боғлиқ бўлган, лекин объектларнинг дастлабки қийматига киритилмайдиган харажатлар корхонанинг маблағлари ҳисобига ҳисобдан чиқарилади | 26 | 08 |
| 39 | Рўйхатдан ўтказишда аниқланган тугалланмаган қурилишдаги камомадлар суммалари акс эттирилган | 84 | 08 |
| 40 | Асосий воситаларнинг қурилиши ва харид қилиниши билан боғлиқ бўлган харажатлар мақсадли маблағлар ва тушумлар (болалар муассасалари бўйича ва ҳоказо) ҳисобига ёзиб қўйилган | 96 | 08 |
| 41 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг капитал қурилиш учун бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари (шу жумладан, монтажни талаб қилмайдиган машиналар, транспорт воситалари, ускуналар) учун ҳисобварақлари тўлов учун қабул қилинган | 08 | 60 |

## 09-"КЕЛИБ ТУШИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ИЖАРАГА ОИД ҚАРЗЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ҳисобварағи ижарачилар билан уларга узоқ муддатли ижара шартлари асосида берилган асосий воситалар учун ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумийлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ ижарага берувчи корхоналар томонидан фойдаланилади.

Узоқ муддатта ижарага олинадиган асосий воситаларга ижара

шартномаси (ёки ижарага берувчи ва ижарачининг қўшимча битими) ижара муддати тугаши билан ёки у тугагунига қадар ижарачи шартномада айтиб ўтилган сотиб олиш баҳосининг ҳаммасини тўлаган тақдирда ижарачининг мулкига ўтиши (сотиб олиниши) назарда тутиладиган объектлар киради.

Асосий воситалар объектлари узоқ муддатга ижарага берилганида ижарага берувчи бундай объектлар қийматини умумий тартибда (47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи орқали) ҳисобдан чиқаради. Бунда ижарага берилган асосий воситалар объектларининг қиймати ижарачи билан ижарага берувчи келишган нархда 09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ҳисобварағининг дебетига ва 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи бўйича кредит сальдоси (ижарага берилган асосий воситалар объектларининг ижарачи билан ижарага берувчи келишган нархдаги қиймати билан ушбу объектларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқ) 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари 09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ўтказилади. Ижарага берилган асосий воситалар объектларининг ижарачи билан ижарага берувчи келишган нархдаги қиймати билан ушбу объектларнинг қолдиқ қиймати ўртасидаги фарқнинг тегишли қисми 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағидан 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Ижара ҳақининг келиб тушиши пул маблағларини ҳисобга олиш ёки ҳисоб-китоблар ҳисобварақларининг дебети ва 09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ижара муддати тугайдиган пайтда ижарачи билан асосий воситаларнинг аниқ объекти юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича 09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ва 83-"Келгуси даврлар даромадлари"ҳисобварақларида қолдиқлар бўлмаслиги лозим.

Агар асосий воситалар объекти ижара муддати тугагунига қадар ижарачининг мулкига ўтадиган бўлса, унда сотиб олиш нархи тўланган ижара ҳақи чиқариб ташлангани ҳолда сотиб олиш пайтидаги ҳолат бўйича юқорида ижара ҳақининг келиб тушишини акс эттириш учун назарда тутилгани каби тартибда акс эттирилади.

09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир ижара шартномаси бўйича юритилади.

## II бўлим
## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАХИРАЛАРИ

Ушбу бўлимдаги ҳисобварақлар корхонага тегишли (шу жумладан, йўлда ва қайта ишлашда бўлган) ишлов бериш, қайта ишлаш ёки ишлаб чиқаришда фойдаланиш ёхуд хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган меҳнат буюмлари, белгиланган тартибга кўра арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар сифатида айланма воситалар таркибига кирадиган меҳнат воситалари, шунингдек уларнинг тайёрланиши (харид қилиниши) ва қайта баҳоланиши билан боғлиқ операцияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган моддий бойликлар балансдан ташқари 002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Корхонага қайта ишлаш учун қабул қилган, лекин ҳақ тўланмайдиган буюртмачининг хом ашё ва материаллари (берилган хом ашё) балансдан ташқари 009-"Қайта ишлаш учун қабул қилинган материаллар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

### 10-"МАТЕРИАЛЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

10-"Материаллар" ҳисобварағи корхонага тегишли хом ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, тара ва шу каби бойликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Материаллар 10-"Материаллар" ҳисобварағида уларни сотиб олишдаги (тайёрлашдаги) амалдаги таннархи ёки ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга олинади.

Материалларнинг сотиб олишдаги (тайёрлашдаги) амалдаги таннархи уларнинг сотиб олиш (тайёрлаш) нархлари бўйича қиймати ва ушбу бойликларни тайёрлаш ва уларни корхонага олиб келишга доир харажатлар йиғиндисидан иборат бўлади. Материалларни тайёрлаш ва уларни корхонага олиб келишга доир харажатлар таркибига киритиладиган харажатлар рўйхати тегишли норматив актлар орқали тартибга солинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларининг 10-"Материаллар" ҳисобварағида акс эттириладиган жорий йилдаги ишлаб чиқарган маҳсулотларини шу йил давомида (йиллик ҳисобот калькуляциясини тузгунга қадар) режадаги таннарх бўйича

ҳисобга оладилар. Йиллик ҳисобот калькуляцияси тузилганидан сўнг материалларнинг режадаги таннархи уларнинг амалдаги таннархигача ўзгартирилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **09-"Келиб тушиши лозим бўлган ижарага оид қарзлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Асосий воситалар объектлари узоқ муддатга ижарага берилган (илгари харид қилинган) | 47 (09 | 01 47) |
| 2 | Амал қилиб турган асосий воситалар объектларининг узоқ муддатли ижарасининг бутун муддатига тушадиган ижара тўловлари суммаси акс эттирилган | 09 | 47 |
| 3 | Узоқ муддатли ижара шартлари асосида ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан келиб тушган ижара ҳақи акс эттирилган | 50, 51, 52 | 09 |
| 4 | Узоқ муддатли ижара муҳлати давомида ижара ҳақининг навбатдаги суммаси бўйича қарз акс эттирилган | 76 | 09 |
| 5 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари акс эттирилган | 09 | 80 |
| 6 | Илгари харид қилинган ижарага топширилган объектларнинг бутун муддати учун ижара тўловлари суммаси акс эттирилган | 09 | 83 |

Материаллар ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга олинганида (харид қилиш (тайёрлаш)нинг режадаги таннархи, ўртача харид нархлари ва ҳоказо) бойликларнинг шу нархлар бўйича қиймати билан уларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг амалдаги таннархи ўртасидаги фарқ 16-"Материаллар қийматидаги тебранишлар" ҳисобварағида акс эттирилади.

10-"Материаллар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

10-1-"Хом ашё ва материаллар";

10-2-"Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва деталлар";

10-3-"Ёқилғи";

10-4-"Тара ва тара материаллари";

10-5-"Эҳтиёт қисмлар";

10-6-"Бошқа материаллар";

10-7-"Четга қайта ишлашга берилган материаллар";

10-8-"Қурилиш материаллари" ва бошқалар.

10-1-"Хом ашё ва материаллар" илова ҳисобварағида қуйидагиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади: ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг негизини ташкил этиб, унинг таркибига кирадиган ёки уни тайёрлашда зарур таркибий қисмлар ҳисобланадиган хом ашё ва материаллар (шу жумладан, қурилиш корхоналаридаги қурилиш хом ашёси ва материаллари); маҳсулотни ишлаб чиқаришда иштирок этадиган ёки хўжалик эҳтиёжлари, техник мақсадлар, ишлаб чиқариш жараёнига ёрдамлашиш учун истеъмол қилинадиган ёрдамчи материаллар; қайта ишлаш учун тайёрланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва ҳоказо.

10-2-"Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва деталлар" илова ҳисобварағида ишлаб чиқариладиган маҳсулотни (қурилишни) бутлаш учун ишлаб чиқариш кооперацияси тартибида сотиб олинадиган, уларга ишлов бериш ёки йиғиш учун харажатлар талаб қилинмайдиган харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр бутловчи буюмлар (шу жумладан, қурилиш корхоналарида - қурилиш конструкциялари ва деталлар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Қиймати маҳсулот таннархига кирмайдиган, бутлаш учун харид қилинган буюмлар 41-"Товарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Муайян илмий-тадқиқотчилик ёки конструкторлик мавзуси бўйича илмий (экспериментал) ишларни ўтказиш учун четдан бутловчи буюмлар сифатидаги ўзларига зарур махсус ускунани, асбобларни, мосламаларни ва бошқа асбобларни сотиб оладиган илмий-тадқиқотчилик ва конструкторлик корхоналари бундай бойликларни 10-2-"Харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва деталлар" илова ҳисобварағида ҳисобга оладилар. Умумий фойдаланишдаги ускуна ва асбоблар 10-"Материаллар" ҳисобварағида ҳисобга олинмайди, балки асосий воситалар ёки арзон баҳоли ва

тез ишдан чиқадиган буюмлар таркибида акс эттирилади.

10-3-"Ёқилғи" илова ҳисобварағида транспорт воситаларидан фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг технологик эҳтиёжлари, энергия ишлаб чиқариш ва биноларни иситиш учун мўлжалланган нефть маҳсулотлари (нефть, дизель ёқилғиси, керосин, бензин ва бошқалар) ва мойлаш материаллари, қаттиқ (кўмир, торф, ёғоч ва ҳоказо) ва газсимон ёқилғининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Нефть маҳсулотлари учун талонлардан фойдаланганда уларнинг ҳисоби 10-3-"Ёқилғи" илова ҳисобварағида юритилади.

10-4-"Тара ва тара материаллари" илова ҳисобварағида тараларнинг ҳамма турлари (хўжалик инвентари сифатида фойдаланиладиганларидан ташқари), шунингдек тарани тайёрлаш ва таъмирлаш учун мўлжалланган материал ва деталлар (кутиларни йиғиш учун деталлар, бочка тахтаси, темир гардиш ва бошқалар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Юкланадиган маҳсулотнинг сақланишини таъминлаш мақсадида вагонлар, баржалар, кемаларни қўшимча жиҳозлаш учун мўлжалланган буюмлар 10-1-"Хом ашё ва материаллар" илова ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Таъминот, сотувчилик ва савдо корхоналари товарлар солинган тарани ва бўш тарани 41-"Товарлар" ҳисобварағида ҳисобга оладилар.

10-5-"Эҳтиёт қисмлар" илова ҳисобварағида асосий фаолият эҳтиёжлари учун сотиб олинган ёки тайёрланган, таъмирлаш ишлари, машиналарнинг эскирган қисмларини, ускуналарни, транспорт воситаларини ва бошқаларни алмаштириш учун мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, шунингдек захирадаги ва айланишдаги автомобиль шиналарининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Корхоналарнинг таъмирлаш бўлинмаларида, техника алмашлаш пунктларида ва таъмирлаш заводларида тайёрланадиган тўлиқ комплектли машиналар, ускуналар, двигателлар, узеллар, агрегатларнинг ҳаракати ҳам шу ерда ҳисобга олинади.

Автомобилнинг инвентарь қийматига кирадиган, автомобилнинг ғилдиракларида ва захирада турадиган автомобиль шиналари (покришка, камера ва тўғин кесмаси) асосий воситалар таркибида ҳисобга олинади.

10-6-"Бошқа материаллар" илова ҳисобварағида ишлаб чиқариш чиқитлари (обрубкалар, кесилган деталлар, қириндилар ва ҳоказо); тузатилмайдиган брак; асосий воситаларнинг

ишдан чиқишидан олинган, материаллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлмаган моддий бойликлар; ушбу корхонадаги ёқилғи ёки эҳтиёт қисмлар (металлолом, утиль хом ашё); эскирган шиналар ҳамда утиль резина ва бошқаларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Қаттиқ ёқилғи сифатида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш чиқитлари ва иккиламчи моддий бойликлар 10-3-"Ёқилғи" илова ҳисобварағида ҳисобга олинади.

10-7-"Четга қайта ишлашга берилган материаллар" илова ҳисобварағида четга қайта ишлашга берилган ва кейинчалик улардан тайёрланадиган буюмларнинг таннархига киритиладиган материалларнинг ҳаракати ҳисобга олинади. Материалларни қайта ишлаш билан боғлиқ четдаги корхонага тўланган харажатлар бевосита қайта ишлашдан олинган буюмлар ҳисобига олинадиган ҳисобварақларнинг дебетига ёзиб қўйилади.

10-8-"Қурилиш материаллари" илова ҳисобварағи қурувчи-корхоналар томонидан фойдаланилади. Унда бевосита қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида, қурилиш деталларини тайёрлаш, бинолар ва иншоотларнинг конструкциялари ва қисмларини тиклаш ва ишлов бериш учун фойдаланиладиган материаллар, қурилиш конструкциялари ва деталлари, шунингдек қурилиш эҳтиёжлари учун зарур бўлган бошқа моддий бойликлар (портловчи моддалар ва ҳоказо)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари 10-"Материаллар" ҳисобварағига: уруғликлар, экиладиган нарсалар ва емларни (сотиб олинган ва ўзлари ишлаб чиқарган); минерал ўғитларни; қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашда ишлатиладиган заҳарли моддаларни; қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг касалликларга қарши курашда ишлатиладиган биопрепаратлар, дорилар ва кимёвий моддаларни ва бошқаларни ҳисобга олиш учун алоҳида илова ҳисобварақларини очиши мумкин.

Корхона қабул қилган ҳисобни ташкил этиш усулига қараб материалларнинг келиб тушиши 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ва 16-"Материалларнинг қийматидаги тебранишлар" ҳисобварақларидан фойдаланиб ёки улардан фойдаланмасдан акс эттирилиши мумкин.

Биринчи ҳолда корхонага келиб тушган маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида у ёки бошқа бойликларнинг қаердан келганлигига ва материалларни тайёр-

лаш ва уларни корхонага олиб келишнинг характерига қараб 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағининг дебети ва 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар", 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ва шу каби ҳисобварақларнинг кредити бўйича ёзиб қўйилади. Бунда 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағининг дебети ва 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзув материалларнинг корхонага қачон - маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари олингунигача ёки ундан кейин келиб тушганлигидан қатъи назар ёзиб қўйилади.

Корхонага амалда келиб тушган материалларнинг кирим қилиниши 10-"Материаллар" ҳисобварағининг дебети ва 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзув орқали акс эттирилади.

Ой охирида 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ва 10-"Материаллар" ҳисобварақлари бўйича ой охирида қолган ёки маҳсулот етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқилмаган (бундай бойликларни омборга кирим қилмасдан) материалларнинг қиймати ҳам акс эттирилади. Навбатдаги ойнинг бошида бундай суммалар сторно қилинади ва жорий ҳисобда 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағининг дебети бўйича ҳисобга қўйилади. 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағида аниқланган қолдиқ ой охирида 16-"Материалларнинг қийматидаги тебранишлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Ой охирида 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ва 10-"Материаллар" ҳисобварақлари бўйича ой охирида йўлда қолган ёки маҳсулот етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқилмаган материалларнинг қиймати учун ёзувларни ёзиб қўймаслик ҳам мумкин. Бунда корхонага амалда келиб тушган материалларнинг ҳисобдаги нархлари бўйича қиймати билан ушбу материалларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг амалдаги таннархи ўртасидаги фарқ 16-"Материалларнинг қийматидаги тебранишлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобвараги бўйича ой охиридаги

қолдиқ йўлда моддий бойликларнинг мавжудлигини кўрсатади.

Иккинчи ҳолатда материалларнинг кирим қилиниши у ёки бошқа бойликларнинг қаердан келганлигига ва материалларни тайёрлаш ва уларни корхонага олиб келишнинг характерига қараб 10-"Материаллар" ҳисобварағининг дебети ва 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар", 20-"Асосий ишлаб чиқариш, 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар", 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ва шу каби ҳисобварақларнинг кредити бўйича ёзиб қўйилади. Бунда маҳсулот етказиб берувчилардан келиб тушадиган материаллар уларнинг корхонага қачон - маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари олингунигача ёки ундан кейин келиб тушганлигидан қатъи назар кирим қилинади.

Ой охирида йўлда қолган ёки маҳсулот етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқилмаган (бундай бойликларни омборга кирим қилмасдан) ҳақи тўланган материалларнинг қиймати 10-"Материаллар" ҳисобварағининг дебети ва 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади. Навбатдаги ойнинг бошида бундай суммалар сторно қилинади ва жорий ҳисобда 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги бўйича дебиторлик қарзи сифатида ҳисобга қўйилади.

Материалларнинг ишлаб чиқаришда ёки бошқа хўжалик мақсадлари учун амалдаги харажати 10-"Материаллар" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқариш (муомала) харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади.

Материалларнинг четга сотилиши 10-"Материаллар" ҳисобварағининг кредити ва 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебети бўйича айни бир пайтда корхонага ушбу материаллар учун харидордан тўланиши лозим бўлган суммаларни 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги билан боғлиқликда) акс эттириш орқали ўтказилади.

10-"Материаллар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб материалларнинг сақланиш жойлари ва уларнинг алоҳида номлари (турлари, навлари, миқдорлари ва ҳоказо) бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

**10-"Материаллар" ҳисобварағи**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Материалларнинг ички ўтказилиши (омбордан омборга; турли илова ҳисобварақлари бўйича; материаллардан ёнилғи сифатида фойдаланиш ва ҳоказо); материалларнинг қайта ишлашдан келиб тушиши акс эттирилган | 10 | 10 |
| 2 | Ишга яроқсиз ҳолга келган арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмларни ҳисобдан чиқаришда қолган материаллар кирим қилинган | 10 | 12 |
| 3 | Материалларнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 10 | 83 ёки 80 |
| 4 | Материаллар амалдаги таннархи ёки ҳисобга олиш нархлари бўйича кирим қилинган (15-ҳисобварақ қўлланилганида) | 10 (15 | 15 60) |
| 5 | Ўзи ишлаб чиқарган моддий бойликлар (масалан, тара), асосий цехларда вужудга келган чиқитлар кирим қилинган; материалларнинг ишлаб чиқаришдан қайтарилиши акс эттирилган | 10 | 20 |
| 6 | Ёрдамчи цехлар материаллар сифатида ҳисобга олинадиган моддий бойликлар (тара, эҳтиёт қисмлар ва ҳоказо)ни ишлаб чиқарган; материаллар, чиқитларнинг қайтарилиши ва ҳоказо | 10 | 23 |
| 7 | Рўйхатдан ўтказишдаги материалларнинг ортиқча миқдорлари, шунингдек илгари ҳисобдан чиқарилган, илгари умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжларига ёки хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг эҳтиёжларига ёзиб қўйилган материалларнинг қайтарилиши акс эттирилган | 10 | 80 25, 26, 29 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 8 | Брак қилинган маҳсулотдан қолган материаллар (фойдаланилиши мумкин бўлган нарх бўйича), шу жумладан, тузатилмайдиган брак кирим қилинган | 10 | 28 |
| 9 | Илгари нокапитал ишларни бажаришга жўнатилган материалларнинг қайтарилиши акс эттирилган; вақтинчалик иншоотларни бузиш ва тугатишдан сўнг қолган материаллар кирим қилинган | 10 | 30 |
| 10 | Келгуси даврлар харажатларига тегишли ишлар (мавсумий тармоқлар, кон-тайёрлаш ишлари ва ҳоказо)ни амалга оширишда қолган (чиқитлар) ёки олинган (қўшимча) материаллар кирим қилинган | 10 | 31 |
| 11 | Ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган тайёр маҳсулот омборга материаллар сифатида кирим қилинади | 10 | 40 |
| 12 | Илгари товарлар сифатида акс эттирилган материаллар кирим қилинган; товарларнинг бузилиши натижасида бундай товарлар материаллар сифатида акс эттирилган; тарани, прокат буюмларни ҳисобдан чиқаришда материаллар кирим қилинган | 10 | 41 |
| 13 | Материаллардан ишлаб чиқаришда фойдаланилганидан сўнг жорий йилда юз берган уларнинг харид қийматидаги бузиб кўрсатишлар аниқланган; маҳсулот етказиб берувчиларга қўшимча тўланган суммалар (хатолар ва ҳоказо) | 10 | 51,52 |
| 14 | Бир пайтнинг ўзида | 20, 23 ва бошқ. | 10 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Материалларни тайёрлаш ва уларни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига етказишга доир харажатлар материаллар таннархига киритилган; илгари чиқимларга ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши акс эттирилган | 10 | 15,16 |
| 16 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши муносабати билан келиб тушадиган материаллар қиймати улардан фойдаланилиши мумкин бўлган ёки сотиш нархида акс эттирилган | 10 | 47 |
| 17 | Харид қилинган материалларга (15-ҳисобварақдан фойдаланмасдан) ёки уларни харид қилишга оид харажатларга кассадан ҳақ тўланган | 10 | 50 |
| 18 | Харид қилинган материалларга, шу жумладан, уларни харид қилишга оид харажатларга банклардаги махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўланган | 10 | 55 |
| 19 | Товар алмашиш операциялари бўйича материаллар келиб тушди | 10 | 60, 76, 62 |
| 20 | Харид қилинган материаллар учун (15-ҳисобварақдан фойдаланмасдан), шунингдек фактура қилинмаган маҳсулот етказиб беришларга доир харажатлар учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари акцепт қилинган; қабул қилишдаги ортиқча миқдорлар; навбатдаги ой бошида яна шундай ёзув, бироқ келиб тушмаганлари бўйича - сторно | 10 | 60, 20, 23, 71, 76 |
| 21 | Илгари тақдим этилган, ундирилмайдиган ва материалларни харид қилишда акс эттирилган эътироз суммаси ҳисобдан чиқарилган | 10 | 63 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 22 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари ҳисобга қабул қилинади | 10 | 85 |
| 23 | Материалларни тайёрлаш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз акс эттирилган | 10 | 19, 68 |
| 24 | Материалларни тайёрлаш бўйича ҳақ тўлаш билан боғлиқ ижтимоий суғурта ва таъминот органларига ажратмалар бўйича қарз акс эттирилган | 10 | 69 |
| 25 | Материалларни тайёрлаш бўйича ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлашга оид харажатлар акс эттирилган | 10 | 70 |
| 26 | Тайёрлашга оид харажатларга ҳисобдор шахслар ҳақ тўлаган; материаллар қиймати тўланган | 10 | 71 |
| 27 | Муассислардан корхонанинг устав сармоясига уларнинг омонатлари ҳисобига келиб тушган турли материаллар кирим қилинган | 10 | 75 |
| 28 | Материалларни тайёрлашда вужудга келган турли кредиторларга ҳар хил қарзлар акс эттирилган; улардан ва турли шахслардан материалларнинг сотиб олиниши; турли корхоналарнинг транспорт хизматлари (чеклар билан ва ҳоказо) | 10 | 76 |
| 29 | Материаллар шуъба корхоналардан келиб тушди | 10 | 78 |
| 30 | Материалларнинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалардан ички кўчиб юриши | 10 | 79 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 31 | Табиий офатларнинг олдини олишда ёки оқибатларини тугатишда олинган турли материаллар кирим қилинган | 10 | 80 |
| 32 | Материалларнинг ҳисобга олиш қийматидан улар таннархининг ўзгаришларини нотўгри белгилашга ёки ишлаб чиқариш харажатларига материалларни ортиқча ҳисобдан чиқарилишига оид тузатишлар | 10 | 80 |
| 33 | Бошқа корхоналар ва шахслардан турли материаллар текинга олинган | 10 | 80 |
| 34 | Банклардан олинган қисқа ёки узоқ муддатли ссудалар билан ҳақ тўланган материаллар кирим қилинган | 10<br>(60 | 60<br>90, 92) |
| 35 | Шунинг ўзи, лекин бошқа корхоналарнинг қарз маблаглари ҳисобига | 10 | 94, 95 |
| 36 | Сотувчи корхонага материалларни бериш йўли билан ҳақ тўланган қимматли қоғозлар (муддати - бир йилдан ортиқ) сотиб олинган | 48<br>(06 | 10<br>48) |
| 37 | Капитал маблаг сарфлашларга ишлатилган материаллар ҳисобдан чиқарилган | 08 | 10 |
| 38 | Материалларнинг турли илова ҳисобварақлари бўйича (омбордан омборга) ички берилиши; материалларнинг ёнилгига ишлатилиши ва ҳоказо; қайта ишлашга берилиши | 10 | 10 |
| 39 | Материалларнинг нархи туширилган | 26, 80 | 10 |
| 40 | Материаллар асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар эҳтиёжлари учун бериб юборилган (ҳисобдан чиқарилган); маҳсулот жойланадиган таранинг қиймати (уларни омборга топширгунгача цехларда) | 20, 23,<br>29 | 10 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 41 | Материаллар умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиётларига бериб юборилган (ҳисобдан чиқарилган) | 25,26 | 10 |
| 42 | Материаллар ишлаб чиқаришдаги бракни тузатишга сарфланган | 28 | 10 |
| 43 | Материаллар нокапитал ишларни амалга оширишш учун сарфланган (титулли ва титулсиз бинолар, иншоотлар, мосламалар ва шу кабиларни тиклаш учун) | 30 | 10 |
| 44 | Материалларнинг кон-тайёрлаш ишлари, ерларнинг рекультивацияси ва шу кабилар билан боғлиқ харажатларни амалга ошириш учун ҳисобдан чиқарилиши | 31 | 10 |
| 45 | Материаллар (шу, жумладан, тара) ушбу корхона ҳисобидан маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ операциялар (вагонларнинг жиҳозланиши, реклама ва ҳоказо)га сарфланган | 26 | 10 |
| 46 | Материаллар савдо хоналарини тутиб туриш, товарларни ташиш ва шу кабилар билан боғлиқ операцияларга сарфланган (ушбу корхона ҳисобидан) | 26 | 10 |
| 47 | Материаллар четга юклаб жўнатилган (45-ҳисобварақ қўлланилганида); материаллар маҳсулотларни сотишда харидорлар ҳисобидан сарфланган; қайтариладиган ва қайтарилмайдиган тара; ҚҚБга, ўз ходимларига, ички бўлинмаларга юбориш (сотиш сифатида) | 45 | 10 |
| 48 | Материаллар сотилган: четга (45-ҳисобварақсиз), шунингдек айрим ички бўлинмаларга (бу операция сотишга киритиладиган ҚҚБга, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ҳамда хўжаликлар ва шу кабиларга); акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига | 48 | 10 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 49 | Мавоза (бартер) бўйича бериб юборилган материалларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилади | 60,76 | 10 |
| 50 | Бошқа корхоналарга қисқа муддатли қарзлар сифатида берилган материаллар ҳисобдан чиқарилган; харид қилинган қимматли қоғозларнинг қиймати қоғозларни сотувчи корхонага турли материалларни бериш йўли билан узилган | 48<br>(58 | 10<br>48) |
| 51 | Олинган бракни тузатишга ишлатилган ва бошқа корхоналарнинг айби билан бекор туришларда сарфланган ҳамда суммаси тақдим этилган эътирозга киритилган материаллар ҳисобидан чиқарилган; нархлардаги номувофиқликлар бўйича, йўлдаги камомадлар учун эътирозлар ва ҳоказо | 63 | 10 |
| 52 | Материаллар шўъба корхоналарга берилган | 78 | 10 |
| 53 | Материалларнинг текинга берилиши (бошқа корхоналарга, мактабларга ва ҳоказо) | 48 | 10 |
| 54 | Материаллар алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга берилган (ўзаро тўхтатиш) | 79 | 10 |
| 55 | Табиий офатларда йўқотилган ёки уларнинг оқибатларини тугатишга, консервация қилинган объектлар ва шу кабиларни тутиб туришга сарфланган материаллар ҳисобдан чиқарилган; тара ва тара бўйича йўқотишлар ҳисобдан чиқарилган | 80/5 | 10 |
| 56 | Аниқланган камомал ёки материалларнинг бузилиши акс эттирилган; суд ёки арбитражнинг ундириш (суммаларни қайта тиклаш)ни рад қилиши | 84 | 10 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 57 | Материаллар бўлгуси харажатлар ва тўловлар захиралари (ЎзР Молия вазирлигининг рухсати билан ташкил этилган) ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларга ҳисобдан чиқарилган | 89 | 10 |
| 58 | Болалар муассасалари ва шу кабиларда материаллар мақсадли маблаг билан таъминлаш ва мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларга ҳисобдан чиқарилган | 96 | 10 |
| 59 | Нуқсонлар аниқланганида (кирим қилинганидан сўнг) материаллар маҳсулот етказиб берувчига қайтарилади | 60 | 10 |

## 11-"БОҚУВДАГИ ВА БЎРДОҚИДАГИ ҲАЙВОНЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобвараги корхонага тегишли ёш ҳайвонлар; бўрдоқидаги ва яйловдаги катта ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар; қуёнлар; асаларилар оилалари; сотиш учун асосий подадан брак қилинган катта қорамоллар (бўрдоқига қўйилмасдан); сотиш учун алоҳида қабул қилинган қорамолларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Кўрсатилган ҳайвонларни боқиш ёки бўрдоқида ушлаш учун кетадиган харажатлар 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ёки 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварагида ҳисобга олинади.

Ҳайвонларнинг бошқа корхоналар ва шахслардан сотиб олиниши 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварагининг дебети ва 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ёки 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" (маҳсулот етказиб берувчидар қайта фактура қилган суммага) ҳисобварақлари ва бошқа тегишли ҳисобварақларнинг кредити бўйича (олиб келиш харажатлари ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар суммасига) акс эттирилади.

Асосий подадан брак қилинган ҳайвонлар 11-"Боқувдаги ва

бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобвараги бўйича 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараги кредитдан ҳисобга қабул қилинади (маҳсулдор қорамоллар дастлабки қиймати бўйича; ишчи қорамол - сотишдан ва брак қилинишидан амалда олинган суммаси миқдорида).

Туғилган бола сифатида олинган ёш ҳайвонлар 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварагининг дебети бўйича ва бола туққан ҳайвонларни тугиб туришга доир харажатлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақнинг кредити бўйича кирим қилинади.

Йирик қорамолларга тегишли ёш ҳайвонлар, бўрдоқи (боқув)даги чўчқа ва ҳайвонлар қўшилган вазнининг қиймати, шунингдек ёш ҳайвонлар (тойлар ва бошқалар)нинг ўсиш қиймати ҳар ойда ушбу ҳайвонларнинг боқилишига доир харажатлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақ кредитидан боқишнинг режадаги таннархи бўйича 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобвараги дебетига ёзиб борилади. Йил охирида шу ҳисобварақлар бўйича йил давомида боқишнинг режадаги таннархи бўйича қабул қилинган ҳайвонларнинг қўшилган вазни ёки ўсиш қийматини боқувнинг амалдаги таннархигача ўзгартирувчи ёзув (сторно қилувчи ёки қўшимча) амалга оширилади.

Асосий подага ўтказиладиган ёш ҳайвонлар 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварагидан 08-"Капитал маблаг сарфлашлар" ҳисобварагининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Ёш ҳайвонларни асосий подага ўтказишда айни вақтда 01-"Асосий воситалар" ҳисобвараги дебет қилинади ва 08-"Капитал маблаг сарфлашлар" ҳисобвараги кредит қилинади.

Қиймати 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварагида ҳисобга олинадиган ҳайвонларнинг четга чиқиб кетиши (шу жумладан, асосий подадан брак қилинган қорамолларнинг тайёрлаш корхоналарига топширилиши) 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварагининг кредити ва 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварагининг дебети бўйича корхонага харидорлар ва буюртмачилардан ушбу ҳайвонлар учун тушиши лозим бўлган суммага акс эттирилади. Асосий подадан бўрдоқига қўймасдан брак қилинган ҳайвонларни қорамолларни тайёрлаш корхоналарига топширишда сотиш тартибидаги ёзув бевосита 01-"Асосий воситалар" ҳисобвараги кредитидан 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараги дебетига қайд қилинади.

Эпизоотия ёки табиий офатлар туфайли ўлган ҳайвонлардан ташқари ўлган ва мажбурий тартибда сўйилган ҳайвонларнинг қиймати бойликларнинг бузилиши сифатида 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварагининг кредити ва 84-"Бой-

ликларнинг бузилишидан камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади. Ўлган ва мажбурий тартибда сўйилган ҳайвонлардан олинган терилар, шохлар, туёқлар, техник ёғлар ва шу кабилар фойдаланилиши ёки сотилиши мумкин бўлган нархлар бўйича баҳоланади ва ҳайвонларнинг боқилишига оид харажатлар ҳисобга олинадиган ҳисобварақнинг кредитидан қўшимча маҳсулотнинг чиқиши сифатида кирим қилинади. Эпизоотия ёки табиий офатлар туфайли ўлган ёки сўйилган ҳайвонларнинг қиймати 11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварағи кредитидан бевосита 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи дебетига ҳисобдан чиқарилади.

11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳайвонларнинг сақланиш жойлари, турлари, ёш гуруҳлари, жинси ҳамда ҳайвонларнинг боқилиши ва бўрдоқига қўйилиши харажатларини ҳисобга олиш учун белгиланган бошқа кўрсаткичлар бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **11-"Боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ҳайвонларнинг балансга эга бўлмаган ички бўлинмалар ўртасидаги ўтказилиши акс эттирилган | 11 | 11 |
| 2 | Бошқа корхоналар ва шахслардан сотиб олинган ҳайвонлар кирим қилинган (15-ҳисобварақ қўлланилганида) | 11 | 15 |
| 3 | Харажатларни ҳисобга оладиган тегишли ҳисобварақларда илгари ҳисобга олинмаган боқиш ва бўрдоқига қўйишга доир харажатлар (қўшилган вазн ва ўсишнинг қиймати таннархга киритилган; ҳайвонларнинг туғилган болалари кирим қилинган | 11 | 20.23 .29 |
| 4 | Ҳайвонларнинг асосий подадан брак қилиниши акс эттирилган (маҳсулдор қорамол - дастлабки қиймати бўйича; ишчи қорамол - сотиш ва брак қилинишидан олинган сумма бўйича) | 11 | 47 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Ҳайвонларни сотиб олиш билан боғлиқ турли харажатларга кассадан ҳақ тўланган (15-ҳисобварақ қўлланилмаган ҳолларда) | 11 | 50 |
| 6 | Ҳайвонларни боқиш ва бўрдоқига қўйиш учун сотиб олиш билан боғлиқ турли харажатларга чеклар билан, аккредитивлардан ва шу кабилардан ҳақ тўланган | 11 | 55 |
| 7 | Боқиш ва бўрдоқига қўйишга сотиб олинган ҳайвонлар учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари акцепт қилинган; мавоза (бартер) тартибидаги тушумлар | 11 | 60 |
| 8 | Илгари акс эттирилган (ҳайвонларни сотиб олишда), лекин ундирилмаслиги маълум бўлган эътирознинг суммаси ҳисобдан чиқарилган | 11 | 63 |
| 9 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган ҳайвонлар қабул қилинади | 11 | 85 |
| 10 | Ҳайвонларни сотиб олиш ва боқиш билан банд ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 11 | 69 |
| 11 | Ҳайвонларни сотиб олиш ва тутиб туриш билан боғлиқ ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича суммалар ҳисобланган | 11 | 70 |
| 12 | Ҳисобдор шахслар ҳайвонларни сотиб олишда харажатларни амалга оширишди | 11 | 71 |
| 13 | Муассислардан уларнинг устав сармоясига бадал сифатида олинган ҳайвонлар кирим қилинган | 11 | 75 |
| 14 | Аҳолидан сотиб олинган ҳайвонлар кирим қилинган | 11 | 76,50 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Ҳайвонларнинг шуъба корхоналардан келиб тушиши акс эттирилган | 11 | 78 |
| 16 | Ҳайвонларнинг алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан келиб тушиши акс эттирилган | 11 | 79 |
| 17 | Бошқа корхоналар ва шахслардан текинги келиб тушган ҳайвонлар кирим қилинган | 11 | 80 |
| 18 | Бошқа корхонага ҳайвонларни мулк қилиб бериш (бир йилдан ортиқ муддатга) йўли билан узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар амалга оширилган (қимматли қоғозлар сотиб олинган) | 48<br>(06 | 11<br>48) |
| 19 | Ёш ҳайвонларнинг асосий подага ўтказилиши акс эттирилган | 08 | 11 |
| 20 | Бўрдоқида ва боқувда бўлган ҳайвонлар маҳсулотини олиш учун молларни сўйишга доир харажатлар акс эттирилган | 20,23<br>29 | 11 |
| 21 | Ҳайвонларнинг четга (45-ҳисобварақдан фойдаланилган ҳолда) ёки айрим ички бўлинмаларга (46-ҳисобварақ орқали) чиқиб кетиши акс эттирилган | 45 | 11 |
| 22 | Ҳайвонларнинг четга ёки айрим ички бўлинмаларга чиқиб кетиши акс эттирилган | 46 | 11 |
| 23 | Мавоза (бартер) тартибида чиқиб кетган ҳайвонлар ҳисобдан чиқарилган | (62,60<br>48 | 48)<br>11 |
| 24 | Ҳайвонларни бошқа корхонага мулк қилиб бериш (бир йилдан кам муддатга) йўли билан қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар амалга оширилган | 48<br>(58 | 11<br>48) |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 25 | Маҳсулот етказиб берувчиларга илгари кирим қилинган ҳайвонлар бўйича, шунингдек нархларнинг тўғри келмаслиги, ҳисобварақ-фактуралардаги арифметик хатолар учун эътироз тақдим этилган | 63 | 11 |
| 26 | Ҳайвонларнинг алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга берилиши акс эттирилган | 79 | 11 |
| 27 | Эпизоотия ёки табиий офатлар туфайли ўлган ёки сўйилган ҳайвонлар қиймати ҳисобдан чиқарилган | 80/5 | 11 |
| 28 | Эпизоотия ёки табиий офатлар туфайли ўлган ҳайвонлардан ташқари ўлган ёки мажбурий тартибда сўйилган ҳайвонлар қиймати ҳисобдан чиқарилган; етмайдиган ҳайвонлар ҳисобдан чиқарилган | 84 | 11 |

## 12-"АРЗОН БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРАДИГАН БУЮМЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағи корхонага тегишли бўлган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар, хўжалик инвентари, умумий ва махсус фойдаланишдаги асбоблар ва мосламалар ҳамда белгиланган тартибга мувофиқ айланишдаги воситалар таркибига киритиладиган бошқа меҳнат воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Уларга қуйидагилар киради:

а) қийматидан қатъи назар бир йилдан кам хизмат қиладиган буюмлар;

б) қийматидан қатъи назар асосий воситаларга кирадиган қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, қурилишга оид механизациялашган асбоблар, шунингдек ишчи ва маҳсулдор қорамоллардан ташқари хизмат муддатидан қатъи назар сотиб олиш нархи бўйича ҳар бирининг қиймати ойлик энг кам иш

ҳақи миқдорининг ўн беш баравари миқдори доирасидаги буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилида буюмларни айланишдаги воситалар таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг камроқ чегарасини белгилаш ҳуқуқига эга;

в) хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар балиқ овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, матраплар ва ҳоказо);

г) бензомоторли арралар, шохқирққичлар, ёғоч оқизиш троси, мавсумий йўллар, ёғоч-тахта ташиладиган йўлларнинг шохобчалари ва вақтинчалик тармоқлари, ўрмондаги фойдаланиш муддати икки йилгача бўлган вақтинчалик бинолар, кўчма иситиладиган уйчалар, қозонхона пунктлари, арра чархлаш устахоналари, бензин қуйиш шохобчалари ва бошқалар;

д) қийматидан қатъи назар махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни серияли ва кўплаб ишлаб чиқариш ёки якка буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган махсус асбоблар ва мосламалар);

е) қиймати ва хизмат муддатидан қатъи назар махсус кийим-бош, махсус пойафзал, шунингдек ётаржой буюмлари;

ж) қиймати ва хизмат муддатидан қатъи назар корхона ходимларига бериш учун мўлжалланган махсус хизмат кийим-боши; соғлиқни сақлаш, маориф, ижтимоий таъминот ва бошқа бюджетдаги муассасаларда бўлган кийим-бош ва пойафзал;

з) барпо этилишига оид харажатлар қўшимча харажатлар таркибида қурилиш-монтаж ишлари таннархига киритиладиган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар;

и) технологик жараёнларни амалга ошириш учун омборларда товар-моддий бойликларни сақлаш учун мўлжалланган, қиймати харид қилиш ёки тайёрлаш нархи бўйича “б” кичик бандда белгиланган лимит доирасидаги тара;

к) қийматидан қатъи назар ижарага бериш учун мўлжалланган буюмлар;

л) ёш ҳайвонлар ва бўрдоқига қўйилган ёш ҳайвонлар, парранда, қуёнлар, мўйнали ҳайвонлар, асаларилар оилалари, шунингдек тажрибадаги ҳайвонлар;

м) кўчатхоналарда кўчат сифатида ўстириладиган кўп йиллик дарахт.

Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар 12-”Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар” ҳисобварағида уларни харид қилишдаги (тайёрлашдаги) амалдаги таннархи ёки ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга олинади. Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар ушбу ҳисобварақда уларни барпо этишдаги амалдаги таннархи бўйича ҳисобга олинади.

Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларни харид қилишдаги (тайёрлашдаги) амалдаги таннархи уларнинг харид қилиш (тайёрлаш)даги нархлари бўйича қиймати ҳамда ушбу бойликларни тайёрлаш ва корхонага олиб келиш харажатларидан иборат бўлади. Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларни тайёрлаш ва корхонага олиб келиш харажатлари таркибига кирадиган харажатлар рўйхати тегишли норматив актлар орқали тартибга солинади.

Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларни ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга олишда (харид қилиш (тайёрлаш)-нинг режадаги таннархи, ўртача харид нархлари ва ҳоказо) бойликларнинг шу нархлари бўйича қиймати билан бойликларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг амалдаги таннархи ўртасидаги фарқ 16-"Материаллар қийматидаги тебранишлар" ҳисобварағида акс эттирилади.

Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағида дастлабки нархи бўйича ҳисобга олинади. Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши 13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

12-1-"Захирадаги арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар";

12-2-"Фойдаланишдаги арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар";

13-3-"Вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар" ва бошқалар.

Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг ҳаракатига доир операциялар материаллар билан тегишли операцияларни ҳисобга олиш тартибига ўхшаш тартибда акс эттирилади.

Қурилиш тугалланган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг қиймати 30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварағи (қурилиш корхоналарида) ёки 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи (геология-қидирув ишларини олиб борадиган корхоналарда) кредитидан 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағининг дебети бўйича кирим қилинади.

12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг бир турдаги гуруҳлари бўйича белгиланган гуруҳланишга мувофиқ юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" (АТБ) ҳисобвараға

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | АТБнинг балансга эга бўлмаган бўлинмалар ўртасида, шунингдек бир омбордан бошқасига ички берилиши; омбордан - фойдаланишга берилиши | 12 | 12 |
| 2 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида қабул қилинган АТБнинг эскириши суммаси | 12 | 13 |
| 3 | АТБнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 12 | 80 |
| 4 | Маҳсулот етказиб берувчилардан келиб тушган АТБ кирим қилинган (15-ҳисобварақ қўлланилганида) | 12 | 15 |
| 5 | Илгари тегишли ҳисобварақларга ҳисобдан чиқарилган, бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБнинг қайтарилиши акс эттирилган; ўзи ишлаб чиқарган АТБ кирим қилинган | 12 | 20,23, 25,26 |
| 6 | Рўйхатдан ўтказишларда аниқланган АТБларнинг ортиқча миқдорлари кирим қилинган | 12 | 25,26 |
| 7 | Бракда йўқотишларни камайтириш учун АТБ сифатида фойдаланиши мумкин бўлган буюмлар кирим қилинган; бракни тузатишда фойдаланилган, белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган буюмларнинг қайтарилиши | 12 | 28 |
| 8 | Белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган, илгари хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар эҳтиёжларига ҳисобдан чиқарилган буюмларнинг қайтарилиши акс эттирилган; АТБларнинг ортиқча миқдорлари кирим қилинган | 12 | 29 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Қурилиши тугалланган вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар ва асосий воситаларга кирмайдиган титулли иншоотлар кирим қилинган | 12 | 30 |
| 10 | Белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган, илгари муомала харажатларига ҳисобдан чиқарилган АТБнинг қайтарилиши акс эттирилган | 12 | 26 |
| 11 | Асосий воситаларни тугатишдан қолган ва АТБ сифатида фойдаланиши мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинган | 12 | 47 |
| 12 | Нақд пул билан ҳақ тўлаш орқали АТБ харид қилинган (15-ҳисобварақни қўлламасдан); уларни харид қилишга оид харажатлар | 12 | 50 |
| 13 | Банклардаги махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўлаш орқали (чеклар билан ва ҳоказо) АТБ харид қилинган | 12 | 55 |
| 14 | Харид қилинган АТБ учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари акцепт қилинган; навбатдаги ой бошида ҳам худди шундай ёзув, бироқ сторно - келиб тушмаган АТБга; келиб тушганлари мавоза тартибида | 12 | 60 |
| 15 | Илгари тақдим этилган, лекин ундирилмайдиган эътирозлар суммалари (АТБни кирим қилишда) | 12 | 63 |
| 16 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган АТБ ҳисобга қабул қилинади (эскириш чиқариб ташланади) | 12 | 85 |
| 17 | АТБни харид қилиш билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз акс эттирилган | 12 | 68 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 18 | АТБни ўзи ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 12 | 69 |
| 19 | АТБни ўзи ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича харажатлар ҳисобланган | 12 | 70 |
| 20 | Ҳисобдор шахслар ҳақ тўлагани ҳолда, шу жумладан тегишли харажатларга ҳам ҳақ тўлангани ҳолда АТБ харид қилинган | 12 | 71 |
| 21 | Муассислардан уларнинг устав сармоясига бадаллари ҳисобига келиб тушган АТБ кирим қилинган | 12 | 75 |
| 22 | АТБ турли ташкилотлардан келиб тушган, шу жумладан транспорт харажатлари бўйича қарз ҳам (чеклар билан ва ҳоказо) | 12 | 76 |
| 23 | Шўъба корхоналардан келиб тушган АТБ кирим қилинган | 12 | 78 |
| 24 | АТБ алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан келиб тушган | 12 | 79 |
| 25 | Табиий офатлар оқибатларини тугатиш натижасида қолган; руйхатдан ўтказишжа ортиқча деб ҳисобланган АТБ кирим қилинган | 12 | 80 |
| 26 | АТБ текинга олинган | 12 | 80 |
| 27 | АТБ бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблаг сарфлашлар (қимматли қоғозлар қийматини узиш ҳисобига харид қилинган) тартибида берилган | 48<br>(06 | 12<br>48) |
| 28 | АТБни ҳисобдан чиқарганда (чиқиб кетишидан, тугатилганидан) сўнг қолган турли материал ва чиқитлар кирим қилинган | 48<br>10 | 12<br>48 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 29 | АТБни омбордан фойдаланишга бериб юбориш (ёки қайтарилганида тескари ёзув) | 12/2 | 12/1 |
| 30 | Чиқиб кетган АТБ (материаллар қиймати чиқариб ташланганидан сўнг), шу жумладан вақтинчалик (титулсиз) иншоотларнинг қолдиқ қиймати ҳисобдан чиқарилган | 13 | 12/2,3 |
| 31 | АТБнинг нархи пасайтирилган | 26 | 12 |
| 32 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматга эга бўлган АТБ, шунингдек якка тартибдаги буюртмалар учун мўлжалланган махсус асбоблар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжларига ҳисобдан чиқарилган | 20,23,<br>25,26 | 12 |
| 33 | АТБнинг бошқа корхоналар, мактаблар ва шу кабиларга текинга берилиши | 48<br>(80 | 12<br>48) |
| 34 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматга эга бўлган АТБ хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган | 29 | 12 |
| 35 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматга эга бўлган АТБ нокапитал ишларни амалга ошириш учун ҳисобдан чиқарилган | 30 | 12 |
| 36 | Бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматга эга бўлган АТБ келгуси даврларга тегишли харажатлар (янги маҳсулотни ўзлаштириш, кон-тайёргарлик ишлари ва ҳоказо) учун ҳисобдан чиқарилган | 31 | 12 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 37 | Бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматта эга бўлган АТБ уларни сотиш ва четта бериб юбориш билан боғлиқ харажатлар учун ҳисобдан чиқарилган | 26 | 12 |
| 38 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматта эга бўлган АТБ савдо ва таъминот ташкилотларида муомала харажатлари учун ҳисобдан чиқарилган | 26 | 12 |
| 39 | Агар 45-ҳисобварақ фойдаланилса, сотилган АТБ қиймати акс эттирилган (четга ёки айрим ички бўлинмаларга) | 45 | 12 |
| 40 | Сотилган АТБ ҳисобдан чиқарилган (агар 45-ҳисобварақ фойдаланилмаса); акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига бериш; мавоза тартибида чиқиб кетган АТБнинг амалдаги таннархи ҳисобдан чиқарилган | 48 | 12 |
| 41 | АТБ қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида (қимматли қоғозларнинг қийматини узиш) бошқа корхоналарга мулк қилиб ёки фойдаланишга берилган | 48<br>(58 | 12<br>48) |
| 42 | АТБ кирим қилингандан сўнг аниқланган суммалар бўйича (ҳисобварақ-фактуралардаги хатолар, нархлар тўғри келмаслиги, сифати учун ва ҳоказо) уларни етказиб берувчиларга эътироз тақдим этилган | 63 | 12 |
| 43 | Корхона берган махсус хизмат кийим-боши ва пойафзали учун ходимларнинг қарзи акс эттирилган | 73 | 12 |
| 44 | АТБ шўъба корхоналарга берилган | 78 | 12 |
| 45 | АТБ алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга берилган | 79 | 12 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 46 | Табиий офатлар, консервация қилинган ва бекор қилинган объектларнинг тўхтаб туриш билан боғлиқ равишда чиқиб кетган АТБ ҳисобдан чиқарилган | 80 | 12 |
| 47 | АТБнинг камомади акс эттирилган | 84 | 12 |
| 48 | АТБ мақсадли маблағ билан таъминлаш тартибида берилган (бирлиги учун белгиланган лимиттача ҳисобдан чиқарилган ёки болалар муассасалари ва шу кабиларга берилган) | 96 | 12 |

## 13-"АРЗОН БАҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРАДИГАН БУЮМЛАРНИНГ ЭСКИРИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағи фойдаланишда бўлган, 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар ва бошқа мол-мулкнинг, шунингдек 41-"Товарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган ижара буюмларининг эскириши ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Фойдаланишда бўлган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг қиймати (12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағининг "д" ва "к" кичик бандларида келтириладиган ва эскириш ҳисобланмайдиганлардан ташқари) уларни омбордан фойдаланишга беришда қийматининг 50 фоизи миқдорида эскиришини ҳисоблаш йўли билан ва яроқсиз ҳолга келиши сабабли чиқиб кетишига қолган 50 фоизини ҳисоблаш йўли билан (ушбу буюмларнинг фойдаланиши мумкин бўлган нархи бўйича қийматини чиқариб ташлаш билан) ёки юқорида кўрсатилган меҳнат воситалари ва буюмларини фойдаланишга беришда 100 фоиз миқдордаги эскиришни ҳисоблаш йўли билан узилиши мумкин.

Бирлиги учун белгиланган лимитнинг йигирмадан бир қисм доирасидаги арзон баҳоли буюмлар уларни ишлаб чиқаришда ёки фойдаланишга бериш мобайнида харажатга ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

Махсус асбоблар ва махсус мосламалар қиймати белгиланган нормага ёки уларни тайёрлаш (харид қилиш) харажатлари

сметаси ва режалаштирилганидек маҳсулот ишлаб чиқарилишига асосланиб ҳисобланган смета ставкасига мувофиқ узилади. Якка тартибдаги буюмлар учун мўлжалланган ёки кўплаб ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган махсус асбоблар ва махсус мосламалар қийматини тегишли асбоблар ва мосламаларни ишлаб чиқаришга беришда тўлиқ узишга рухсат қилинади.

Ижара буюмлари қиймати уларнинг хизмат муддатларига асосланиб эскиришини ҳисоблаш йўли билан узилади.

Ҳисобланган эскириш суммалари 13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағининг кредит бўйича ишлаб чиқариш харажатларини (муомала чиқимларини) ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади.

13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағининг дебет бўйича 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобвараға ёки 41-"Товарлар" ҳисобвараға кредитдан фойдаланидан чиқиб кетган (нормал эскириш ёки улар ўзининг ишлаб чиқариш аҳамиятини йўқотиши сабабли) буюмларнинг дастлабки қиймати ёзув билан акс эттирилади; бунда шу буюмлар ёки қайтариладиган чиқитлар (темир-терсак, эҳтиёт қисмлар, ўтин, латта-путта ва ҳоказо)-нинг фойдаланиши мумкин бўлган нархи бўйича қиймати чиқариб ташланади. Фойдаланишдан чиқиб кеттан, лекин бошқа мақсадда ишлатишга яроқли буюмлар ёки қайтариладиган чиқитлар, фойдаланилиши мумкин бўлган нархи бўйича 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағидан ёки 41-"Товарлар" ҳисобварағидан 10-"Материаллар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши ҳисобварағига доир тафсилий ҳисоб арзон баҳоли, тез эскирадиган ва бошқа буюмлар, шунингдек ижара буюмларининг алоҳида гуруҳлари бўйича зарур маълумотларни олишни таъминлаши лозим.

| т/р | Операцияларнинг умумий мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **13-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Капитал маблағлар сарфлашларни амалга оширишда ишлатилган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 08 | 13 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида қабул қилинган АТБнинг эскириши суммаси | 12 | 13 |
| 3 | Қўшимча баҳоланган АТБ бўйича эскириш суммаси акс эттирилган | 26 | 13 |
| 4 | Асосий (махсус асбоблар) ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжлари учун, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришдар ва хўжаликларда, нокапитал ишларда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган; ижарага буюмларининг эскириши | 20,23, 25,26, 29,30 | 13 |
| 5 | Кон-тайёргарлик ишларида, янги маҳсулотни ўзлаштиришда, ерларнинг рекультивациясида ва шу каби харажатларда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 31 | 13 |
| 6 | Маҳсулотни сотиш ва бериб юборишда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 26 | 13 |
| 7 | Таъминот ва савдо корхоналаридаги АТБнинг, шунингдек умумий овқатланиш муассасаларидаги идишлар ва овқатланиш асбобларининг, ижара пунктларидаги буюмларнинг эскириши ҳисобланган | 26 | 13 |
| 8 | Харажатлари олдиндан захира қилиб қўйилган (ёки тузатиш фонди ҳисобидан) жорий тузатиш ва бошқа ишларда фойдаланиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 89 | 13 |
| 9 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирларни ўтказишда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 96 | 13 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | АТБ уларга ҳисобланган эскириш ҳисобига ҳисобдан чиқарилган (темир-терсак ва шу кабиларнинг қиймати фойдаланилиши мумкин бўлган нарх бўйича чиқариб ташланган) | 13 | 12 |
| 11 | Нархи туширилган АТБ бўйича эскириш суммаси ҳисобдан чиқарилган | 13 | 80 |
| 12 | Ижара буюмлари уларга ҳисобланган эскириш ҳисобига ҳисобдан чиқарилган | 13 | 41 |
| 13 | АТБни четга сотишда уларнинг чиқиб кетиши пайтида ҳисобланган эскириш суммалари ҳисобдан чиқарилган | 13 | 48 |
| 14 | АТБнинг нотўғри (ортиқча) ҳисобланган эскиришини тузатиш (кам ҳисобланганида - тескари ёзув) | 13 | 80 |

## 14-"МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИНГ ҚАЙТА БАҲОЛАНИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

14-"Моддий бойликларнинг қайта баҳоланиши" ҳисобварағи айланишдаги воситаларга тегишли бойликлар (шу жумладан, тугалланмаган қурилиш, тайёр маҳсулот, товарлар ва ҳоказо)ни қайта баҳолаш натижалари ҳақидаги ахборотни, шунингдек жорий бозор нархларидаги ушбу бойликларнинг бухгалтерлик ҳисоби ҳисобварақларида белгиланган қийматдан оғишлари (тебранишлари) тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Айланишдаги воситаларга тегишли бойликларни қайта баҳолаш ва унинг натижаларини ҳисобга олиш тартиби тегишли норматив актлар орқали тартибга солинади.

14-"Моддий бойликларнинг қайта баҳоланиши" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир қайта баҳолаш ҳолати ва қайта баҳоланган моддий бойликларнинг тури бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг умумий мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 14-"Моддий бойликларнинг қайта баҳоланиши" ҳисобварағи

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўрнатиладиган ускуна арзонлаштирилган | 14 | 07 |
| 2 | Тугалланмаган капитал маблағ сарфлашларда бўлган моддий бойликлар (шу жумладан, монтажни талаб қилмайдиган ускуна)нинг арзонлаштирилганлиги акс эттирилган | 14 | 08 |
| 3 | Материаллар захиралари арзонлаштирилган | 14 | 10 |
| 4 | АТБ арзонлаштирилган | 14 | 12 |
| 5 | Қўшимча баҳоланган АТБ бўйича эскириш суммалари акс эттирилган | 14 | 13 |
| 6 | Тугалланмаган ишлаб чиқаришлар суммалари пасайтириш томонига қайта баҳоланган | 14 | 20,23,29 |
| 7 | Қайта баҳолаш натижасида ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар қиймати камайтирилган | 14 | 21 |
| 8 | Тайёр маҳсулот арзонлаштирилган | 14 | 40 |
| 9 | Савдо ва шу каби корхоналардаги товарлар ва ижара буюмлари (пунктлардаги) арзонлаштирилган | 14 | 41 |
| 10 | Қўшимча баҳолаш суммаси молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 14 | 80 |
| 11 | Моддий бойликларни қўшимча баҳолаш суммаларига банклар кредит ажратган | 14 | 90 |
| 12 | Ўрнатиладиган ускунанинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 07 | 14 |
| 13 | Материаллар захиралари қўшимча баҳоланган | 10 | 14 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 14 | АТБнинг қўшимча баҳоланиши | 12 | 14 |
| 15 | Арзонлаштирилган АТБ бўйича эскириш суммалари ҳисобдан чиқарилган | 13 | 14 |
| 16 | Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммалари кўпайтириш томонига қайта баҳоланган (асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда) | 20,23,2 | 14 |
| 17 | Қайта баҳолаш натижасида ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар қиймати оширилган | 21 | 14 |
| 18 | Келгуси даврлар харажатларида акс эттирилган моддий бойликларнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 31 | 14 |
| 19 | Тайёр маҳсулот қўшимча баҳоланган | 40 | 14 |
| 20 | Савдо ва шу каби корхоналардаги товарлар ва ижара буюмлари (пунктлардаги) қўшимча баҳоланган | 41 | 14 |
| 21 | Моддий захираларнинг бозор нархлари баҳоланганига нисбатан пасайгани сабабли кўрилган зарар жорий бухгалтерлик ҳисобида акс эттирилган | 80 | 14 |

## 15-"МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ТАЙЁРЛАНИШИ ВА ХАРИД ҚИЛИНИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағи айланишдаги воситаларга кирадиган моддий бойликлар (ша жумладан, арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар ва бошқалар)нинг тайёрланиши ва харид қилиниши ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағининг дебетига корхонага маҳсулот етказиб берувчилардан ҳисоб-китоб ҳужжатлари келиб тушган моддий бойликларнинг харид нархи (қиймати) ёзиб қўйилади. Бунда у ёки бу

бойликлар қаердан келиб тушганига ва материалларни тайёрлаш ва корхонага олиб келиш харажатларининг тусига қараб ёзув 80-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар", 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш", 71-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ва шу каби ҳисобварақлар билан боғлиқликда амалга оширилади.

Корхонага амалда келиб тушган ва кирим қилинган моддий бойликларнинг қиймати 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағининг кредитига 10-"Материаллар" ёки 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобвараға билан боғлиқликда ёзиб қўйилади.

Харид қилинган моддий бойликларнинг амалдаги харид қилиш (тайёрлаш) таннархида ва ҳисобга олиш нархларида ҳисобланган қийматидаги фарқ суммаси 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағидан 16-"Материалларнинг қийматидаги тебранишлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Товарларни олиб келиш билан боғлиқ транспорт-тайёрлаш харажатлари 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи "Муомала харажатлари" илова ҳисобварағига товарларнинг сотилиши мобайнида ҳисобдан чиқарилади.

| т/р | Операцияларнинг умумий мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Келиб тушган моддий бойликлар амалдаги таннархининг ҳисобга олиш нархларидан фарқ қилиши (иқтисод) ҳисобдан чиқарилган; иқтисод қизил билан ҳисобдан чиқарилиши мумкин (16-нинг дебети - 15-нинг кредити) | 15 | 16 |
| 2 | Моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келиш жараёнида ёрдамчи цехлар кўрсатган хизматлар ҳисобдан чиқарилган | 15 | 23 |
| 3 | Моддий бойликларни тайёрлаш, олиб келиш ва қайта ишлаш билан боглиқ муомала харажатлари уларнинг қийматига киритилади | 15 | 26 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келишга доир турли харажатлар ва ушбу бойликлар қиймати учун нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 15 | 50 |
| 5 | Материалларнинг тайёрланиши ва олиб келиниши билан боғлиқ турли харажатларга ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларидан ҳақ тўланган | 15 | 51,52 |
| 6 | Материалларнинг тайёрланиши ва олиб келинишига доир харажатларга банклардаги махсус ҳисобварақлардан (чеклар билан, аккредитивлардан ва ҳоказо) ҳақ тўланган | 15 | 55 |
| 7 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг харид қилинган материаллар учун ҳисобварақ-фактуралари ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақларига киритилган харажатлар (15-ҳисобварақ) акцепт қилинган | 15 | 60 |
| 8 | Қопланмаган эътирозлар суммалари тайёрланган ва харид қилинган бойликларнинг таннархига киритилади | 15 | 63 |
| 9 | Бюджетдан ташқари фондлар бўйича моддий бойликларни тайёрлаш ва харид қилиш билан боғлиқ қарз акс эттирилган | 15 | 67 |
| 10 | Тайёрланадиган материаллар бўйича турли солиқлар ва йиғимлар юзасидан бюджетга қарз акс эттирилган | 15 | 68 |
| 11 | Моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келиш (юклаш-тушириш ишлари ва ҳоказо) бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар акс эттирилган | 15 | 69 |
| 12 | Моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келиш билан боғлиқ ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммалари ҳисобланган | 15 | 70 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 13 | Моддий бойликларни тайёрлаш, харид қилиш ва олиб келишга доир турли харажатларга ҳисобдор шахслар ҳақ тўлаган | 15 | 71 |
| 14 | Турли ташкилот ва корхоналарнинг материалларни тайёрлаш ва олиб келиш (транспорт ташкилотларига ва ҳоказо) бўйича кўрсатган хизматлари, шунингдек улардан харид қилинган материаллар учун қарз акс эттирилган | 15 | 76 |
| 15 | Моддий бойликлар алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан келиб тушган | 15 | 79 |
| 16 | Материаллар таннархининг уларни ҳисобга олиш қийматидан оғишларини нотўғри белгилашнинг тузатилиши | 15 | 80 |
| 17 | Корхона ҳисобига қабул қилинган йўлдаги камомадлар суммалари тайёрланган материаллар таннархига киритилган (табиий йўқотиш нормалари доирасида) | 15 | 84 |
| 18 | Омборга келиб тушган ўрнатиладиган ускуна кирим қилинган | 07 | 15 |
| 19 | Омборга келиб тушган моддий бойликлар кирим қилинган (таннархи ёки ҳисобга олиш нархлари бўйича) | 10 | 15 |
| 20 | Бошқа корхоналар ва шахслардан боқиш ва бўрдоқига қўйишга келиб тушган ҳайвонлар кирим қилинган | 11 | 15 |
| 21 | Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларнинг омборга келиб тушиши ва кирим қилиниши акс эттирилган | 12 | 15 |
| 22 | Келиб тушган моддий бойликлар амалдаги таннархининг ҳисобга олиш нархларидан оғишлари (ортиқча харажат) ҳисобдан чиқарилган | 16 | 15 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 23 | Маҳсулот етказиб берувчилар, транспорт ташкилотлари ва шу кабиларга эътирозлар тақдим этилган (камомадлар, бузилиш ва бошқа сабаблар бўйича) | 63 | 15 |
| 24 | Моддий бойликлар алоҳида балансдаги ички бўлинмалар томонидан кирим қилиш учун берилган (15-ҳисобварақ қўлланилади) | 79 | 15 |

## 16-"МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ҚИЙМАТИДАГИ ФАРҚ" ҲИСОБВАРАҒИ

16-"Материалларнинг қийматидаги фарқ" ҳисобварағи харид қилинган моддий бойликларни харид қилиш (тайёрлаш)-нинг амалдаги таннархи билан ҳисобга олиш нархларида ҳисобланган қиймати ўртасидаги суммалари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ материалларни 10-"Материаллар" ҳисобварағида ҳамда арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмларни 12-"Арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар" ҳисобварағида ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга оладиган корхоналар томонидан қўлланилади.

Харид қилинган моддий бойликларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг амалдаги таннархи билан ҳисобга олиш нархларида ҳисобланган қиймати ўртасидаги фарқ суммаси 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағидан 16-"Материаллар қийматидаги фарқ" ҳисобварағининг дебетига ёки кредитига ҳисобдан чиқарилади.

16-"Материалларнинг қийматидаги фарқ" ҳисобварағида йиғилиб қолган харид қилинган моддий бойликларни харид қилиш (тайёрлаш)нинг амалдаги таннархи билан ҳисобга олиш нархларида ҳисобланган қиймати ўртасидаги фарқлар ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари)ни ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки бошқа тегишли ҳисобварақларнинг дебетига (ишлаб чиқаришда сарфланган материалларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қийматига мутаносиб равишда) ҳисобдан чиқарилади.

16-"Материалларнинг қийматидаги фарқ" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб бундай фарқлар қарийб бир хил даражада бўлган моддий бойликлар гуруҳлари бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 16-"Материалларнинг қийматидаги фарқ" ҳисобвараги

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Харид қилинган материаллар амалдаги таннархининг ҳисобга олиш нархларидан фарқлари (ортиқча харажат) ҳисобидан чиқарилган | 16 | 15 |
| 2 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан олинган материаллар бўйича фарқлар суммаси (ортиқча харажат ёки иқтисод) акс эттирилган | 16 | 79 |
| 3 | Материаллар таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш қиймати ўртасидаги фарқнинг нотўғри белгиланиши тузатилган | 16 | 80 |
| 4 | Етмайдиган ёки бузилган материалларга тегишли фарқлар ҳисобдан чиқарилган (ортиқча харажат ёки иқтисод - сторно) | 16 | 84 |
| 5 | Харид қилинган материаллар амалдаги таннархининг ҳисобга олиш нархларидан фарқлари (иқтисод) ҳисобдан чиқарилган | 15 | 16 |
| 6 | Материаллар қийматидаги фарқлар (ҳисобланган ҳиссада) материаллар харажати акс эттирилган тегишли ҳисобварақларга ҳисобдан чиқарилган | 20,23,2 26 ва бошқ. | 16 |
| 7 | Материаллар қийматидаги фарқлар ҳиссаси хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ҳисобварақларига ёзиб қўйилган (ижобий сон билан ёки сторно) | 29 | 16 |
| 8 | Фарқларнинг тегишли ҳиссаси нокапитал ишлар қийматига киритилган (ижобий сон билан ёки сторно) | 30 | 16 |
| 9 | Келгуси даврлар харажатларига киритилган материалларга тегишли фарқлар ҳиссаси (ортиқча харажат ёки иқтисод)нинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 31 | 16 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Материаллар (тара ва ҳоказо) бўйича товар-моддий бойликларнинг юклаб жунатилиши билан боғлиқ фарқлари қисми уларнинг қийматига ёзиб қўйилган | 45 | 16 |
| 11 | Бошқа активларнинг сотилишига тегишли фарқлар ҳиссаси уларни сотиш ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилган (ортиқча харажат ёки иқтисод) | 48 | 16 |
| 12 | Материаллар қийматидаги фарқларнинг бир қисми алоҳида балансга ажратилган ички булинмаларга берилган материаллар бўйича уларнинг ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилган (ортиқча харажат ёки иқтисод) | 79 | 16 |

## 19-"ХАРИД ҚИЛИНГАН БОЙЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ" ҲИСОБВАРАҒИ

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағи харид қилинган бойликлар бўйича корхона тўлаган (тўлаши лозим бўлган) қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

19-1-"Капитал маблағлар сарфлашдаги қўшилган қиймат солиғи";

19-2-"Харид қилинган моддий активлар бўйича қўшилган қиймат солиғи";

19-3-"Харид қилинган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи";

19-4-"Харид қилинган арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ва бошқалар.

19-1-"Капитал маблағлар сарфлашдаги қўшилган қиймат солиғи" илова ҳисобварағида корхона тўлаган (тўлаши лозим бўлган) асосий воситалар (шу жумладан, асосий воситаларнинг

алоҳида объектлари, ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш объектлари)нинг қурилиш ва харид қилинишига оид ҳисоб-китоб ҳужжатларида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳисобга олинади.

19-2-"Харид қилинган номоддий активлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" илова ҳисобварағида корхона тўлаган (тўлаши лозим бўлган) номоддий активларнинг харид қилинишига оид ҳисоб-китоб ҳужжатларида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳисобга олинади.

19-3-"Харид қилинган моддий ресурслар бўйича қўшилган қиймат солиғи" илова ҳисобварағида корхона тўлаган (тўлаши лозим бўлган) хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш захиралари бошқа турларининг харид қилинишига оид ҳисоб-китоб ҳужжатларида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳисобга олинади.

19-4-"Харид қилинган АТБ бўйича қўшилган қиймат солиғи" илова ҳисобварағида корхона тўлаган (тўлаши лозим бўлган) хўжалик инвентари, умумий ва махсус мақсадларда фойдаланиладиган асбоблар ва мосламалар ҳамда белгиланган тартибга мувофиқ айланишдаги воситалар таркибига киритиладиган бошқа меҳнат воситаларининг харид қилинишига оид ҳисоб-китоб ҳужжатларида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳисобга олинади.

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағининг дебети бўйича корхона харид қиладиган моддий ресурслар, арзон баҳоли ва тез эскирадиган буюмлар, номоддий активлар ва асосий воситалар бўйича тўлаган (тўланиши лозим бўлган) қўшилган қиймат солиғи суммалари ҳисоб-китоблар ёки пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағида йиғилиб қолган қўшилган қиймат солиғи суммаларини ҳисобдан чиқариш тартиби қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив актлар орқали тартибга солинади. Бухгалтерлик ҳисобида ушбу операция 19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи" ҳисобварағининг кредити бўйича, одатда 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги ("Қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи) билан боғлиқликда акс эттирилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 19-"Харид қилинган бойликлар бўйича қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)" ҳисобварағи

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Харид қилинган моддий ресурслар, ишлар ва хизматлар бўйича қўшилган қиймат солиғи ҚҚС суммаси ёзилган | 19 | 60 |
| 2 | Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқариш ёки сарфлаш учун ҳисобдан чиқарилишига қараб моддий ресурсларга тегишли ҚҚС акс эттирилади (ишлар ва хизматлар бўйича ҳам худди шундай) | 68 | 19 |
| 3 | Монтаж қилинадиган ва монтаж қилинмайдиган ҳамда буюртмачи томонидан харид қилинган асбоб-ускуналарга ҚҚС | 19 | 60,76 |
| 4 | Мазкур асбоб-ускунани ишга тушириш чоғида ишга туширилган объектга тегишли қисми ой сайин белгиланган муддатлар давомида тенг бўлаклар тарзида ҳисобдан чиқарилган | 60 | 19 |
| 5 | Бошқа корхоналарнинг устав сармояларига молиявий маблағ сарфлашлар, моддий ресурсларни текинга бериш, асосий воситаларнинг хўжаликдаги айланишдан қониқарсиз физик ҳолати туфайли уларни харид қилишда тўланган солиқ тўла ҳисобдан чиқариладиган пайтгача (фарқ суммасига) чиқиб кетиши тартибидаги чиқиб кетишлар акс эттирилган | 26 | 19 |
| 6 | Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга (фойдаланишга) бериб юборилгунга қадар бузилиши ёки ўғирланиши | 84 | 19 |
| 7 | Ноишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ишлатилган маҳсулот ва товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҚҚС суммаси акс эттирилган | 29,26, 96 ва бошқ. | 19 |

## III бўлим

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ

Ушбу бўлимдаги ҳисобварақлар корхона устав фаолиятининг амалга оширилиши, шунингдек корхона ходимларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Харажатларнинг вужудга келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши, шунингдек калькуляцияли ҳисобга олиш ҳисобварақларнинг алоҳида тизимида амалга оширилиши мумкин, бундай тизимнинг таркиби ва ишлатилиш усули корхона томонидан ишлаб чиқариш фаолияти, тузилиши, бошқарувни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари асосида белгиланади.

Маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатлар рўйхати ва уларни ҳисобга олиш тартиби маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотишга доир маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритиладиган харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида 1995 йил 27 январда қабул қилинган 9-сонли Низом орқали тартибга солинади.

Корхона харажатлари маҳсулот (иш, хизмат)ларга олдиндан (ижара ҳақи ва ҳоказо) ёки кейинчалик (ишчиларнинг таътил вақтлари учун ҳақ тўлаш ва ҳоказо) ҳақ тўланишидан қатъи назар улар тегишли бўлган даврдаги маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилиши лозим. Қандай калькуляция даврига тегишли эканлигини аниқ белгилаб бўлмайдиган харажатлар, шунингдек мавсумий тармоқлардаги харажатларнинг айрим турлари сметада меъёрлаштирилган тартибда маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига киритилади.

## 20-"АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ" ҲИСОБВАРАҒИ

20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи асосий ишлаб чиқариш, яъни мазкур корхонани ташкил этишда мақсад қилиб қўйилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариладиган ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, бу ҳисобварақ қуйидаги харажатларни ҳисобга олиш учун қўлланилади:

саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқаришга доир харажатлари;

пудратчилик, геология-қидирув ва лойиҳалаш-қидирув ишлари харажатлари;

транспорт ва алоқа корхоналарининг хизмат кўрсатишга доир харажатлари;

илмий-тадқиқотчилик корхоналарининг илмий-тадқиқотчилик ва конструкторлик ишларини бажаришга доир харажатлари;

умумий овқатланиш корхоналарининг ўз маҳсулотларини (хом ашё ва материаллар қисмида) чиқаришга доир харажатлари;

йўл хўжаликлариниг автомобиль йўлларини тутиб туриш ва таъмирлашга доир харажатлари.

20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағининг дебети бўйича маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатиладиган табиий ресурслар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий фондлар, меҳнат ресурслари, шунингдек ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқа харажатларнинг қийматига оид нархидан иборат бўлган ишлаб чиқаришга доир таннархи акс эттирилади.

Унга қуйидагилар киритилади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, бошқа бевосита ва билвосита харажатлар, шу жумладан ишлаб чиқариш мақсадидаги қўшимча харажатлар. Ишлаб чиқаришга доир таннархни ташкил этадиган харажатларнинг оддий гуруҳланишига мувофиқ харажатларнинг 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағида ҳисобга олиниши қуйидаги илова ҳисобварақлари бўйича юритилади:

20-1-"Моддий харажатлар";

20-2-"Меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар";

20-3-"Ижтимоий ажратмалар учун харажатлар";

20-4-"Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси";

20-5-"Бошқа харажатлар".

Бевосита маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматларнинг кўрсатилиши билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисобварақлари кредитидан 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварағидан 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Бракдан йўқотишлар 28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағидан 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобва-

рағига ҳисобдан чиқарилади. Асосий ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлар 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағидан 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқарилиши тугалланган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, хизматлар амалдаги таннархининг суммалари акс эттирилади. Бу суммалар 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағидан 40-"Тайёр маҳсулот", 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши", 37-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ва бошқа ҳисобварақлар дебетига ҳисобдан чиқарилади.

20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб харажатлари ишлаб чиқариладиган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг турлари бўйича юритилади. Агар харажатларнинг вужудга келиш жойлари ва бошқа белгилари бўйича гуруҳланиши, шунингдек калькуляцияли ҳисобга олиш ҳисобварақларнинг алоҳида тизимида амалга оширилмаса, унда 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳам корхонанинг бўлинмалари бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Маҳсулотларни тайёрлашда (ишларни, хизматларни бажаришда) бевосита қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши акс эттирилган | 20 | 02 |
| 2 | Маҳсулотларнинг тайёрланиши ва ишлар, хизматларнинг бажарилишига тегишли номоддий активлар амортизацияси (уларнинг таннархига киритилган) | 20 | 05 |
| 3 | Материалларнинг бевосита харажатлари маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга ҳисобдан чиқарилган | 20 | 10 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Чорвачилик маҳсулотини олиш учун ҳайвонларнинг сўйилиши акс эттирилган (ҳайвонларнинг қиймати) | 20 | 11 |
| 5 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимиттача қийматга эга бўлган АТБ асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига ҳисобдан чиқарилган | 20 | 12 |
| 6 | Маҳсулотларни тайёрлаш ва хизматларни кўрсатишда бевосита қатнашадиган АТБ (махсус асбоблар, махсус жиҳозлар ва ҳоказо)нинг: ижара буюмларининг эскириши акс эттирилган | 20 | 13 |
| 7 | Тугалланмаган ишлаб чиқаришдар суммалари кўпайтириш томонига қайта баҳоланган (асосий цехларда) - қўшимча баҳолаш | 20<br>14 | 14<br>80 |
| 8 | Материаллар қийматидаги фарқлар тегишли ҳиссада асосий ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилган (ижобий сон билан ёки сторно) | 20 | 16 |
| 9 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар кейинчалик қайта ишлаш учун асосий ишлаб чиқариш цехларига юборилган | 20 | 21 |
| 10 | Ёрдамчи цехларнинг харажатлари асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлдари ва хизматлари таннархига киритилган | 20 | 23 |
| 11 | Умумий ишлаб чиқариш харажатлари асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари таннархига киритилган; билвосита ўзгарувчан харажатлар (ишлаб чиқариш харажатлари) | 20 | 25 |
| 12 | Бракдан йўқотишлар асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари таннархига киритилган; брак қилинган маҳсулотнинг қайтарилиши | 20 | 28 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 13 | Илгари келгуси даврлар харажатлари сифатида акс эттирилган харажатларнинг тегишли ҳиссаси маҳсулот таннархига ёзиб қўйилган | 20 | 31 |
| 14 | Тайёр маҳсулот асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланган; кирим қилинган тайёр маҳсулотнинг омбордан цехларга қайтарилиши (қўшимча ишлашга ва ҳоказо) | 20 | 40 |
| 15 | Харид қилинган ва бутловчи буюмлар асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига юборилган; товарлар қайта ишлашга юборилган | 20 | 41 |
| 16 | Бевосита маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига ёзиб қўйилган турли харажатларга нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 20 | 50 |
| 17 | Асосий ишлаб чиқариш харажатларига ёзиб қўйилган, ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан, шунингдек банклардаги махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўланган турли бевосита харажатлар | 20 | 51,52, 55 |
| 18 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг кўрсатилган хизматлар ва бевосита цехларга ишлаб чиқариш учун келиб тушган моддий бойликлар учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 20 | 60 |
| 19 | Қондирилмаган эътироз суммаси асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари таннархига киритилган | 20 | 63 |
| 20 | Мажбурий мулкий ва шахсий суғурта харажатлари суммаси асосий ишлаб чиқариш харажатларига ёзиб қўйилган (суғурта ташкилотларига қарз) | 20 | 65 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Бюджетдан ташқари фондларга киритилиши лозим бўлган, асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари таннархига киритиладиган суммалар акс эттирилган | 20 | 67 |
| 22 | Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 20 | 69 |
| 23 | Асосий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича суммалар ҳисобланган | 20 | 70 |
| 24 | Ҳисобдор шахслар амалга оширган асосий ишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилган | 20 | 71 |
| 25 | Асосий ишлаб чиқариш цехларига кўрсатган хизматлари учун турли корхоналарга қарз акс эттирилган (маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ва ҳоказо) | 20 | 76 |
| 26 | Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг асосий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига қилган харажатлари акс эттирилган | 20 | 79 |
| 27 | Асосий цехларда аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқча миқдорлари (камомадларга нисбатан ортиқ бўлган суммада) кирим қилинган | 20 | 26,80 |
| 28 | Етмайдиган моддий бойликлар (шу жумладан, табиий зарар) қиймати қонунларга биноан асосий ишлаб чиқариш харажатларига киритилган | 20 | 84 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 29 | Тугалланмаган маҳсулот (ярим тайёр маҳсулотлар)нинг бир қисми, шунингдек асосий цехлар кўрсатган хизматлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозларнинг қиймати узилган) | 46 (06 | 20,21 46) |
| 30 | Материалларнинг ишлаб чиқаришдан (асосий цехлардан) қайтарилиши акс эттирилган; ўзи ишлаб чиқарган материаллар, шунингдек қайтарилган чиқитлар кирим қилинган | 10 | 20 |
| 31 | Ҳайвонларни боқиш ва бўрдоқига қўйишга доир жорий харажатлар ҳайвонлар таннархига (қўшилган вазнига, ўсишига) киритилган; ҳайвонларнинг туғилган болалари акс эттирилган | 11 | 20 |
| 32 | Бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБнинг қайтарилиши акс эттирилган (илгари асосий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган); ўзи ишлаб чиқарган АТБ кирим қилинган | 12 | 20 |
| 33 | Тугалланмаган ишлаб чиқариш суммалари камайтириш (арзонлаштириш) томонига қайта баҳоланган (асосий цехларда) | 14 (26 | 20 14) |
| 34 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар операциялараро омборларга кирим қилинган | 21 | 20 |
| 35 | Маҳсулотнинг асосий ишлаб чиқаришда аниқланган тузалмайдиган бракидан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилган | 28 | 20 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 36 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга, ўз қурилишига бериб юборилган асосий ишлаб чиқариш маҳсулотлари ва хизматлари қиймати тушум сифатида акс эттирилади (46-ҳисобварақ орқали ўтказилади) | 29,08 | 20 |
| 37 | Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг амалдаги таннархи бўйича ишлаб чиқарилиши акс эттирилган (37-ҳисобварақ қўлланилганида); "қисқартирилган" таннарх бўйича ишлаб чиқариш | 37 | 20 |
| 38 | Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг амалдаги таннархи бўйича ишлаб чиқарилиши акс эттирилган (фарқлар бўйича алоҳида ёзув); "қисқартирилган" таннарх бўйича ишлаб чиқариш | 40 | 20 |
| 39 | Савдо ва таъминот ташкилотлари ва корхоналаридаги ўзи ишлаб чиқарган товарлар (қайта ишлашдаги ва ҳоказо) кирим қилинган | 41 | 20 |
| 40 | 45-ҳисобварақ қўлланилганида асосий цехларнинг буюртмачиларга кўрсатилган ишлар ва хизматларнинг жўнатилиши акс эттирилган (амалдаги таннархи бўйича ҳисобдан чиқарилган) | 45 | 20 |
| 41 | Асосий цехлар кўрсатган ишлар ва хизматларнинг сотилиши акс эттирилган; тугалланган ва буюртмачи қабул қилган ишлар босқичлари бўйича харажатлар суммаси ҳисобдан чиқарилган | 46 | 20 |
| 42 | Асосий ишлаб чиқариш цехларидан турли бойликлар (деталлар ва шу кабилар)нинг текинга берилиши | 46 | 20 |
| 43 | Тугалланмаган маҳсулот (ярим тайёр маҳсулотлар)нинг бир қисми бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46<br>(58 | 20<br>46) |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 44 | Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи ҳисобдан чиқарилган (ярим тайёр маҳсулотсиз вариант) | 79 | 20 |
| 45 | Бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар; маҳсулот бермаган ишлаб чиқариш харажатлари; табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабилар туфайли тугалланмаган ишлаб чиқаришдан йўқотишлар ҳисобдан чиқарилган | 26<br>80 | 20 |
| 46 | Асосий ишлаб чиқаришда аниқланган моддий бойликлар камомади акс эттирилган | 84 | 20 |
| 47 | Сотилган, лекин харидор томонидан брак қилинган ва қайтарилган маҳсулот қиймати | 40 | 20 |

## 21-"ЎЗИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН ЯРИМ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

21-"Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобвараги ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотларнинг алоҳида тарздаги ҳисобини олиб борадиган корхоналарда уларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, ушбу ҳисобварақда корхона ишлаб чиқарган (ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклида) қуйидаги ярим тайёр маҳсулотлар акс эттирилиши мумкин: қора металлургияда қайта ишланувчи чўян; резина саноатида хом резина ва елим; кимё саноатида азотли ўғит комбинатларидаги сульфат кислота; тўқимачилик саноатида йигирилган ип, хом сурп ва ҳоказо.

Бошқа корхоналарда кўрсатилган бойликлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида, яъни 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағида акс эттирилади.

21-"Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобва-

раги билан боғлиқликда ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади. 21-"Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағининг кредити бўйича кейинги қайта ишлаш учун берилган (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобвараги билан боғлиқликда) ва бошқа корхоналарга сотилган (46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобвараги билан боғлиқликда) ярим тайёр маҳсулотлар қиймати акс эттирилади.

21-"Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб ярим тайёр маҳсулотларнинг сақланиш жойлари ва алоҳида номлари (турлари, навлари, миқдорлари ва шу кабилар) бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобвароқлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **21-"Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар қўшимча баҳоланган | 21<br>14 | 14<br>80 |
| 2 | Ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар омборга кирим қилинган (асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар томонидан), шунингдек уларнинг таннархига умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик харажатларининг тегишли суммалари киритилган; ярим тайёр маҳсулотларнинг ортиқча миқдорлари | 21 | 20,23,<br>25,26 |
| 3 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар норматив (режадаги) таннархи бўйича кирим қилинган (маҳсулот ишлаб чиқариш ҳисобвараги қўлланилганида) | 21 | 37 |
| 4 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар акс эттирилади | 21 | 85 |
| 5 | Алоҳида балансга ажратилган ички булинмалардан ярим тайёр маҳсулотлар олинганида кирим қилинган | 21 | 79 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар арзонлаштирилган | 14<br>80 | 21<br>14 |
| 7 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжларига, шунингдек умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжларига берилган (синовлар, тажриба ва ҳоказо) | 20,23,<br>25<br>26 ва<br>бошқ. | 21 |
| 8 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар бракни тузатиш учун сарфланган; ярим тайёр маҳсулотлар бракидан йўқотишлар акс эттирилган | 28 | 21 |
| 9 | Сотиш учун мўлжалланган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида акс эттирилган (шу жумладан, фарқлар ҳам) | 40 | 21 |
| 10 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар харидорларга юклаб жўнатилган (тайёр маҳсулотлар ҳисобварағини четлаб ва 45-ҳисобварақдан фойдаланилганда); фарқлар бўйича алоҳида ёзув - ортиқча харажат ёки иқтисод - сторно | 45 | 21 |
| 11 | Ўзи ишлаб чиқарган сотилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобдан чиқарилган (таннархи бўйича), фарқлар бўйича алоҳида ёзув | 46 | 21 |
| 12 | Бошқа корхоналар, мактаблар ва шу кабиларга текинга бериш | 48<br>(26 | 21<br>48) |
| 13 | Ярим тайёр маҳсулотлар алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга беришда ҳисобдан чиқарилган | 79 | 21 |
| 14 | Ярим тайёр маҳсулотларни табиий офатлар пайтида йўқотиш сабабли кўрилган, шунингдек ярим тайёр маҳсулотларни маҳсулот бермаган ишлаб чиқаришга беришдаги харажатлар бўйича кўрилган зарарлар ҳисобдан чиқарилган | 80 | 21 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
| --- | --- | --- | --- |
| | | дебет | кредит |
| 15 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар камомади аниқланган (шу жумладан, табиий зарар) | 84 | 21 |

## 23-"ЁРДАМЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағи асосий ишлаб чиқариш ёки корхонанинг асосий фаолияти учун ёрдамчи (қўшимча) бўлган ишлаб чиқаришларнинг харажатлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, бу ҳисобварақ қуйидагиларни таъминлайдиган ишлаб чиқаришларнинг харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилади:

энергиянинг ҳар хил турлари (электр энергияси, буғ, газ, ҳаво ва ҳоказо) билан хизмат кўрсатиш;

транспорт хизмати кўрсатиш;

асосий воситаларни тузатиш;

асбоблар, штамплар, эҳтиёт қисмлари; қурилиш деталлари, конструкциялар ёки қурилиш материалларини бойитиш (асосан, қурилиш корхоналарида);

тош, шағал, қум ва бошқа рудамас материаллар;

ёғоч тайёрлаш, тахта тилиш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тузлаш, қоқлаш ва консерва қилиш (асосан, савдо корхоналарида) ва ҳоказо.

23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағидаги маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар қуйидаги илова ҳисобварақлари бўйича ҳисобга олинади;

23-1-"Моддий харажатлар";

23-2-"Меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар";

23-3-"Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси";

23-5-"Ёрдамчи ишлаб чиқариш" ҳисобварағининг дебети бўйича бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бевосита харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришларни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ билвосита харажатлар ҳамда бракдан йўқотишлар акс эттирилади. Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ

бевосита харажатлар ишлаб чиқариш захиралари, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришларни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ билвосита харажатлар 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағидан 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишга доир харажатлар бевосита 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағида ҳисобга олиниши мумкин (25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағида олдиндан тўпламасдан). Бракдан йўқотишлар 28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағи кредитидан 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқилиши тугалланган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг амалдаги таннархи акс эттирилади. Бу суммалар 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига ҳисобдан чиқарилади:

20-"Асосий ишлаб чиқариш" - маҳсулот (иш, хизмат)ларни асосий ишлаб чиқаришга ёки асосий фаолият турига юборишда;

46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" - чет корхоналарнинг ишлари ва хизматларини бажаришда;

37-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" - бу ҳисобварақ ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш учун қўлланилганида ва ҳоказо.

23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағи бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ишлаб чиқариш турлари бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларида ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши акс эттирилган | 23 | 02 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатларига тегишли номоддий активларнинг амортизацияси ҳисобланган | 23 | 05 |
| 3 | Материаллар ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжларига сарфланган | 23 | 10 |
| 4 | Ҳайвонларнинг маҳсулот олиш учун сўйилиши акс эттирилган | 23 | 11 |
| 5 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга АТБ ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжлари учун ҳисобдан чиқарилган | 23 | 12 |
| 6 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларида ишлатиладиган АТБнинг эскириши акс эттирилган | 23 | 13 |
| 7 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларидаги тугалланмаган ишлаб чиқаришлар суммалари кўпайтириш томонига қайта баҳоланган (қўшимча баҳолаш) | 23<br>14 | 14<br>83 |
| 8 | Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобланган ҳиссада ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилган (ижобий сон билан ёки сторно) | (14)<br>23 | (83)<br>16 |
| 9 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжлари учун сарфланган | 23 | 21 |
| 10 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ўзаро хизматлари акс эттирилган | 23 | 23 |
| 11 | Умумий ишлаб чиқаришлар харажатларининг тегишли ҳиссаси ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлари, ишлар ва хизматлари таннархига киритилган | 23 | 25 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 12 | Маҳсулотни тайёрлашдаги бракдан йўқотишлар ёрдамчи ишлаб чиқаришлар маҳсулотлари таннархига киритилган | 23 | 28 |
| 13 | Келгуси даврлар харажатларининг ҳиссаси ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилган | 23 | 31 |
| 14 | Асосий цехлар маҳсулотларининг бир қисми ёрдамчи ишлаб чиқаришлар эҳтиёжлари учун ишлатилган | 23 | 40 |
| 15 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ўзи хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришларга ва хўжаликларга, қурилиш ва шу кабиларга кўрсатган хизматлари тушум сифатида акс эттирилади | 23 | 46 |
| 16 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг турли харажатларига нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 23 | 30 |
| 17 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг ёрдамчи ишлаб чиқаришларга келиб тушган моддий бойликлар (сув, буғ, энергия, алоқа ва ҳоказо) ва уларга кўрсатган хизматлар учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 23 | 60 |
| 18 | Ёрдамчи цехларга тегишли қондирилмаган эътирозлар суммаси уларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига ҳисобдан чиқарилган | 23 | 63 |
| 19 | Ёрдамчи цехлар ходимларининг мажбурий мулкий ва шахсий суғуртасига харажатлар акс эттирилган (суғурта ташкилотларига қарз) | 23 | 65 |
| 20 | Бюджетдан ташқари фондларга киритилиши лозим бўлган суммалар ҳисобланган (ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари бўйича) | 23 | 67 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Ёрдачи цехлар ходимларининг мажбурий суғуртаси ва таъминотига ажратмалар акс эттирилган | 23 | 69 |
| 22 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича суммалар ҳисобланган | 23 | 70 |
| 23 | Турли корхоналарнинг ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларига кўрсатган хизматлар (шу жумладан, ижара, транспорт бўйича ва ҳоказо) қарз учун акс эттирилган; ҳисобдор шахсларнинг харажатлари | 23 | 71,<br>76 |
| 24 | Алоҳида балансга ажратилган ички бўлинмаларнинг ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларига кўрсатган хизматлари акс эттирилган | 23 | 79 |
| 25 | Ёрдамчи цехлардаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқча миқдори кирим қилинган (камомадлардан ортиқ бўлган суммада) | 23 | 80 |
| 26 | Етишмайдиган моддий бойликларнинг қиймати қонунларга мувофиқ ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилган (уларнинг ҳисобварағига қабул қилинган) | 23 | 84 |
| 27 | Ёрдамчи цехлар ишлари ва хизматларининг бир қисми бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида кўрсатилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 48<br>(06 | 23<br>48) |
| 28 | Ўрнатиш учун ускунани харид қилишда ёрдамчи ишлаб чиқаришлар амалга оширган харажатлари (шу жумладан, транспорт хизматлари) ускуналар, тайёрланган эҳтиёт қисмлар ва шу кабиларнинг таннархига киритилган | 07 | 23 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 29 | Ёрдамчи цехларнинг капитал маблағ сарфлашларни амалга оширишдаги харажатлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилган | 08 | 23 |
| 30 | Илгари ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг эҳтиёжларига ҳисобдан чиқарилган материалларнинг қайтарилиши акс эттирилган; ёрдамчи ишлаб чиқаришлар чиқарган материаллар кирим қилинган; қайтарилган чиқитларнинг қиймати ва ҳоказо | 10 | 23 |
| 31 | Ёрдамчи цехларнинг харажатлари боқувдаги ва бўрдоқидаги ҳайвонларнинг таннархига киритилган | 11 | 23 |
| 32 | Илгари ёрдамчи цехларнинг харажатларига ҳисобдан чиқарилган, бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга АТБнинг қайтарилиши акс эттирилган; ёрдамчи цехлар ишлаб чиқарган АТБ кирим қилинган | 12 | 23 |
| 33 | Ёрдамчи цехлардаги тугалланмаган ишлаб чиқариш суммалари камайтириш томонига қайта баҳоланган (арзонлаштириш) | 14<br>80 | 23<br>14 |
| 34 | Ёрдамчи цехларнинг материалларни тайёрлаш ва харид қилишда кўрсатган хизматлари ва харажатлари ушбу материаллар таннархига киритилган | 15 | 23 |
| 35 | Ёрдамчи цехларнинг харажатлари ва хизматлари тегишли ҳисобварақлар бўйича тақсимланган; харажатлар ижарага олинган асосий воситаларни капитал тузатишга ҳисобдан чиқарилган (ижарачи ҳисобидан) | 20,25,<br>26 | 23 |
| 36 | Ёрдамчи цехларнинг харажатлари ва хизматлари ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар таннархига киритилган | 21 | 23 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 37 | Асосий цехларнинг бракдан кўрган йўқотишларига ёрдамчи цехларнинг бракни тузатишга доир харажатлари; ёрдамчи цехларнинг бракдан, шу жумладан тузатилмайдиган бракдан кўрган йўқотишлари киритилган | 28 | 23 |
| 38 | Ёрдамчи цехларнинг харажатлари ва хизматларининг ҳиссаси уларни тақсимлашда хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар харажатларига ёзиб қўйилган | 29 | 23 |
| 39 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг тегишли харажатлари ва хизматлари нокапитал ишлар таннархига киритилган | 30 | 23 |
| 40 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг тегишли харажатлари ва хизматлари келгуси даврлар харажатлари таркибига киритилган (мавсумий тармоқларда, янги ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш ва ҳоказо) | 31 | 23 |
| 41 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариши ва хизматлар кўрсатиши акс эттирилган (37-ҳисобварақ қўлланилганида) | 37 | 23 |
| 42 | Ёрдамчи цехларнинг маҳсулотлари; унинг бир қисми товар сифатида кирим қилинган (бу ҳисобварақдан савдо қайта ишлаш корхоналари ва шу кабиларда қўлланилганида) | 40, 41 | 23 |
| 43 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотларни ўтказиш ва сотишда кўрсатилган хизматлари ҳисобидан чиқарилган | 26 | 23 |
| 44 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари муомала харажатларига ёзиб қўйилган (савдода, умумий овқатланишда, таъминотда ва ҳоказо) | 26 | 23 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакитлик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 45 | Ёрдамчи цехларнинг четга юклаб жўнатган маҳсулотлари ва буюртмачиларга кўрсатган иш ва хизматлари амалдаги таннархи бўйича акс эттирилган (45-ҳисобварақ қўлланилганида) | 45 | 23 |
| 46 | Ёрдамчи цехларнинг четга сотган маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлари акс эттирилган | 46 | 23 |
| 47 | Ёрдамчи цехларнинг асосий воситаларни сотишдаги ва бошқача чиқариб юборишдаги харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 47 | 23 |
| 48 | Ёрдамчи цехларнинг маҳсулотлари бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган ва хизматлар кўрсатилган (шу жумладан, қимматли қоғозлар учун ва ҳоказо) | 48<br>(58 | 23<br>48) |
| 49 | Бошқа корхоналар, мактаблар ва шу кабилар учун текинга қилинган ишлар ва хизматлар қиймати (транспорт ва ҳоказо) | 46<br>26 | 23<br>46 |
| 50 | Ёрдамчи цехларнинг ходимларга кўрсатган хизматлари қиймати ушлаб қолинган | 70 | 23 |
| 51 | Ёрдамчи цехлар харажатларининг бир қисми айбдор шахслар қонунга биноан қоплайдиган моддий зарар суммасига киритилган | 73 | 23 |
| 52 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг шўъба корхоналарига кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлари ҳисобдан чиқарилган (ёки уларга маҳсулот берилган) | 78 | 23 |
| 53 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга харажатлари ҳисобдан чиқарилган ёки уларга маҳсулот бериб юборилган | 79 | 23 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 54 | Ёрдамчи цехларнинг бекор қилинган буюртмалар, маҳсулот бермаган харажатларга киритиладиган хизматлари ҳисобдан чиқарилган; тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг табиий офатлардан, ёнгин ва шу кабилардан йўқотишлари | 26, 80 | 23 |
| 55 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар (тугалланмаган ишлаб чиқариш) цехларида аниқланган камомадлар ва бузилишлар акс эттирилган | 84 | 23 |
| 56 | Ижарага олинган асосий воситаларни ижарага берувчи ҳисобидан капитал тузатиш учун харажатлар | 76 | 23 |
| 57 | Қайтариладиган ва кўп марта айланадиган тара бўйича харажатлар ва йўқотишлар | 26 | 23 |

## 25-"УМУМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобвараги корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларга хизмат кўрсатишга доир харажатлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, бу ҳисобварақда қуйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин:

машина ва ускуналарни тутиб туриш ва улардан фойдаланиш бўйича;

ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларни тўлиқ қайта тиклаш учун амортизация ажратмалари ва тузатиш учун харажатлар;

ишлаб чиқаришга оид мол-мулкнинг суғуртаси бўйича харажатлар;

ишлаб чиқариш хоналарини иситиш, ёритиш ва тутиб туриш харажатлари;

ишлаб чиқариш хоналари, машиналар ва ускуналар, ишлаб чиқаришда ишлатиладиган бошқа ижарага олинган воситалар учун банд бўлган ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;

шунга ўхшаш мақсаддаги бошқа харажатлар.

25-ҳисобварақ харажатлари қуйидаги илова ҳисобварақлари бўйича ҳисобга олинади;

25-1-Моддий харажатлар

25-2-Меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар

25-3-Ижтимоий ажратмалар учун харажатлар

25-4-Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси

25-5-Бошқа харажатлар

Умумий ишлаб чиқариш харажатлари 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағида ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан акс эттирилади. 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварақлари дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Умумий ишлаб чиқариш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш объектлари ўртасида тақсимлаш тартиби тегишли норматив актлар орқали тартибга солинади.

25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва харажатлар моддалари бўйича юритилади.

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда, ускуналарни, ишлаб чиқариш хоналари ва шу кабиларни тутиб туришда қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобланган | 25 | 02 |
| 2 | Ишлаб чиқаришга, ускуналарга хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш хоналари ва шу кабиларни тутиб туриш бўйича харажатларга тегишли номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган | 25 | 05 |
| 3 | Материаллар ишлаб чиқаришга, ускуналарга, хоналарга хизмат кўрсатиш мақсадида сарфланган | 25 | 10 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Фойдаланишга беришда бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган АТБ ҳисобдан чиқарилган | 25 | 12 |
| 5 | Цехларга хизмат кўрсатишда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 25 | 13 |
| 6 | Цехларга хизмат кўрсатиш мақсадларида ишлатилган материалларнинг қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган (ижобий сон билан ёки сторно) | 25 | 16 |
| 7 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар цехларга хизмат кўрсатиш мақсадлари учун бериб юборилган (синовлар, тажрибаларнинг ўтказилиши) | 25 | 21 |
| 8 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизматлари цехларга хизмат кўрсатишга доир харажатларга ҳисобдан чиқарилган (шу жумладан, ижарага олинган асосий воситаларнинг ижарачи ҳисобидан капитал тузатилиши) | 25 | 23 |
| 9 | Носаноат ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларининг хизматлари умумий ишлаб чиқариш харажатларига ёзиб қўйилган | 25 | 29 |
| 10 | Келгуси даврлар харажатларининг тегишли қисми умумий ишлаб чиқариш харажатларига ёзиб қўйилган (навбатдаги ҳисобот давр келишида) | 25 | 31 |
| 11 | Тайёр маҳсулотнинг бир қисми ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун ўз эҳтиёжларига йўналтирилган | 25 | 40 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 12 | Айрим умумий ишлаб чиқариш харажатларига кассадан нақд пул билан ҳақ тўланган | 25 | 50 |
| 13 | Цехларга хизмат кўрсатиш учун йўналтирилган харажатларга ҳисоб-китоб валюта ҳисобварағидан ҳақ тўланган (умумий ишлаб чиқариш харажатлари) | 25 | 51,52 |
| 14 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисобварақлари акцепт қилинган (энергия, сув, газ, алоқа ва ҳоказо) | 25 | 60 |
| 15 | Илгари тақдим қилинган қондирилмайдиган эътироз суммаси умумий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган | 25 | 63 |
| 16 | Ишлаб чиқаришга оид мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси, шунингдек ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимларнинг шахсий суғуртасига доир қарз акс эттирилган | 25 | 65 |
| 17 | Бюджетдан ташқари фондларга киритилиши лозим бўлган суммалар умумий ишлаб чиқариш харажатларига ёзиб қўйилган | 25 | 67 |
| 18 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 25 | 69 |
| 19 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар ҳисобланган | 25 | 70 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 20 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун ҳисобдор шахслар тўлаган харажатлар акс эттирилган (умумий ишлаб чиқариш харажатлари) | 25 | 71 |
| 21 | Турли корхоналарга ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича кўрсатилган умумий ишлаб чиқариш тусидаги хизматлар учун қарз акс эттирилган (шу жумладан, ижара бўйича) | 25 | 76 |
| 22 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар амалга оширган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар акс эттирилган (умумий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари) | 25 | 79 |
| 23 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган етмайдиган моддий бойликларнинг қиймати (таннарх ҳисобидан), шу жумладан табиий зарар қонунга биноан акс эттирилган | 25 | 84 |
| 24 | Илгари ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш учун бериб юборилган материалларнинг ортиқча миқдорлари ва қайтарилиши акс эттирилган; материалларнинг ортиқча миқдори; умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳиссаси ўзи ишлаб чиқарган материаллар қийматига ҳисобдан чиқарилган | 10 | 25 |
| 25 | Илгари умумий ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган, бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБнинг қайтарилиши акс эттирилган; АТБнинг ортиқча миқдорлари кирим қилинган | 12 | 25 |
| 26 | Умумий ишлаб чиқариш харажатлари тайёр маҳсулот таннархига киритилган; билвосита ўзгарувчан харажатлар (ишлаб чиқаришга оид қўшимча харажатлар) | 20 | 25 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 27 | Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли ҳиссаси ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар таннархига ёзиб қуйилган; цехлардаги ярим тайёр маҳсулотларнинг ортиқча миқдорлари | 21 | 25 |
| 28 | Ёрдамчи цехларга хизмат кўрсатишга доир харажатлар ишлар ва хизматлар таннархига ёзиб қуйилган | 23 | 25 |
| 29 | Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми бракни тузатишга доир харажатлар суммасига киритилган | 28 | 25 |
| 30 | Ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишга доир тегишли харажатлар келгуси давлар харажатлари таркибида акс эттирилган | 31 | 25 |
| 31 | Илгари цехлар харажатларига ёзиб қуйилган (бекор туришлар буйича ва ҳоказо) ишлаб чиқаришдаги йуқотишларнинг бир қисми қонунга биноан айбдорларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган; ходимларга кўрсатилган хизматлар қиймати ушлаб қолинган | 70 | 25 |
| 32 | Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг ҳиссаси моддий зарар сифатида айбдор шахсларга ёзиб қуйилган (бекор туришлар буйича ва ҳоказо) | 73 | 25 |
| 33 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалари ҳисобидан амалга оширилган умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 79 | 25 |
| 34 | Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми зарарларга (табиий офатлардан, ёнғинлардан, бекор қилинган буюртмалар буйича ва ҳоказо) ҳисобдан чиқарилган; ўтган йили бажарилган буюртмалар буйича харажатлар | 80 | 25 |

## 26-"ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

26-"Давр харажатлари" ҳисобвараги ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган бошқарувчилик ва хўжалик харажатлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Давр харажатлари деганда бошқарувга, маҳсулотларни сотишга оид харажат ва чиқимлар ҳамда умумий хўжалик аҳамиятига эга бошқа харажатлар тушунилади. Бу ҳисобварақда қуйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин: маъмурий-бошқарув харажатлари, ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган умумий хўжалик ходимларини тутиб туриш; бошқарувчилик ва умумий хўжалик аҳамиятига эга асосий воситаларни тўлиқ қайта тиклаш учун амортизация ажратмалари ва тузатиш учун харажатлар; умумий хўжалик аҳамиятига эга хоналар учун ижара ҳақи; ахборот, аудиторлик ва маслаҳатчилик хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар; маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар; таъминот, сотиш, савдо ва бошқа шунга ўхшаш корхоналар харажатлари; янги корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни ўзлаштириш харажатлари, янги технологияларни барпо этиш ва қўлланилаётганларини такомиллаштиришга доир харажатлар; соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектларини тутиб туришга оид харажатлар; дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш, тара билан ўтказилган операциялар бўйича, бошқа корхоналар ва айрим шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича шубҳали қарзлардан кўрилган зарарлар билан боғлиқ харажатлар; банк хизматларига ҳақ тўлаш бўйича харажатлар; аҳамиятга кўра бошқа шунга ўхшаш харажатлар.

26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари жорий қилинади:

26-1-Сотиш учун харажатлар (савдо ташкилотлари учун - муомала харажатлари);

26-2-Маъмурий харажатлар;

26-3-Бошқа умумий хўжалик ва операция харажатлари;

26-4-Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари.

26-"Давр харажатлари" ҳисобварағида харажатлар ҳисобварақнинг дебети бўйича акс эттирилади, сўнгра харажатлар ҳақидаги ахборот тўпланадиган ҳисобварақҳа ўтказилади. 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи ҳисобот даври охирида саль-

дога эга бўлмайдиган транзит ҳисобварақ ҳисобланади. 26-"Давр харажатлари" ҳисобвараги 80-"Фойдалар ва зарарлар" 80-2-"Давр харажатлари" илова ҳисобвараги дебетига ёпилади.

Ҳисобот давридаги солиққа тортиладиган фойда (даромад)-дан чиқарилмайдиган, лекин келгуси даврларда чиқарилиши лозим бўлган харажатларни ҳисобга олиш учун balансдан ташқари 010-"Солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган харажатлар" ҳисобвараги қўлланилади.

26-"Давр харажатлари" ҳисобварагида ҳисобга олинган харажатлар 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараги дебетига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **26-"Давр харажатлари" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Бошқарувчилик ва умумий хўжалик аҳамиятига эга (ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган) асосий воситаларнинг эскириши ҳисобланган | 26<br>80 | 02<br>26 |
| 2 | Хусусийлаштиришда кимошди савдосида сотиб олинган мол-мулкнинг харид ва баҳолаш қиймати ўртасидаги фарқ тенг ҳиссалар билан секин-аста ҳисобдан чиқарилади | 26<br>80 | 04<br>26 |
| 3 | Умумий хўжалик аҳамиятига эга номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган | 26<br>80 | 05<br>26 |
| 4 | Материаллар бошқарувчилик ва умумий хўжалик эҳтиёжларига сарфланган | 26<br>80 | 10<br>26 |
| 5 | АТБ бошқарувчилик ва умумий хўжалик эҳтиёжларига сарфланган | 26<br>80 | 12<br>26 |
| 6 | Умумий хўжалик аҳамиятига эга АТБнинг эскириши ҳисобланган | 26<br>80 | 13<br>26 |
| 7 | Материалларни ҳисобга олиш нархларидан фарқлар | 26<br>80 | 16<br>26 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 8 | Алоқа, ахборот марказлари хизматлари, энергия ва сув истеъмоли, бошқа умумий хўжалик аҳамиятига эга эҳтиёжлар учун ҳисобварақлар акцепт қилинган | 26<br>80 | 60<br>26 |
| 9 | Бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатлар | 26<br>80 | 70<br>26 |
| 10 | Бошқарув ходимларининг ижтимоий суғуртасига ажратмалар | 26<br>80 | 69<br>26 |
| 11 | Мулкий ва шахсий суғуртага ажратмалар | 26<br>80 | 65<br>26 |
| 12 | Идора хоналари, омборлар ва дуконлар ижараси | 26<br>80 | 76<br>26 |
| 13 | Транспорт хизмати учун ҳисобварақлар акцепт қилинган | 26<br>80 | 60<br>26 |
| 14 | Четдан қилинган реклама ва маркетинг хизматлари | 26<br>80 | 60<br>26 |
| 15 | Товарларнинг табиий зарар нормалари доирасидаги камомади | 26<br>80 | 84<br>26 |
| 16 | Хизмат сафари ва вакиллик харажатлари | 26<br>80 | 71<br>26 |
| 17 | Банкларнинг хизматлари ва аудиторлик хизматлари учун ҳақ | 26<br>80 | 51, 76<br>26 |
| 18 | Моддий бойликларнинг табиий зарар нормаларидан ортиқча йўқотилиши ва камомади | 26<br>80 | 84<br>26 |
| 19 | Маҳсулотларни юклаб жўнатиш бўйича, шу жумладан харидорлар ҳисобидан транспорт харажатлари | 26<br>80 | 51<br>26 |
| 20 | Солиқ идораларининг қарори бўйича жарима ҳисобланган | 26 | 68 |
| 21 | Юқори органларнинг бошқарув идорасини тутиб туриш учун ажратмалар | 26<br>80 | 76<br>26 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 22 | Олий ўқув юртларини тутиб туриш учун ажратмалар | 26<br>80 | 78<br>26 |
| 23 | Корхона ходимлари учун дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланмаларга ҳақ тўланган | 26<br>80 | 51<br>26 |
| 24 | Шубҳали қарзлар бўйича захира ҳисобланган | 26<br>80 | 82<br>26 |
| 25 | Ёнғинда йўқ бўлган ҳамда суғурта ва бошқа органлар томонидан товон тўланмаган материаллар қиймати | 26<br>80 | 84<br>26 |
| 26 | Бекор қилинган буюртмаларга харажатлар ҳисобдан чиқарилган | 26<br>80 | 20<br>26 |
| 27 | Инвентарь тара қийматидаги фарқ | 26<br>80 | 16<br>26 |
| 28 | Ўтган йиллардаги операциялар бўйича зарарлар | 26<br>80 | 76<br>26 |
| 29 | Хўжалик шартномаларини бузганлик учун жарималар | 26<br>80 | 76<br>26 |
| 30 | Маҳаллий транспортдан фойдаланиш учун йўл ҳужжатларига ҳақ тўланган | 26<br>80 | 51<br>26 |
| 31 | Моддий ёрдам тўланган | 26<br>80 | 50<br>26 |

## 28-"ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БРАК" ҲИСОБВАРАҒИ

28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағи ишлаб чиқаришдаги бракдан кўрилган йўқотишлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағининг дебети бўйича аниқланган ички ва ташқи брак (тузатилмайдиган, яъни бутунлай брак қиймати, тузатишга оид харажатлар ва ҳоказо), шунингдек кафолатли тузатиш учун нормадан ортиқ ҳажмдаги харажатлар тўпланади.

28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобварағининг кредити бўйича бракдан кўрилган йўқотишларни камайтиришга тегишли суммалар (брак қилинган маҳсулотнинг фойдаланиш мумкин бўлган нарх бўйича қиймати; бракнинг айбдоридан ушлаб қолиниши лозим бўлган суммалар; фойдаланилиши сабабли бракка йўл қўйилган сифатсиз материаллар ва ярим тайёр маҳсулотларни етказиб берганлиги учун маҳсулот етказиб берувчилардан ундирилиши лозим бўлган суммалар ва ҳоказо), шунингдек ишлаб чиқариш бўйича бракдан йўқотишлар сифатида ҳисобдан чиқариладиган суммалар акс эттирилади.

28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб корхонанинг алоҳида цехлари, маҳсулот турлари, харажатлар моддалари, бракнинг сабаблари ва айбдорлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчанлик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Материаллар бракни тузатишга сарфланган | 28 | 10 |
| 2 | Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда аниқланган тузатилмайдиган бракдан кўрилган йўқотишлар ҳисобдан чиқарилган | 28 | 20, 23 |
| 3 | Ўзи ишлаб чиқарган брак қилинган ярим тайёр маҳсулотлар аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 28 | 21 |
| 4 | Умумий ишлаб чиқариш харажатларининг ҳиссаси тузатиладиган ва тузатилмайдиган брак таннархига киритилган | 28 | 25 |
| 5 | Харидорга брак қилинган маҳсулотнинг ўрнига жўнатилган маҳсулот таннархи акс эттирилган | 28 | 37, 40 |
| 6 | Брак билан боғлиқ турли харажатларга банклардаги ҳисоб-китоб ёки валюта ёки махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўланган | 28 | 51, 52, 55 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 7 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг бракни тузатишда ва кафолатли тузатиш бўйича кўрсатган хизматлари учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 28 | 60 |
| 8 | Бюджетдан ташқари фондларга брак қилинган маҳсулот муносабати билан киритилиши лозим бўлган суммалар бракдан кўрилган йўқотишларга ёзиб қўйилган | 28 | 67 |
| 9 | Бракни тузатиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 28 | 69 |
| 10 | Бракни тузатиш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари ҳисобланган | 28 | 70 |
| 11 | Брак қилинган маҳсулотнинг қайтарилиши, ташилиши ва шу кабилар билан боғлиқ суммалар ҳисобдор шахслардан ҳисобдан чиқарилган | 28 | 71 |
| 12 | Харидорларнинг улар олган брак қилинган маҳсулотни тузатиши харажатлари билан боғлиқ қарзи ҳисобланган | 28 | 76 |
| 13 | Бракни тузатишда ва бутунлай бракни ҳисобдан чиқаришда қолган материаллар кирим қилинган (фойдаланилиши мумкин бўлган нарх бўйича) | 10 | 28 |
| 14 | Бракдан қолган, АТБ сифатида ишлатилиши мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинган; бракни тузатишда ишлатилган, бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБнинг қайтарилиши | 12 | 28 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Бракдан кўрилган йўқотишлар асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилган; қайтарилган брак қилинган маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилган | 20, 23 | 28 |
| 16 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлардаги (аниқланган) бракдан кўрилган йўқотишлар маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар таннархига киритилган | 29 | 28 |
| 17 | Бракдан кўрилган йўқотишлар айбдорлари бўлган хопимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммаларидан ушлаб қолиш ҳисобига бу йўқотишлар камайтирилган (жорий ой учун) | 70 | 28 |
| 18 | Бракдан кўрилган йўқотишлар моддий зарар етиши учун айбдор бўлган ходимлар ҳисобига ҳисобдан чиқарилган (ижро варақлари бўйича ва ҳоказо) | 73 | 28 |
| 19 | Ўтган йилларнинг ўрни қопланмайдиган бракдан (шу жумладан, ташқи бракдан) кўрилган йўқотишлари зарарларга ҳисобдан чиқарилган | 26 | 28 |

## 29-"ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШЛАР ВА ХЎЖАЛИКЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағи корхона хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларининг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Корхонанинг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлари деганда фаолияти ушбу корхонани барпо этиш мақсади ҳисобланган маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқ-

аришлар ва хўжаликлар тушунилади. Жумладан, ушбу ҳисобварақда корхона балансида турадиган уй-жой-коммунал хўжалиги (туражойлар, ётоқхоналар, кирхоналар, ҳаммомлар ва шу кабилардан фойдаланиш); тикувчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш устахоналари; ошхона ва буфетлар; болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари (боғчалар, яслилар); дам олиш уйлари, санаторийлар ва бошқа соғломлаштириш ва маданий-маърифий мақсаддаги муассасалар; илмий-тадқиқотчилик ва конструкторлик бўлинмаларининг харажатлари акс эттирилади.

29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағи бўйича харажатлар қуйидаги илова ҳисобварақлари бўйича ҳисобга олинади:

29-1-Моддий харажатлар;

29-2-Меҳнатга ҳақ тўлаш учун харажатлар;

29-3-Ижтимоий ажратмалар учун харажатлар;

29-4-Асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизацияси;

29-5-Бошқа харажатлар.

29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағининг дебети бўйича бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бевосита харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари акс эттирилади. Бевосита харажатлар 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағига ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағига ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан ҳисобдан чиқарилади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағига 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" ҳисобварағи кредитидан ҳисобдан чиқарилади.

29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқарилиши тугалланган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг амалдаги таннархи суммалари акс эттирилади. Бу суммалар 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағидан қуйидаги ҳисобварақлар дебетига ҳисобдан чиқарилади:

хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар чиқарган моддий бойликлар ва тайёр буюмларни ҳисобга олиш;

хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар бажарган ишлар ва хизматларнинг истеъмолчилари бўлган бўлинмаларнинг харажатларини ҳисобга олиш;

46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" (хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар бажарган ишлар ва хизматларнинг чет корхоналарга сотилишида);

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" (квартирани ижарага олган шахслар ёки ижарачилардан уларга кўрсатилган хизматлар учун олиниши лозим бўлган суммалар);

26-"Давр харажатлари" (соғлиқни сақлаш объектлари, болалар боғчалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, маданият ва спорт объектлари).

29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағи бўйича ой охиридаги қолдиқ тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматини кўрсатади.

29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик бўйича ва ушбу ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар харажатларининг алоҳида моддалари бўйича юритилади. Бунда уй-жой-коммунал хўжалиги харажатлари тафсилий ҳисобининг ташкил этилиши (уй-жойлардан фойдаланиш бўйича харажатлар қисмида) фойдаланиш харажатлари ва мақсадли (сув таъминоти, ёритиш, канализация, газ, иситиш) харажатлар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобвараҳлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" (ХИХ) ҳисобварағи** | | | |
| 1 | ХИХда ишлатиладиган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобланган | 29 | 02 |
| 2 | ХИХда ишлатиладиган номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган | 29 | 05 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 3 | Материаллар ХИХ эҳтиёжлари учун бериб юборилган | 29 | 10 |
| 4 | Ҳайвонлар қиймати ва сўйиш натижасида ҳисобдан чиқарилган ҳайвонларга доир харажатлар (ёрдамчи хўжаликларда) акс эттирилган | 29 | 11 |
| 5 | ХИХ эҳтиёжлари учун фойдаланишга бериб юборишда бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБ ҳисобдан чиқарилган | 29 | 12 |
| 6 | ХИХда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 29 | 13 |
| 7 | ХИХдаги тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишларнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 29 (14 | 14 80) |
| 8 | ХИХда сарфланган моддий бойликлар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган (ижобий сон билан ёки сторно) | 29 | 16 |
| 9 | ХИХдаги операцияларга тегишли бўлган ҚҚС суммалари акс эттирилган | 29 | 19 |
| 10 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари ва хизматлари ХИХнинг маҳсулотлари ва хизматлари қийматига киритилган | 29 | 23 |
| 11 | ХИХда аниқланган бракдан кўрилган йўқотишлар уларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилган | 29 | 28 |
| 12 | ХИХнинг ўзаро хизматлари акс эттирилган | 29 | 29 |
| 13 | Тегишли ХИХга тааллуқли келгуси даврлар харажатларининг бир қисми ХИХнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари таннархига киритилган (навбатдаги ҳисобот даври келганида) | 29 | 31 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 14 | ХИХдаги нақд пуллар билан ҳақ тўланган харажатлар акс эттирилган | 29 | 50 |
| 15 | ХИХдаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлардан ҳақ тўланган харажатлар акс эттирилган | 29 | 51, 52 |
| 16 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг ҳисобварақлари улар етказиб берган, бевосита ХИХ эҳтиёжлари учун ишлатилган маҳсулотлар, ишлар ёки хизматлар (шу жумладан, энергия, газ, сув, алоқа ва ҳоказо) учун акцепт қилинган | 29 | 60 |
| 17 | Қондирилмайдиган эътирозлар суммалари ХИХнинг маҳсулотлари, ишлари, хизматлари таннархига киритилган | 29 | 63 |
| 18 | ХИХ мол-мулкининг мажбурий суғуртаси ва улар ходимларининг шахсий суғуртаси бўйича қарз акс эттирилган | 29 | 65 |
| 19 | Бюджетдан ташқари фондларга бадаллар бўйича қарз акс эттирилган | 29 | 67 |
| 20 | ХИХда ҳисобланган солиқлар, бадаллар ва йиғимлар (шу жумладан, ҚҚС) бўйича бюджет олдидаги қарз акс эттирилган | 29 | 68 |
| 21 | ХИХ ходимларининг ижтимоий суғуртаси ва таъминотига ажратмалар амалга оширилган | 29 | 69 |
| 22 | ХИХ ходимлари меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳисобланган | 29 | 70 |
| 23 | Ҳисобдор шахслардан уларнинг ХИХ учун қилган харажатлари суммалари ҳисобдан чиқарилган | 29 | 71 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 24 | Турли ташкилотлар, корхоналар ва шахсларнинг ХИХ учун кўрсатган хизматлари (шу жумладан, ижара бўйича, сув) учун уларга қарз акс эттирилган | 29 | 76 |
| 25 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларнинг ХИХ учун амалга оширган турли ишлари ва хизматлари акс эттирилган | 29 | 79 |
| 26 | Турли ХИХдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиқча миқдорлари кирим қилинган (камомадлардан ортиқ бўлган суммасида); уй-жой-коммунал хўжалигидан фойда акс эттирилган | 29 | 80 |
| 27 | Илгари аниқланган етмайдиган моддий бойликлар қиймати, шу жумладан табиий зарар (айбдор шахслар йўқлиги сабабли) ХИХ харажатларига ҳисобдан чиқарилган | 29 | 84 |
| 28 | ХИХнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида амалга оширилган ва бериб юборилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматини узиш) | 06<br>(48 | 48<br>29) |
| 29 | ХИХ чиқарган материаллар кирим қилинган; илгари ХИХ эҳтиёжлари учун бериб юборилган материалларнинг қайтарилиши; материалларнинг ортиқча миқдорлари (рўйхатдан ўтказишларда) акс эттирилган | 10 | 29 |
| 30 | Ёрдамчи қишлоқ хўжаликларида ҳайвонларни боқиш ва семиртиришдан олинган маҳсулот (қўшилган вазн, ўсиш, ҳайвонларнинг туғилган болалари ва ҳоказо) кирим қилинган | 11 | 29 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 31 | Ўзи ишлаб чиқарган АТБ кирим қилинган; бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБнинг ишлаб чиқаришдан ХИХга қайтарилиши; АТБнинг ортиқча миқдорлари (рўйхатдан ўтказишларда) акс эттирилган | 12 | 29 |
| 32 | ХИХдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг арзонлаштирилиши акс эттирилган | (14<br>26 | 29)<br>14 |
| 33 | ХИХ кўрсатган ишлар ва хизматлар қиймати умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик харажатларининг тегишли ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилган | 25, 26, 29 | 29 |
| 34 | ХИХнинг ўзаро хизматлари қиймати | 29 | 29 |
| 35 | ХИХ келгуси даврлар харажатларига кирадиган харажатларни амалга оширган (бўнак билан ижара ҳақи, ижарага олинган асосий воситаларнинг тузатилиши ва ҳоказо) | 31 | 29 |
| 36 | ХИХнинг чиқарган маҳсулотлари; бажарган ишлари ва кўрсатган хизматлари бўйича харажатлари ҳисобдан чиқарилган (37-ҳисобварақ қўлланиладиган жойда) | 37 | 29 |
| 37 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг маҳсулотларни чиқариши акс эттирилган (37-ҳисобварақ қўлланилмайдиган жойда) | 40 | 29 |
| 38 | ХИХнинг ўзи ишлаб чиқарган товарлар акс эттирилган | 41 | 29 |
| 39 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар кўрсатган тижоратчилик харажатлари акс эттирилган | 26 | 29 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 40 | ХИХ амалга оширган ишлар ва хизматлар (савдо ва шу каби тусдаги) қиймати тегишли бўлинмаларда акс эттирилган | 26 | 29 |
| 41 | ХИХнинг четга юборган маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилган | 45 | 29 |
| 42 | ХИХнинг сотилган ишлари ва хизматлари ҳисобдан чиқарилган (45-ҳисобварақ қўлланилмайдиган жойда) | 46 | 29 |
| 43 | ХИХнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида бериб юборилган (шу жумладан, харид қилинган қимматли қоғозлар қийматини узишда) | 48<br>(58 | 29<br>48) |
| 44 | Бошқа корхоналар, мактаблар ва шу кабиларга текинга бажарилган ишлар ва хизматлар қиймати | 46<br>(26 | 29<br>46) |
| 45 | ХИХ бошқа корхоналарга (камомадлар, браклар ва шу кабиларнинг айбдорларига) эътирозлар тақдим этди; илгари бу суммалар 29-ҳисобварақнинг дебетида ҳисобга олинган | 63 | 29 |
| 46 | ХИХнинг бериб юборилган ва ходимларга кўрсатилган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан ушлаб қолинадиган маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари қиймати акс эттирилган; зарар ушлаб қолинган (қонунга биноан) | 70 | 29 |
| 47 | Ходимлар олган ХИХнинг маҳсулотлари ёки хизматлари уларнинг ҳисобварақларига ёзиб қўйилган; ХИХ ходимлари келтирган зарар ушлаб қолинган | 73 | 29 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 48 | Бошқа корхона ва шахсларга (квартирани ижарага олган шахслар, ижарачилар ва ҳоказо) кўрсатилган хизматлар учун уларнинг қарзи акс эттирилган | 76 | 29 |
| 49 | ХИХнинг шўъба корхоналарига кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган | 78 | 29 |
| 50 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалари ХИХга кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган | 79 | 29 |
| 51 | ХИХнинг табиий офатлардан кўрган, шунингдек натижа бермаган харажатлар ва шу кабилар бўйича зарарлари ҳисобдан чиқарилган (шу жумладан, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг) | 80 | 29 |
| 52 | ХИХнинг фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлари акс эттирилган (шу жумладан, уй-жой-коммунал хўжалигидан фойдаланишдан кўрилган зарар) | 26<br>80 | 29<br>26 |
| 53 | ХИХда аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқариш камомадларининг қиймати акс эттирилган | 84 | 29 |
| 54 | ХИХнинг мақсадли тушумлар ва мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари ҳисобидан амалга оширган харажатлари; илгари ХИХ харажатларига ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилган | 96 | 29 |

## 30-"НОКАПИТАЛ ИШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварағи нокапитал ишларнинг бажарилиши (вақтинчалик титулли ва титулсиз иншоотлар ва шу кабиларнинг барпо этилиши) билан боғлиқ харажатлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу

ҳисобварақ пудрат корхоналари, шунингдек қурилишни хўжалик усули билан амалга оширадиган қурувчи корхоналар томонидан қўлланилади.

Қурилиш майдончасини ободонлаштириш, материаллар, конструкциялар ва иншоотлар қисмларини (шу жумладан, титулсиз) ва шу кабиларни синаш билан боғлиқ харажатлар 30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварағида ҳисобга олинмайди; улар 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 26-"Давр харажатлари", 29-"Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ва бошқа ҳисобварақларда акс эттирилади.

30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

30-1-"Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши";

30-2-"Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларнинг барпо этилиши";

30-3-"Бошқа нокапитал ишлар" ва бошқалар.

30-1-"Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши" илова ҳисобварағида вақтинчалик титулли бинолар ва иншоотларнинг тикланиши, шунингдек қурилишга хизмат кўрсатиш учун бошқа бинолар ва иншоотларни қайта жиҳозлаш ва мослаштиришга доир ишларнинг бажарилиши билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади. Бунда кўрсатилган харажатлар қурилиш корхонасининг қурувчи билан ҳисоб-китоблари вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотларнинг тикланишига доир, қурилиш-монтаж ишларининг смета қийматига ва объект сметаларига кирадиган харажатлар ҳисобга олингани ҳолда умуман тугалланган мажмуа (тайёр қурилиш маҳсулоти) учун олиб бориладиган ҳолда 30-1-"Вақтинчалик (титулли) иншоотларнинг барпо этилиши" илова ҳисобварағида акс эттирилади.

Агар вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотларнинг тикланишига доир харажатлар қурилиш-монтаж ишларининг смета қийматига ва объект сметаларига киритилмаган, улар бўйича ҳисоб-китоблар эса алоҳида тарзда амалга оширилади-ган бўлса, унда қурилиш корхоналари томонидан бундай объектлар бўйича харажатларнинг ҳисобга олиниши қурилишнинг алоҳида объектлари бўйича бўлгани сингари умумий тартибда 20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағида юритилади. Кўрсатилган объектлар қабул қилинганидан сўнг қурувчининг балансида акс эттирилади ва қурувчи томонидан қурилиш корхонасига ижарага топширилиши мумкин.

30-2-"Вақтинчалик (титулсиз) иншоотларнинг барпо этилиши" илова ҳисобварағида вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар,

мосламалар ва қурилмалар (объект қошидаги омборлар, иш юритувчилар идоралари, бостирмалар, буғ, ҳаво ва электр ни иш зоналари доирасида тақсимловчи қурилмалар ва шу кабилар)-нинг барпо этилиши билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

30-3-"Бошқа нокапитал ишлар" илова ҳисобварағида бошқа нокапитал ишларнинг бажарилиши (қурилиши тугалланган объектларни бузиш ва демонтаж қилиш ва ҳоказо) билан боғлиқ харажатлар ҳисобга олинади.

30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг барпо этилиши билан боғлиқ харажатлар акс эттирилади, фақат бевосита харажатлар (қўшимча харажатлар ҳисобланмасдан) ҳисобга олинади, бошқа нокапитал ишлар бўйича эса - бевосита харажатлар ва объектлар ўртасида бевосита харажатларга мутаносиб равишда тақсимланадиган чиқимлар ҳисобга олинади.

Нокапитал ишларнинг тугалланиши (вақтинчалик (титулли ва титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг фойдаланишга топширилиши)га қараб уларни барпо этиш харажатлари қуйидагича ҳисобдан чиқарилади:

асосий воситаларга тегишли вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар бўйича - 01-"Асосий воситалар" ҳисобварағининг дебетига. Айни бир вақтда ушбу бинолар ва иншоотлар бўйича эскириш ҳам ҳисобланади, у 02-"Асосий воситаларнинг эскириши" ҳисобварағининг кредити ва 89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади;

ноинвентарь тусдаги объектлар ва асосий воситаларга тегишли бўлмаган вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотлар бўйича - 12-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар" ҳисобварағининг дебетига. Айни бир вақтда ушбу иншоотлар бўйича эскириш ҳам ҳисобланади, у 13-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағининг кредити ва 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади;

вақтинчалик (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар бўйича - 12-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар" ҳисобварағининг дебетига;

қурилиши тугалланган объектларнинг бузилиши ва демонтаж қилиниши билан боғлиқ ишлар бўйича: пудрат корхоналари - 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебетига; қурилишни хўжалик усули билан амалга оширадиган қурувчи корхоналар - 08-"Капитал маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебетига.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **30-"Нокапитал ишлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ускуналар вақтинчалик титулли ва титулсиз бинолар, иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларнинг тикланиши учун бериб юборилган | 30 | 07 |
| 2 | Материаллар вақтинчалик титулли ва титулсиз бинолар, иншоотлар, мосламалар ва қурилмалар ва бошқа нокапитал ишларнинг тикланиши учун бериб юборилган | 30 | 10 |
| 3 | Бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган АТБ нокапитал ишларга ҳисобдан чиқарилган (уларнинг фойдаланишга бериб юборилишига қараб) | 30 | 12 |
| 4 | Нокапитал ишларнинг амалга оширилиши учун сафрланган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган (ижобий ёки сторно) | 30 | 16 |
| 5 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг нокапитал ишларнинг амалга оширилишида кўрсатган хизматлари ҳисобдан чиқарилган | 30 | 23 |
| 6 | Келгуси даврлар харажатлари ҳиссаси навбатдаги даври келганида нокапитал ишлар таннархига ёзиб қўйилган | 30 | 31 |
| 7 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки буюртмачиларнинг нокапитал ишларнинг амалга оширилишида кўрсатган хизматлари учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 30 | 60 |
| 8 | Мажбурий мулкий ва шахсий суғурта бўйича харажатлар акс эттирилган (нокапитал ишларнинг амалга оширилишида ҳисобланган бадаллар бўйича қарз) | 30 | 65 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган нокапитал ишлар бўйича захиралар | 30 | 85 |
| 10 | Нокапитал ишларда банд бўлган ходимларнинг ижтимоий суғуртаси ва таъминотига ажратмалар амалга оширилган | 30 | 69 |
| 11 | Нокапитал ишларнинг амалга оширилиши билан банд бўлган ходимлар меҳнатига ҳақ ҳисобланган | 30 | 70 |
| 12 | Бошқа ташкилотлар ва корхоналарга уларнинг нокапитал ишларнинг амалга оширилишида кўрсатган хизматлари учун (шу жумладан, ижара бўйича) қарз акс эттирилган | 30 | 76 |
| 13 | Нокапитал ишларнинг тугалланишига қараб асосий воситаларга тегишли вақтинчалик (титулли) бинолар ва иншоотларнинг тикланишига оид харажатлар акс эттирилган (харажатлар суммасига) | 01 | 30 |
| 14 | Вақтинчалик иншоотларни бузиш ва тугатишдан сўнг қолган материаллар кирим қилинган | 10 | 30 |
| 15 | Вақтинчалик иншоотлар тугатилганидан сўнг қолган ва нокапитал ишлар тугалланганидан сўнг қайтарилган, АТБ сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинган | 12 | 30 |
| 16 | Асосий фаолият учун амалга оширилган нокапитал ишлар давр харажатларига ёзиб қўйилган | 26 | 30 |
| 17 | Харидорлар ва буюртмачилар учун амалга оширилган нокапитал ишлар (уларга ҳисобварақлар тақдим этилган) | 62 | 30 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 18 | Бошқа корхоналар ва ташкилотлар учун амалга оширилган нокапитал ишлар | 76 | 30 |
| 19 | Қурилиши тугалланган объектларнинг бузилиши ва демонтаж қилиниши билан боғлиқ бўлган ва қурувчи амалга оширадиган ишлар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган | 26 | 30 |

## 31-"КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ХАРАЖАТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

31-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағи мазкур ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган харажатлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, ушбу ҳисобварақда кон-тайёргарлик ишлари; саноатнинг мавсумий тармоқларида ишларнинг бажарилишига тайёргарлик ишлари; ерлар рекультивацияси; йил мобайнида нотекис тарзда амалга ошириладиган асосий воситаларнинг тузатилиши (корхона тегишли захира ёки фондни барпо этмайдиган ҳолларда); кейинги даврлар учун ижара ҳақининг тўланиши билан боғлиқ ва келгусида таннархга ёзиб қўйилиши мумкин бўлган бошқа харажатлар акс эттирилиши мумкин.

31-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағида ҳисобга олинган харажатлар 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар", 25-"Умумий ишлаб чиқариш харажатлари", 26-"Давр харажатлари" ҳисобварақларининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Келгуси даврлар харажатларининг ҳисобдан чиқарилиши уларнинг узилиши учун белгиланган муддат давомида тенг равишда ёки улар таннархига киритиладиган ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми ёки миқдорига мутаносиб равишда амалга оширилади, масалан, фойдали қазилмаларнинг юзини очишга доир харажатлар кондан қазиб олинадиган тошнинг ҳисоб-китобдаги ҳажмига бўлинади. Бир куб метр қазилмага келгуси даврлар харажатлари узилишининг сўмлар (тийинлар)даги нормаси олинади.

31-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобвараға бўйича тафсилий ҳисоб харажатларнинг турлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 31-"Келгуси даврлар харажатлари" (КДХ) ҳисобвараги

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | КДХга киритиладиган ишларнинг бажарилишида қатнашадиган асосий воситаларнинг эскириши ҳисобланган (кон-тайёргарлик, мавсумий тармоқларда ва ҳоказо) | 31 | 02 |
| 2 | КДХга киритиладиган ишларнинг бажарилишига тааллуқли номоддий активлар бўйича амортизация ҳисобланган (кон-тайёргарлик ишларига ҳаражатлар таркибида ва ҳоказо) | 31 | 05 |
| 3 | Материаллар КДХ ҳисобварагида ҳисобга олинадиган ишларнинг бажарилиши учун бериб юборилган (кон-тайёргарлик ва шу каби тадбирлар) | 31 | 10 |
| 4 | Бирлиги учун белгиланган лимитгача қийматга эга бўлган ва КДХга киритиладиган ишларда ишлатиладиган АТБ бериб юборилган (фойдаланишга бериб юбориш пайтида) | 31 | 12 |
| 5 | КДХнинг амалга оширилишида қатнашадиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 31 | 13 |
| 6 | КДХ таркибида ҳисобга олинган моддий бойликларнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 31<br>(14 | 14<br>83) |
| 7 | КДХ таркибида ҳисобга олинган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган (ижобий сон билан ёки сторно) | 31 | 16 |
| 8 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг КДХга киритиладиган ишларнинг бажарилишида кўрсатган хизматлари акс эттирилган | 31 | 23 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Келгуси даврлар харажатларига тегишли умумий ишлаб чиқариш харажатлари ҳиссаси ҳисобдан чиқарилган | 31 | 25 |
| 10 | ХИХда келгуси даврларга тегишли бўлган харажатлар амалга оширилган (ижара ҳақи, ижарага олинган асосий воситаларнинг тузатилиши бўйича ва ҳоказо) | 31 | 29 |
| 11 | Тайёр маҳсулот КДХни амалга ошириш учун ишлатилган (мавсумлар ўртасидаги даврдаги қайта ишлаш ва ҳоказо) | 31 | 40 |
| 12 | Келгуси даврлар харажатларига нақд пул билан ҳақ тўланган | 31 | 50 |
| 13 | Келгуси даврлар харажатларига ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳақ тўланган (шу жумладан, ерлар рекультивацияси, навбатдаги йилга ижара ҳақи учун ва ҳоказо) | 31 | 51, 52 |
| 14 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки буюртмачиларга КДХга киритиладиган моддий бойликлар ёки ишлар (шу жумладан, электр энергияси, сув, газ, алоқа ва шу каби хизматлар) учун қарз акс эттирилган | 31 | 60 |
| 15 | КДХни амалга оширишда қатнашаётган ишлаб чиқаришга оид мол-мулкнинг мажбурий суғуртаси ва ходимларнинг шахсий суғуртаси бўйича харажатлар амалга оширилган | 31 | 65 |
| 16 | КДХ таркибида акс эттирилган суммалардан бюджетдан ташқари фондларга бадаллар бўйича қарз акс эттирилган | 31 | 67 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 17 | Меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан ижтимоий суғурта ва таъминотга КДХга киритилган ажратмалар акс эттирилган | 31 | 69 |
| 18 | КДХ таркибида ҳисобга олинган ишларнинг бажарилишида қатнашаётган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш суммалари ҳисобланган (мавсумий тармоқлар, кон-тайёргарлик ишлари ва ҳоказо) | 31 | 70 |
| 19 | Ҳисобдор шахслар КДХни амалга оширишда қилинган хизматларга ҳақ тўлашган | 31 | 71 |
| 20 | Турли корхоналарга уларнинг КДХга кирадиган ишларнинг амалга оширилишида кўрсатган хизматлари учун қарз акс эттирилган (шу жумладан, ижара) | 31 | 76 |
| 21 | Шуъба корхоналари КДХга кирадиган ишларнинг амалга оширилишида хизматлар кўрсатган | 31 | 78 |
| 22 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар КДХга кирадиган ишларнинг амалга оширилишида хизматлар кўрсатган | 31 | 79 |
| 23 | КДХнинг капитал маблағ сарфлашларга кирадиган ҳиссаси ҳисобдан чиқарилган | 08 | 31 |
| 24 | КДХнинг таркибида ҳисобга олинган ишларнинг амалга оширилишида қолган ёки олинган материаллар кирим қилинган | 10 | 31 |
| 25 | КДХ ҳиссаси навбатдаги ҳисобот даври келганида ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли ҳисобварақларига ёзиб қўйилган (шу жумладан, ижара ҳақи бўйича) | 20, 23, 25 | 31 |

| т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 26 | КДХнинг тегишли суммаси хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг харажатларига ёзиб қўйилган (навбатдаги ҳисобот даври келганида) | 29 | 31 |
| 27 | КДХ ҳиссаси нокапитал ишлар таннархига ёзиб қўйилган | 30 | 31 |
| 28 | КДХ суммалари акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига ҳисобдан чиқарилади | 48 | 31 |
| 29 | КДХнинг бир қисми турли корхоналар ҳисобидан амалга оширилган (мавсумий тармоқларда, ижарага олинган асосий воситаларнинг тузатилиши) | 76 | 31 |
| 30 | Келгуси даврлар харажатлари натижа бермаган ишларга доир ёки табиий офатлардаги, буюртмаларнинг бекор қилинишидаги ва шу кабилардаги зарарга ҳисобдан чиқарилган | 26 | 31 |
| 31 | КДХнинг навбатдаги ҳиссаси илгари ҳисобланган захира ҳисобига ёзиб қўйилган (ижарага олинган асосий воситаларнинг тузатилиши) | 89 | 31 |

## 37-"МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағи ишлаб чиқарилган маҳсулот, буюртмачиларга топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар тўғрисида ҳисобот даври учун ахборотни умумлаштиришга, шунингдек мазкур маҳсулот, ишлар, хизматларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи норматив (режадаги) таннархидан фарқ қилишини аниқлашга мўлжалланган. Бу ҳисобварағидан заруратга қараб фойдаланилади.

37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағининг дебети бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи акс эттирилади (20-"Асосий ишлаб чиқариш", 23-"Кўмакчи ишлаб чиқаришлар", 29-"Хизмат

кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар" ҳисобварақлари билан боғлиқ равишда).

37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот, топширилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг норматив (режадаги) таннархи акс эттирилади (40-"Тайёр маҳсулот", 46-"Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш" ва ҳоказо ҳисобварақлари билан боғлиқ равишда).

37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобвараги бўйича дебет ва кредит айланмаларини таққослаш ойнинг биринчи кунига бўлган ҳолатга ишлаб чиқарилган маҳсулотни, топширилган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи норматив (режадаги) таннархдан фарқ қилиши аниқланади. Тежам, яъни норматив (режадаги) таннархнинг ҳақиқий таннархдан ошиши 37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича ва 46-"Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади. Ортиқча харажат яъни ҳақиқий таннархнинг норматив (режадаги) таннархдан ошганлиги 37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағидан 46-"Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш" ҳисобварағининг дебетига қўшимча ёзув билан ўтказилади.

37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобвараги ой сайин якунлаб борилади ва ҳисобот санасигача сальдо мавжуд бўлмайди.

37-"Маҳсулот (иш,хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағидаги таҳлилий ҳисоб-китоб ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари бўйича ёки тугал маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлинмалар бўйича ёки бошқариш учун зарур бўлган бошқа тарзда юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **37-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Асосий цехлар ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва бажарган ишларининг амалдаги таннархи ҳисобдан чиқарилган (шу жумладан, "қисқартирилган" таннарх бўйича) | 37 | 20 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатган хизматларининг амалдаги таннархи ҳисобдан чиқарилган | 37 | 23 |
| 3 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатган хизматларининг амалдаги таннархи ҳисобдан чиқарилган | 37 | 29 |
| 4 | Ўз ишлаб чиқаришининг кирим қилинган материаллари норматив (режадаги) таннархи акс эттирилган | 10 | 37 |
| 5 | Чорвачиликдаги маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши (қўшилган вазн, ўсиш, ҳайвонларнинг туғилган болалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари) норматив (режадаги) таннарх бўйича акс эттирилган | 11 | 37 |
| 6 | Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар норматив (режадаги) таннарх бўйича акс эттирилган | 21 | 37 |
| 7 | Харидорга брак қилинган маҳсулотнинг ўрнига жўнатилган маҳсулотнинг таннархи акс эттирилган | 28 | 37 |
| 8 | Ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар ва товарлар норматив (режадаги) таннарх бўйича акс эттирилган (шу жумладан, "қисқартирилган" таннарх бўйича) | 40, 41 | 37 |
| 9 | Буюртмачига ишлар топширилган ёки хизматлар кўрсатилган (четга); амалдаги таннархнинг норматив (режадаги) таннархдан фарқи акс эттирилган (37-ҳисобварақ ёпилган); ортиқча харажат ёки иқтисод (қизил билан) | 46 | 37 |
| 10 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига хизматлар кўрсатилиши акс эттирилган (норматив ёки режадаги таннарх бўйича) | 79 | 37 |

# IV бўлим

# ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР, ТОВАРЛАР ВА УЛАРНИ СОТИШ

Ушбу бўлим ҳисобварақлари тайёр маҳсулотлар (ишлаб чиқариш маҳсулотлари) ва товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги, корхонанинг ушбу ва бошқа активларининг сотилиши жараёни тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

## 40-"ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағи тайёр маҳсулотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ моддий ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналари томонидан фойдаланилади.

Бутлаш учун сотиб олинган (қиймати корхона маҳсулотининг таннархига киритилмайдиганлари) ёки сотиладиган товарлар сифатидаги тайёр буюмлар 41-"Товарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Четга бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг қиймати 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағида акс эттирилмайди, улар бўйича амалдаги харажатлар эса ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидан бевосита 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Буюртмачиларга ўз жойида топширилиши лозим бўлган ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулот тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида қолади ва "Тайёр маҳсулот" ҳисобварағида ҳисобга олинмайди.

Тайёр маҳсулот "Тайёр маҳсулот" ҳисобварағида амалдаги ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинади. Қишлоқ хўжалик корхоналари ўсимликшунослик, чорвачилик маҳсулотлари ҳаракатини ва хом ашёнинг қайта ишланишини йил давомида режадаги таннархи бўйича ҳисобга оладилар; тайёр маҳсулотнинг амалдаги таннархи билан режадаги таннархи ўртасидаги йил охирида аниқланган фарқ кўрсатилган маҳсулотнинг йил охиридаги қолдиғига тегишли ҳиссада маҳсулот ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишда 37-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ҳисобварағидан фойдаланилганида тайёр маҳсулот "Тайёр маҳсулот" ҳисобварағида норматив (режадаги) таннархи бўйича акс эттирилади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулотнинг, шу жумладан қисман корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотнинг кирим қилиниши 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағининг дебети бўйича ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади. Агар тайёр маҳсулот тўлалигича корхонанинг ўзида фойдаланиш учун йўналтириладиган бўлса, унда у 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағига кирим қилинмаслиги мумкин, балки ушбу маҳсулотнинг мақсадига қараб 10-"Материаллар" ҳисобварағида ва бошқа шунга ўхшаш ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Юклаб жўнатилган ёки жойида харидорларга (буюртмачиларга) топширилган, ҳисоб-китоб ҳужжатлари ушбу харидорлар (буюртмачилар)га тақдим этилган тайёр маҳсулот сотиш тартибида 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағидан 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра шартлашилган юклаб жўнатилган маҳсулотга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ва унинг тасодифан нобуд бўлиши таваккалчилиги корхонадан харидорга (буюртмачига) ўтиши пайти юқорида кўрсатилган (масалан, маҳсулотни экспорт қилишдагидан) бошқача бўлса, унда бундай пайтгача бу маҳсулот 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. У амалда юклаб жўнатилганида 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағининг кредити ва 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағининг дебети бўйича қайд қилинади.

Бошқа корхоналарга комиссион асосда ва бошқа асосларда сотиш учун берилган тайёр маҳсулот 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағидан 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади. Тайёр маҳсулот жамлама 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағида амалдаги ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисобга олинганида тафсилий ҳисобда унинг айрим номлари ҳаракатини буюмларнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатган ҳолда ҳисобга олиш нархлари бўйича (режадаги таннархи, сотиш нархлари ва ҳоказо) акс эттириш мумкин. Бундай фарқлар тайёр маҳсулотнинг корхона томонидан айрим буюмларнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ даражасидан келиб чиқиб шакллантириладиган бир хилдаги гуруҳлари бўйича ҳисобга олинади.



10 —7501

Тайёр маҳсулотни 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқаришда ушбу маҳсулотга тегишли тафсилий ҳисобда қабул қилинган ушбу маҳсулотнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқлари суммаси фарқларнинг ҳисобот даври бошидаги тайёр маҳсулот қолдиғига нисбатидан ва ҳисобот ойи давомида омборга келиб тушган маҳсулот бўйича фарқларнинг ушбу маҳсулотнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қийматига нисбатидан келиб чиқиб ҳисобланган фоиз бўйича белгиланади. Юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотга тегишли тайёр маҳсулотнинг амалдаги ишлаб чиқариш таннархи билан унинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқлар суммаси 40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағининг кредити ва тегишли ҳисобварақларнинг дебети бўйича уларнинг ортиқча харажатни ёки иқтисодни кўрсатишига қараб қўшимча ёки сторно қиладиган ёзув билан акс эттирилади.

40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб тайёр маҳсулотнинг сақланиш жойлари ва унинг алоҳида турлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **40-"Тайёр маҳсулотлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Тайёр маҳсулотларнинг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган | 40 (14 | 14 83) |
| 2 | Асосий ва ёрдамчи цехларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари кирим қилинган (37-ҳисобварақ қўлланилмаганида), шу жумладан, "қисқартирилган" таннарх бўйича | 40 | 20, 23 |
| 3 | Ўзи ишлаб чиқарган сотиш учун мўлжалланган ярим тайёр маҳсулотлар тайёр маҳсулот сифатида акс эттирилган | 40 | 21 |
| 4 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар акс эттирилган | 40 | 29 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Маҳсулот ишлаб чиқарилиши норматив (режадаги) таннарх, шу жумладан, "қисқартирилган" таннарх бўйича акс эттирилган | 40 | 37 |
| 6 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган маҳсулот захиралари ҳисобга қабул қилинади | 40 | 85 |
| 7 | Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозларнинг қиймати узилиши) | 46 (06 | 40 46) |
| 8 | Ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган тайёр маҳсулот материаллар таркибига ўтказилади | 10 | 40 |
| 9 | Тайёр маҳсулот арзонлаштирилган | 14 (80) | 40 (14) |
| 10 | Тайёр маҳсулот асосий цехларнинг ички эҳтиёжлари учун ишлатилган; маҳсулотнинг омбордан цехларга қайтарилиши (қўшимча ишлаш ва ҳоказо) | 20 | 40 |
| 11 | Тайёр маҳсулот ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг ички эҳтиёжлари учун ишлатилган | 23 | 40 |
| 12 | Тайёр маҳсулот умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилган | 25, 26 | 40 |
| 13 | Маҳсулотнинг бракни тузатиш учун бериб юборилиши | 28 | 40 |
| 14 | Тайёр маҳсулот КДХ таркибида ҳисобга олинадиган харажатларга ишлатилган (мавсумлар орасидаги даврда қайта ишлаш ва ҳоказо) | 31 | 40 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Тайёр маҳсулот сотиш операциялари жараёнида маҳсулот етказиб берувчи ҳисобидан ишлатилган (ўзи ишлаб чиқарған тара ва ҳоказо) | 26 | 40 |
| 16 | Тайёр маҳсулот юклаб жўнатилган (45-ҳисобварақ қўлланилганида); тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга комиссион асосда берилган (параллел равишда фарқлар ҳисобдан чиқарилади), бошқа корхоналарга қайта ишлашга берилган; капитал тузатишга ва қурилишга | 45 | 40 |
| 17 | Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга қайта ишлашга, капитал тузатишга ва қурилишга юклаб жўнатилган ва сотилган (юклаб жўнатилиши бўйича сотилиши); амалдаги таннархнинг норматив таннархдан фарқлари параллел равишда ҳисобдан чиқарилади (иқтисод - сторно), ўзининг капитал қурилиш бўлимига ва бошқа бўлинмаларга бериб юбориш (хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга); мавоза бўйича бериб юбориш | 46 | 40 |
| 18 | Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (шу жумладан, қимматли қоғозлар харид қилинган) | 46<br>(58 | 40<br>46) |
| 19 | Тайёр маҳсулотнинг табиий офатлар, ёнғинлар, авариялар ва шу кабилардаги ўрни қопланмайдиган йўқотишлари зарарларга ҳисобдан чиқарилган | 80 | 40 |
| 20 | Тайёр маҳсулотнинг аниқланган камомади акс эттирилган | 84 | 40 |
| 21 | Бошқа корхоналар, мактаблар, ҲТБЮлар ва шу кабиларга текинга берилган маҳсулот қиймати | 46<br>(80 | 40<br>46) |

# 41-"ТОВАРЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

41-"Товарлар" ҳисобварағи сотиш учун товарлар сифатида сотиб олинган товар-моддий бойликлар, шунингдек ижара буюмларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ асосан таъминот, сотиш ва савдо корхоналари, шунингдек умумий овқатланиш корхоналари томонидан фойдаланилади.

Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида 41-"Товарлар" ҳисобварағи қандайдир буюмлар, материаллар, маҳсулотлар махсус сотиш учун сотиб олинган ёки саноат корхоналарида комплектлаш учун сотиб олинган тайёр буюмлар қиймати ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига киритилмайдиган, балки харидорлар томонидан алоҳида тарзда қопланадиган ҳолларда қўлланилади.

Таъминот, сотиш ва савдо корхоналари 41-"Товарлар" ҳисобварағида ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган ва 01-"Асосий воситалар" ёки 12-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган инвентардан ташқари, сотиб олинган тарани ва ўзи ишлаб чиқарган тарани ҳам ҳисобга оладилар.

Масъулиятли сақлашга, шунингдек консигнацияга қабул қилинган товарлар балансдан ташқари 002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Комиссияга қабул қилинган товарлар балансдан ташқари 004-"Комиссияга қабул қилинган товарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Таъминот, сотиш ва савдо корхоналарида товарлар 41-"Товарлар" ҳисобварағида харид ёки сотиш нархлари бўйича ҳисобга олинади. Товарлар сотиш нархлари бўйича ҳисобга олинганида харид қиймати билан сотиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ (чегирма, қўшимча) алоҳида тарзда 42-"Савдо устамаси" ҳисобварағида акс эттирилади. Товарларни тайёрлаш ва олиб келишга доир харажатлар кейинчалик товарларнинг сотилишига қараб 26-1-"Муомала харажатлари" илова ҳисобварағига ҳисобдан чиқариш учун 26-1"Муомала харажатлари" ҳисобварағида ёки 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

41-"Товарлар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

41-1-"Омборлардаги товарлар";
41-2-"Чакана савдодаги товарлар";
41-3-"Товар билан банд ва бўш тара";
41-4-"Харид қилинган буюмлар";
41-5-"Ижара буюмлари" ва бошқалар.

41-1-"Омборлардаги товарлар" илова ҳисобварағида улгуржи ва тақсимловчи базаларда, омборларда, умумий овқатланиш корхоналари омборларида, сабзавот сақлаш омборларида, совуткичларда ва шу кабиларда турган товар захираларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

41-2-"Чакана савдодаги товарлар" илова ҳисобварағида чакана савдо корхоналарида (дўконлар, чодирлар, дўкончалар, киоскалар ва шу кабиларда) ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларида турган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларида турган шиша идишлар (шишалар, банкалар ва ҳоказо)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳам ушбу илова ҳисобварағида ҳисобга олинади.

41-3-"Товар билан банд ва бўш тара" илова ҳисобварағида товар билан банд ва бўш таранинг (чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналари буфетларида турган шиша идишлардан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Савдо корхоналари товар билан банд ва бўш таранинг ҳаракатини таранинг гуруҳлари (турлари) бўйича таркибига ва уларнинг нархига нисбатан белгиланган ўртача ҳисобга олиш нархлари бўйича ҳисобга олиши мумкин. Бунда тарани харид қилиш нархлари билан ўртача ҳисобга олиш нархлари ўртасидаги фарқлар 42-"Савдо устамаси" ҳисобварағига ("Савдо устамаси (чегирма, қўшимча)" илова ҳисобварағи) ёзиб қўйилади. Бу фарқларнинг сальдоси навбатдаги рўйхатдан ўтказишларда текшириб чиқилиши ва зарур ҳолларда 80-Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи орқали ўзгартирилиши лозим (тара билан операциялар натижалари сифатида).

41-4-"Харид қилинган буюмлар" илова ҳисобварағида 41-"Товарлар" ҳисобварағидан фойдаланиладиган саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракатини ҳисобга оладилар (ишлаб чиқариш захираларини ҳисобга олиш учун мўлжалланган тартибга нисбатан).

41-5-"Ижара буюмлари" илова ҳисобварағида ижара буюм-

ларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади. Ижара буюмларининг эскириши 13-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Омборга келган товарлар ва таранинг кирим қилиниши 41-"Товарлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ва 42-"Савдо устамаси" ҳисобварақлари (товарларни сотиш нархлари бўйича ҳисобга олишда) билан боғлиқликда акс эттирилади. Транспорт (олиб келиш бўйича) ва бошқа харажатлар 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг (бу товарларни омборга кирим қилмасдан) кредитидан ёзиб қўйилади. Навбатдаги ой бошида бу суммалар сторно қилинади ва жорий ҳисобда 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича дебиторлик қарзи сифатида ҳисобда туради.

Товарлар ва таранинг келиб тушишини ҳисобда 15-"Материалларнинг тайёрланиши ва харид қилиниши" ҳисобварағидан фойдаланган ҳолда, материаллар билан тегишли операцияларни ҳисобга олиш тартибига ўхшаш тартибда акс эттириш мумкин.

Ҳисоб-китоб ҳужжатлари харидорлар (буюртмачилар)га тақдим этилган ёки улар томонидан ҳақи тўланган бериб юборилган ёки юклаб жўнатилган товарлар сотиш тартибида 41-"Товарлар" ҳисобварағидан 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра шартлашилган бериб юборилган (юклаб жўнатилган) товарга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқининг ва унинг тасодифан нобус бўлиши таваккалчилигининг корхонадан харидорга (буюртмачига) ўтиши пайти юқорида кўрсатилганидан бошқача бўлса, унда бундай пайтгача бундай товарлар 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Бошқа корхоналарга қайта ишлаш учун берилган товарлар 41-"Товарлар" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилмайди, балки алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

41-"Товарлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб масъул шахслар, товарларнинг номлари (навлари, гуруҳлари, турлари), зарур ҳолларда эса товарларнинг сақланиш жойлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 41-"Товарлар" ҳисобварағи

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Товарлар ва ижара буюмларининг қўшимча баҳоланиши амалга оширилган (савдо ва шу каби корхоналарда) | 41 (14 | 14 80) |
| 2 | Асосий ишлаб чиқаришда ишлаб чиқарилган товарларнинг чиқарилиши акс эттирилган (савдо ва шу каби корхоналарда қайта ишлашда) | 41 | 20 |
| 3 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларда ишлаб чиқарилган товарларнинг чиқарилиши акс эттирилган (қайта ишлаш, савдо ва шу каби корхоналарда) | 41 | 23 |
| 4 | Омборларда товарлар сифатида кирим қилинган моддий бойликлар (бутловчи буюмлар)нинг ортиқча миқдорлари акс эттирилган | 41 | 80 |
| 5 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ўз ишлаб чиқаришлари товарларини чиқаришган | 41 | 29 |
| 6 | Кирим қилинган товарлар бўйича савдо устамаси акс эттирилган | 41 | 42 |
| 7 | Харид қилинган товарларга ҳақ тўланган, шу жумладан нақд пуллар билан | 41 | 50, 51, 52 |
| 8 | Маҳсулот етказиб берувчиларга қўшимча тўланган суммалар (шартноманинг ўзгартирилиши, ёзувлардаги ва ҳужжатлардаги хатолар) | 41 | 50, 52 |
| 9 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг харид қилинган товарлар учун ҳисобварақлари акцепт қилинган; товарлар мавоза бўйича тушган | 41 | 60 |
| 10 | Тақдим этилган қондирилмайдиган эътирозлар суммалари ўзи ишлаб чиқарган товарларнинг, шунингдек бутловчи буюмлар, ижара буюмларининг таннархига ҳисобдан чиқарилган | 41 | 63 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида сотиб олинган харид товарлари ҳисобга қабул қилинади | 41 | 85 |
| 12 | Товарларнинг таннархига киритилган солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги қарз акс эттирилган | 41 | 68 |
| 13 | Ҳисобдор шахслар харид қилинган товарларга ҳақ тўлаган | 41 | 71 |
| 14 | Муассислардан корхонанинг устав сармоясига уларнинг ҳиссалари ҳисобига келиб тушган товарлар кирим қилинган | 41 | 75 |
| 15 | Товарлар турли корхоналар, ташкилотлар ва шахслардан келиб тушди, шу жумладан, мавоза тартибида | 41 | 76 |
| 16 | Товарлар шўъба корхоналардан келиб тушди | 41 | 78 |
| 17 | Товарлар корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларидан келиб тушди | 41 | 79 |
| 18 | Товарларнинг ортиқча миқдорлари, шунингдек илгари табиий офатлар ва шу кабилардан ҳисобдан чиқарилган товарлар кирим қилинган | 41 | 80 |
| 19 | Бошқа корхоналардан турли товарлар ва ижара буюмлари текинга олинган | 41 | 80 |
| 20 | Товарлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46 (06 | 41 46) |
| 21 | Илгари товарлар сифатида кирим қилинган моддий бойликлар материаллар таркибида акс эттирилади (ўз эҳтиёжлари учун); материаллар тарани, ижара буюмларини ҳисобдан чиқаришда кирим қилинган | 10 | 41 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 22 | Яроқсиз ҳолга келган ижара буюмлари эскириш ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган | 13 | 41 |
| 23 | Товарлар ва ижара буюмлари арзонлаштирилган (савдо ва шу каби корхоналарда) | 14<br>(80 | 41<br>14) |
| 24 | Товарлар қайта ишлашга бериб юборилган; харид қилинган ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришга жўнатилган | 20 | 41 |
| 25 | Товарлар сотиш операцияларида ишлатилган (тара ва ҳоказо) | 26 | 41 |
| 26 | Товарлар савдо ва шу каби корхоналарда ўз эҳтиёжлари учун ишлатилган | 26 | 41 |
| 27 | Товарлар юклаб жўнатилган (сотилиш вақти - ҳақнинг келиб тушиши), шу жумладан уларнинг комиссион ва бошқа асосларда сотиш учун берилиши | 45 | 41 |
| 28 | Мавоза тартибида бериб юборилган товарларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилган | 46 | 41 |
| 29 | Товарлар юклаб жўнатилган (сотилиш вақти - юклаб жўнатилиши) | 46 | 41 |
| 30 | Товарлар бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (улардан харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилишига) | 46<br>(58 | 41<br>46) |
| 31 | Буюртмачиларнинг улар учун амалга оширилган товарлар (бутловчи буюмлар, савдода) бўйича қарзи акс эттирилган | 62 | 41 |
| 32 | Кирим қилиб бўлинган товарларнинг бир қисми эътироз тақдим этилган айбдор ташкилотларга ҳисобдан чиқарилган; йўлдаги зарар нормасидан ортиқ йўқотишлар; сифатнинг мувофиқ келмаслиги | 63 | 41 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 33 | Ижарага олувчилар томонидан қайтарилмаган ижара буюмлари ҳисобдан чиқарилган | 76 | 41 |
| 34 | Товарлар шўъба корхоналарга берилган | 78 | 41 |
| 35 | Товарлар корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига бериб юборилган | 79 | 41 |
| 36 | Товарларнинг ўрни қопланмайдиган йўқотишлари табиий офатлардан зарарлар сифатида акс эттирилган | 80 | 41 |
| 37 | Рўйхатдан ўтказишларда аниқланган товарларнинг камомадлари акс эттирилган | 84 | 41 |

## 42-"САВДО УСТАМАСИ" ҲИСОБВАРАҒИ

42-"Савдо устамаси" ҳисобвараги агар чакана корхоналардаги товарларнинг ҳисоби сотиш нархлари бўйича юритиладиган бўлса, унда ана шу товарларга савдо устамалари (чегирмалар, қўшимчалар) ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Умумий овқатланиш корхоналарида ушбу ҳисобварақда омборларда, буфетларда, ошхонада турган озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларга савдо чегирмалари ва устамалри, шунингдек ошхона ва буфетдаги маҳсулотларнинг сотиш нархлари бўйича қийматига белгиланган тартибда қўйиладиган устамалар суммалари ҳисобга олинади.

42-"Савдо устамаси" ҳисобварағида, шунингдек, товарларнинг эҳтимол бўлган йўқотишлари учун ва қўшимча транспорт харажатларини қоплаш учун маҳсулот етказиб берувчилар савдо ташкилотларига берадиган чегирмалар ҳам ҳисобга олинади.

42-"Савдо устамаси" ҳисобварағида қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин;

42-1-"Савдо устамаси (чегирма, устама)";

42-2-"Маҳсулот етказиб берувчиларнинг транспорт харажатларини қоплаш учун чегирмалар" ва бошқалар.

42-"Савдо устамаси" ҳисобвараги товарларнинг кирим қилинишида савдо ва қўшимча чегирма (устама)лар суммаларига кредит қилинади, товарлар сотилган, бериб юборилган ёки табиий йўқолиши, брак, бузилиши, камомад ва шу кабилар натижасида ҳисобдан чиқарилганида савдо ва қўшимча чегирма (устама)лар суммаларига дебет қилинади.

Чегирма (устама)лар суммаларининг корхоналарда сотилган товарларга тегишли қисмида 42-"Савдо устамаси" ҳисобварагининг кредити ва 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварагининг дебети бўйича сторно қилинади. Чегирма (устама)лар суммаларининг омборлар ва базалардан сотилган ва бериб юборилган товарларга тегишли қисмида ёзиб берилган ҳисобварақ-фактураларга биноан белгиланади ва шунга ўхшаган тартибда ҳисобдан чиқарилади (сторно қилинади). Чегирма (устама)лар суммаларининг сотилмаган товарларга тегишли қисми инвентарь рўйхати асосида товарларга белгиланган миқдорларга мувофиқ равишда қўйилиши лозим бўлган чегирма (устама)ни аниқлаш йўли билан аниқланади.

Чакана савдо корхоналаридаги сотилмай қолган товарларнинг қолдигига чегирма (устама) суммаси 42-"Савдо устамаси" ҳисобварагининг (бошқа ҳисобдан чиқаришларга) дебети бўйича айланиш суммасига камайтирилган товарларнинг ой бошидаги қолдигига чегирма (устама)лар суммасининг 42-"Савдо устамаси" ҳисобварагининг кредити бўйича айланишнинг ой мобайнида сотилган товарлар суммасига (ҳисобга олиш нархлари бўйича) нисбати асосида ҳисоблаб чиқилган фоиз бўйича аниқланиши мумкин.

Агар умумий овқатланиш корхоналарининг омборларидаги, ишлаб чиқаришдаги ва буфетлардаги маҳсулотларнинг ҳисобга олиниши сотиш нархлари бўйича (устама билан) юритилса, унда сотилган савдо чегирмаси (устамаси) чакана савдо корхоналарида қабул қилинган тартибда аниқланади. Агар омборлардаги маҳсулотлар сотиш нархлари ёки ўртача олинган нархлар бўйича (устамасиз), ишлаб чиқаришдаги ва буфетлардаги маҳсулотлар сотиш нархлари бўйича (устама билан) ҳисобга олинса, унда сотилган савдо устамалари ва сотилган савдо чегирмалари алоҳида тарзда ҳисоблаб чиқилади.

Етмайдиган ва ўгирланган товар-моддий бойликларнинг қийматини ҳисобдан чиқаришда ушбу бойликларга тегишли бўлган чегирма (устама)лар суммалари савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида 42-"Савдо устамаси" ҳисобварагининг кредити бўйича ("Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган

сумма билан бойликларнинг камомадига оид баланс қиймати ўртасидаги фарқ" илова ҳисобвараги) акс эттирилади.

42-"Савдо устамаси" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб чегирма (устама)лар суммалари ҳамда чакана савдо корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналаридаги товарларга ва юклаб жўнатилган товарларга тегишли бўлган нархлардаги фарқларнинг алоҳида тарзда акс эттирилишини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **42-"Савдо устамаси" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Кирим қилинган товарлар бўйича савдо устамаси акс эттирилган | 41 | 42 |
| 2 | Чегирма (устама)лар суммалари сотилган товарларга тегишли қисмида сторно қилинади | 46 | 42 |
| 3 | Савдо ва шу каби корхоналарда нархлардаги фарқ (тара ва шу кабилар бўйича) корхонанинг даромадига киритилган (тара билан операциялар бўйича натижа) | 42 | 80 |
| 4 | Етмайдиган товарлар ва тарага тегишли чегирма (устама)лар суммаси ҳисобдан чиқарилган | 42 | 83 |

## 45-"ЮКЛАБ ЖЎНАТИЛГАН ТОВАРЛАР" ҲИСОБВАРАГИ

45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобвараги, агар маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра шартлашилган юклаб жўнатилган маҳсулотга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқининг ва унинг тасодифан нобуд бўлиши таваккалчилигининг корхонадан харидорга, буюртмачига ўтиши бўйича умумий тартибдагидан бошқача пайт кўзда тутилган бўлса (масалан, маҳсулотни экспорт қилишдаги), унда юклаб жўнатилган маҳсулот (товарлар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бошқа корхоналарга комиссион асосда ва бошқа асосларда сотиш учун берилган тайёр маҳсулот ҳам ушбу ҳисобварақда ҳисобга олинади.

Юклаб жўнатилган товарлар 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағида амалда ишлаб чиқариш таннархи ёки норматив (режадаги) таннархи бўйича ҳисобга олинади.

45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағи 40-"Тайёр маҳсулот", 41-"Товарлар" ҳисобварақлари билан боғлиқликда тайёр буюмлар (товарлар)ни юклаб жўнатиш ёки уларни комиссион асосда ва бошқа асосларда сотиш учун беришга доир расмийлаштирилган ҳужжатларга (юкхатлар, қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва ҳоказо) мувофиқ дебет қилинади.

45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобга қабул қилинган суммалар харидорлар (буюртмачилар)га юклаб жўнатилган маҳсулотлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилганида ёки комиссионердан унга берилган буюмларнинг сотилганлиги ҳақида хабарнома келиб тушганида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Агар корхона маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилишини харидорлар (буюртмачилар)нинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича ҳақ тўлашига қараб акс эттирадиган бўлса, унда 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағи барча юклаб жўнатилган маҳсулот (товар)лар, бажарилган ва топширилган иш (хизмат)ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун қўлланилади. Бунда 45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағи бўйича ҳисобга қабул қилинган суммалар харидорлар (буюртмачилар) ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича ҳақ тўлаганида 46"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **45-"Юклаб жўнатилган товарлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Четга, шунингдек ўзининг капитал қурилишига, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга бериб юборилган материаллар, шу жумладан таранинг қиймати харидорлар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган (46-ҳисобварақ қўлланилганида) | 45 | 10 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Четга ёки корхонанинг айрим бўлинмаларига бериб юборилган ҳайвонлар қиймати ҳисобдан чиқарилган (46-ҳисобварақ орқали) | 45 | 11 |
| 3 | Четга ёки ўзининг айрим ички бўлинмаларига бериб юборилган АТБ қиймати ҳисобдан чиқарилган | 45 | 12 |
| 4 | Четга бериб юборилган моддий бойликлар қийматидаги фарқлар акс эттирилган (ортиқча харажат - мусбат сон билан, иқтисод - сторно) | 45 | 16 |
| 5 | Буюртмачилар учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг, шу жумладан энергия, буғ, сув ва ҳоказонинг қиймати акс эттирилган (асосий, ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехлари, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар томонидан) | 45 | 20, 23, 29 |
| 6 | Четга бериб юборилган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар қиймати акс эттирилган (тайёр маҳсулот ҳисобварағини четлаб) | 45 | 21 |
| 7 | Маҳсулот сотиш тартибида юклаб жўнатилган (сотилиш вақти - тўловларнинг келиб тушиши), шу жумладан маҳсулот комиссион асосда ва бошқа шунга ўхшаш асосларда сотиш учун берилган . | 45 | 40 |
| 8 | Товарлар харидорларга уларни сотиш тартибида юклаб жўнатилган (45-ҳисобварақ қўлланилганида), шу жумладан маҳсулот комиссион асосда ва бошқа шунга ўхшаган асосларда сотиш учун берилган | 45 | 41 |
| 9 | Илгари амалга оширилган тижоратчилик харажатлари (шу жумладан, транспорт) харидор ҳисобига ёзиб қўйилган (харидорга тақдим этилган ҳисобварақққа киритилган) | 45 | 26 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Илгари амалга оширилган муомала харажатлари (шу жумладан, транспорт) харидор ҳисобига ёзиб қуйилган (харидорга тақдим этилган ҳисобварақҳа киритилган) | 45 | 26 |
| 11 | Харидор ҳисобидан ҳақ тўланган транспорт харажатлари (юклаб жўнатиш бўйича) | 45 | 51, 52, 55, 62 |
| 12 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг маҳсулотни юклаб жўнатишда кўрсатган хизматлари (транспорт хизматлари ва ҳоказо) учун харидорлар ҳисобига ёзиб қўйилган ҳисобварақлари акцепт қилинган; ҳисоб-китобларда ҳисобга олган ҳолда транзит акс эттирилган (савдода ва ҳоказо) | 45 | 60 |
| 13 | Ҳисобдор шахслар харидорлар ҳисобига ёзиб қуйилган юклаб жўнатишга доир харажатларга ҳақ тўлаган (масалан, транспорт, юклаб жўнатиш бўйича ва ҳоказо) | 45 | 71 |
| 14 | Турли корхона ва ташкилотларга юклаб жўнатиш бўйича кўрсатилган ва харидорларга тақдим этилган хизматлар учун қарз акс эттирилган (транспорт ва ҳоказо) | 45 | 76 |
| 15 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалари харидорларга ёки бошқа бўлинмага ўз маҳсулотларини юклаб жўнатди ва хизматлар кўрсатди (ягона ҳисоб-китоб варағидан) | 45 | 79 |
| 16 | Сотилган ва илгари юклаб жўнатилган маҳсулот, товарлар ва шу кабиларга ҳақ тўланишига қараб ҳисобдан чиқарилади | 46 | 45 |
| 17 | Юклаб жўнатилган бошқа активларга ҳақ тўланишига қараб улар қиймати тегишли сотиш ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади | 48 | 45 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 18 | Харидорларга илгари тақдим этилган тара, транспорт харажатлари қийматига улар томонидан нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 50 | 45 |
| 19 | Харидорлар ва буюртмачилар ҳақ тўлаган транспорт харажатлари ва тарага доир суммалар ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварагига келиб тушди | 51, 52 | 45 |
| 20 | Илгари 45-ҳисобварақда акс эттирилган транспорт харажатлари ва тарага доир суммалар харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари сифатида ҳисобдан чиқарилади (уларнинг тақдим этилган ҳисобварақ-фактураларга ҳақ тўлашига қараб) | 62 | 45 |
| 21 | 45-ҳисобварақда ҳисобда турган эътирозлар суммалари харидорларнинг расмийлаштирилган даъволари бўйича тақдим этилган (шу жумладан, харидорларнинг акцептдан асоссиз воз кечишида) | 63 | 45 |
| 22 | Турли корхона ва ташкилотларнинг уларга бериб юборилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун қарзи акс эттирилган | 76 | 45 |
| 23 | Маҳсулотнинг корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига юклаб жўнатилиши акс эттирилган | 79 | 45 |
| 24 | Илгари юклаб жўнатилган товар сифатида акс эттирилган бойликларнинг камомади аниқланган | 84 | 45 |

## 46-"МАҲСУЛОТ (ИШ, ХИЗМАТ)ЛАРНИНГ СОТИЛИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобвараги тайёр маҳсулот, товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган

хизматларнинг сотилиши жараёни ҳақидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек ушбу бойликлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган молиявий натижаларни аниқлаш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақда, жумладан, қуйидагилар бўйича таннарх ва тушум (даромадлар) акс эттирилади:

саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналарнинг ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотлар;

саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;

харид қилинган буюмлар (бутлаш учун харид қилинган);

қурилиш, монтаж, лойиҳалаш-қидирув, геология-қидирув, илмий-тадқиқотчилик ва шу каби ишлар;

савдо, таъминот ва сотиш корхоналаридаги товарлар;

транспорт корхоналарида йўловчиларни ташишга доир хизматлар;

енгил автомобилларни ижарага бериш ва автомобилларни олиб келиш (ҳайдаб келиш)га доир хизматлар;

транспорт-экспедиция ва юклаш-тушириш операциялари;

алоқа корхоналари хизматлари.

Асосий воситалар, бошқа моддий ва ўзгача бойликларнинг сотилиши 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ва 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

Саноат корхоналари харидорлар (буюртмачилар)га юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб харажатларининг тақдим этилишига қараб харидорлар (буюртмачилар)га ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган суммани 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити ва 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирадилар. Шу билан бир вақтда юклаб жўнатилган маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг таннархи 40-"Тайёр маҳсулот", 45-"Юклаб жўнатилган товарлар", 20-"Асосий ишлаб чиқариш", 37-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқарилиши" ва бошқа ҳисобварақлар кредитидан 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича маҳсулот, ишлар, хизматларни сотишдан олинган тушум (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - уларнинг режадаги таннархи (йил давомида, амалдаги таннарх аниқланмаган

ҳолда) ва сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг режадаги таннархи билан амалдаги таннархи (йил охирида) ўртасидаги фарқ акс эттирилади. Сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларнинг режадаги таннархи, шунингдек фарқлар суммалари ушбу маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳисобга олинган ҳисобварақлар билан боғлиқликда 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади (ёки сторно қилинади).

Қурилиш корхоналарида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича тугалланган қурилиш объектларининг ёки пудрат ва субпудрат шартномалари бўйича бажарилган ишларнинг буюртмачилар билан пудратчилар ёки субпудратчилар ўртасидаги ҳисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар бўйича аниқланадиган қиймати (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - топширилган ишларнинг амалдаги таннархи (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи билан боғлиқликда) акс эттирилади.

Геология-қидирув ишларини олиб борадиган корхоналарда 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатлари буюртмачига тақдим этилган бажарилган ишларнинг шартномавий қиймати (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - ушбу ишлар бўйича амалдаги харажатлар (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи билан алоқадорликда) акс эттирилади.

Лойиҳалаш ва қидирув ташкилотларида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича буюртмачига топширилган тўлиқ тугалланган лойиҳалар ёки ишларнинг турларига доир лойиҳа-смета ҳужжатларининг шартномавий (смета) қиймати (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - ушбу ишларнинг амалдаги таннархи (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобварағи билан боғлиқликда) акс эттирилади.

Илмий-тадқиқотчилик ташкилотларида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича буюртмачиларга топширилган илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишларининг шартномавий (смета) қиймати (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - ушбу иш-

ларнинг амалдаги таннархи (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобвараги билан боғлиқликда) акс эттирилади.

Савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича сотилган товарларнинг сотиш қиймати (пул маблағларини ҳисобга олиш ва ҳисоб-китоблар ҳисобварақлари билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - уларнинг ҳисобга олиш қиймати (41-"Товарлар" ҳисобвараги билан боғлиқликда) бир вақтнинг ўзида сотилган товарларга тегишли чегирмалар (устамалар) суммаларини сторно қилиш билан (товарларни сотиш нархлари бўйича ҳисобга олишда - 42-"Савдо устамаси" ҳисобвараги билан боғлиқликда) акс эттирилади.

Кўрсатилган корхоналар 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағида, шунингдек, товарларни сотишга доир операцияларни ушбу товарлар учун ҳисоб-китобларда қатнашишни транзит қилиш билан акс эттирадилар: 46-ҳисобварақнинг дебети бўйича маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқ товарлар қиймати (60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги билан боғлиқликда), кредити бўйича эса - ушбу товарларнинг сотиш қиймати (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги билан боғлиқликда) акс эттирилади, 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича, шунингдек, товарларнинг сотилишидан олинган ялпи даромад ушбу товарлар учун ҳисоб-китобларда қатнашмасликни транзит қилиш билан акс эттирилади; ушбу товарлар учун ҳисоб-китобларда қатнашмасликни транзит қилиш билан товарларнинг сотилиши бўйича айланиш тизимдан четда ҳисобга олинади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисобланган суммалар (62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ёки 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги билан боғлиқликда), дебети бўйича эса - транспорт ва алоқадан фойдаланиш харажатлари, шунингдек экспедиция ва юклаш-тушириш операцияларига доир харажатлар (20-"Асосий ишлаб чиқариш" ҳисобвараги билан боғлиқликда) акс эттирилади.

Маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг сотилиши натижалари ҳар ойда 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағидан 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб сотиладиган маҳсулот (товар)лар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади. Бундан ташқари, бу ҳисобварақ бўйича тафсилий ҳисоб сотиш минтақалари ва корхонани бошқариш учун зарур бошқа йўналишлар бўйича ҳам юритилиши мумкин.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағи** | | | |
| 1 | Ҳайвонларнинг четга ёки айрим ички бўлинмаларга чиқиб кетиши акс эттирилган (45-ҳисобварақ қўлланилмаганида) | 46 | 11 |
| 2 | Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар цехларининг турли хизматлари (40-ҳисобварақни четлаб ҳисобга олинадиган) сотилган | 46 | 20, 23, 29 |
| 3 | Харажатлар тугалланган ва буюртмачи қабул қилган босқичлар бўйича ҳисобдан чиқарилган | 46 | 20 |
| 4 | Четга юклаб жўнатилган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобдан чиқарилган (45-ҳисобварақ қўлланилмайди) | 46 | 21 |
| 5 | Турли хизматлар сотилган ва буюртмачиларнинг ишлари бажарилган (37-ҳисобварақ қўлланилганида); айни вақтда таннарх бўйича фарқ акс эттирилади; иқтисод - сторно (чиқарилган маҳсулот бўйича) | 46 | 37 |
| 6 | Мақсадли йўналишдаги тадбирлар учун махсус манбалар ҳисобидан маҳсулотнинг бериб юборилиши, ишларнинг бажарилиши ва хизматларнинг кўрсатилиши | 96 | 46 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 7 | Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46 (06 | 40 46) |
| 8 | Тайёр маҳсулот бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (шу жумладан, қимматли қоғозларнинг харид қилиниши) | 46 (58 | 40 46) |
| 9 | Бошқа корхоналар, мактаблар, ҲТБЮлари ва шу кабиларга берилган маҳсулот қиймати | 46 (80 | 40 46) |
| 10 | Товарлар бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46 (06 | 41 46) |
| 11 | Товарлар бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (улардан сотиб олинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46 (58 | 41 46) |
| 12 | Юклаб жўнатилган тайёр маҳсулотнинг таннархи ҳисобдан чиқарилган (45-ҳисобварақ қўлланилмайди); айни вақтда таннарх бўйича фарқ акс эттирилади - мўсбат сон билан ёки сторно | 46 | 40 |
| 13 | Юклаб жўнатилган ва сотилган товарларнинг қиймати ҳисобдан чиқарилган (45-ҳисобварақсиз) | 46 | 41 |
| 14 | Сотилган савдо устамаси (чегирмаси) акс эттирилган; ёзув - сторно қилинган | 46 | 42 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Илгари 45-ҳисобварақда ҳисобда турган юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилган (шу жумладан, ҚҚБга ва ҳоказо); айни вақтда - таннарх билан жорий ҳисобдаги қиймат ўртасидаги фарқ (ортиқча харажат - мусбат сон билан, иқтисод - сторно) | 46 | 45 |
| 16 | Маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар)нинг юклаб жўнатилиши ва сотилиши билан боғлиқ ҳисобланган турли солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги қарз акс эттирилган (ҚҚС, акцизлар ва ҳоказо) | 46 | 68 |
| 17 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг таннархи акс эттирилган (45-ҳисобварақдан фойдаланмасдан) | 46 | 79 |
| 18 | Ҳисобот ойи охирида сотишдан олинган молиявий натижа акс эттирилган (даромад) - сотиш ҳисобвараги ёпилган | 46 | 80 |
| 19 | Юклаб жўнатилган товар-моддий бойликларнинг таннархи ҳисобдан чиқарилади (мавоза бўйича алмашиш операцияларида) | 46, 47, 48 | 01, 04, 10, 11, 12, 41 ва бошқ. |
| 20 | Ўзининг капитал қурилишига бериб юборилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати тушум сифатида акс эттирилади (46-ҳисобварақ орқали ўтказилади) | 08 | 46 |
| 21 | Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар цехларининг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга, ўзининг қурилишига бериб юборган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) қиймати тушум сифатида акс эттирилади (46-ҳисобварақ орқали ўтказилади) | 20, 23, 29 | 46 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 22 | Сотувчи-корхона моддий ва бошқа бойликларни мулк қилиб бериш йўли билан қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар ва ҳоказо)нинг харид қилиниши | 06, 46, 47, 48 | 46, 47, 48 мол-мулк ҳисобварақлари |
| 23 | Ўзининг капитал қурилишига, хизмат кўрсатувчи хўжаликларига ва шу кабиларга кўрсатилган умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик тусидаги турли хизматлар қиймати тушум сифатида акс эттирилади (46-ҳисобварақ орқали ўтказилади) | 25, 26 | 46 |
| 24 | Маҳсулот, ишлар ва хизматларнинг нақд пулга сотилиши акс эттирилган (62-ҳисобварақ қўлланилмасдан) | 50 | 46 |
| 25 | Сотилган маҳсулот, ишлар ва хизматлар учун банкка тушган тўловлар акс эттирилган | 51, 52 | 46 |
| 26 | Жорий йилда харидорлардан қайта ҳисоб-китоблар бўйича тушган суммалар | 51, 52 | 46, 62, 68 ва бошқ. |
| 27 | Сотилган ва ҳақи тўланган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) учун тушум ҳозирча пул маблағлари ҳисобварақларига ёзилмаган ва йўлда деб ҳисоблаб кўрсатилган | 57 | 46 |
| 28 | Қарз алмашиш (мавоза) ҳисобига юклаб жўнатилган товарлар қийматига камаяди | 60 | 46, 47, 48 |
| 29 | Харидорларга юклаб жўнатилган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим этилган сумма акс эттирилган (45-ҳисобварақни қўлламасдан), шу жумладан транзит билан (савдода); ўзининг ҚҚБга; мавоза бўйича | 62 | 46, 47, 48 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 30 | Харидорлардан илгари олинган бўнаклар ва маҳсулот ва ишларнинг қисман тайёрлиги бўйича тўланган ва харидорларга (буюртмачиларга) ушбу маҳсулот ва ишларнинг тўлиқ тайёр бўлганда тақдим этишда ҳисобга олинадиган ҳақ маблағлари акс эттирилган | 64 | 46 |
| 31 | Ўз корхонаси ходимларига маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотилган (шу жумладан, махсус кийим-бош) | 73 | 46 |
| 32 | Корхонанинг тайёр маҳсулоти (ишлари, хизматлари) билан корхонада иштирок этишдан олинган даромадларнинг тўланиши акс эттирилган | 75 | 46 |
| 33 | Воситачилик консигнация операциялари бўйича мижозлардан олиниши лозим бўлган сумма акс эттирилган | 76 | 46 |
| 34 | Шўъба корхоналарга маҳсулот, ишлар ва хизматлар сотилган | 78 | 46 |
| 35 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар сотилган (45-ҳисобварақдан фойдаланмасдан) | 79 | 46 |
| 36 | Ҳисобот ойи тугаганидан сўнг маҳсулот, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган молиявий натижа (зарар) аниқланган | 80 | 46 |
| 37 | Келгуси даврлар даромадлари суммалари (бўнак сифатида олинган хизматлар ва ҳоказо) улар тегишли бўлган ҳисобот даври келганида сотиш ҳажмига киритилган | 83 | 46 |

## 47-"АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ СОТИЛИШИ ВА БОШҚАЧА ЧИҚИБ КЕТИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒи корхонага тегишли асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши (тугатилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши ва ҳоказо) жараёни ҳақидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек уларни сотишдан олинган молиявий натижаларни белгилаш учун мўлжалланган.

47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒининг дебети бўйича асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектларининг дастлабки қиймати, шунингдек асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боҒлиқ кўрилган чиқимлар (бинолар, иншоотларни кўчириш ва бузиш, ускуналарни демонтаж қилиш ва ҳоказо) акс эттирилади.

47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒининг кредитига асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектлари бўйича чиқиш пайтида ҳисобланган эскириш суммаси, мол-мулкни сотишдан олинган тушум ва мол-мулкни ҳисобдан чиқариш сабабли келиб тушган моддий бойликларнинг улардан фойдаланиш ёки сотишда мумкин бўлган нархдаги қиймати ёзиб қўйилади. Мол-мулкни сотишдан олинган тушум, яъни корхона сотилган асосий воситалар учун олиши лозим бўлган сумма 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒининг кредити бўйича 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар" ҳисобвараҒи билан боҒлиқликда акс эттирилади.

47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒи бўйича дебет (зарар) ёки кредит (даромад) сальдоси жорий ҳисобот даврида 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараҒига ҳисобдан чиқарилади. 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒи бўйича асосий воситалар объектларини узоқ муддатли ижарага беришда пайдо бўладиган кредит сальдоси "Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобвараҒига ҳисобдан чиқарилади.

Асосий воситалар объектларининг камомади ёки бузилиш ҳолларида уларнинг дастлабки қиймати дебетга ёзиб қўйилади, ҳисобланган эскириш суммаси эса - 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒининг кредитига ёзилади. Бойликларнинг камомади сифатида акс эттириладиган қолдиқ қиймати 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобвараҒининг кредити

бўйича 84-"Бойликларнинг камомадлари ва бузилишидан йўқотишлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ҳисобдан чиқарилади ва кейинчалик бу суммалар 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг ("Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи) дебетига ёзиб қўйилади, камомад ёки бузилишнинг аниқ айбдорлари топилмаганида эса - 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб асосий воситаларнинг алоҳида чиқиб кетадиган инвентарь объектлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **47-"Асосий воситаларнинг сотилиш ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ижарага берувчининг балансидан асосий воситалар объектлари дастлабки қийматининг ҳисобдан чиқарилиши (сотиб олиш ҳуқуқига эга узоқ муддатли ижара бўйича) | 47 | 01 |
| 2 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетган объектлари дастлабки қиймати акс эттирилган (сотилиши, ҳисобдан чиқарилиши, текинга берилиши); акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига | 47 | 01 |
| 3 | Ускуна бошқа корхонага ўз ҳиссаси билан қатнашиш ҳисобига берилган | 47 (06 | 07 47) |
| 4 | Ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ хизматлари ва харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 47 | 23 |
| 5 | Асосий воситаларнинг сотилишига тегишли тижорат харажатлари ҳисобдан чиқарилган | 80 | 26 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Бинолар, иншоотларни кўчириш ва бузиш, ускуналарни демонтаж қилиш билан боғлиқ бюджетга солиқлар, йиғимлар ва ажратмалар (шу жумладан, ҚҚС) акс эттирилган | 47 | 68 |
| 7 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операцияларда қатнашадиган ходимларга ҳақ тўлаш суммалари бўйича ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 47 | 69 |
| 8 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операцияларда қатнашадиган ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳисобланган | 47 | 70 |
| 9 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кўрсатилган хизматлари учун бошқа корхоналарга қарз акс эттирилган (транспорт ва ҳоказо) | 47 | 76 |
| 10 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалари асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича хизматлар кўрсатган; уларнинг асосий воситалари чиқиб кетиши | 47 | 79 |
| 11 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операцияларда ҳар ойда олинган молиявий натижа акс эттирилган (даромад) | 47 | 80 |
| 12 | 47-ҳисобварақ бўйича асосий воситалар объектларини узоқ муддатли ижарага беришда пайдо бўлган кредит сальдоси ҳисобдан чиқарилган | 47 | 83 |
| 13 | Чиқиб кетган, шу жумладан узоқ муддатли ижарага берилган асосий воситалар бўйича эскириш акс эттирилган | 02 | 47 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 14 | Асосий воситаларнинг ишлаб турган объектлари узоқ муддатли ижарасининг тўлиқ муддатига келиб тушадиган ижара тўловлари суммаси акс эттирилган | 09 | 47 |
| 15 | Асосий воситалар чиқиб кетганидан сўнг қолган материаллар кирим қилинган (фойдаланилиши мумкин бўлган нарх бўйича) | 10 | 47 |
| 16 | Асосий воситалар тугатилганидан сўнг қолган, лекин АТБ сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган моддий бойликлар кирим қилинган | 12 | 47 |
| 17 | Чиқиб кетган асосий воситалардан қолган ва сотилган турли материаллар учун ҳақ нақд пул билан келиб тушган | 50 | 47 |
| 18 | Асосий воситалар чиқиб кетганидан сўнг банкка келиб тушган тушум акс эттирилган (нақд пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича) | 51,<br>52 | 47 |
| 19 | Қарз алмашиш (мавоза) ҳисобига берилган асосий воситалар қийматига камайтирилади | 60,<br>76 | 47 |
| 20 | Харидорларнинг уларга сотилган асосий воситалар учун қарзи акс эттирилган | 62 | 47 |
| 21 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операциялар бўйича илгари олинган бўнакларнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган | 64 | 47 |
| 22 | Мол-мулкни сотишдан олинган тушум, яъни сотилган асосий воситалар учун корхона олиши лозим бўлган сумма акс эттирилган | 76 | 47 |
| 23 | Асосий воситаларни шўъба корхоналарга сотишдан олинган тушум акс эттирилган | 78 | 47 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 24 | Ой мобайнидаги асосий воситаларнинг чиқиб кетишига доир операциялардан олинган молиявий натижа (зарар) аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 80 | 47 |
| 25 | Етмайдиган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилган | 84 | 47 |
| 26 | Асосий воситалар, шу жумладан ижтимоий соҳадаги асосий воситаларнинг текинга берилишидан олинган молиявий натижа (зарар) | 80 | 47 |

## 48-"БОШҚА АКТИВЛАРНИНГ СОТИЛИШИ" ҲИСОБВАРАҒИ

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобвараги корхонага тегишли бўлган, 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ва 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ҳисобварақларига изоҳларда эслатилмаган бойликларнинг сотилиши жараёни ҳақидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек ушбу бойликларни сотишдан олинган молиявий натижаларни белгилаш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақда, жумладан, номоддий активлар; амалдаги тартибга кўра айланмадаги воситаларга киритиладиган товар-моддий бойликлар; валюта бойликлари; қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий маблағ сарфлашлар ва шу кабилар бўйича баланс қиймати ва сотиш нархи акс эттирилади.

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

48-1-"Қимматли қоғозлар ва валюталарнинг сотилиши",

48-2-"Бошқа мол-мулкнинг сотилиши".

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебети бўйича чиқиб кетадиган бойликларнинг баланс қиймати, шу жумладан шу сабабли кўриладиган чиқимлар (комиссион ҳақлар ва ҳоказо) акс эттирилади.

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредитига бойликларни сотишдан олинган тушум, шу жумладан сотилган мол-мулк учун корхона олиши лозим бўлган сумма ёзиб қўйилади. Номоддий активлар, арзон баҳоли ва тез ишдан

чиқадиган буюмлар объектлари сотилганида ва бошқача чиқиб кетганида 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредитига, шунингдек, бу объектлар бўйича улар чиқиб кетадиган пайтда ҳисобланган эскириш суммаси ҳам ҳисобдан чиқарилади (05-"Номоддий активларнинг амортизацияси", 13-"Арзон баҳоли ва тез ишдан чиқадиган буюмларнинг эскириши" ҳисобварақлари билан боғлиқликда).

48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағи бўйича дебет (зарар) ёки кредит (даромад) сальдоси жорий ҳисобот даврида 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Чиқиб кетган номоддий активлар ҳисобдан чиқарилган (сотиш, ҳисобдан чиқариш, текинга бериш ва ҳоказо) | 48 | 04 |
| 2 | Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар сифатида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг узилиши (сотиб олиниши) ва сотилиши (баланс қиймати) | 48 | 06 |
| 3 | Четга сотилган турли материаллар ҳисобдан чиқарилган | 48 | 10 |
| 4 | Боқишда ва бўрдоқига боқишда бўлган ҳайвонларнинг четга бериб юборилиши акс эттирилган | 48 | 11 |
| 5 | АТБ ва ижара буюмлари бошқа корхоналарга сотилган | 48 | 12 |
| 6 | Четга чиқиб кетган материаллар қийматидаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган | 48 | 16 |
| 7 | Моддий ва номоддий активларнинг сотилишига тегишли тижорат харажатлари | 80 | 26 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 8 | Бериб юборишда 45-ҳисобварақда акс эттирилган тўланган бошқа активлар ҳисобдан чиқарилган (шу ҳисобварақ қўлланилганида) | 48 | 45 |
| 9 | Корхонанинг хорижий валютани (шу жумладан, мажбурий тартибда сотиладиганини) сотиши, сотиш кунидаги курс бўйича қайта ҳисобланган суммада | 48 | 52, 57 |
| 10 | Хорижий валютани сотиш билан боғлиқ харажатлар | 48 | 50, 51, 52, 76 |
| 11 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар сифатида ҳисобга олинадиган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг узилиши (сотиб олиниши) ва сотилиши | 48 | 58 |
| 12 | Бошқа активларнинг сотилиши билан боғлиқ солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдидаги қарз акс эттирилган (шу жумладан, ҚҚС) | 48 | 68 |
| 13 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалари бошқа активларни сотган | 48 | 79 |
| 14 | Ой мобайнида чиқиб кетган активлардан кўрилган зарар аниқланган ва ҳисобдан чиқарилган | 80 | 48 |
| 15 | Чиқиб кетган номоддий активлар бўйича ҳисобланган амортизация ҳисобдан чиқарилган (сотиш, ҳисобдан чиқариш, текинга бериш ва ҳоказо) | 05 | 48 |
| 16 | Четга сотилган АТБ бўйича эскириш ҳисобдан чиқарилган | 13 | 48 |
| 17 | Бошқа активларнинг сотилишидан тушум нақд пул билан олинган | 50 | 48 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 18 | Сотишдан олинган натижа ҳисобдан чиқарилади (285зарарга - тескари ёзув) | 48 | 80 |
| 19 | Бошқа активлар ва қимматли қогозларни сотишдан тушган тушум ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларига келиб тушди | 51, 52 | 48 |
| 20 | Харид қилинган акцияларга мол-мулкни бериш йўли билан ҳақ тўланган | 58, 06 | 48 |
| 21 | Хорижий валютани биржадаги курс бўйича сотишдан олинган, банкка тўланган комиссия чиқариб ташланган тушум ҳисоб-китоб ҳисобварагига келиб тушди (банк корхонанинг топширигига кўра сотган) | 51, 76 | 48 |
| 22 | Бошқа активларнинг сотилиши акс эттирилган (45-ҳисобварақ қўлланилмайдиган вариантда) | 62 | 48 |
| 23 | Илгари бошқа активларнинг харидорларидан олинган бўнакнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган | 64 | 48 |
| 24 | Бошқа корхоналарнинг уларга сотилган номоддий ва бошқа активлар учун қарзи акс эттирилган | 76 | 48 |
| 25 | Номоддий ва бошқа активлар шўъба корхоналарга сотилган | 78 | 48 |
| 26 | Ижтимоий соҳага тегишли бошқа активларнинг текинга берилиши | 48 (80 | 04, 10, 12 ва шу кабилар 48) |
| 27 | Қарз мажбуриятларининг уларнинг муомала муддати тугагандан сўнг қайтарилиши (облигациялар, пуллик векселлар ва шу кабилар); - дастлабки қиймати; - номинал нархи плюс ҳисобланган фоизлар | 48 76, 51 | 06, 58 48 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 28 | Номоддий активлар объектларининг харид қилинган қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш ҳисобига берилиши (бир йилдан ортиқ муддатга) | 48 (06 | 04 48) |
| 29 | Қимматли қоғозларни сотувчи корхонага материалларни бериш йўли билан қимматли қоғозлар сотиб олинди (бир йилдан ортиқ муддатга) | 48 (06 | 10 48) |
| 30 | Бошқа корхоналарга қисқа муддатли қарзлар тартибида берилган материаллар ҳисобдан чиқарилди; қимматли қоғозларни сотувчи корхонага материалларни бериш йўли билаш қимматли қоғозларнинг қиймати узилган | 48 (58 | 10 48) |
| 31 | Бошқа корхонага ҳайвонларни мулк қилиб бериш (бир йилдан ортиқ муддатга) йўли билан узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар амалга оширилган (қимматли қоғозлар сотиб олинган) | 48 (06 | 11 48) |
| 32 | Бошқа корхонага ҳайвонларни мулк қилиб бериш (бир йилгача муддатга) сифатида қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар акс эттирилган | 48 (58 | 11 48) |
| 33 | Бошқа корхонага АТБ узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берилган (қимматли қоғозларнинг қийматини узиш ҳисобига харид қилинган) | 48 (06 | 12 48) |
| 34 | Ёрдамчи цехлар ишлар ва хизматларнинг бир қисмини бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида кўрсатган. (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 48 (06 | 23 48) |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 35 | Ёрдамчи цехлар маҳсулотларни бошқа корхоналарга қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида берган ва хизматлар кўрсатган (шу жумладан, қимматли қоғозлар эвазига) | 48 (58 | 23 48) |
| 36 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг ишлари, хизматлари ва маҳсулотлари узоқ муддатли маблағ сарфлашлар тартибида амалга оширилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 06 (48 | 48 29) |
| 37 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг ишлари, хизматлари ва маҳсулотларни қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида бериб юборилган (шу жумладан, харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилишида) | 48 (58 | 29 48) |
| 38 | Бошқа корхоналар, мактаблар ва шу кабиларга текинга бажарилган ишлар ва хизматларнинг қиймати | 48 (80 | 29 48) |
| 39 | Хорижий валюта сотиб олинган (ЎзР МБ нинг ҳисобга олинган пайтдаги курси бўйича қайта ҳисоблаш суммасида) | 52 | 51 |
| 40 | Бошқа корхоналарнинг мол-мулкни сотишда кўрсатган хизматлари учун уларга қарз акс эттирилган | 48 | 76 |

# V бўлим

# ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ

Ушбу бўлим ҳисобварақлари корхонага тегишли бўлган кассада, Ўзбекистон ҳудудидаги ва хориждаги банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларда турган миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағлари, осон сотиладиган қимматли қоғозлар, шунингдек тўлов ва пуллик ҳужжатларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хорижий валюталардаги пул маблағлари ва улар билан ўтказиладиган операциялар ушбу бўлим ҳисобварақларида хорижий валютани пуллик-ҳисоб-китоб ҳужжатлари ёзилган кунда амал қилган курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган суммаларда ҳисобга олинади. Айни бир вақтда бу маблағлар ва операциялар ҳисоб-китоблар ва тўловлар валюталарида ҳам акс эттирилади. Хорижий валюта билан ўтказиладиган операциялар бўйича курсдаги фарқлар, шу жумладан бухгалтерлик балансини тузиш кунидаги пул маблағларининг қолдиқларини қайта баҳолашда ҳосил бўлган фарқлар 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

## 50-"КАССА" ҲИСОБВАРАҒИ

50-"Касса" ҳисобварағи корхона кассаларида пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Касса операцияларини амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади.

Корхоналарда (транспорт, алоқа) зарур бўлганида 50-"Касса" ҳисобварағига шундай илова ҳисобварақлари очилиши мумкин: "Корхона (ташкилот) кассаси" ва "Операция кассаси". "Операция кассаси" илова ҳисобварағида товар идоралари (пристанлар) ва фойдаланиш участкалари, тўхташ пунктлари, дарёдаги кесиб ўтиш жойлари, кемалар, порт(пристан)лар, вокзалларнинг патта ва юк кассалари, патталарни сақлаш кассалари, алоқа бўлимлари кассалари ва шу кабилардаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

50-"Касса" ҳисобварағининг дебети бўйича корхона кассасига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 50-

"Касса" ҳисобварағининг кредити бўйича корхона кассасидан пул маблағларининг тўланиши акс эттирилади.

Корхона қонунга кўра рухсат қилинган ҳолларда хорижий валюта билан касса операцияларини амалга оширганида 50-"Касса" ҳисобварағига нақд хорижий валютанинг ҳаракатини алоҳида тарзда ҳисобга олиш учун тегишли илова ҳисобварақлари очилиши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **50-"Касса" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Ижарачидан унга узоқ муддатли ижарага берилган асосий воситалар бўйича ижара ҳақининг тушиши акс эттирилган | 50 | 09 |
| 2 | Товарларни кредитга сотиш бўйича нақд фоизлар олинган (савдо корхоналарида) | 50 | 80 |
| 3 | Харидорларга илгари юклаб жўнатилган ва тақдим этилган тара, кўрсатилган хизматлар ҳақи улар томонидан нақд пул билан тўланган | 50 | 45 |
| 4 | Маҳсулотнинг нақд пулга сотилиши акс эттирилган | 50 | 46 |
| 5 | Чиқиб кетган асосий воситалардан қолган турли материалларнинг сотилиши учун ҳақ нақд ҳолида келиб тушди | 50 | 47 |
| 6 | Бошқа активларнинг сотилиши учун тушум нақд пул ҳолида олинди | 50 | 48 |
| 7 | Пул (шу жумладан, валюта) маблағлари банклардаги тегишли ҳисобварақлардан кассага келиб тушди (иш ҳақини, пенсияларни, нафақаларни, мукофотларни беришга ва ҳоказо) | 50 | 51, 52, 55 |
| 8 | Йўлда деб ҳисобланган пул маблағлари кассага келиб тушди | 50 | 57 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Алоқа, энергия, сув, газ ва шу кабиларни етказиб берувчи ташкилотлар тариф (фрахт)нинг ортиқча ҳисобланиши билан боғлиқ суммаларни киритган; маҳсулот етказиб берувчиларнинг илгари уларга ўтказилган ва фойдаланилмаган режали тўловлар суммаларини қайтариши | 50 | 60 |
| 10 | Илгари берилган бўнакларнинг кассага қайтарилиши | 50 | 61 |
| 11 | Харидорлар ва буюртмачилардан суммалар кассага келиб тушди (вексеилар бўйича қарз ва ҳоказо) | 50 | 62 |
| 12 | Илгари тақдим этилган эътирозлар бўйича суммалар кассага келиб тушди | 50 | 63 |
| 13 | Нақд пул билан олинган бўнаклар суммаси акс эттирилган | 50 | 64 |
| 14 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулк таркибида харид қилинган пул маблағлари ҳисобга қабул қилинди | 50 | 85 |
| 15 | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ортиқча тўланган суммалар кассага қайтарилган | 50 | 70 |
| 16 | Ҳисобдор шахслар улар илгари олган сарфланмаган бўнакларни кассага қайтаришди | 50 | 71 |
| 17 | Ходимлар етказган моддий зарар учун нақд пул билан тўланган сумма акс эттирилади; қарз олувчи ходимлардан тўловлар келиб тушди; кредитга берилган товарлар, махсус кийим-бош учун навбатдаги тушумлар; акцияларга обуначилардан бўнак иштирокчиларнинг депозити сифатида олинди; обуначилар қарзни камайтириш ҳисобига тўловларни киритди | 50 | 73 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 18 | Акцияларни номиналидан юқори бўлган нархда сотиш натижасида олинган эмиссия даромади акс эттирилади | 50 | 85/2 |
| 19 | Муассислар корхонанинг устав сармоясига ҳиссалари ҳисобидан нақд пул маблағларини киритишди | 50 | 75 |
| 20 | Квартирани ижарага олувчилар, турли корхоналар ва шахслар, шу жумладан ота-оналардан (болалар муассасалари бўйича), ижрочилик варақалари бўйича ходимлардан ёқилғи, материаллар, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар маҳсулотлари учун қарз суммалари кассага келиб тушди | 50 | 76 |
| 21 | Кассага шўъба корхоналардан суммалар келиб тушди | 50 | 78 |
| 22 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларидан суммалар кассага келиб тушди (йўлланмалар ва шу кабилар учун) | 50 | 79 |
| 23 | Бошқа корхоналарда ўз улуши билан қатнашишдан олинган даромадлар, векселлар, қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар фоизлари суммалари кассага келиб тушди; қарздорларнинг зарарларни қоплашга доир санкциялар суммалари; ўтган йиллар фойдаси (қайта ҳисоб-китоблар бўйича ва ҳоказо) ва бошқалар; кассадаги пул маблағларининг ортиқча миқдорлари | 50 | 80 |
| 24 | Кассага келгуси даврлар даромадлари ҳисобидан турли тўловлар келиб тушди (бўнак қилиб берилган ижара ҳақи, коммунал хизматлар, алоқа хизматлари учун ҳақ ва ҳоказо) | 50 | 83 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 25 | Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари нақд пуллар билан олинди | 50 | 90 |
| 26 | Молиявий векселлар ва бошқа мажбуриятларни ҳисобга олиш операцияси (дисконт) акс эттирилган (кассага амалда олинган пул маблағлари суммаси); банкларнинг кредитлари нақд пуллар билан олинди | 50 | 92 |
| 27 | Ходимларга якка тартибдаги уй-жой қурилишига, кредитта сотилган товарлар суммаларини қайтаришга қарзлар берилиши учун кредитлар суммалари кассага олинган | 50 | 93 |
| 28 | Қарз берувчилардан маблағлар келиб тушди (улар берган қисқа муддатли кредитлар ёки бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича) | 50 | 94 |
| 29 | Қарз берувчилардан маблағлар келиб тушди (улардан олинган қисқа муддатли кредитлар ёки бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича) | 50 | 95 |
| 30 | Кассага маблағларнинг, шу жумладан мақсадли тушумларнинг келиб тушиши муносабати билан мақсадли маблағ билан таъминлаш ташкил этилган | 50 | 96 |
| 31 | Кассадан ҳақ тўлаш билан номоддий активлар харид қилинган ва кирим қилинган | 04 | 50 |
| 32 | Кассадан ҳақ тўлаш билан бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари харид қилинган; бошқа корхоналарга узоқ муддатли пуллик қарзлар нақд пуллар билан, шу жумладан векселлар ўрнига берилган; қимматли қоғозларни харид қилишда харажатларга ҳақ тўланган | 06, 58 | 50 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 33 | Ускунага ёки ускунани харид қилиш ва қуриш учун олиб келишга оид харажатларга нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 07 | 50 |
| 34 | Харид қилинган материалларга (15-ҳисобварақни қўлламасдан) ёки уларни харид қилиш ва тайёрлашга (олиб келиш ва ҳоказо) доир харажатларга кассадан ҳақ тўланган | 10 | 50 |
| 35 | Ҳайвонларни харид қилиш билан боғлиқ турли харажатларга кассадан ҳақ тўланган | 11 | 50 |
| 36 | АТБ нақд пул билан ҳақ тўлаб харид қилинган (15-ҳисобварақ қўлланилмаганида) ёки уларни харид қилиш (олиб келиш ва ҳоказо)га доир харажатларга нақд пул билан ҳақ тўланган | 12 | 50 |
| 37 | Моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келишга доир турли харажатларга ёки улар қийматига ҳақ тўланган | 15 | 50 |
| 38 | Асосий ва ёрдамчи цехларнинг бевосита маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг таннархига киритиладиган турли харажатларига нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 20, 23 | 50 |
| 39 | Турли умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик харажатларига нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 25, 26 | 50 |
| 40 | Хорижий валютани сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар | 26 | 50 |
| 41 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг нақд пуллар билан ҳақ тўланган харажатлари акс эттирилган | 29 | 50 |
| 42 | Келгуси даврлар харажатларига кассадан ҳақ тўланган (обуна ва ҳоказо) | 31 | 50 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 43 | Харид қилинган товарларга нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 41 | 50 |
| 44 | Маҳсулотни юклаб жўнатиш ва сотишга доир харажатларга нақд пуллар билан ҳақ тўланган (маҳсулот етказиб берувчи ҳисобидан) | 26 | 50 |
| 45 | Савдо ва шу каби корхоналарнинг айрим харажатларига нақд пуллар билан ҳақ тўланган (воситачилик, умумий овқатланиш, тайёрлов ва ҳоказо) | 26 | 50 |
| 46 | Хорижий валютани сотиб билан боғлиқ харажатлар | 48 | 50 |
| 47 | Пул ва валюта маблағлари кассадан топширилган ва ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларига ўтказилган (шу жумладан, депонент суммалари, сотишдан олинган тушум ва бошқалар) | 51, 52 | 50 |
| 48 | Акционерлардан уларга тегишли акциялар сотиб олинган; турли пуллик харажатлар нақд пуллар ҳисобига харид қилинган (кейинчалик бериш учун йўлланмалар ва ҳоказо) | 56 | 50 |
| 49 | Кассадан йўлдаги пул маблағлари (ўтказмалар) сифатида акс эттириладиган пул маблағлари банкка ўтказилган (тушум ва ҳоказо) | 57 | 50 |
| 50 | Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига (облигациялар ва ҳоказо) нақд пуллар билан қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар (инвестициялар) амалга оширилган; бошқа корхоналарга пуллик қарзлар берилган (шу жумладан, вексель ўрнига) | 58 | 50, 51 |
| 51 | Қимматли қоғозларни харид қилишдаги харажатларга (маслаҳатчилар, брокерларнинг хизматига ҳақ тўлаш) ҳақ тўланган | 26 | 50 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 52 | Маҳсулот етказиб берувчиларга қарзнинг бир қисмига нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 60 | 50 |
| 53 | Берилган бўнаклар ҳамда маҳсулот ва ишлар қисман тайёр бўлганида амалга оширилган ҳақ суммалари акс эттирилган (нақд пуллар билан) | 61 | 50 |
| 54 | Харидорлар ва буюртмачиларга қарзлар кассадан узилган (турли қайта ҳисоблашлар бўйича ва ҳоказо) | 62 | 50 |
| 55 | Олинган бўнаклар бўйича қарз кассадан узилган | 64 | 50 |
| 56 | Бюджетдан ташқари фондларга нақд пул билан тўланган | 67 | 50 |
| 57 | Бюджет билан ҳисоб-китоблар бўйича қарз нақд пул билан узилган | 68 | 50 |
| 58 | Ходимларга ижтимоий суғурта, пенсия таъминоти, тиббий суғуртага ажратмалар, шу жумладан кўп болалик, болани парвариш қилганлик ва шу кабилар учун нафақалар учун кассадан тўловлар акс эттирилган | 69 | 50 |
| 59 | Меҳнатга ҳақ тўлаш учун ҳисобланган суммалар ва бошқалар (мукофотлар, иштирок этишдан даромадлар ва ҳоказо) кассадан берилган | 70 | 50 |
| 60 | Ҳисобдор суммалар кассадан берилган | 71 | 50 |
| 61 | Ходимларга берилган қарз суммаси (нақд пуллар билан) акс эттирилган; депонент суммалари тўланган | 73 | 50 |
| 62 | Корхонада иштирок этиш учун ҳисобланган даромадлар (дивидендлар) кассадан тўланган | 75,<br>70 | 50 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 63 | Турли суммалар (ижрочилик варақлари бўйича ва ҳоказо) кассадан берилган; бошқа кредиторлар олдидаги қарз узилган (транспорт ва шу кабилар учун); ижара ҳақи бўйича (ижарачилар томонидан) | 76 | 50 |
| 64 | Харид қилинган қарз мажбуриятларига ҳақ тўлашга маблағлар ўтказилган | 76, 06 | 50, 51 |
| 65 | Шуъба корхоналари ҳисобидан нақд пуллар билан тўловлар акс эттирилган; улар олдидаги қарзлар узилган | 78 | 50 |
| 66 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалари ҳисобидан нақд пуллар билан тўловлар акс эттирилган | 79 | 50 |
| 67 | Табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабилар билан боғлиқ турли қопланмайдиган харажатларга кассадан ҳақ тўланган; мажбуриятларни бузганлик учун жарималар, пенялар ва неустойка (бурдсизлик) тўловлари, суд, кимошди савдоси йиғимлари ва бошқалар тўланган | 80 | 50 |
| 68 | Кассада пул маблағларининг камомади акс эттирилган (рўйхатдан ўтказишларда) | 84 | 50 |
| 69 | Харид қилинган акцияларни сақлаш бўйича депозитарийларнинг харажатларига ҳақ тўланиши | 26 | 50 |
| 70 | Бир марталик ёрдам, йўлланмалар суммаларига ҳақ тўланган | 26 | 50 |
| 71 | Банкларнинг кредитлари нақд пуллар билан узилган | 90, 92 | 50 |
| 72 | Банкнинг илгари ходимлар учун берган қарзи нақд пуллар билан узилган | 93 | 50 |
| 73 | Бошқа корхоналарнинг қарз мажбуриятлари нақд пуллар билан узилган | 94, 95 | 50 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 74 | Кассадан сарфланган мақсадли маблағлар суммалари ҳисобдан чиқарилган | 96 | 50 |
| 75 | Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун ижарага берувчига тўланиши лозим бўлган тўловлар ва фоизлар тўланган | 97 | 50 |

## 51-"ҲИСОБ-КИТОБ ВАРАҒИ"

51-"Ҳисоб-китоб варағи" корхонанинг банкдаги ҳисоб-китоб варағида ЎзРнинг миллий валютасидаги пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб-китоб варағи бўйича операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади.

51-"Ҳисоб-китоб варағи"нинг дебети бўйича корхонанинг ҳисоб-китоб варағига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 51-"Ҳисоб-китоб варағи"нинг кредити бўйича корхонанинг ҳисоб-китоб варағидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Корхонанинг ҳисоб-китоб варағи кредити ёки дебетига хато ёзилган ва банкнинг кўчирмаларини текширишда аниқланган суммалар 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағида акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб варағи бўйича операциялар бухгалтерлик ҳисобида банкнинг ҳисоб-китоб варағи бўйича кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

## 52-"ВАЛЮТА ҲИСОБ-КИТОБ ВАРАҒИ"

52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи" корхонанинг республика ҳудудидаги ва хориждаги банклардаги валюта ҳисоб-китоб варақларида хорижий валютадаги пул маблағлари мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Валюта ҳисоб-китоб варақлари бўйича операцияларни амалга ошириш ва расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи"нинг дебети бўйича корхонанинг валюта ҳисоб-китоб варақларига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилади. 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи"нинг кредити бўйича корхонанинг валюта ҳисоб-китоб варақларидан пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Корхонанинг валюта ҳисоб-китоб варақлари кредити ёки дебетига хато ёзилган ва банкнинг кўчирмаларини текширишда аниқланган суммалар 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағида акс эттирилади.

Валюта ҳисоб-китоб варақлари бўйича операциялар бухгалтерлик ҳисобида банкнинг ҳисоб-китоб варағи бўйича кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида акс эттирилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **51-"Ҳисоб-китоб вараги" ва 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи"** | | | |
| 1 | Қарз олувчи корхоналар томонидан узоқ муддатли қарзнинг қайтарилиши; қарздор узоқ муддатли пуллик векселга ҳақ тулаган; қимматли қоғозларнинг сотилиши (48-ҳисобварақ орқали) | 51, 52 | 06 |
| 2 | Узоқ муддатли ижара шартлари асосида берилган асосий воситалар бўйича ижарачидан ижара ҳақининг келиб тушиши акс эттирилган | 51, 52 | 09 |
| 3 | Кредитга сотиш буйича фоизларнинг келиб тушиши акс эттирилган; банклар билан савдо корхоналари фойдасига қайта ҳисоб-китоблар | 51, 52 | 80 |
| 4 | Харидорлар ва буюртмачилар ҳақ тулаган транспорт харажатлари ва тара учун суммалар келиб тушди | 51, 52 | 45 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг сотилиши акс эттирилган (45-ҳисобварақ қўлланилмаганида); жорий йилдаги қайта ҳисоб-китоблар бўйича суммалар | 51, 52 | 46 |
| 6 | Асосий воситаларни сотишдан олинган, банкка келиб тушган тушум акс эттирилган | 51, 52 | 47 |
| 7 | Бошқа активлар, шу жумладан қимматли қоғозларни сотишдан олинган тушум ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига келиб тушди | 51, 52 | 48 |
| 8 | Кассадан пул маблағлари ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига топширилган (шу жумладан, депонент суммалари, сотишдан олинган тушум ва ҳоказо) | 51, 52 | 50 |
| 9 | Хорижий валюта сотиб олинган (ҳисобга олиш вақтида ЎзР МБ курси бўйича қайта ҳисобланган суммада) | 48 (52 | 51 48) |
| 10 | Банкка қайтарилган чеклар ва аккредитивлар бўйича суммалар ҳисоб-китоб варағига ўтказилган (ишлатилмай қолганлари); валюта маблағлари сўмларга алмаштирилган ва ҳисоб-китоб варағига ўтказилган | 51 | 55, 52 |
| 11 | Йўлда деб ҳисобланган пул маблағлари ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига ўтказилган | 51, 52 | 57 |
| 12 | Илгари қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тарғибида берилган қарзнинг қайтарилиши; банкнинг омонатлар (депозит)ларни қайтариши; қимматли қоғозларни сотишдан келган тушимлар (48-ҳисобвараги орқали) | 51, 52 | 58 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 13 | Маҳсулот етказиб берувчиларга илгари қайта ҳисоблашлар бўйича улар учун акс эттирилган турли суммалар ўтказилган (нархлар, ҳисобварақ-фактуралардаги арифметик ҳисоблашлар бўйича ва ҳоказо); фрахтнинг ортиқча олиниши қайтарилган | 51, 52 | 60 |
| 14 | Илгари берилган бўнак қайтарилган; харидорлар ва буюртмачилардан солиқ ҳисобварақлари бўйича келиб тушган суммалар | 51, 52 | 61 |
| 15 | Харидорлар ва буюртмачилардан пул маблағлари келиб тушди (уларга бериб юборилган маҳсулот учун тўловлар); жорий йилдаги қайта ҳисоблашлар бўйича суммалар | 51, 52 | 62 |
| 16 | Қондирилган (илгари тақдим этилган) эътирозлар суммалари келиб тушди | 51, 52 | 63 |
| 17 | Олинган бўнаклар, шунингдек маҳсулот ва ишлар қисман тайёр бўлганида, шунингдек тугалланган ва қабул қилинган босқичларга ҳақ тўлаш учун олинган иш ҳақи суммалари акс эттирилган | 51, 52 | 64 |
| 18 | Корхонанинг суғурта компанияларидан олган суғурта қопламалари суммалари акс эттирилган | 51, 52 | 65 |
| 19 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига бюджетдан ташқари фондларга турли суммалар олинган | 51, 52 | 67 |
| 20 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида келиб тушган пул маблағлари ҳисобга қабул қилинади | 51, 52 | 85 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига бюджетдан қайта ҳисоблашлар бўйича суммалар келиб тушди (қайтарилиш ва ҳоказо) | 51, 52 | 68 |
| 22 | Ижтимоий суғурта ва таъминот органларидан тегишли харажатларнинг ажратмаларга нисбатан ортиб кетиши бўйича олинган суммалар келиб тушди | 51, 52 | 69 |
| 23 | Ҳисобдор шахслар сарфланмаган бўнаклар суммаларини қайтаришди (бевосита ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварағига) | 51, 52 | 71 |
| 24 | Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича киритган суммалари акс эттирилган (кредитга сотиш бўйича, камомадлар бўйича қарзнинг узилиши ва ҳоказо) | 51, 52 | 73 |
| 25 | Илгари акцияларга обуна бўлган муассислардан омонатлар суммаларининг амалда келиб тушиши | 51, 52 | 75 |
| 26 | Акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига пул маблағларининг келиб тушиши акс эттирилган (сотиш) | 51, 52 | 75 |
| 27 | Бошқа дебиторлардан уларнинг қарзларни узиш учун суммалар келиб тушди (ижрочилик варақлари бўйича ва ҳоказо), шу жумладан ижарачилардан ижара ҳақининг келиб тушиши; сотилган объектлар учун | 51, 52 | 76 |
| 28 | Қарз мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизларнинг олиниши | 51, 52 | 76 |
| 29 | Шуъба корхоналардан суммалар нақд пуллар билан келиб тушди | 51, 52 | 78 |
| 30 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларидан банкка тушумлар акс эттирилган | 51, 52 | 79 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 31 | Ўтган йилларда зарарга ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзини узиш учун тушум, шунингдек қарздорларга ёзилган ёки эътироф этилган турли санкцияларнинг келиб тушиши; валюта операциялари бўйича курсга оид ижобий фарқлар; қимматли қоғозлардан даромадлар; ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлардаги маблағлардан фойдаланганлик учун банклардан олинадиган даромадлар; бошқа корхоналарда ўз улуши билан қатнашишдан; бошқа корхоналарга қарзлардан; кимошди савдоси йиғими; ижара фоизи | 51, 52 | 80 |
| 32 | Келгуси даврлар ҳисобига келиб тушган даромадлар акс эттирилган (ижара ва квартира ҳақи, коммунал хизматлар учун ва ҳоказо) | 51, 52 | 83 |
| 33 | Акцияларни номиналдан юқори нарх бўйича сотганлик учун эмиссия даромадининг келиб тушиши | 51, 52 | 85 |
| 34 | Турли корхоналар ва шахслардан текинга берилган суммалар ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларига келиб тушди | 51, 52 | 80 |
| 35 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар суммалари акс эттирилади; векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операцияси | 51, 52 | 90 |
| 36 | Банкдан мол-мулк учун бошланғич тўловни таъминлайдиган ссуданинг олиниши (хусусийлаштиришда) | 51, 52 | 90, 92 |
| 37 | Банклардан олинган узоқ муддатли кредитлар суммалари акс эттирилади; узоқ муддатли молиявий векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операцияси (муддати бир йилдан ортиқ бўлганида) | 51, 52 | 92 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 38 | Ходимларга қарзлар бериш учун банклардан олинган кредитлар суммалари акс эттирилган (якка тартибдаги уй-жой қурилишига, боғҳовли уйчаларига ва ҳоказо) | 51, 52 | 93 |
| 39 | Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича улардан маблағларнинг келиб тушиши (бир йилгача бўлган муддатда) | 51, 52 | 94 |
| 40 | Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича улардан маблағларнинг келиб тушиши (бир йилгача бўлган муддатда), шу жумладан берилган векселлар ўрнига | 51, 52 | 95 |
| 41 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва мақсадли тушумлар маблағлари ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига ёзиб қўйилди, шу жумладан бюджетдан ташқари фонддан НИОКРни ўтказиш учун олинган маблағлар | 51, 52 | 96 |
| 42 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳақи тўланган номоддий активлар кирим қилинган; номоддий активлар учун кредитлар бўйича фоизларнинг тўланиши | 04 | 51, 52 |
| 43 | Узоқ муддатли векселларнинг харид нархи билан номинал қиймати ўртасидаги фарқдан даромадлар олиш мақсадида шундай векселлар сотиб олинган; бошқа корхоналарга қарзлар бериш йўли билан узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар амалга оширилган (шу жумладан, векселлар ўрнига); қимматли қоғозлар сотиб олинган | 06 | 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 44 | Баҳолаш қийматидан паст нарх бўйича харид қилишда харидор ўз балансида фарқни акс эттиради | 06<br>06 | 51, 52<br>80 |
| 45 | Капитал маблағ сарфлашлар бўйича турли харажатларга нақд пулсиз йўл билан ҳақ тўланган; банкларнинг кредитлари бўйича фоизларнинг тўланиши; банкнинг хизматлари бўйича харажатлар (ҳисоб-китоб-касса хизмати кўрсатиш) | 08 | 51,<br>52 |
| 46 | Товар-моддий бойликлар харид қийматининг жорий йилда содир қилинган бузиб кўрсатилишлари аниқланди, бироқ уларни четга сотиб юборгандан ёки ишлаб чиқаришда ишлатгандан сўнг; маҳсулот етказиб берувчиларга қўшимча тўланган суммалар; хатолар ва ҳоказо | 10, 19<br>41 ва<br>бошқ. | 51,<br>52 |
| 47 | Моддий бойликларнинг тайёрланиши ва олиб келиниши билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўланган | 15 | 51,<br>52 |
| 48 | Асосий цехлар эҳтиёжлари (бевосита), умумий ишлаб чиқариш мақсадлари, шунингдек хизмат кўрсатиш ва бошқарувнинг турли харажатларига ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳақ тўланган; суд чиқимлари ва арбитраж йиғимларининг; бошқа банк хизматларининг тўланиши; хорижий валютани харид қилиш билан боғлиқ харажатлар | 20, 25<br>26, 80<br>• | 51,<br>52 |
| 49 | Брак билан боғлиқ турли харажатларга нақд пулсиз йўл билан ҳақ тўланган (алмаштиришда, ташишда, брак қилинган маҳсулотни қайтаришда) | 28 | 51,<br>52 |
| 50 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг харажатларига ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳақ тўланган | 29 | 51,<br>52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 51 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан келгуси даврлар харажатларига киритиладиган турли чиқимларга ҳақ тўланган (шу жумладан, ерларнинг рекультивацияси, навбатдаги йилга ижара ҳақи бўйича ва ҳоказо) | 31 | 51, 52 |
| 52 | Маҳсулотни юклаш ва сотишга доир харажатларга нақд пулсиз йўл билан ҳақ тўланган | 26 | 51, 52 |
| 53 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан савдо ва шу каби корхоналарнинг айрим харажатларига ҳақ тўланган; валюта харид қилиш учун банкка комиссия | 26 | 51, 52 |
| 54 | Харидор ҳисобидан амалга оширилган транспорт харажатлари | 45 | 51, 52, 55 |
| 55 | Кассага банкдан пул маблағлари келиб тушди (иш ҳақини, пенсияларни, нафақаларни, мукофотларни беришга ва ҳоказо) | 50 | 51, 52 |
| 56 | Корхонанинг хорижий валютани сотиш (шу жумладан, мажбурий сотиш) кунидаги курс бўйича қайта ҳисоблаш суммасида сотиши | 48 | 52, 57 |
| 57 | Валютани сотиш билан боғлиқ харажатлар | 48 | 51, 52 |
| 58 | Сотиб олинган валюта маблағларига ҳисоб-китоб варағидан ҳақ тўланган; пул маблағларининг аккредитивларга ва алоҳида ҳисобварақларга ҳисобланиши; чек дафтарчаларини беришда маблағларнинг депонентга ўтказилиши; маблағларнинг дивидендларни тўлаш учун банкка ўтказилиши | 52, 55 | 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 59 | Акция эгасидан (иштирокчидан) унга тегишли акциялар (улуш)нинг сотиб олиниши; банк орқали ҳақ тўлаш билан пуллик ҳужжатлар харид қилинган (йўлланмалар, маркалар ва ҳоказо) | 56 | 51, 52 |
| 60 | Сўм курсининг хорижий валюталарга нисбатан жорий ўзгариши сабабли вужудга келадиган ва ҳисобот йили давомида алоҳида тарзда акс эттириладиган фарқ | 52 | 80 |
| 61 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳозирча мақсади бўйича ҳисобга олинмаган пул маблағлари ўтказилган (ўтказма амалга оширилган); корхонанинг топшириғига кўра банкнинг сотиши лозим бўлган валюта | 57 | 51, 52 |
| 62 | Турли қимматли қоғозлар харид қилинган (шу жумладан, векселлар); пул маблағларининг омонатларга ўтказилиши (қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар тартибида); бошқа корхоналарга қарзлар берилган | 58 | 51, 52 |
| 63 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги, шу жумладан берилган векселлар билан таъминланган қарз узилган | 60 | 51, 52 |
| 64 | Қимматли қоғозларни харид қилишдаги харажатларга ҳақ тўланган (маслаҳатчилар, брокерлар ва ҳоказо) | 26 | 51, 52 |
| 65 | Берилган бўнаклар суммалари акс эттирилган (моддий бойликлар етказиб берилиши ўрнига, қисман тайёрлиги бўйича қабул қилинган маҳсулотга ҳақ тўлаш бўйича ва ҳоказо) | 61 | 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 66 | Харидорлар ва буюртмачилар олдидаги турли қарзларнинг узилиши акс эттирилган (улардан ортиқча олинган суммаларга қайта ҳисоблашлар бўйича ва ҳоказо) | 62 | 51, 52 |
| 67 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан банк муассасаларининг хато ҳисобидан чиқариш бўйича қарзи ўтказилди | 63 | 51, 52 |
| 68 | Илгари олинган бўнаклар бўйича қарз узилган | 64 | 51, 52 |
| 69 | Суғурта компанияларига шахсий ва мажбурий мулкий суғурта бўйича суғурта тўловлари суммалари ўтказилган | 65 | 51, 52 |
| 70 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан турли бюджетдан ташқари фондларга бадаллар ўтказилган | 67 | 51, 52, 55 |
| 71 | Бюджетга ажратмалар ва тўловлар бўйича қарз суммалари ўтказилган (йил давомида ва қўшимчалари) | 68 | 51, 52 |
| 72 | Ижтимоий суғурта органларига ажратмалар бўйича қарз узилган | 69 | 51, 52 |
| 73 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан меҳнатга ҳақ тўлаш амалга оширилган; акция эгалари бўлган ходимларга дивидендларнинг тўланиши | 70 | 51, 52 |
| 74 | Савдо ташкилотларига кредитга олинган товарлар бўйича суммалар ўтказилган; ходимларга берилган қарзлар, айбдор шахслар ҳисобидан тўланган жарималар; пенялар, неустойка (бурдсизлик) тўловлари суммалари акс эттирилади | 73 | 51 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 75 | Муассисларга корхонада қатнашиш учун ҳисобланган даромадлар суммалари (дивидендлар)нинг тўланиши акс эттирилган | 75 | 51, 52 |
| 76 | Банкка хорижий валютани харид қилиш бўйича топшириқ берилган, бунинг учун сўмларда тегишли сумма ўтказилган (ЎзР МБ курси бўйича) | 76 | 51 |
| 77 | Бошқа кредиторлар олдидаги қарз узилган (ўқув юртлари, илмий ташкилотлар, ҳақи чеклар билан тўланадиган транспорт харажатлари, кредитга олинган товарлар учун тўловлар, ходимлардан турли ташкилотлар ва шахслар фойдасига ушлаб қолинган суммалар бўйича ва ҳоказо); харид қилинадиган қарз мажбуриятлари (облигациялар ва ҳоказо) | 76 | 51, 52 |
| 78 | Хорижий валютани харид қилиш учун тўлашга ўтказилган сўмдаги қоплама суммасига хорижий валютанинг сотиб олиниши (харидорнинг ҳисобида) | 76 | 51 |
| 79 | Ўзининг шуъба корхоналарига қарз суммалари узилган; ушбу корхоналар ҳисобидан тўловлар акс эттирилган | 78 | 51, 52 |
| 80 | Банклардаги ҳисобварақлардан корхонанинг алоҳида бўлинмаларига қарз суммалари ўтказилган (ёки бошқача суммалар) | 79 | 51, 52 |
| 81 | Табиий офатлардан кўрилган ўрни қопланмайдиган йўқотишлар; жарималар ва пенялар; суд йиғимлари тўланган; ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар зарарлари | 80 | 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 82 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан йил давомида фойда ҳисобидан ажратмалар, банкларнинг айланма маблағларнинг камомадини тўлдириш учун ссудалари бўйича фоизлар; муддати ўтказиб юборилган ссудалар бўйича фоизлар (қисқа муддатли ва узоқ муддатли); бюджетга асоссиз олинган фойдадан бадаллар ва бошқа иқтисодий жазолар суммалари; бошқа корхоналардан олинган қарзлар бўйича фоизлар; банкка дивидендларни тўлаш бўйича хизматлари учун комиссия ҳақлари ва ҳоказо тўланган | 80,26 | 51, 52 |
| 83 | Хорижий валютанинг кимошди савдосида (сотувчининг ҳисобида) сотилиши - ЎзР МБ курси бўйича тушум суммасига | 48 (80 | 52 48) |
| 84 | Сотувчида - хорижий валютани сотишдан олинган сўмдаги қоплама суммасига | 51 | 48 |
| 85 | Янги мол-мулкнинг барпо этилиши билан боғлиқ бўлган, бу мол-мулкнинг бошлангич таннархига киритилмайдиган турли харажатларга фойда ҳисобидан ҳақ тўланган | 26 | 51, 52 |
| 86 | Депозитарийларнинг харид қилинган акцияларни сақлашига доир харажатларига ҳақ тўлаш | 26 | 51, 52 |
| 87 | Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари узилиши акс эттирилган; банкнинг ссудани дисконт қилинмаган вексель бўйича тўловсизлик сабабли тўловга тақдим этиши | 90 | 51, 52 |
| 88 | Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари узилиши акс эттирилган | 92 | 51,52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 89 | Банкларнинг ходимлар учун берган, ходимлар илгари тўлаган кредитларнинг, шунингдек корхонанинг савдо ташкилотлари билан кредитга олинган товарлар учун ҳисоб-китобларга илгари берилган кредитларнинг узилиши акс эттирилган | 93 | 51 |
| 90 | Қарз берувчилардан илгари олинган қисқа муддатли қарзларнинг (банклардан ташқари) уларга қайтарилиши (узилиши) | 94 | 51, 52 |
| 91 | Олинган узоқ муддатли қарзларнинг (банклардан ташқари) узилиши, уларнинг қарз берувчиларга қайтарилиши | 95 | 51, 52 |
| 92 | Ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан у ёки бошқа тадбирларга сарфланган суммаларнинг ҳисобдан чиқарилиши (мақсадли тушумлар ва маблағ билан таъминлаш ҳисобига) | 96 | 51, 52 |
| 93 | Ижарачи ижарага берувчига узоқ муддатли ижарага олинадиган асосий воситалардан фойдаланганлик учун тўланиши лозим бўлган тўловларни (ва фоизларни) тўлаган | 97 | 51, 52 |

## 55-"БАНКЛАРДАГИ МАХСУС ҲИСОБВАРАҚЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағи мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа махсус ҳисобварақларда ЎзР валютасида ва хорижий валютадаги пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги, шунингдек мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағларининг (тушумларининг) алоҳида тарзда сақланиши лозим бўлган қисми ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағига қуй-

идаги илова ва ҳисобварақлари очилиши мумкин:

55-1-"Аккредитивлар";

55-2-"Чек дафтарчалари" ва бошқалар.

55-1-"Аккредитивлар" илова ҳисобварағида аккредитивларда турган маблағларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китобларнинг аккредитивлар шаклида амалга оширилиши тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тартибга солинади.

Пул маблағларининг аккредитивларга ўтказилиши 55-"Банклардаги махсус ҳисоб варақлар" ҳисоб варағининг дебети ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи", 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ва бошқа шунга ўхшаган ҳисоб варақларнинг кредити бўйича акс эттирилади. Банкда олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар корхона берган ҳақ тўланишига қараб, яъни банкнинг унга тақдим этилган чекларни узиш суммаларида (банкнинг кўчирмаларига биноан) 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағининг кредитидан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг (76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ва бошқалар) дебетига ҳисобдан чиқарилади. Берилган, лекин банк ҳақини тўламаган чекларга доир суммалар (тўлашга тақдим этилмаган) 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағида қолади; 55-2-"Чек дафтарчалари" илова ҳисобварағи бўйича сальдо банкнинг кўчирмасига оид сальдога мувофиқ бўлиши керак. Банкка қайтарилган чекларга доир суммалар (фойдаланилмай қолган) 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағининг кредити бўйича 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ёки 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи" билан боғлиқликда акс эттирилади.

Корхонанинг ходимларига кредитор-корхоналар билан ҳисоб-китоблар учун уларнинг ҳисоботига берилган чек дафтарчаларидаги маблағларнинг ҳаракати оператив тарзда назорат қилинади.

55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир олинган чек дафтарчаси бўйича юритилади.

55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағига очиладиган алоҳида илова ҳисобварақларида банкда алоҳида тарзда сақланадиган мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағларининг (тушумларининг) ҳаракати ҳисобга олинади. Жумладан, ижтимоий муассасаларни (болалар боғчаси, яслилар ва ҳоказо) тутиб туриш учун ота-оналардан, бошқа фойдаланув-

чилардан ва бошқача манбалардан келиб тушган маблағлар; капитал маблағ сарфлашларни маблағ билан таъминлаш учун корхона илтимосига кўра алоҳида ҳисобварақдан тўланадиган ва сарфланадиган маблағлар; ҳукумат органларининг субсидиялари ва ҳоказо.

Корхона таркибига кирадиган ва алоҳида балансга ажратилган, жорий харажатларни (иш ҳақи, айрим хўжалик харажатлари, хизмат сафари суммалари ва ҳоказо) амалга ошириш учун банкларнинг маҳаллий муассасаларида жорий ҳисобварақлар очиладиган филиаллар, таркибий бирликлар 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағига очиладиган алоҳида илова ҳисобварағида кўрсатилган маблағларнинг ҳаракатини акс эттиради.

Хорижий валютадаги маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракати 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағида алоҳида тарзда ҳисобга олинади. Бу ҳисобварақ бўйича тафсилий ҳисобнинг тузилиши мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатларида пул маблағларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги маълумотни олиш имкониятини таъминлаш лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Пул маблағларининг аккредитивларга ўтказилиши; чек дафтарчаларини беришда маблағларнинг депонент қилиниши (ўз маблағлари ҳисобидан); дивидендларни тўлаш учун банкка маблағларнинг ўтказилиши | 55 | 51, 52 |
| 2 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида харид қилинган пул маблағларининг махсус ҳисобварақларида ҳисобга қабул қилиниши | 55 | 85 |
| 3 | Банклардаги махсус ҳисобварақларга қондирилган эътирозлар (илгари тақдим этилган) суммалари келиб тушди, шу жумладан банкнинг кўчирмаларидаги хато ёзувларга биноан | 55 | 63 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Ҳисобдор шахсларнинг пул маблағларини махсус ҳисобварақларга ўтказиш акс эттирилган (шу жумладан, уларнинг бу ҳисобварақларга сарфланмаган суммаларини қайтариш) | 55 | 71 |
| 5 | Акциялар обуначиларидан бўнак иштирокчиларнинг депозити сифатида олинган | 55 | 73 |
| 6 | Пул маблағларининг аккредитивларга ўтказилиши; чек дафтарчаларини беришда маблағларнинг депонент қилиниши (банкнинг қисқа муддатли ссудалари ҳисобидан); векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операциялари | 55 | 90 |
| 7 | Пул маблағларининг банкларнинг узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан банклардаги махсус ҳисобварақларга ўтказилиши (аккредитивларнинг очилиши); узоқ муддатли векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операциялари | 55 | 92 |
| 8 | Банкка алоҳида тарзда сақлаш учун келиб тушган мақсадли маблағлар (тушумлар), шу жумладан, ота-оналардан болалар муассасалари бўйича, ҳукумат органларининг субсидиялари ва ҳоказо | 55 | 96 |
| 9 | Номоддий активлар банклардаги махсус ҳисобварақларидан ҳақ тўлаш йўли билан сотиб олинган ва кирим қилинган | 04 | 55 |
| 10 | Ўрнатиладиган ускуна банклардаги махсус ҳисобварақларидан ҳақ тўлаш йўли билан сотиб олинган ва кирим қилинган (шу жумладан, харид қилишга оид харажатларга ҳақ тўланган) | 07 | 55 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Материаллар банклардаги махсус ҳисобварақларидан ҳақ тўлаш йўли билан сотиб олинган ва кирим қилинган (15-ҳисобварақни қўлламасдан), чеклар билан, аккредитивлардан ва ҳоказо | 10 | 55 |
| 12 | Ҳайвонлар боқиш ва бўрдоқига қўйиш учун харид қилинган ва келиб тушган (аккредитивлар орқали, чеклар билан ва ҳоказо) | 11 | 55 |
| 13 | АТБ банклардаги махсус ҳисобварақлар ҳисобидан сотиб олинган ва кирим қилинган | 12 | 55 |
| 14 | Харид қилинган ва тайёрланган моддий бойликларга, шу жумладан шу билан боғлиқ турли харажатларга аккредитивлар ва шу кабилар билан ҳақ тўланган | 15 | 55 |
| 15 | Асосий цехларнинг тегишли харажатларига банклардаги махсус ҳисобварақларидан ҳақ тўланган | 20 | 55 |
| 16 | Турли тижоратчилик харажатларига банклардаги махсус ҳисобварақларидан маҳсулот етказиб берувчи ҳисобидан ҳақ тўланган | 26 | 55 |
| 17 | Савдо харажатларига аккредитивлардан, чеклар ва ҳоказо билан ҳақ тўланган (савдо, воситачилик ва шу каби корхоналарда) | 26 | 55 |
| 18 | Юклашга оид транспорт харажатлари харидор ҳисобидан | 45 | 55 |
| 19 | Банклардаги махсус ҳисобварақлардан кассага тегишли маблағлар келиб тушди (чеклар ва ҳоказо) | 50 | 55 |
| 20 | Аккредитивлар, алоҳида ҳисобварақлар ва чеклардаги ишлатилмаган суммаларнинг қайтарилиши | 51, 52 | 55 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Аккредитивлар (ёки алоҳида ҳисобварақлар)нинг уларнинг ишлатилишига қараб ҳисобдан чиқарилиши (маҳсулот етказиб берувчига қарзнинг узилиши ва ҳоказо) | 60 | 55 |
| 22 | Бўнаклар банклардаги махсус ҳисобварақлардан берилган; қисман тайёргарлик буюртмалари бўйича оралиқ ҳисобварақларга ҳақ тўланиши | 61 | 55 |
| 23 | Харидорлар ва буюртмачилар олдидаги илгари ҳисобланган қарз узилган (қайта ҳисоблашлар бўйича ва ҳоказо) | 62 | 55 |
| 24 | Банклардаги махсус ҳисобварақларга хатолик билан ёзилган ва кўчирмаларни текшириш пайтида аниқланган суммалар банклардаги махсус ҳисобварақлардан тўланган | 63 | 55 |
| 25 | Илгари олинган бўнаклар бўйича қарз банклардаги махсус ҳисобварақлардан узилган | 64 | 55 |
| 26 | Мажбурий мулкий ва шахсий суғурта бўйича қарз банклардаги махсус ҳисобварақлардаги маблағлар ҳисобидан узилган | 65 | 55 |
| 27 | Бюджет олдидаги қарзнинг банклардаги махсус ҳисобварақлардан узилиши акс эттирилган | 68 | 55 |
| 28 | Ижтимоий суғурта ва таъминот органлари олдидаги қарз меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан узилган (юк айланиши бўйича алоҳида ҳисобварақ амал қиладиган жойларда ва ҳоказо) | 69 | 55 |
| 29 | Ходимлар ва бошқа шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш банклардаги махсус ҳисобварақлардан амалга оширилган (юк айланиши бўйича алоҳида ҳисобварақдан ва ҳоказо); банк ҳақ тўлаган дивидендлар | 70, 75 | 55 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 30 | Банкдан олинган чекларнинг корхона берган чекларга ҳақ тўланишига қараб ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган (банкка тақдим этилган чекларнинг узилиши суммаларига); шу жумладан темир йўл ва сув ташкилотлари томонидан тақдим этилган; ижара ҳақи бўйича қарзнинг узилиши | 76 | 55 |
| 31 | Шўъба корхоналарга банклардаги махсус ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган маблағлар, шу жумладан улар олддидаги қарз ўтказилган | 78 | 55 |
| 32 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига банклардаги махсус ҳисобварақлардан маблағлар ўтказилган | 79 | 55 |
| 33 | Банклардаги махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўланган харажатлар фойда ҳисобидан амалга оширилган (янги мол-мулкнинг барпо этилиши, йўлланмаларнинг харид қилиниши ва ҳоказо) | 26 | 55 |
| 34 | Илгари улар ҳисобидан махсус маблағлар ҳисобварақлари очилган банкларнинг қисқа муддатли кредитларини узиш ҳисобига маблағларнинг қайтарилиши (аккредитивлар, алоҳида ҳисобварақлар, чек дафтарчалари) | 90 | 55 |
| 35 | Илгари улар ҳисобидан махсус маблағлар ҳисобварақлари очилган банкларнинг узоқ муддатли кредитларини узиш ҳисобига маблағларнинг қайтарилиши; векселни ушлаб турувчиларнинг банкдан векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операциялари бўйича олган пул маблағларини қайтариши | 92 | 55 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 36 | Тегишли харажатлар банклардаги махсус ҳисобварақлардан мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари ва мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга оширилган | 96 | 55 |
| 37 | Ижарага берувчи олдидаги ижара мажбуриятлари банклардаги махсус ҳисобварақлардан узилган (тўловлар ва фоизлар) | 97 | 55 |

## 56-"ПУЛ ҲУЖЖАТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағи корхона кассасидаги пул ҳужжатлари (почта маркалари, давлат божи маркалари, вексель маркалари, ҳақи тўланган авиапатталар, дам олиш уйларига ва санаторияларга ҳақи тўланган йўлланмалар ва ҳоказо)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Пул ҳужжатлари 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағида номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Пул ҳужжатларининг тафсилий ҳисоби уларнинг турлари бўйича юритилади.

Акциядорлик жамиятлари 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағига махсус "Акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари" илова ҳисобварағини очишлари мумкин. Унда акциядорлик жамиятининг кейинчалик яна сотиш ёки бекор қилиш учун акциядорлардан сотиб олган ўз акциялари ҳисобга олинади. Бошқа хўжалик ширкатлари ушбу илова ҳисобварағидан хўжалик ширкатининг ўзи уни бошқа қатнашчиларга ёки учинчи шахсларга бериш учун белгиланган тартибда сотиб олган қатнашчининг улушини ҳисобга олиш учун фойдаланадилар.

Акциядорлик жамияти (ширкат)нинг акциядор (қатнашчи)дан унга тегишли бўлган акцияларни (улушини) сотиб олишида бухгалтерлик ҳисобида 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

Акциядорлик жамиятининг сотиб олган ўз акцияларини бекор қилиши бу жамият қонунда назарда тутилган барча русум-

қоидаларни бажарганидан сўнг 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағининг кредити ва 85-"Устав сармояси" ҳисобварағининг дебети бўйича амалга оширилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Турли пул ҳужжатлари сотиб олинди (йўлланмалар ва ҳоказо) | 56 | 50, 51 |
| 2 | Акциядорлардан уларга тегишли акциялар сотиб олинган; банк орқали ҳақ тўлаш билан пул ҳужжатлари харид қилинган | 56 | 51, 52 |
| 3 | Пул ҳужжатлари ҳисобдор шахслар томонидан харид қилинган (турли маркалар, авиапатталар, йўлланмалар ва ҳоказо) | 56 | 71 |
| 4 | Пул ҳужжатлари турли корхоналар ва фуқаролардан келиб тушди | 56 | 76 |
| 5 | Пул ҳужжатларининг шўъба корхоналардан ва корхонанинг алоҳида балансга ажратилган бўлинмаларидан келиб тушиши акс эттирилган | 56 | 78, 79 |
| 6 | Дивидендларнинг акциялар билан тўланиши | 70,75 | 56 |
| 7 | Пул ҳужжатларининг ҳисобдор шахсларга берилиши акс эттирилган | 71 | 56 |
| 8 | Пул ҳужжатлари ходимларга берилган (йўлланмалар, бошқа ҳисоб-китоблар тартибида) | 73 | 56 |
| 9 | Аниқланган пул ҳужжатлари камомади акс эттирилган | 84 | 56 |
| 10 | Сотиб олинган акциялар бекор қилинган, устав сармояси уларнинг номинал қийматига камаяди | 85 | 56 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Сотилган ва харид қилинган (бекор қилинган) акциялар қийматидаги фарқ қўшимча капитал ҳисобига ёзиб қўйилади:<br>- камайтиришга<br>- кўпайтиришга | 85<br>56 | 56<br>85 |

## 57- "ЙЎЛДАГИ ЎТКАЗМАЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

57- "Йўлдаги ўтказмалар" ҳисобварағи йўлдаги миллий ва хорижий валюталардаги пул маблағлари (ўтказмалар)нинг, яъни банклар кассаларига, жамғарма кассаларига ёки почта бўлинмалари кассаларига корхонанинг ҳисоб-китоб варағи ёки бошқа ҳисобварағига ўтказиш учун киритилган, лекин ҳозирча белгиланган мақсадга ўтказилмаган пул суммалари (асосан савдо тушуми)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Банк муассасалари, жамғарма кассалари, почта бўлинмаларининг квитанциялари, тушумни банк инкассаторларига топшириш учун илова қилинадиган рўйхатномалар нусхалари ва шу кабилар суммаларни (масалан, тушумни топширишда) 57- "Йўлдаги ўтказмалар" ҳисобварағи ҳисобга қабул қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Хорижий валюталардаги пул маблағлари (ўтказмалар)нинг ҳаракати 57- "Йўлдаги ўтказмалар" ҳисобварағида алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **57-"Йўлдаги ўтказмалар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ҳозирча банкдаги ҳисобварақққа ўтказилмаган сотишдан олинган тушум топширилган (45-ҳисобварақ қўлланилмасдан) | 57 | 46 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Кассадан ҳозирча белгиланган жойига етиб бормаган пул ўтказмалари амалга оширилган | 57 | 50 |
| 3 | Корхонанинг топшириғига биноан банк сотиши лозим бўлган хорижий валютанинг қиймати | 57 | 52 |
| 4 | Банкдаги пул маблағлари ҳисобварақларидан бошқа ташкилот ва корхоналарга ўтказма амалга оширилган | 57 | 51, 52 |
| 5 | Харидорлар ўз қарзини келиб тушган ўтказма билан узишди | 57 | 62 |
| 6 | Ҳозирча банкка келиб тушмаган пул маблағлари ўтказмаси воситасида бўнак олинган | 57 | 64 |
| 7 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида харид қилинган пул маблағлари (йўлдаги ўтказмалар) ҳисобга қабул қилинади | 57 | 85 |
| 8 | Бошқа дебиторлардан ўтказма келиб тушди | 57 | 76 |
| 9 | Шуъба корхоналардан ўтказма келиб тушди | 57 | 78 |
| 10 | Корхонанинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларидан ўтказма келиб тушди | 57 | 79 |
| 11 | Ўтказмалар бўйича келиб тушган суммалар корхона даромадига айлантирилган (жарималар, пенялар, олинган бурдсизлик тўловлари ва ҳоказо) | 57 | 80 |
| 12 | Корхонанинг хорижий валютани (шу жумладан, мажбурий тартибда сотиладиганларини) сотиш кунидаги курс бўйича қайта баҳолаш суммасида сотиш | 48 | 57 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 13 | Йўлда деб ҳисобланган пул маблағлари кассага келиб тушди | 50 | 57 |
| 14 | Йўлда деб ҳисобланган пул маблағлари банкка ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварағига келиб тушди | 51, 52 | 57 |
| 15 | Олинган бўнаклар бўйича қарз узилган (шунгача йўлда деб ҳисобланган пул маблағларини ўтказиш йўли билан) | 64 | 57 |
| 16 | Ўтказма айрим ходимлар ҳисобидан амалга оширилган, суммалар шунгача йўлда деб ҳисобланар эди | 73 | 57 |
| 17 | Ўтказма мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари ва мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга оширилган (суммалар олдин йўлда деб ҳисобланар эди) | 96 | 57 |

## 58-"ҚИСҚА МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒ САРФЛАШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи корхонанинг бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигацияларига қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга) маблағ сарфлашлар (инвестициялар), шунингдек корхонанинг бошқа корхоналарга берган қарзларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бунда фоизли облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга маблағ сарфлашлар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар уларнинг узиш учун белгиланган муддатлари бир йилдан ортиқ бўлмагани ҳолда 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади. Узиш (сотиб олиш) муддатлари белгиланмаган бошқа қимматли қоғозларга маблағ сарфлашлар улардан бир йилдан ортиқ муддатда даромад олиш мақсади бўлмаган ҳолда 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

58-1-"Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар";

58-2-"Депозитлар";

58-3-"Берилган қарзлар" ва бошқалар.

58-1-"Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар" илова ҳисобварағида давлат ва маҳаллий заёмларнинг фоизли облигацияларига, шунингдек бошқа қимматли қоғозларга қисқа муддатли маблағ сарфлашлар (инвестициялар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағига харид нархи бўйича кирим қилинади.

Корхонанинг облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиши 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети ва 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи" ёки моддий ва бошқа бойликларни ҳисобга оладиган бошқа ҳисобварақларнинг кредити (агар қимматли қоғозларга ҳақ тўланиши моддий ва бошқа бойликларни (пул маблағларидан ташқари) сотувчи корхонага мулк қилиб ёки фойдаланиш учун бериш йўли билан амалга ошириладиган бўлса) бўйича амалга оширилади.

Корхона ўтказган, лекин ҳисобот даврида уларга корхонанинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар олинмаган қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлаш маблағлари 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида алоҳида тарзда акс эттирилади.

Агар корхона сотиб олган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаган қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан фарқ қиладиган бўлса, харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммаси шу тарзда ҳисобдан чиқарилиши (қўшимча ҳисобланиши) керак бўладики, қимматли қоғозларни узиш (сотиб олиш) пайтида улар 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган нарх номинал қийматга мувофиқ бўлиши лозим.

58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг узилиши (сотиб олиниши) 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

58-2-"Депозитлар" илова ҳисобварағида корхонанинг банклардаги ва бошқа омонатларга (жамғарма сертификатлари,

банкдаги депозит ҳисобварақлари ва ҳоказо) ЎзР миллий валютасида ва хорижий валюталар қўйган маблағларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Корхона пул маблағларининг омонатларга ўтказилишини 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ёки 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи" билан боғлиқликда акс эттиради. Банк омонатлар суммаларини қайтарганидан корхона ҳисобидан тескари ёзувлар амалга оширилади.

58-3-"Берилган қарзлар" илова ҳисобварағида корхонанинг бошқа корхоналарга берган қисқа муддатли пуллик қарзларининг ҳаракати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ёки бошқа тегишли ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади. Қарзнинг қайтарилиши 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ҳисобварағининг ёки бошқа тегишли ҳисобварақларнинг дебети бўйича ва 58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар"ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашларнинг турлари ва ушбу маблағ сарфлашлар амалга оширилган объектлар (қимматли қоғозларнинг сотувчи корхоналари, омонатлар ва ҳоказо) бўйича юритилади.

Бунда тафсилий ҳисобнинг тузилиши республика ҳудудида ва хожридаги объектларга қилинган қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **58-"Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Қиймати қимматли қоғозларни сотувчига асосий воситаларни мулк қилиб бериш йўли билан узилган қимматли қоғозларнинг харид қилиниши (бир йилгача бўлган муддатга) | 47<br>(58 | 01<br>47) |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Қиймати қимматли қоғозларни сотувчига номоддий активларни (мулк қилиб) бериш йўли билан узилган қимматли қоғозларнинг харид қилиниши | 48<br>(58 | 04<br>48) |
| 3 | Узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар узилиш муддатларининг қисқартирилиши сабабли қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашларга ўтказилган | 58 | 06 |
| 4 | Қиймати қимматли қоғозларни сотувчига қурилмаган тегишли ускуналарни (мулк қилиб) бериш йўли билан узилган қимматли қоғозларнинг харид қилиниши | 48<br>(58 | 07<br>48) |
| 5 | Материаллар қарз тартибида ҳисобдан чиқарилган; сотиб олинган қимматли қоғозларнинг қиймати (қоғозларни) сотувчига материалларни (мулк қилиб) бериш йўли билан узилади | 48<br>(58 | 10<br>48) |
| 6 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашларга (қимматли қоғозларга) қоғозларни сотувчи корхонага боқувдаги ҳайвонларни бериш йўли билан ҳақ тўланган | 48<br>(58 | 11<br>48) |
| 7 | Қисқа муддатли қимматли қоғозларга қоғозларни сотувчи корхонага АТБни (мулк қилиб) бериш йўли билан ҳақ тўланган | 48<br>(58 | 12<br>48) |
| 8 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар қоғозларни сотувчи корхонага асосий цехларнинг хизматларини кўрсатиш йўли билан амалга оширилган (харид қилинган қимматли қоғозлар қийматининг узилиши), шу жумладан тугалланмаган ишлаб чиқариш билан | 48<br>(58 | 20<br>48) |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар қоғозларни сотувчи корхонага ёрдамчи цехларнинг хизматларини кўрсатиш йўли билан амалга оширилган (қимматли қоғозлар учун) | 48 (58 | 23 48) |
| 10 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар қоғозларни сотувчи корхонага хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг хизматларини кўрсатиш ва маҳсулотларни бериш йўли билан амалга оширилган | 48 (58 | 29 48) |
| 11 | Қимматли қоғозлар уларга тайёр маҳсулотлар билан ҳақ тўлаш йўли орқали харид қилинган (қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46 (58 | 40 46) |
| 12 | Қимматли қоғозлар товарлар билан ҳақ тўлаш йўли орқали харид қилинган (қимматли қоғозлар қийматининг узилиши) | 46 (58 | 41 46) |
| 13 | Қимматли қоғозларга, амалга оширилган омонатларга нақд пуллар билан ҳақ тўланган | 58 | 50 |
| 14 | Қимматли қоғозлар ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳақ тўлаш йўли орқали харид қилинган; маблағлар омонатларга ўтказилган (депозитлар); бошқа корхоналарга қарз берилган | 58 | 51, 52 |
| 15 | Қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар муассисларнинг корхонанинг устав сармоясига ҳиссалари ҳисобига бадаллар тўлаши йўли билан амалга оширилган | 58 | 75 |
| 16 | Облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларнинг (қисқа муддатли) узилиши (сотиб олиниши) ва сотилиши | 48 | 58 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 17 | Банкнинг омонатлар суммаларини қайтариш; қисқа муддатли молиявий маблаг сарфлашлар амалга оширилган бошқа корхоналарнинг қарзни қайтариш | 51, 52 | 58 |
| 18 | Бошқа корхоналарга қарз қисқа муддатли қимматли қоғозлар билан узилган; қимматли қоғозлар бошқа корхоналарга бериб юборилган | 76 | 58 |
| 19 | Қимматли қогозларнинг сотилишида сотиш нархи харид нархидан ортиқ булган | 48 (58 | 80 48) |
| 20 | Ва аксинча | 48 (80 | 58 48) |
| 21 | Ушбу сотишдан тушумнинг келиб тушиши | 51,52 | 58 |
| 22 | Акцияларнинг гаровга берилиши; мажбуриятларнинг ижро қилинишида - тескари ёзув | 58 | 58 |
| 23 | Банкдан харидорнинг векселга ҳақ тўлаганлиги (дисконт) ҳақидаги хабарнома олинди | 90, 92 | 58, 62 |
| 24 | Харидорга вексель суммасига даъво тақдим этилади | 63 | 58,62 |
| 25 | Харидор векселни ҳақ тўлашга тақдим этишда қарзни узди (фоиз билан) | 51, 52 | 62, 58 |
| 26 | Корхона пул ссудасини харидорга вексель ўрнига берган | 58 | 51, 52 |
| 27 | Даъво муддатининг ўтиб кетиши сабабли вексель бўйича қарзнинг зарарга ҳисобдан чиқарилиши | 80 | 58, 62 |
| 28 | Қимматли қогозларни харид қилишда харажатларга ҳақ тўланган (маслаҳатчилар, брокерлар, солиқ) | 26 | 51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 29 | Хусусийлаштирилган корхонанинг мол-мулки таркибида харид қилинган қисқа муддатли молиявий маблаг сарфлашлар ҳисобга қабул қилинади | 58 | 85 |
| 30 | Қимматли қогозларнинг акцияларга ҳақ тўлаш ҳисобига келиб тушиши | 58 | 75 |
| 31 | Корхона қимматли қогозларга тегишли ҳуқуқларнинг унга ўтиши ҳақидаги гувоҳномани олди | 58 | 76 |
| 32 | Облигацияларни узиш, депозитни қайтаришни акс эттиришда курсдаги ижобий фарқ; салбий булганида - аксинча | 58<br>80 | 80<br>58 |
| 33 | Қимматли қогозлар камомади | 84 | 06,58 |

# VI бўлим
# ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Бу бўлимдаги ҳисобварақлар корхонанинг турли юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблари, шунингдек хўжалик ичидаги ҳисоб-китобларнинг ҳамма турлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Амалдаги қонунларга мувофиқ амалга ошириладиган хорижий валюталар билан ҳисоб-китоблар ушбу бўлим ҳисобварақларида хорижий валютани ҳисоб-китоб-пул ҳужжатлари ёзилган кундаги амалдаги курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан белгиланадиган миқдорда сўмларда ҳисобга олинади. Айни бир вақтда бундай ҳисоб-китоблар ва тўловлар валютасида ҳам акс эттирилади. Хорижий валюталар билан операциялар бўйича курсдаги фарқлар, шу жумладан қарзни бухгалтерлик баланси тузиладиган санага қайта баҳолашдан олинадиган фарқлар 80-"Фойдалар ва заралар" ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

Хорижий валюталардаги ҳисоб-китоблар бу бўлимдаги ҳисобварақчаларда алоҳида тарзда, яъни алоҳида илова ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

## 60-"МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАР ВА ПУДРАТЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан қуйидагилар учун ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган:

ҳисоб-китоб ҳужжатлари акцепт қилинган ва банк орқали ҳақ тўланиши лозим бўлган олинган товар-моддий бойликлар, қабул қилинган бажарилган ишлар ва олинган хизматлар, шу жумладан электр энергияси, газ, буғ, сув ва шу кабиларнинг берилиши, шунингдек моддий бойликларни етказиб бериш ёки қайта ишлаш бўйича ишлар ва хизматлар учун;

ҳисоб-китоблар режали тўловлар тартибида амалга ошириладиган товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар;

маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан ҳисоб-китоб ҳужжатлари келиб тушмаган (фактура қилинмаган етказиб беришлар деб аталадиган) товар-моддий бойликлар, ишлар ва хизматлар;

товар-моддий бойликларни қабул қилишда аниқланган уларнинг ортиқча миқдорлари;

ташишлар бўйича олинган хизматлар, шу жумладан тариф (фрахт)нинг кам ва ортиқ миқдори бўйича, шунингдек алоқа хизматларининг ҳамма турлари учун ҳисоб-китоблар

Пудратчилик қурилиш ва монтаж, илмий-тадқиқотчилик ва бошқа шунга ўхшаган ташкилотлар бош пудратчилар (бош ташкилотлар) бўлиб туришганида ўзларининг субпудратчилари (биргаликда ижро қилувчилар) билан ҳисоб-китобларни, шунингдек 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағида ҳам акс эттиришади.

Харид қилинган моддий бойликлар, қабул қилинган ишлар ёки олинган хизматлар учун ҳисоб-китоблар билан боғлиқ ҳамма операциялар тақдим этилган ҳисобвараққа ҳақ тўланиши вақтидан қатъи назар 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудрачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича ўтказилади.

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи амалда келиб тушган товар-моддий бойликлар, қабул қилинган ишлар, олинган хизматлар қийматига ушбу бойликларни ёки тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда кредит қилинади. Моддий бойликлар (товарлар)ни олиб келиш, шунингдек материалларга четда ишлов беришга доир хизматлар учун 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар ишлаб чиқариш захиралари, товарлари, муомала харажатлари ва шу кабиларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда амалга оширилади.

Товар-моддий бойликларни тафсилий ҳисобда баҳолашдан қатъи назар 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи жамлама ҳисобда маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатларига мувофиқ акцепт суммалари доирасида кредит қилинади. Маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобварағи юк етиб келгунигача акцепт қилинган ва ҳақ тўланган, келиб тушган товар-моддий бойликларни омборга қабул қилишда эса уларнинг фактура қилинган миқдорига нисбатан табиий зарар нормаларидан ортиқ камомад аниқланган, шунингдек маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчининг ҳисобварағи текширилганида (ҳисобварақ акцепт қилинганидан сўнг) нархларнинг битимда келишилганларига мувофиқ келмаслиги ва арифметик хатолар аниқланган бўлса, унда 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-

китоблар" ҳисобварағи тегишли суммага 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда кредит қилинади.

Маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб ҳужжатлари олинмаган товар-моддий бойликлар келиб тушганида келиб тушган товар-моддий бойликларнинг ҳақи тўланган, лекин йўлда келаётган деб ёки маҳсулот етказиб берувчиларнинг омборларидан олиб чиқилмаган деб ва келиб тушган товар-моддий бойликлар дебиторлик қарзи сифатида ҳисобда турганми-йўқлигини текшириб кўриш зарур.

Фактура қилинмаган маҳсулот етказиб беришлар учун 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи келиб тушган бойликларнинг битимларда назарда тутилган нархлар бўйича қийматига кредит қилинади.

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи ҳисобварақларга ҳақ тўлаш суммаларига (пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда), олдиндан берилган бўнакларни ҳисобга олиш суммаларига (61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан алоқадорликда) дебет қилинади. Корхона берган векселлар билан таъминланган маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз суммалари 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобваағидан ҳисобдан чиқарилмайди, балки тафсилий ҳисобда алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир тақдим этилган ҳисобварақ бўйича, режали тўловлар тартибидаги ҳисоб-китоблар - ҳар бир маҳсулот етказиб берувчи ва пудратчи бўйича юритилади. Бунда тафсилий ҳисобнинг тузилиши қуйидагилар бўйича маълумотларнинг олиниши имкониятини таъминлаши лозим: ҳақ тўлаш муддати келмаган акцепт қилинган ва бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича маҳсулот етказиб берувчилар; ўз муддатида тўламаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича маҳсулот етказиб берувчилар; ҳақ тўлаш муддати келмаган берилган векселлар бўйича маҳсулот етказиб берувчилар; ҳақ тўлаш муддати ўтказиб юборилган векселлар бўйича маҳсулот етказиб берувчилар; олинган тижорат кредити бўйича маҳсулот етказиб берувчилар.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг келиб тушган ва кирим қилинган ўрнатиладиган ускуналари (шу жумладан, транспорт ва шу каби хизматлар) учун ҳисобварақ-фактуралар акцепт қилинган | 07 | 60 |
| 2 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг капитал қурилиш учун улар бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлар (шу жумладан, машиналар, транспорт воситалари, монтажни талаб қилмайдиган ускуналар) учун ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган; мавоза операциялари бўйича ёзувлар | 08 | 60 |
| 3 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг келиб тушган ва кирим қилинган материаллар учун ҳисобварақ-фактуралари акцепт қилинган (15-ҳисобварақ қўлланилмасдан); транспорт хизматлари, юклаш-тушириш учун; фактура қилинмаган етказиб беришлар бўйича; қабул қилишдаги ортиқча миқдорлар (ҳужжатларга нисбатан); мавоза операциялари бўйича | 10 | 60 |
| 4 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг боқиш ва бўрдоқига қўйиш учун харид қилинган ҳайвонлар учун ҳисоб-фактуралари ҳақ тўлашга қабул қилинган (15-ҳисобвара қўлланилмасдан)" мавоза операциялари бўйича | 11 | 60 |
| 5 | Келиб тушган АТБ учун ҳисобварақ-фактуралар акцепт қилинган; мавоза операциялари бўйича | 12 | 60 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг харид қилинган турли товар-моддий бойликлар; турли ҳужжатлар учун ҳисобварақ-фактуралари ҳақ тўлашга қабул қилинган (15-ҳисобварақ қўлланилмасдан); | 15 | 60 |
| 7 | Харид қилинган моддий ресурслар, ускуна, номоддий активлар бўйича ҚҚС суммалари ҳисобланади | 19 | 60 |
| 8 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг цехлари, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжлари учун улар бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлар, шу жумладан электр энергияси, газ, буғ, сув, алоқа хизматлари ва шу кабиларни берганлиги учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 20, 23, 25, 26 | 60 |
| 9 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг аниқланган ташқи брак сабабли турли хизматларни кўрсатишга оид операциялар акс эттирилган; уни тузатишдаги ва кафолатли таъмирлаш бўйича хизматлар учун | 28 | 60 |
| 10 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг улар бажарган ишлар ва кўрсатган хизматлар, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун электр энергияси, газ ва шу кабиларни берганлиги учун ҳисобварақлари акцепт қилинган | 29 | 60 |
| 11 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар нокапитал ишларни бажаришда кўрсатган хизматлари учун уларнинг ҳисобварақлари акцепт қилинган | 30 | 60 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 12 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар келгуси даврлар харажатларига кирадиган ишларни бажаришда кўрсатган хизматлар учун уларнинг ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган | 31 | 60 |
| 13 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг харид қилинган товарлар учун ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган; мавоза операциялари | 41 | 60 |
| 14 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар маҳсулотларни сотишда кўрсатган хизматлари ва бажарган ишлари учун уларнинг ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган (транспорт, энергия, таъмирлаш ва ҳоказо) | 26 | 60 |
| 15 | Маҳсулот етказиб берувчилар товарларни харид қилишда (савдо ва шу каби корхоналарда) кўрсатган хизматлари ва бажарган ишлари учун уларнинг ҳисобварақлари акцепт қилинган (транспорт, энергия, алоқа ва ҳоказо) | 26 | 60 |
| 16 | Савдодаги ҳисоб-китобларда қатнашган ҳолда транзит сотиш билан боғлиқ операциялар акс эттирилган; маҳсулот етказиб берувчилар сотишда кўрсатган, харидорлар ҳисобига ёзиб қўйилган хизматлар (транспорт ва бошқа) | 45 | 60 |
| 17 | Маҳмулот етказиб берувчиларнинг илгари ўтказган ва фойдаланилмаган режали тўловлар суммаларини қайтариш; тариф (фрахт)лардан ортиқ суммаларнинг қайтарилиши | 50 | 60 |
| 18 | Маҳсулот етказиб берувчиларнинг қайта ҳисоблашлар бўйича акс эттирилган суммаларни ўтказиши (нархлар, ҳисобварақ-фактуралардаги хатолар ва шу кабилар бўйича); тариф (фрахт)лардан ортиқ суммаларнинг қайтарилиши | 51, 52 | 60 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 19 | Маҳсулот етказиб берувчилар (пудратчилар) билан харидорлар ўртасидаги қарзнинг, шу жумладан мавоза операциялари бўйича қарзнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган | 62 | 60 |
| 20 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчиларга материалларни ва шу кабиларни қабул қилишдаги табиий зарар нормаларидан ортиқ камомад, нархларнинг мувофиқ келмаслиги, ҳисобварақ-фактуралардаги хатолар ва ҳоказо учун эътирозлар тақдим этилган | 63 | 60 |
| 21 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг уларга шўъба корхоналар учун етказиб берган моддий бойликлар ва хизматлар учун ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган (акцепт пайтида) | 78 | 60 |
| 22 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг улар корхоналарнинг алоҳида балансларга ажратилган бўлинмаларига етказиб берган моддий бойликлар ва хизматлар учун ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган | 79 | 60 |
| 23 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг улар табиий офатлар оқибатларини тугатишда ёки олдини олишда кўрсатган хизматлар учун ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган; тарани топширувчи топширган қайтариладиган тарани олиб келишга доир харажатлар | 80,26 | 60 |
| 24 | Валюта курсидаги салбий фарқлар (уларни йил давомида тўплаганда) | 80 | 60 |
| 25 | Турли товар-моддий бойликлар келиб тушганида уларнинг табиий зарар нормалари доирасидаги камомади (кирим қилингунигача) ёки корхона ва унинг ходимлари айбига кўра қабул қилинган камомад аниқланган | 84 | 60 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 26 | Юклар (материаллар, товарлар)нинг транзит олиниши, юкланиши ва сотилиши билан боғлиқ операциялар акс эттирилган - савдода ва ҳоказо | 60 | 46 |
| 27 | Қарз илгари алмашиш ҳисобига юклаб жўнатилгап товар-моддий бойликлар қийматига камаяди | 60 | 46, 47, 48 |
| 28 | Шунинг ўзи, лекин юклаб жўнатишга қараб ҳисобга олишда | 60 | 62 |
| 29 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчилар олдидаги қарз нақд пуллар билан узилган | 60 | 50 |
| 30 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчиларнинг ҳисобварақларига ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ҳақ тўланган (қарзнинг узилиши), шу жумладан берилган вексель билан таъминлангани | 60 | 51, 52 |
| 31 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчиларнинг ҳисобварақларига банклардаги махсус ҳисобварақлардан ҳақ тўланган (аккредитивлар, алоҳида ҳисобварақлар ва ҳоказо) | 60 | 55 |
| 32 | Оддий векселнинг маҳсулот етказиб берувчиларга берилиши ва ўтказиладиган векселнинг акцепт қилиниши (илова ҳисобварақлари бўйича) | 60 | 60 |
| 33 | Ҳисобварақ-фактуралар ҳақ тўлашда олдиндан берилган бўнаклар ҳамда маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг ҳақи тўланган ҳисобваарқлари бўйича ҳисобга олишлар амалга оширилган | 60 | 61 |
| 34 | Харидорларнинг қарзи суммалари маҳсулот етказиб берувчиларнинг олдидаги қарзларнинг, шу жумладан индоссация қилинган қарзларнинг узилишига ҳисобга олинган | 60 | 62 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 35 | Ўзаро ҳисоб-китобларда ҳисобга олинган суммалар акс эттирилган | 60 | 76 |
| 36 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарз шўъба корхоналари томонидан узилган | 60 | 78 |
| 37 | Даъво муддати ўтиб кетган кредиторлик қарзини ҳисобдан чиқариш суммалари акс эттирилган | 60 | 80 |
| 38 | Харид қилинган мол-мулкка, шунингдек берилган векселларга ҳақ тўлашдаги валюта курсидаги ижобий фарқлар (уларни йил давомида тўплаб борилганда) | 60 | 80 |
| 39 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарз банклардан олинган қисқа муддатли ёки узоқ муддатли кредитлар воситасида узилган (акцепт қилинган тўлов ҳужжатларига ҳақ тўланиши) | 60 | 90, 92 |

## 61-"БЕРИЛГАН БЎНАКЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар" ҳисобварағи моддий бойликларнинг етказиб берилиши ёки ишларнинг бажарилиши ўрнига берилган бўнаклар, шунингдек буюртмачилардан қисман тайёрлиги бўйича қабул қилинган маҳсулот ва ишларга ҳақ тўлашга доир ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Берилган бўнаклар, шунингдек буюртмачилардан қисман тайёрлиги бўйича қабул қилинган маҳсулот ва ишларга тўланган ҳақ суммалари 61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилари билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади.

61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **61-"Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоб қилишлар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Моддий бойликларнинг етказиб берилиши, ишларнинг бажарилиши, қисман тайёрлиги бўйича ҳақ тўлаш ўрнига бўнаклар нақд пуллар билан берилган | 61 | 50 |
| 2 | Бўнаклар ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларидан ўтказилган (маҳсулот етказиб берилиши, қисман тайёрлиги бўйича қабул қилинган маҳсулотга ҳақ тўлаш ўрнига ва ҳоказо) | 61 | 51, 52 |
| 3 | Банклардаги махсус ҳисобварақлардан бўнаклар ўтказилган қисман тайёр буюртмалар бўйича оралиқ ҳисобварақлари ҳақи тўланган | 61 | 55 |
| 4 | Банклардан олинган кредитларнинг ҳисобварақлари учун бўнаклар ўтказилгани акс эттирилган | 61 | 90, 92 |
| 5 | Бошқа корхоналарнинг маблағини ёзиш ҳисобига ҳам шундай қилинган | 61 | 94, 95 |
| 6 | Қисм-қисм тарзида ҳақи тўланган ва қабул этилган ишлардаги товар-моддий бойликлар ва моддий чиқимларнинг нархини камайтириш суммалари (қийматига қўшиб ёзилган бўлса - аксинча) | | |
| 7 | Илгари берилган бўнанларнинг кассага қайтарилиши | 50 | 61 |
| 8 | Илгари берилган бўнакларнинг ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақларига қайтарилиши; харидорлар ва буюртмачилардан оралиқ ҳисобварақлар бўйича келиб тушган суммалар | 51, 52 | 61 |
| 9 | Илгари берилган бўнакларнинг маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчиларнинг қарзларини ўзиш ҳисобига ҳисобга олиниши | 60 | 61 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тақдим этилган ёки арбитражга берилган пудрат ва маҳсулот етказиб бериш битимлари шартларининг бузилиши билан боғлиқ эътирозлар | 63 | 61 |
| 11 | Илгари берилган, лекин талаб қилиб олинмаган бўнакларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилиши | 26 | 61 |
| 12 | Корхона илгари шубҳали деб эътироф этган, талаб қилиб олинмаган қарзларнинг ҳисобдан чиқарилиши | 82 | 61 |

## 62-"ХАРИДОРЛАР ВА БУЮРТМАЧИЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

62-1-"Инкассо тартибидаги ҳисоб-китоблар";

62-2-"Режали тўловлар билан ҳисоб-китоблар";

62-3-"Олинган векселлар" ва бошқалар.

62-1-"Инкассо тартибидаги ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида харидорлар ва буюртмачиларга юклаб жўнатилган маҳсулот (товар)лар, уларни юклаб жўнатиш бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тақдим этилган ва банк ҳақ тўлаш учун қабул қилинган ҳисоб-китоблар ҳужжатлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади (маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган тушумни белгилаш усули қўлланилганида).

62-2-"Режали тўловлар билан ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида харидорлар ва буюртмачилар билан узоқ муддатли хўжалик алоқалари мавжуд бўлганидаги ҳисоб-китоблар, агар бундай ҳисоб-китоблар доимий тусга эга бўлса ва алоҳида ҳисоб-китоб ҳужжати бўйича ҳақ келиб тушиши билан тугамайдиган бўлса, ҳисобга олинади, режали тўловлар билан ҳисоб-китоблар ҳам шу жумлага киради.

62-3"Олинган векселлар" илова ҳисобварағида харидорлар ва

буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича олинган векселлар билан таъминланган қарз ҳисобга олинади.

63-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши", 47-"Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши" ва 48-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварақлари билан боғлиқликда харидорлар (буюртмачилар)га ҳисоб-китоблар ҳужжатлари тақдим этилган суммаларга дебет қилинади (маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларни сотишдан олинадиган тушумни уларнинг юклаб жўнатилиши бўйича белгилаш усули қўлланилганида).

62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги пул маблағлари, ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда келиб тушган тўловлар, олинган бўнакларнинг ҳисобга олиниши ва шу кабилар суммаларига кредит қилинади. Агар харидор (буюртмачи)нинг қарзини таъминлайдиган олинган вексель бўйича фоиз назарда тутилган бўлса, унда ана шу қарзнинг узилишига қараб 51-"Ҳисоб-китоб вараги" ёки 52-"Валюта ҳисобварағи"нинг дебети ва 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити (қарзнинг узилиши суммасига) ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг кредити бўйича (фоиз миқдорига) ёзув ёзиб қўйилади.

62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб харидорлар (буюртмачилар)га тақдим этилган ҳар бир ҳисобварақ бўйича, режали тўловлар билан ҳисоб-китобларда эса - ҳар бир харидор ва буюртмачи бўйича юритилади. Бунда тафсилий ҳисобнинг тузилиши харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар бўйича пул маблағларининг келиб тушиш муддатлари етиб келмаган векселлар; банкларда дисконт қилинган (ҳисобга олинган) векселлар; пул маблағлари ўз вақтида етиб келмаган векселлар билан таъминланган қарзга доир маълумотларнинг олиниши имкониятини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Харидорлар ва буюртмачилар учун амалга оширилган нокапитал ишлар (ҳисобварақлар тақдим этилган) | 62 | 30 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Харидорлар ва буюртмачиларга тақдим этилган ва банк ҳақ тўлаш учун қабул қилинган ҳисоб-китоблар ҳужжатлари бўйича маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг сотилиши акс эттирилган (45-ҳисобварақ қўлланилмасдан), шу жумладан ҚҚБга ва ҳоказо | 62 | 46 |
| 3 | Харидорларнинг уларга асосий воситаларнинг сотилиши билан боғлиқ қарзлари суммалари акс эттирилган (тақдим этилган ҳисоб-китоблар ҳужжатлари бўйича суммаларга) | 62 | 47 |
| 4 | Харидорлар ва буюртмачиларнинг уларга бошқа активларнинг сотилиши билан боғлиқ қарзлари суммалари акс эттирилган (ҳисоб-китоблар ҳужжатлари бўйича) | 62 | 48 |
| 5 | Харидорлар ва буюртмачиларга қарз кассадан узилган (турли қайта ҳисоб-китоблар бўйича ва ҳоказо) | 62 | 50 |
| 6 | Харидорлар ва буюртмачилар олдидаги турли қарзларнинг узилиши акс эттирилган (турли қайта ҳисоб-китоблар бўйича ва ҳоказо) | 62 | 51, 52 |
| 7 | Харидорлар ва буюртмачилар олдидаги турли қарзлар узилган (турли қайта ҳисоб-китоблар бўйича ва ҳоказо) | 62 | 55 |
| 8 | Маҳсулот етказиб берувчилар (пудратчилар) билан харидорлар (буюртмачилар) ўртасидаги қарзнинг, шу жумладан мавоза операциялари бўйича қарзнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган | 62 | 60 |
| 9 | Айрим харидорлар ва буюртмачилар ўртасидаги қарзнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган; кредитга сотилган товарлар учун векселнинг олиниши акс эттирилган (савдода) | 62 | 62 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Харидорлар ва буюртмачиларнинг улардан олинган векселлар бўйича ва ўтган йиллар операциялари бўйича қайта ҳисоблашлар бўйича фоизлар учун қарзлари акс эттирилган; юклаб жўнатиш операциялари бўйича курсдаги ижобий фарқлар | 62 | 80 |
| 11 | Юклаб жўнатиш операциялари бўйича курсдаги ижобий фарқлар (уларни йил давомида тўплаб боришда) | 62 | 80 |
| 12 | Кассага харидорлар ва буюртмачилардан суммалар келиб тушди (векселлар бўйича қарз ва ҳоказо) | 50 | 62 |
| 13 | Харидорлар ва буюртмачилардан уларга сотилган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар учун тўловлар келиб тушди; харидорлардан олинган векселлар бўйича фоизлар келиб тушди; жорий йилдаги қайта ҳисоблашлар бўйича | 51, 52 | 62 |
| 14 | Харидорлар ўз қарзини келиб тушган пул ўтказмаси билан узишди | 57 | 62 |
| 15 | Харидорга вексель суммасига даъво тақдим этилади | 63 | 62 |
| 16 | Маҳсулот етказиб берувчилар (пудратчилар) билан харидорлар (буюртмачилар) ўртасидаги қарзнинг ҳисобга олиниши акс эттирилган:; шу жумладан мавоза операциялари бўйича | 60 | 62 |
| 17 | Корхона олинган векселдан ўзининг қарз мажбуриятларини узиш учун фойдаланади (индоссация қилиниши) | 60 | 62 |
| 18 | Харидорлар (буюртмачилар)га улар етказиб берган тўлиқ тайёр буюмлар ва бажарилган ишлар учун олинган ҳисобварақлар тақдим этилганида ҳисобга олинган бўнаклар суммалари акс эттирилган | 64 | 62 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 19 | Харидорлар ва буюртмачиларнинг қопланмайдиган қарзларини зарарга ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган (векселлар ва бошқалар бўйича), агар шубҳали қарзлар бўйича захиралар пайдо бўлмайдиган бўлса; курсдаги салбий фарқлар | 80 | 62 |
| 20 | Харидорлар ва буюртмачилар қарзларининг шубҳали қарзлар бўйича захиралар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 82 | 62 |
| 21 | Юклаб жўнатиш операциялари бўйича йил давомида тўплаб борилганидаги курсдаги салбий фарқлар | 80 | 62 |
| 22 | Банкнинг харидорнинг векселни тўлаганлиги тўғрисидаги хабарномаси олинган (векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операциялари ёпилади) | 90, 92 | 62 |

## 63-"ЭЪТИРОЗЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт ва бошқа ташкилотларга тақдим этилган эътирозлар, шунингдек уларга тақдим этилган ва тан олинган (ёки зиммасига юкланган) жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловлари бўйича ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича, жумладан, қуйидаги эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади:

маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига уларнинг ҳисобварақларини текширишда (уларда акцепт қилинганидан сўнг) аниқланган битимларда шартлашилган ёки прейскурантларда назарда тутилган нархлар ва тарифларнинг мувофиқ келмаслиги ҳоллари бўйича, шунингдек арифметик хатолар аниқланганида - 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги ёки маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар тақдим этган

ҳисобварақларда нархларнинг ошиб кетиши ёки арифметик хатолар товар-моддий бойликларни ёки харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари бўйича ёзувлар ёзиб қўйилганидан кейин аниқланган бўлса, ишлаб чиқариш захиралари товарлар ва тегишли харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда (маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар фактура қилган нархлар ва ҳисоблашлар асосида);

материаллар, товарларни етказиб берувчилар ва корхонанинг материалларини қайта ишлайдиган ташкилотларга аниқланган сифатнинг андозаларга, техник шартларга, буюртмага мувофиқ келмаслиги ҳоллари бўйича 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда;

маҳсулот етказиб берувчилар, транспорт ва бошқа ташкилотларга юкнинг йўлда табиий зарар нормаларидан ортиқ даражада камайганлиги учун - 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар) ҳисобварағи билан боғлиқликда;

маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчилар айбига кўра вужудга келган брак ва тўхтаб қолишлар учун тўловчилар эътироф этган ёки арбитраж қарор чиқарган суммаларда - ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

банк муассасаларига корхонанинг ҳисобварақлари бўйича хатолик билан ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича пул маблағларини, банкларнинг кредитларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

шунингдек маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, харидорлар, буюртмачилар, транспорт ва бошқа хизматлар истеъмолчиларидан битим мажбуриятларига риоя қилмаганлик учун ундириладиган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўловлари бўйича тўловлар эътироф этган ёки арбитраж қарор чиқарган миқдорларда (тақдим этилган, лекин тўловчилар эътироф этмаган суммалар ҳисобга қабул қилинмайди) - 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда.

63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи келиб тушган тўловлар суммаларига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда кредит қилинади. Кейинчалик ундирилмаслиги аниқланадиган суммалар, одатда, улар 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича ҳисобга қабул қилинган ҳисобварақларга ёзиб қўйилади.

63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир дебитор ва алоҳида эътирозлар бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ўрнатиш учун етказиб берилган ускунага нархлар, тарифларнинг мувофиқ келмаслиги, ҳисобварақлардаги хатолар (акцепт қилинганидан сўнг) аниқланиши бўйича эътирозлар тақдим этилиши акс эттирилган | 63 | 07 |
| 2 | Илгари капитал қурилиш учун ҳақи тўланган (акцепт қилинганидан сўнг) ҳисобварақлардаги ҳажмларнинг ошириб кўрсатилиши, нархлардаги номувофиқликлар ва хатолар бўйича эътирозлар тақдим этилган | 63 | 08 |
| 3 | Материаллар учун ҳисобварақлардаги нархлардаги номувофиқликлар ва арифметик хатолар бўйича, сифатнинг пастлиги, табиий зарар нормаларидан ортиқ даражадаги камомад (йўлдаги) учун эътирозлар тақдим этилган | 63 | 10 |
| 4 | Ҳайвонлар бўйича, шунингдек боқиладиган ва бўрдоқига қўйиладиган ҳайвонларга ҳисобварақлардаги нархлардаги номувофиқликлар ва арифметик хатолар бўйича эътирозлар тақдим этилган (акцепт қилинганидан ва ҳақ тўланганидан сўнг) | 63 | 11 |
| 5 | АТБ учун йўлдаги камомадлар, ҳисобварақлардаги нархлардаги номувофиқликлар ва арифметик хатолар ва шу кабилар бўйича эътирозлар тақдим этилган (кирим қилинганидан сўнг) | 63 | 12 |
| 6 | Камомадлар, ҳисобварақлардаги хатолар, сифат, йўлдаги нормалардан ортиқ даражадаги зарар ва шу кабилар бўйича эътирозлар тақдим этилган (15-ҳисобварақдан фойдаланганида) | 63 | 15 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 7 | Бракдан йўқотишлар айбдор корхоналар ҳисобига ёзиб қўйилган (эътироз тақдим этилган) | 63 | 28 |
| 8 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар кўрган зарарнинг бир қисми айбдор корхоналарга эътироз сифатида тақдим этилган | 63 | 29 |
| 9 | Аниқланган хато суммалар бўйича (цехларда ва ҳоказо); йўлдаги нормадан ортиқ даражадаги зарарлар; сифатнинг номувофиқлиги бўйича товарларни етказиб берувчиларга эътироз тақдим этилган | 63 | 41 |
| 10 | 45-ҳисобварақда ҳисобда турган, расмийлаштирилган даъволар бўйича харидорларга тақдим этилган эътирозлар суммалари | 63 | 45 |
| 11 | Банк муассасаларига корхонанинг ҳисобварақлари бўйича хатолик билан ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича эътирозлар тақдим этилган (банкнинг кўчирмалари асосида) | 63 | 51, 52, 55 |
| 12 | Келиб тушган моддий бойликлар кирим қилинишида маҳсулот етказиб берувчиларга (пудратчиларга) эътирозлар тақдим этилган (хатолар, йўлдаги камомадлар, сифатнинг номувофиқлиги ва шу кабилар учун) | 63 | 60 |
| 13 | Маҳсулот етказиб берувчилар ёки пудратчилар тақдим этган ёки арбитражга берилган пудрат ва маҳсулот етказиб бериш битимлари шартларининг бузилишлари билан боғлиқ эътирозлар суммалари | 63 | 60, 61 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 14 | Харидорга вексель суммасига даъво тақдим этилади | 63 | 62 |
| 15 | Илгари шуъба корхоналарга ёзиб қўйилган суммалар улардан ҳисобдан чиқарилган ва бошқа корхона ва ташкилотларга эътирозлар сифатида тақдим этилган | 63 | 78 |
| 16 | Бошқа корхоналарга битим мажбуриятларига риоя этмаганлик учун тақдим этилган жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловларининг суммалари акс эттирилган ( улар эътироф этган ёки арбитраж қарор қилган миқдорларда); курсдаги ижобий фарқлар | 63 | 80 |
| 17 | Курсдаги ижобий фарқлар (уларни йил давомида тўплагандаги) | 63 | 80 |
| 18 | Илгари тақдим этилган, кейин ундирилмаслиги маълум бўлган эътирозларга оид суммалар улар илгари акс эттирилган ҳисобварақларга ёзиб қўйилган (кирим қилишда) | 07,08, 10,11, 12 | 63 |
| 19 | Ундирилмайдиган ва тайёрланган ҳамда харид қилинган моддий бойликларнинг таннархига киритиладиган эътирозлар суммаси | 15 | 63 |
| 20 | Ундирилмайдиган ҳамда асосий ва ёрдамчи цехларнинг маҳсулотлари ва хизматлари таннархига ёзиб қўйилган қондирилмаган эътирозлар суммалари | 20,23 | 63 |
| 21 | Ундирилмайдиган ҳамда умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик харажатларига ёзиб қўйилган қондирилмаган эътирозлар суммалари | 25, 26 | 63 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 22 | Ундирилмайдиган эътирозлар суммалари хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг маҳсулотлари, ишлар ва хизматлари таннархига киритилган | 29 | 63 |
| 23 | Тақдим этилган, ундирилмайдиган эътирозлар суммалари ўзи ишлаб чиқарган товарлар, бутловчи буюмлар ва ижара буюмлари таннархига ёзиб қўйилган | 41 | 63 |
| 24 | Илгари тақдим этилган, ундирилмайдиган эътирозлар суммалари ҳисобдан чиқарилган (эътирозлар маҳсулотларни юклаб жўнатиш ва сотиш жараёни билан боғлиқ бўлган) | 26 | 63 |
| 25 | Ундирилмайдиган эътирозлар суммалари муомала харажатларига ҳисобдан чиқарилган (савдо ва шу каби корхоналарда) | 26 | 63 |
| 26 | Илгари тақдим этилган эътирозлар суммалари нақд пуллар билан қопланган | 50 | 63 |
| 27 | Илгари тақдим этилган, шу жумладан банкларнинг кўчирмаларидаги хатолар бўйича тақдим этилган эътирозлар суммаларининг қопланиши акс эттирилган | 51, 52,55 | 63 |
| 28 | Тақдим этилган эътирозлар суммалари даъво муддатининг ўтиши муносабати билан ҳисобдан чиқарилади | 26 | 63 |

## 64-"ОЛИНГАН БЎНАКЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

64-"Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи моддий бойликларни етказиб бериш ёки ишларнинг бажарилиши ўрнига олинган бўнаклар, шунингдек буюртмачи учун

ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишларнинг қисман тайёрлиги бўйича ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Олинган бўнаклар, шунингдек маҳсулотлар ва ишларнинг қисман тайёрлиги бўйича ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар суммалари 64-"Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

Харидор (буюртмачи)ларга етказиб берилган тўлиқ тайёр буюмлар, материаллар ва бажарилган ишлар учун ҳисобварақларни тақдим этишда ҳисобга олинган бўнаклар ҳамда маҳсулотлар ва ишларнинг қисман тайёрлиги бўйича ҳақ тўлаш юзасидан олинган ҳақлар суммалари 64-"Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети ва сотишни ҳисобга олиш тартибига қараб 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ёки 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

64-"Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир кредитор бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **64-"Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | | |
| 1 | Моддий бойликларни етказиб бериш, ишларнинг бажарилиши ўрнига, баюртмачилар учун ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва ишларга қисман ҳақ тўлаш учун бўнаклар олинган | 50,51, 52, 55 | 64 |
| 2 | Бўнак келиб тушган ўтказма сифатида олинган | 57 | 64 |
| 3 | Курсдаги салбий фарқлар | 80 | 64 |
| 4 | Илгари олинган бўнаклар суммалари ишлаб чиқарилган буюмлар ва ишларнинг тўлиқ юклаб жўнатилиши (бериб юборилиши) учун харидорлар (буюртмачилар)га ҳисобварақларни тақдим этишда ҳисобга олинган | 64 | 46 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Илгари олинган бўнаклар суммаларининг харидорларга асосий воситаларни ёки бошқа активларни сотиш жараёнида ҳисобварақларнинг тақдим этилишида ҳисобга олиниши акс эттирилган | 64 | 47, 48 |
| 6 | Илгари олинган бўнаклар бўйича қарз нақд пуллар билан ёки банклардаги тегишли ҳисобварақлардан узилган | 64 | 50,51, 52,55 |
| 7 | Олинган бўнаклар бўйича қарз пул ўтказмаси йўли билан узилган (суммалар шунгача йўлда деб ҳисобланарди) | 64 | 57 |
| 8 | Илгари олинган бўнаклар суммалари тўлиқ ишлаб чиқарилган буюмлар ва ишлар учун харидорлар (буюртмачилар)га ҳисобварақларни тақдим этишда ҳисобга олинган (сотишни ҳисобга олишнинг 45-ҳисобварақсиз варианти) | 64 | 62 |
| 9 | Олинган бўнаклар ҳақидаги ҳужжатлар асосида белгиланган ставка бўйича ҳисобланган ҚҚС суммаси акс эттирилади | 64 | 19 |
| 10 | Олинган бўнаклар банклар кредитлари ҳисобидан узилган | 64 | 90 |
| 11 | Шунинг ўзи, бошқа корхоналардан қарзга олинган маблағлар ҳисобидан | 64 | 94, 95 |
| 12 | Талаб қилиб олинмаган бўнаклар ҳисобдан чиқарилган; курсдаги ижобий фарқлар | 64 | 80 |
| 13 | Курсдаги ижобий фарқлар, уларни йил давомида тўплаб борилганида | 64 | 80 |

# 65-"МУЛКИЙ ВА ШАХСИЙ СУҒУРТА БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхонанинг суғурта қилувчи сифатида мулкни ва ходимларни суғурта қилиши бўйича ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган (ижтимоий суғурта ва таъминот ҳамда тиббий суғуртага доир ҳисоб-китоблардан ташқари).

Суғурта тўловларининг ҳисобланган суммалари 65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқариш харажатларини (муомала харажатлари) ёки суғурта тўловларининг бошқа манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

Суғурта тўловлари суммаларининг суғурта ташкилотларига ўтказилиши 65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебетига суғурта ҳолатлари бўйича зарарлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр буюмлар ва бошқа моддий бойликлар ва шу кабиларнинг йўқотилиши ва бузилиши) ишлаб чиқариш захиралари, асосий воситалар ва бошқаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредитидан ҳисобдан чиқарилади. 65-ҳисобварақнинг дебети бўйича, шунингдек, корхона ходимининг суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта қоплаш суммаси ҳам 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади. Корхонанинг суғурта шартномаларига мувофиқ равишда суғурта ташкилотларидан олган суғурта қоплаш суммалари 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ёки 52-"Валюта ҳисоб-китоб варағи"нинг дебети ва 65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади. Суғурта қоплашлари билан товон тўланмайдиган суғурта ҳолатларидан йўқотишлар 65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредитидан 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб суғурта қилинувчилар ва алоҳида суғурта шартномалари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 65-"Мулкий ва шахсий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Капитал қурилишдаги суғурта тўловлари бўйича қарз суммалари акс эттирилган | 08 | 65 |
| 2 | Мол-мулк ва ходимларнинг мажбурий суғуртаси бўйича тўловлар ҳисобланган (асосий ва ёрдамчи цехлар, умумий хўжалик бўлинмалари бўйича) | 20,23, 25,26 | 65 |
| 3 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг мол-мулки ва ходимларининг суғуртаси бўйича қарз ҳисобланган | 29 | 65 |
| 4 | Нокапитал ишлар билан банд бўлган мол-мулк ва ходимлар суғуртаси бўйича қарз | 30 | 65 |
| 5 | Корхона ходимларига суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта қопланиши суммаси акс эттирилган | 65 | 73 |
| 6 | Тижорат фаолиятида ёки савдо корхоналарида банд бўлган мол-мулк ва ходимларга тегишли суғурта тўловлари бўйича қарз акс эттирилган | 26 | 65 |
| 7 | Суғурта қоплашлари билан товон тўланмайдиган суғурта ҳолатларидан йўқотишлар фойда ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган (фойда тақсимотининг тартибига боғлиқ равишда) | 26 | 65 |
| 8 | Суғурта компанияларидан банклардаги ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварақлари ёки алоҳида ҳисобварақларга қоплаш суммалари келиб тушди | 51, 52,55 | 65 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 9 | Суғурта ҳолатлари бўйича йўқотишлар тегишли ҳисобварақлардан ҳисобдан чиқарилган (захиралар, тайёр буюмлар, ҳайвонлар, товарлар ва шу кабиларнинг йўқотилиши ва бузилиши) | 65 | 10,11, 12,40, 41 |
| 10 | Банклардаги ҳисобварақлардан суғурта тўловлари суммаларининг ўтказилиши | 65 | 51,52, 55 |
| 11 | Корхонанинг суғурта тўловларини тўлаш операциялари бўйича валюта курсидаги ижобий фарқлар (салбий фарқлар - тескари ёзув) | 65 | 80 |

## 67-"БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

67-"Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхонанинг турли бюджетдан ташқари фондларга тўлайдиган тўловлари бўйича давлат ташкилотлари билан ҳисоб-китоблари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган (ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари).

Бюджетдан ташқари фондларга тўловларни ҳисоблаш ва бадаллар киритиш тартиби қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

67-"Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бюджетдан ташқари фондларга киритилиши керак бўлган суммаларга харажатларни ёки бошқа манбаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда кредит қилинади ва ушбу фондларга амалда ўтказилган суммаларга пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидан дебет қилинади.

67-"Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб корхона тўловчи бўлган ҳар бир бюджетдан ташқари фонд бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 67-"Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Бюджетдан ташқари фондлардан олинган суммалар ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварағига ўтказилган | 51,52 | 67 |
| 2 | Бюджетдан ташқари фондларга киритиладиган ва маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархига ёки давр харажатларига ёзиладиган суммалар, шу жумладан солиқлар, тўловлар акс эттирилган | 20,26 | 67 |
| 3 | Бюджетдан ташқари фондларга киритиладиган, тижорат харажатлари, шунингдек муомала харажатлари (савдода) ҳисобга ёзиладиган ҳисобланган суммалар акс эттирилган | 26 | 67 |
| 4 | Бюджетдан ташқари фондларга киритиладиган, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг маҳсулотлари, ишлари ва хизматлари харажатларига, шунингдек келгуси даврлар харажатлари таркибида ҳисобга олинадиган харажатларга ёзиладиган суммалар акс эттирилган | 29, 31 | 67 |
| 5 | Бюджетдан ташқари фондларга киритилиши лозим бўлган суммалар алоҳида балансларга ажратилган бўлинмалар ҳисобига ҳисобланган | 79 | 67 |
| 6 | Илгари ҳисобланган суммалар бюджетдан ташқари фондларга ўтказилган (кассадан, шунингдек банклардаги ҳисобварақлардан) | 67 | 50,51, 52,55 |

# 68-"БЮДЖЕТ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхона тўлайдиган солиқлар ва ушбу корхона ходимлари тўлайдиган солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар орқали тартибга солинади.

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бюджетга киритилиши лозим бўлган суммаларга (81-"Фойда (даромадлар) учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда - фойда солиғи суммасига, 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда - даромад солиғи суммасига ва ҳоказо) кредит қилинади ва бюджетга амалда ўтказилган суммаларга дебет қилинади.

68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб солиқларнинг турлари бўйича юритилади.

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **68-"Бюжет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Капитал маблағ сарфлашлар билан боғлиқ ва бюджетга ўтказилиши лозим бўлган суммалар бўйича қарз акс эттирилган | 08 | 68 |
| 2 | Материалларнинг тайёрланиши ва АТБнинг харид қилиниши, шунингдек меҳнатга ҳақ тўланиши билан боғлиқ бўлган (шу жумладан, ўзининг ишлаб чиқарилиши бўйича) солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз акс эттирилган | 10,12 | 68 |
| 3 | Тайёрланадиган материаллар бўйича турли солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз акс эттирилган | 15 | 68 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Умумий хўжалик аҳамиятига эга турли солиқлар, бадаллар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз акс эттирилган; шунинг ўзи, лекин хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича; ифлослантирувчи моддаларни табиий муҳитга чиқариб ташлашга оид нормативлар доирасидаги чиқариб ташлашлар ва бундай нормалардан ортиқ даражалар учун тўловлар | 20,23, 25,26, 29,81 | 68 |
| 5 | Маҳсулотни сотишда ҳисобланадиган турли ажратмалар, солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджетга қарз акс эттирилган; шунинг ўзи, лекин муомала харажатларида акс эттириладиганлари бўйича (савдо ва шу каби корхоналар бўйича) | 26 | 68 |
| 6 | Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар учун тушумдан тўланадиган турли солиқлар ва йиғимлар; шунинг ўзи, лекин асосий воситаларнинг чиқиб кетиши ва бошқа активларнинг сотилиши билан боғлиқлари | 46,47 48 | 68 |
| 7 | Маблағларнинг бюджетдан қайтарилиши (охирги қайта ҳисоб-китобларда ва ҳоказо) | 51,52 | 68 |
| 8 | Меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари акс эттирилган | 70 | 68 |
| 9 | Корхонада иштирок этишдан олинадиган даромаддан бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари акс эттирилган | 75,70 | 68 |
| 10 | Бюджетга, шу жумладан маҳаллий бюджетга киритилиши лозим бўлган солиқлар ва йиғимлар акс эттирилган | 26,81 | 68 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Ижарага топширилган объектлар учун ижара ҳақи бўйича қўшилган қиймат солиғи | 76 | 68 |
| 12 | Йил давомида фойдадан бюджетга тўловлар (солиқлар, иқтисодий жазолар ва ҳоказо) бўйича ҳисобланган қарз суммалари акс эттирилган | 81 | 68 |
| 13 | Камомадлар бўйича суммаларнинг узилиши билан бир вақтда камомадлар учун айбдор шахслардан ундириладиган сумма билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ бўйича бюджет даромадига киритиладиган қарзнинг ҳисобланиши акс эттирилган | 83 | 68 |
| 14 | Йил давомида бюджетга тўловларнинг амалда ўтказилиши; тўловларнинг қўшимча ўтказилиши | 68 | 50,51, 52,55 |
| 15 | Моддий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга (ишлар, хизматларга) ҳисобдан чиқарилишига қараб уларга тегишли ҚҚС суммаси акс эттирилади | 68 | 19 |
| 16 | АТБга, ускуналарнинг фойдаланишга топширилишига тегишли ҚҚС суммаси номодий активлар эскиришининг ҳисобланишига қараб акс эттирилади | 68 | 19 |
| 17 | Хусусийлаштирилган корхонанинг акцияларини сотишдан олинган маблағларнинг бюджет даромадига ўтказилиши бўйича қарз узилган | 68 | 51,52 |
| 18 | Хорижий валютадаги солиқлар ва солиқ бўлмаган тўловларнинг тўланиши бўйича курсдаги ижобий фарқлар (курсдаги салбий фарқларда - тескари ёзув) | 68 | 80 |
| 19 | БЮджетга қарз банкларнинг ссудасини олиш йўли билан узилган | 68 | 90,92 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 20 | Шунинг ўзи, корхонанинг (банклардан ташқари) ссудасини олиш йўли билан | 68 | 94,95 |

## 69-"ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараҒи корхона ходимларининг давлат ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти ва тиббий суғуртасига, шунингдек бандлик фондига ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмаларни амалга ошириш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар";

69-2-"Тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар";

69-3-"Бандлик фонди бўйича ҳисоб-китоблар".

69-1-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида корхона ходимларининг давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

69-2-"Тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида корхона ходимларининг тиббий суғуртасига ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

69-3"Бандлик фонди бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида бандлик фондига ажратмалар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи тегишли фондларга ўтказилиши лозим бўлган ходимларнинг ижтимоий суғуртаси ва таъминоти, шунингдек тиббий суғуртасига ажратмалар суммаларига кредит қилинади. Бунда ёзувлар қуйидаги ҳисобварақлар билан боғлиқликда амалга оширилади:

иш ҳақининг ҳисобланиши акс эттирилган ҳисобварақлар корхона ҳисобидан амалга ошириладиган ажратмалар қисмида;

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-ки-

тоблар" ҳисобвараги билан - корхона ҳисобидан амалга ошириладиган ажратмалар қисмида.

69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича ҳисобланган ажратмаларнинг тўланиши учун ўтказилган суммалар, шунингдек давлат ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти, тиббий суғуртаси, бандлик фондига ажратмалар ҳисобидан тўланадиган суммалар ўтказилади.

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Ижтимоий суғурта органларига ускуналарни харид қилиш ва сақлашда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва шу кабилар бўйича ҳисоблашлар амалга оширилган (шу жумладан, бандлик фондига) | 07 | 69 |
| 2 | Капитал қурилишда банд бўлган ходимларнинг ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти, тиббий суғуртаси бўйича қарз ҳисобланган (шу жумладан, бандлик фондига) | 08 | 69 |
| 3 | Ижтимоий суғурта ва таъминот органла - рига материалларни тайёрлаш, ҳайвонлар ва АТБни харид қилиш (ёки 14-ҳисобварақнинг дебетига), шунингдек уларнинг ўз ишлаб чиқариши билан боғлиқ қарз акс эттирилган (шу жумладан, бандлик фондига) | 10,11, 12 | 69 |
| 4 | Моддий бойликларни тайёрлаш ва олиб келиш бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари юзасидан ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарз (юклаш-тушириш ишлари ва ҳоказо), (шу жумладан, бандлик фондига) | 15 | 69 |
| 5 | Асосий ва ёрдамчи цехлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ижтимоий суғурта ва таъминот органларига ажратмалар амалга оширилган, шу жумладан, бандлик фондига | 20,23 | 69 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Ижтимоий суғурта ва таъминот органларига умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик харажатларига киритилган меҳнатта ҳақ тўлаш суммалари бўйича амалга оширилган (шу жумладан, бандлик фондига) | 25,26 | 69 |
| 7 | Ижтимоий суғурта ва таъминот органларига бракни тузатиш билан боғлиқ меҳнатта ҳақ тўлаш бўйича қарз (шу жумладан, бандлик фондига) | 28 | 69 |
| 8 | Шундай қарз, лекин хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича | 29 | 69 |
| 9 | Шундай қарз, лекин нокапитал ишлар билан банд ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича | 30 | 69 |
| 10 | Шундай қарз, лекин харажатлари келгуси даврларга киритиладиган ишларнинг бажарилишида банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича (кон-тайёргарлик ишлари) | 31 | 69 |
| 11 | Шундай қарз, лекин маҳсулотни сотиш билан банд ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича | 26 | 69 |
| 12 | Савдо, воситачилик ва шу каби корхоналарда банд бўлган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммаларидан ҳисоблашлар амалга оширилган | 26 | 69 |
| 13 | Асосий воситаларнинг чиқиб кетишида ҳисобланган меҳнатта ҳақ тўлаш суммаларидан ҳисоблашлар амалга оширилган | 47 | 69 |
| 14 | Банклардаги ҳисобварақларга суғурта органларидан келиб тушган тегишли харажатларнинг ажратмалардан ортиқ бўлганида олинган суммалар тушумлари | 51,52 | 69 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Корхона ходимлари ҳисобидан ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ажратмалар амалга оширилган | 70 | 69 |
| 16 | Бевосита фойда ҳисобидан киритилган меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан қарз акс эттирилган (мукофотлар, янги мол-мулкни яратишга доир харажатлар ва ҳоказо) | 26 | 96 |
| 17 | Бўлғуси харажатлар ва тўловлар ҳисобидан киритилган меҳнатга ҳақ тўлаш суммаларидан қарз акс эттирилган (мавсумий тармоқларда, таъмирлаш ишларида ва ҳоказо) | 89 | 69 |
| 18 | Мақсадли тадбирларни амалга оширишда ҳисобланган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари қарзи акс эттирилган | 96 | 69 |
| 19 | Суғурта органлари фойдасига ижтимоий суғурта бўйича ажратмаларнинг амалда ўтказилиши (банклардаги ҳисобварақлардан); ушбу органлар ҳисобидан ходимларга тўловлар (кўп болалилик учун, болани парвариш қилганлик учун нафақалар ва ҳоказо) | 69 | 50, 51 |
| 20 | Ходимларга ижтимоий суғурта, пенсия таъминоти, тиббий суғурта бўйича тўланиши лозим бўлган суммалар акс эттирилган | 69 | 70 |

## 70-"ХОДИМЛАР БИЛАН МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхонанинг ходимлари рўйхати таркибига кирадиган ва кирмайдиган ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича (иш ҳақининг ҳамма турлари, мукофотлар, нафақалар, ишловчи ходимларга пенсиялар ва бошқа тўловлар), шунингдек мазкур корхонанинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозлари бўйича даромадларнинг тўланиши бўйича ҳисоб-ки-

тоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича қуйидаги суммалар акс эттирилади:

ходимларга тўланиши лозим бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақлар - ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари) ва бошқа манбаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

давлат ижтимоий суғуртасига ажратмалар ҳисобидан ҳисобланган нафақалар, пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаган суммалар - 69-"Ижтимоий суғурта бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда;

корхонада иштирок этганлик учун ҳисобланган даромадлар - 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағи билан боғлиқликда (ҳисобот йилидаги фойда ҳисобидан).

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича иш ҳақи, мукофотлар, нафақалар, пенсиялар ва бошқа тўловлар, корхонада иштирок этганлик учун даромадлар, шунингдек ҳисобланган солиқлар, ижро ҳужжатлари бўйича тўловлар ва бошқа ушлаб қолишлар бўйича тўланган суммалар акс эттирилади.

Ҳисобланган, лекин белгиланган муддатда тўланмаган (олувчиларнинг келмаганлиги сабабли) суммалар.

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети ва 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг ("Депонентлар билан ҳисоб-китоблар" илова ва ҳисобварағи) кредити бўйича акс эттирилади.

70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | | |
| 1 | Ўрнатиладиган ускуналарнинг харид қилиниши ва сақланиши билан боғлиқ операциялар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисобланган | 07 | 70 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Шунинг ўзи, лекин капитал маблағ сарфлашлар соҳасида, шу жумладан монтажни талаб қилмайдиган ускунанинг харид қилиниши бўйича банд бўлган ходимлар бўйича | 08 | 70 |
| 3 | Шунинг ўзи, лекин материаллар, ҳайвонлар ва АТБнинг тайёрланиши ва харид қилиниши билан боғлиқ операциялар бўйича (15-ҳисобварақ қўлланилмаганида) | 10, 11, 12 | 70 |
| 4 | Шунинг ўзи, лекин олдинги операциялар 15-ҳисобварақ қўлланилганида акс эттирилади | 15 | 70 |
| 5 | Асосий ва ёрдамчи цехларнинг ишчилари меҳнатига ҳақ тўлаш суммалари ҳисобланган (шу жумладан, "қисқартирилган" таннарх усулида) | 20, 23 | 70 |
| 6 | Шунинг ўзи, лекин умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик аҳамиятидаги, шунингдек хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг ходимлари бўйича | 25, 26, 29 | 70 |
| 7 | Бракни тузатиш билан боғлиқ меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳисобланган | 28 | 70 |
| 8 | Нокапитал ишларнинг бажарилиши учун меҳнатга тўланадиган ҳақ ҳисобланган | 30 | 70 |
| 9 | Шунинг ўзи, лекин келгуси даврлар харажатларига кирадиган операциялар бўйича амалга оширилган ишлар учун (мавсумий тармоқларда, кон-тайёргарлик ва ҳоказо) | 31 | 70 |
| 10 | Шунинг ўзи, лекин маҳсулотнинг сотилиши билан банд бўлган ходимларга; шунинг ўзи; лекин савдо ходимларига (савдо, воситачилик ва шу каби корхоналар) | 26 | 70 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Меҳнатга ҳақ тўлаш асосий воситаларнинг чиқиб кетиши операциялари бўйича ҳисобланган | 47 | 70 |
| 12 | Ортиқча тўланган суммалар кассага қайтарилган (меҳнатга ҳақ тўлаш ва ҳоказо) | 50 | 70 |
| 13 | Ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобидан нафақалар, пенсиялар ва шу каби суммалар ҳисобланган | 69 | 70 |
| 14 | Ходимларга бошқа корхоналар, учинчи шахслар ва шу кабилар ҳисобидан тўланиши лозим бўлган суммалар акс эттирилган | 76 | 70 |
| 15 | Табиий офатлар, ёнғинларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ҳисобланган | 80 | 70 |
| 16 | Акциядор-ходимларнинг даромад (дивиденд)лари акс эттирилган; ходимларга мукофотлар | 87,26 | 70 |
| 17 | Илгари айбдор ходимлар ҳисобига ёзилган, корхона ҳисобига қабул қилинган камомадлар | 84 | 70 |
| 18 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган ишлар бўйича меҳнатга тўланадиган ҳақнинг ҳисобланиши | 96 | 70 |
| 19 | Ходимларга ёрдамчи цехлар кўрсатган хизматлар қиймати ушлаб қолинган | 70 | 23 |
| 20 | Илгари умумий ишлаб чиқариш харажатларига киритилган ишлаб чиқаришдаги зарарларнинг бир қисми ушбу зарарларнинг айбдорлари бўлган ходимлар ҳисобига акс эттирилган; ходимларга кўрсатилган хизматлар қиймати ушлаб қолинган | 70 | 25 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Зарарларнинг бир қисми ушбу зарарларнинг айбдорлари бўлган ходимлардан ушлаб қолинган | 70 | 28 |
| 22 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар ходимларга берган маҳсулотлар ёки кўрсатган хизматлар қиймати ушлаб қолинган | 70 | 29 |
| 23 | Ходимларга ҳисобланган суммалар кассадан тўланган (меҳнатга ҳақ тўлаш, нафақалар, пенсиялар, мукофотлар, иштирок этишдан даромадлар ва ҳоказо) | 70 | 50 |
| 24 | Банклардаги ҳисобварақлардан меҳнатга ҳақ тўлаш амалга оширилган; дивидендларнинг тўланиши (акциядор-ходимларга) | 70 | 51, 52, 55 |
| 25 | Иш ҳақидан ушлаб қолинган, бюджет даромадига киритиладиган ушлаб қолишлар, шунингдек молиявий инвестициялардан олинадиган даромадларга солиқлар акс эттирилган | 70 | 68 |
| 26 | Ҳисобдор шахсларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақлардан қайтарилмаган бўнаклар суммалари ушлаб қолинган | 70 | 71 |
| 27 | Акцияларга обуна иштирокчиларига қарзнинг камайтирилиши ҳисобланган | 70 | 73 |
| 28 | Акцияларга обуна бўйича мажбуриятларнинг узилиши | 70 | 75 |
| 29 | Ходимлардан кредитга сотиб олинган товарлар учун ҳисоб-китоблар бўйича навбатдаги тўловларнинг (банкдан кредит олинганида), шунингдек айбдор шахслардан камомадлар ва ўғирликлар учун ушлаб қолишлар акс эттирилган | 70 | 73 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 30 | Квартира ҳақи учун, ижро ҳужжатлари бўйича тўловларнинг ҳисобланиши амалга оширилган; депонентлик қарзи акс эттирилган; кредитга сотиб олинган товарлар учун тўловларнинг ушлаб қолиниши (банкнинг кредитлари бўлмаганида) | 70 | 76 |
| 31 | Меҳнатга ҳақ тўлаш алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар томонидан амалга оширилган | 70 | 79 |
| 32 | Илгари акс эттирилган камомадлар ёки моддий бойликларнинг бузилишлари айбдор ходимларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақдан ушлаб қолиниши акс эттирилган | 70 | 84 |
| 33 | Қарз берувчилардан (банклардан ташқари) қисқа муддатли ёки узоқ муддатли қарзлар бўйича маблағларнинг келиб тушиши (улар ходимларнинг ҳисобварақларига ёзиб қўйилган) | 70 | 94, 95 |

## 71-"ҲИСОБДОР ШАХСЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхона ходимларига маъмурий-хўжалик ва операция харажатлари, шунингдек хизмат сафарлари учун хисобдор шахс сифатида берилган суммалар бўйича улар билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Корхона ходимларига ҳисобдор шахс сифатида нақд пул маблағларини бериш тартиби касса операцияларини юритиш қоидалари билан тартибга солинади.

Ҳисобга берилган суммаларга 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан алоқадорликда (асосан 50-"Касса" ҳисобварағи билан) дебет қилинади. Ҳисобдор шахслар сарфланган суммаларга 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи харажатлари ва харид қилинган бойликлар ҳисоб-

га олинадиган ҳисобварақлар билан боғлиқликда кредит қилинади.

Ходимлар белгиланган муддатларда қайтармаган ҳисобдаги суммалар 71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити ва 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилади. Кейинчалик бу суммалар 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағидан 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги (агар бундай суммаларни ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин бўлса) ёки 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг (бундай суммаларни ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиш мумкин бўлмаганида) дебетига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **71-"Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Ҳисобдаги суммалар нақд пуллар билан ёки банклардаги ҳисобварақлардан берилган | 71 | 55,50, 51,52 |
| 2 | Ҳисобдор шахсларга кассадан пул ҳужжатлари берилган (турли маркалар ва ҳоказо) | 71 | 56 |
| 3 | Ҳисобдор шахслар бошқа кредиторлар ва шу қабилар билан ҳисоб-китоблар учун бошқа корхона ва ташкилотлардан суммаларни ёки банкдан пул ҳужжатларини (чек дафтарчаларини) олган | 71 | 76 |
| 4 | Илгари ҳисобга берилган хорижий валютадаги суммаларни узиш операциялари бўйича курсдаги ижобий фарқлар | 71 | 80 |
| 5 | Ҳисобдор шахслар ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, АТБни харид қилиш, олиб келиш, тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни амалга оширган (15-ҳисобварақ қўлланилмайди); уларнинг қийматига ҳақ тўланган | 07,08, 10,11, 12 | 71 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Шунинг ўзи, лекин 15-ҳисобварақнинг қўлланилиши билан | 15 | 71 |
| 7 | Ҳисобдор шахслар асосий ёки ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, шунингдек умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжларига тегишли харажатларни амалга оширган | 20,23, 25,26 | 71 |
| 8 | Ҳисобдор шахслар маҳсулотнинг браки билан боғлиқ турли харажатларга (бракнинг қайтарилиши ва олиб келиниши ва ҳоказо) ҳақ тўлашган | 28 | 71 |
| 9 | Ҳисобдор шахслар хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга тегишли турли харажатларга ҳақ тўлашган | 29 | 71 |
| 10 | Шунинг ўзи, лекин келгуси даврлар харажатларига тегишлилари | 31 | 71 |
| 11 | Ҳисобдор шахслар айрим товарларни сотиб олган (бутловчи буюмлар, савдо ва шу каби корхоналардаги ижара буюмлари) | 41 | 71 |
| 12 | Ҳисобдор шахслар маҳсулотларнинг сотилиши билан боғлиқ харажатларни амалга оширган (транспорт ва бошқа); шунинг ўзи, лекин савдо ва шу каби корхоналарда (турли чиқимлар) | 26 | 71 |
| 13 | Ҳисобдор шахслар маҳсулотнинг юклаб жўнатилиши билан боғлиқ (транспорт ва бошқа) ва харидорлар ҳисобига ёзиб қўйилган харажатларга ҳақ тўлаган | 45 | 71 |
| 14 | Ҳисобдор шахслар олинган бўнакнинг ишлатилмаган суммаларини кассага қайтаришди | 50 | 71 |
| 15 | Ходимлар ишлатилмаган ҳисобдаги суммаларни бевосита корхонанинг банк муассасаларидаги ҳисобварақларига қайтарган | 51, 52, 55 | 71 |

| Т/Р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 16 | Ҳисобдор шахслар харид қилинган турли пул ҳужжатларига (маркалар, йўлланмалар ва ҳоказо) ҳақ тўлашган | 56 | 71 |
| 17 | Ҳисобдор шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммаларидан улар ўз вақтида қайтармаган ҳисобдаги суммалар ушлаб қолинган | 70 | 71 |
| 18 | Ижро варақасига биноан ҳисобдор шахслар ёки бошқа айбдорлар ҳисобига ёзиб қўйилган ҳисобдаги суммаларнинг ноқонуний сарфланиши | 73 | 71 |
| 19 | Ҳисобдор шахслар турли корхона ва ташкилотларга турли хизматлар учун ҳақ тўлаган, шу жумладан чеклар билан | 76 | 71 |
| 20 | Ҳисобдор шахслар турли хизматлар учун алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар ҳисобидан ҳақ тўлаган | 79 | 71 |
| 21 | Ҳисобдор шахслар табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабиларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини тугатиш билан боғлиқ турли харажатлар учун ҳақ тўлаган; уларнинг олинмайдиган қарзи ҳисобдан чиқарилган | 80 | 71 |
| 22 | Илгари ҳисобга берилган хорижий валютадаги суммаларни узиш операциялари бўйича курсдаги салбий фарқлар | 80 | 71 |
| 23 | Ходимларнинг белгиланмаган муддатда қайтармаган ёки улар ноқонуний тарзда ишлатиб қўйган улар ҳисобидаги суммалар акс эттирилган | 84 | 71 |
| 24 | Ҳисобдор шахслар турли харид қилишлар ва мақсадли маблағ билан таъминлаш ҳамда мақсадли тушумлар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларга ҳақ тўлаган | 96 | 71 |

## 73-"ХОДИМЛАР БИЛАН БОШҚА ОПЕРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхона ходимлари билан ҳисоб-китобларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоб-китоблари, ҳисобдор шахслар ва депонентлар билан ҳисоб-китоблардан ташқари ҳамма турлари ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

73-1-"Кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоблар";

73-2-"Берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар";

73-3-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" ва бошқалар.

73-1-"Кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида корхона ходимлари билан уларга кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Товарларни кредитга сотиб олган ходимлар ишлайдиган ва савдо ташкилотларига улар харидорларга кредитга берган суммаларни банкнинг кредити ҳисобидан қоплайдиган корхоналар банкнинг тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатларини тўлашида 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағини 93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағи билан боғлиқликда дебет қиладилар. Ушбу корхоналар ходимлардан навбатдаги тўловлар ушлаб қолинишига қараб 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағини 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда дебет қиладилар, шундан сўнг ушлаб қолинган суммалар банкнинг кредитини узиш учун 51-"Ҳисоб-китобварағи" ҳисобварағининг кредитидан 93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағининг дебетига ўтказилади.

Ўз ходимларининг кредитга сотиб олган товарлари учун қарзларини узиш учун банк кредитларидан фойдаланмайдиган корхоналар бу ходимлар берган топшириқ-мажбуриятлар асосида 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағини 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда (савдо ташкилотларининг шахсий ҳисобварақлари бўйича) дебет қилиш билан уларнинг иш ҳақидан навбатдаги тўловлар

суммаларини ушлаб қоладилар. Ушлаб қолинган суммаларнинг савдо ташкилотига ўтказилишига қараб 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда дебет қилинади.

73-2-"Берилган қарзлар бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида корхона ходимлари билан уларга берилган қарзлар (масалан, якка тартибдаги ва ширкатдаги уй-жой қурилишига, боғҳовли уйчаларини харид қилиш ёки қуриш ва боғҳовли участкаларини ободонлаштириш, уй-рўзғор анжомлари сотиб олиш ва ҳоказо учун) бўйича ҳисоб-китоблар акс эттирилади.

73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича ходимга берилган қарз суммаси 50-"Касса" ёки 51-"Ҳисоб-китобварағи" билан боғлиқликда акс эттирилади. Агар маблағлар ходимга бевосита банк томонидан корхонага берилган кредит ҳисобидан берилган бўлса (бу маблағларни олдиндан корхонанинг ҳисоб-китоб варағига ўтказмасдан), унда 73-"Ходимлар билан бошқа опеарциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети боғлиқликда амалга оширилади.

Қарз олувчи ходимдан келиб тушган тўловлар суммасига 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китобварағи", 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварақлари билан боғлиқликда (тўловларнинг қабул қилинган тартибига қараб) кредит қилинади. Банк кредитларининг узилиши ҳамма ҳолларда 93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағининг дебети ва банкка тўланиши лозим бўлган суммалар олинган пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича акс эттирилади.

73-3-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида ходимнинг пуллар ва товар-моддий бойликларнинг камомади ва ўғирланиши, брак натижасида корхонага етказган моддий зарарни қоплаши, шунингдек зарарнинг бошқа турларини қоплаши бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебетига 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиш натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ва 83-"Келгуси даврлар харажатлари" (етмайдиган товар-моддий бойликлар учун), 28-"Ишлаб чиқаришдаги брак" (маҳсулотнинг бракидан зарар-

лар) ва бошқа ҳисобварақларнинг кредитидан ёзиб қўйилади.

73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар қуйидаги ҳисобварақлар билан боғлиқликда амалга оширилади: пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобвараги бўйича - тўланган тўловлар суммаларига; 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги бўйича - иш ҳақидан ушлаб қолишлар суммаларига; 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобвараги бўйича - даъвонинг асосланмаганлигига кўра ундиришдан бош тортилганида ҳисобдан чиқарилган камомадлар суммаларига.

73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб корхона ходимлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобвараги | | | |
| 1 | Ходимларнинг айрим тоифаларига ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан махсус кийим-бош ва пойафзал берилган | 73 | 12 |
| 2 | Айбдор шахслар етказган моддий зарар суммасига ёрдамчи цехлар харажатлари улуши киритилган | 73 | 23, 25 |
| 3 | Бракдан зарарлар моддий зарар етказилганлиги учун айбдор ходимлар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган | 73 | 28 |
| 4 | Ходимлар олган хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар маҳсулотлари ёки кўрсатилган хизматлар уларнинг ҳисобварақларига ёзиб қўйилган | 73 | 29 |
| 5 | Маҳсулот, иш ва хизматларнинг ўз корхонаси ходимларига сотилиши акс эттирилган ( шу жумладан, махсус хизмат кийим-боши) | 73 | 46 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Ходимларга берилган (нақд пуллар билан) қарз суммаси акс эттирлган; депонентлик суммалари тўланган | 73 | 50 |
| 7 | Ходимларга берилган қарзлар акс эттирилади: айбдор шахслар ҳисобидан тўланган жарималар, пенялар ва бурдсизлик (неустойка) тўловлари суммалари; савдо ташкилотларига кредитга олинган товарлар учун суммаларнинг ўтказилиши | 73 | 51, 52 |
| 8 | Пул ҳужжатлари ходимларга берилган (йўлланмалар ва ҳоказо); шунингдек бошқа ҳисоб-китоблар бўйича | 73 | 56 |
| 9 | Ўтказма ходимлар ҳисобидан амалга оширилган (суммалар шунгача йўлда деб ҳисобланарди) | 73 | 57 |
| 10 | Ижро варақасига биноан ҳисобдор шахслар ҳисобига ёзиб қуйилган ҳисобдаги суммаларнинг ноқонуний сарфланиши | 73 | 71 |
| 11 | Акцияларга обуна бўйича мажбуриятларга ҳақ тўланиши лозим бўлган суммалар | 73 | 75 |
| 12 | Турли ташкилот ва корхоналар ушбу корхона ходимларига хизматлар кўрсатган | 73 | 76 |
| 13 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларнинг ходимларга кўрсатган хизматлари акс эттирилган | 73 | 79 |
| 14 | Ходимларнинг ўтган йили олган ва сарфланган моддий бойликлар ва хизматлар учун қайта ҳисоблашлар бўйича тўлаши лозим бўлган суммалар | 73 | 80 |
| 15 | Етмайдиган товар-моддий бойликлар учун ушлаб қолинадиган сумма билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилган | 73 | 83 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 16 | Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган суммалар акс эттирилган (етмайдиган товар-моддий бойликлар учун), шу жумладан ўтган йиллардаги камомадлар бўйича | 73 | 84 |
| 17 | Ходимларнинг кредитга олган товарлар учун қарзи юзасидан банклардан кредит олинган | 73 | 93 |
| 18 | Савдо корхоналари ходимларидан бошқа операциялар бўйича қарз ҳисобдан чиқарилган (савдо ва шу каби корхоналарда) | 26 | 73 |
| 19 | Қарз олган ходимлардан (кредитга олинган товарлар бўйича) кассага нақд пуллар тарзида келиб тушган навбатдаги тўловларнинг суммалари акс эттирилган; моддий зарар бўйича қарзнинг узилиши; махсус хизмат кийим-боши учун | 50 | 73 |
| 20 | Акцияларга обуначилардан (жисмоний шахслардан) бўнак (аванс) обуна иштирокчиларининг депозити сифатида олинган | 55, 50 | 73,76 |
| 21 | Кредитга олинган товарлар бўйича шунинг ўзи, лекин банклардаги ҳисобварақларга ўтказилган бўнак сифатида; камомадлар бўйича қарзнинг узилиши; кредитга сотиш бўйича; обуна иштирокчилари томонидан тўловлар тўланган | 51,52, 70,73, 96 | 73 |
| 22 | Ходимлардан кредитга сотиб олинган товарлар, шунингдек айбдор шахслардан камомадлар ва ўғирликлар учун тўловларнинг навбатдаги ушлаб қолинишлари акс эттирилган (қарзнинг умумий суммаси юзасидан банклардан кредит олинганида) | 70 | 73 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 23 | Ходимларнинг бошқа операциялар учун қарзи, суд уни ундиришни инкор қилган бўлса, зарарларга ҳисобдан чиқарилган | 26 | 73 |
| 24 | Камомадлар суммалари даъвонинг асосланмаганлигига кўра уларнинг ундирилишини инкор қилганида ҳисобдан чиқарилган | 84 | 73 |
| 25 | Корхона ходимларининг банкларнинг кредитлари бўйича қарзни қисман узиши | 93 | 73 |
| 26 | Акцияларга обуна иштирокчиларига қарзнинг камайиши ҳисобланган | 70 | 73 |

## 75-"МУАССИСЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхона муассислари (акциядорлик жамиятининг акциядорлари, тўлиқ ширкат қатнашчилари, ширкат аъзолари ва шу кабилар) билан ҳисоб-китобларнинг ҳамма турлари: корхонанинг устав фондига омонатлар, даромадлар (дивидендлар)нинг тўланиши бўйича ва бошқалар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлар очилиши мумкин:

75-1-"Устав сармоясига омонатлар бўйича ҳисоб-китоблар";

75-2-"Даромадларни тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ва бошқалар.

75-1-"Устав сармоясига омонатлар бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида корхона муассислари билан устав сармоясига омонатлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Акциядорлик жамиятини ташкил этишда 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича 85-"Устав сармояси" ҳисобварағи билан боғлиқликда акцияларга обуна бўлган шахсларнинг қарзи суммаси ҳисобга қабул қилинади.

Муассислар омонатлари суммаларининг амалда пул маблағлари сифатида келиб тушишида 75-"Муассислар билан ҳисоб-

китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзувлар амалга оширилади. Омонатларнинг моддий ва бошқача бойликлар сифатидаги бадали (пул маблағларидан ташқари) 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағиининг кредити бўйича 01-"Асосий воситалар", 04-"Номоддий активлар", 10-"Материаллар" ва бошқа ҳисобварақлар билан боғлиқликда ёзувлар билан расмийлаштирилади.

Корхонага бинолар, иншоотлар ва ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқлари омонат сифатида берилганида 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича 04-"Моддий активлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ёзувлар ёзиб қўйилади.

Корхонанинг устав сармоясига омонатлар (акцияларга ҳақ тўлаш учун) ҳисобига корхонага натурал шаклда мулк қилиб берилган мол-мулкнинг кирим қилиниши муассисларнинг келишувига кўра белгиланган нархда амалга оширилади. Корхонанинг устав сармоясига омонатлар (акцияларга ҳақ тўлаш учун) ҳисобига корхонанинг фойдаланиш учун берилган мол-мулк кирим қилиниши ушбу мол-мулкдан фойдаланганлик учун корхона фаолиятининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бутун маблағ учун ёки, агар таъсис ҳужжатларида бундай муддат назарда тутилмаган бўлса, муассислар белгиланган бошқача муддат учун ҳисоблаб чиқилган ижара ҳақи асосида белгиланган нархда амалга оширилади.

Бошқача ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг муассислари (иштирокчилари) билан устав сармоясига омонатлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳам бухгалтерлик ҳисобида ана шундай тартибда акс эттирилади. Бунда 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети ва 85-"Устав сармояси" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар устав сармоясининг таъсис ҳужжатларида эълон қилинган бутун миқдорига амалга оширилади.

75-2-"Даромадларни тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағида корхона муассислари билан уларга даромадларнинг тўланиши бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади. Корхонанинг муассислар таркибига кирадиган ходимларига даромадларнинг ҳисобланиши ва тўланиши 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Корхонада иштирок этишдан тушган даромадларнинг ҳисобланиши 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағининг дебети (ҳисобот йилидаги фойда ҳисобидан) ва

75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади. Даромадларни тўлаш учун фойда бўлмаган ёки етарли бўлмаган, лекин қонунларда ёки таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятлар мавжуд бўлганида даромадларнинг захира фонди ҳисобидан тўланиши бўйича даромадларнинг ҳисобланиши 86-"Захира фонди" ҳисобварағининг дебети ва 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади.

Ҳисобланган даромадлар суммаларининг тўланиши 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади. Корхонада иштирок этишдан тушган даромадларни ушбу корхонанинг маҳсулот (иш, хизмат)лари; қимматли қоғозлари ва шу кабилар билан тўлашда бухгалтерлик ҳисобида 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети бўйича тегишли бойликларнинг сотилишини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзувлар ёзиб қўйилади.

Корхонада иштирок этганлик учун бериладиган даромадлардан тўланадиган тўлов манбаида тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети ва 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисобга олинади.

75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб акциядорлар - акциядорлик жамиятларидаги тақдим этувчига мўлжалланган акциялар эгалари билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олишдан ташқари ҳар бир муассис бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Муассислар акцияларга обуна бўлиш учун ҳақ тўлашга номоддий активларни (уларнинг корхонанинг устав сармоясига бадаллари ҳисобига), шу жумладан ер участкаларидан, табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқларини тақдим этишган | 04 | 75 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Муассисларнинг акцияларга обуна бўлиш учун ҳақ тўлашга тақдим этган узоқ муддатли ва қисқа муддатли молиявий маблағ сарфлашлар суммалари (уларнинг корхонанинг устав сармоясига ҳиссалари ҳисобига олинган қимматли қоғозларни қиймати) акс эттирилган | 06, 58 | 75 |
| 3 | Муассислар бинолар, ускуналар, капитал маблағ сарфлашларнинг тугалланмаган объектларини, материаллар захираларини, ҳайвонларни, АТБни корхонага мулк қилиб беришди (корхонанинг устав сармоясига ҳиссалари ва акцияларга обуна бўлиш учун ҳақ тўлаш ҳисобига) | 01,07, 08,10, 11, 12 | 75 |
| 4 | Муассислар товарларни корхонага мулк қилиб беришди (корхонанинг устав сармоясига ҳиссалари ва акцияларга обуна бўлиш учун ҳақ тўлаш ҳисобига) | 41 | 75 |
| 5 | Илгари акцияларга обуна бўлган муассислар ҳиссаларининг пул маблағлари, суммалар сифатида амалда келиб тушиши акс эттирилган (устав рўйхатдан ўтганидан сўнг) | 50 51,52 | 75 |
| 6 | Акцияларга обуна бўлиш бўйича мажбуриятларга ҳақ тўланишига келиб тушадиган суммалар | 70,73 | 75 |
| 7 | Акциядорларга (муассисларга) дивидендлар ҳисобланган | 87 | 70,75 |
| 8 | Корхона муассисларининг ҳиссаларини қайтариши акс эттирилган; акцияларнинг номинал қиймати камайиши | 85 | 75 |
| 9 | Корхонада иштирок этганлик учун даромадларнинг захира фонди ҳисобидан ҳисобланиши (фойда бўлмаган ёки етарли бўлмаган, лекин мажбуриятлар мавжуд бўлгани ҳолда) | 86 | 70, 75 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Корхонада иштирок этганлик учун даромадларнинг ҳисобланиши (ҳисобот йилидаги фойда ҳисобидан) | 87 | 75 |
| 11 | Муассисларга корхонада иштирок этганлик учун ҳисобланган даромадлар (дивидендлар) суммаларининг тўланиши | 70, 75 | 50,51, 52,55 |
| 12 | Дивидендларнинг акциялар билан тўланиши | 70,75 | 56 |
| 13 | Корхонада иштирок этганлик учун бериладиган даромадлардан манбада, яъни ушбу корхонада тўланиши лозим бўлган солиқ суммалари акс эттирилган | 70,75 | 68 |
| 14 | Ходимларга дивидендларнинг ҳисобланиши | 75 | 70 |
| 15 | Акцияларнинг сотиш қиймати билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ бўйича олинган тушум акс эттирилган (акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилган корхона акциялари уларнинг номинал қийматидан ортиқ бўлган нарх бўйича сотилган ҳолларда) | 75 | 85 |
| 16 | Бошқарув қарорига кўра акцияларга обуна бекор қилинади (ёзув-сторно) | 75 | 85 |
| 17 | Қопланмаган зарар корхона муассисларининг мақсадли бадаллари ҳисобидан узилган | 75 | 87 |
| 18 | Акцияларга обуна бўлган шахсларнинг қарз суммаси ҳисобга қабул қилинган (қўшма корхона ёки акциядорлик жамиятининг ташкил этилишида иштирокчиларнинг ҳиссалари суммасида); устав сармояси таъсис этилади; акцияларга обуна бўйича узилмаган сумма акс эттирилган (акциядорлик жамиятининг устави рўйхатдан ўтганидан сўнг) | 75 | 85 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 19 | Меҳнат жамоаси аъзоларига корхона фойдаси ҳисобидан текинга берилган акциялар қиймати | 75<br>(87 | 85<br>75) |

## 76-"ТУРЛИ ДЕБИТОРЛАР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи 60-75-ҳисобварақларига изоҳларда айтиб ўтилмаган дебиторлар ва кредиторлар билан ҳар хил операциялар: турли ташкилотлар (ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва ҳоказо) билан нотижорат тусидаги операциялар бўйича; транспорт (темир йўл ва сув) ташкилотлари билан чеклар билан ҳақ тўланадиган хизматлар учун; иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа шунга ўхшаган тўловларнинг депонент қилинган суммалари бўйича; корхона ходимларининг иш ҳақидан суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида турли ташкилотлар ва алоҳида шахслар фойдасига ундирилган суммалар бўйича ва бошқа операцияларга доир ҳисоб-китоблар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир дебитор ва кредитор бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Турли корхоналар ва шахслардан номоддий активлар, ускуналар, матёриаллар, ҳайвонлар, АТБ ва шу кабиларнинг сотиб олиниши ва кирим қилиниши; транспорт харажатлари (чеклар билан ва ҳоказо); шу жумладан мавоза (бартер) бўйича | 04,07,<br>10,11<br>12 | 76 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Турли ташкилотлар ва корхоналар капитал қурилишда ва асосий воситаларни сотиб олишда хизматлар кўрсатишди (чеклар билан ҳақ тўланадиган транспорт хизматлари ва ҳоказо) | 08 | 76 |
| 3 | Турли корхоналар ва шахслардан турли товар-моддий бойликларнинг (15-ҳисобварақ қўлланилганида) ва улар кўрсатган турли хизматларнинг (транспорт ва бошқа) сотиб олиниши | 15 | 76 |
| 4 | Турли корхона ва ташкилотлар асосий маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича, ёрдамчи цехларга, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик аҳамиятидаги турли хизматларни кўрсатишди (шу жумладан, ижара, транспорт ва шу кабилар бўйича) | 20,23, 25,26 | 76 |
| 5 | Олдинги операциялар бўйича қўшилган қиймат солиғи | 19 | 76 |
| 6 | Харидорларга улар олган брак маҳсулотни тузатишга доир харажатлар билан боғлиқ қарз акс эттирилган | 28 | 76 |
| 7 | Турли корхоналар, ташкилотлар ва шахсларга уларнинг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга кўрсатган хизматлари учун қарз | 29 | 76 |
| 8 | Шунинг ўзи, лекин нокапитал ишларни бажаришдаги хизматлар учун (шу жумладан, ижара бўйича) | 30 | 76 |
| 9 | Шунинг ўзи, лекин келгуси даврлар харажатларига кирадиган ишларни бажаришдаги хизматлар учун (шу жумладан, бўнак қилиб ҳисобланган ижара ҳақи) | 31 | 76 |
| 10 | Турли ташкилотлар, корхоналар ва шахслардан товарлар келиб тушди, шу жумладан мавоза бўйича | 41 | 76, 60 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Транспорт ташкилотларининг хизматларига лимитланган чеклар билан ҳақ тўланган ҳолларда уларга қарз ҳисобланган (харажатлар ушбу корхона ҳисобидан амалга оширилган) | 26 | 76 |
| 12 | Шунинг ўзи, лекин савдо ва шу каби корхоналарда | 26 | 76 |
| 13 | Шунинг ўзи, лекин транспорт харажатларига харидор ҳисобидан ҳақ тўланган | 45 | 76 |
| 14 | Бошқа корхоналарга асосий воситаларнинг чиқиб кетишида кўрсатган хизматлари (транспорт ва ҳоказо), шунингдек турли мол-мулк учун қарз акс эттирилган | 47, 48 | 76 |
| 15 | Кассада квартирани ижарага олувчилардан, турли корхоналар ва шахслардан, шу жумладан ота-оналардан (болалар муассасалари бўйича), ходимларнинг ижро варақалари бўйича қарз суммалари келиб тушди) | 50 | 76 |
| 16 | Бошқа дебиторлардан қарзларни узиш бўйича суммалар келиб тушди (ижро варақалари бўйича ва ҳоказо), шу жумладан ижарачиларнинг ижара ҳақи бўйича қарзни узиш; ижарачилардан сотилган объектлар учун; қарз қоғозлари бўйича ҳисобланган фоизларнинг олиниши; қимматли қоғозлардан дивидендлар | 51, 52 | 76 |
| 17 | Банк харид қилган хорижий валюта корхоналарнинг валюта ҳисобварағига келиб тушди; харидорда эса - кимошди савдосида тижорат курси бўйича харид қилинган хорижий валюта суммасига | 52 | 76 |
| 18 | Турли корхоналар ва шахслардан пул ҳужжатлари келиб тушди | 56 | 76 |
| 19 | Товар-моддий бойликлар товар алмашиш операциялари ҳисобига юклаб жўнатилган (мавоза бўйича) - сотиш юклаб жўнатиш бўйича аниқланганида | 76, 62 | 46,47, 48 |
| 20 | Бошқа дебиторлардан ўтказма келиб тушди | 57 | 76 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Корхона унга қимматли қоғозлар учун тегишли ҳуқуқларнинг ўтганлиги ҳақидаги гувоҳномани олди | 58, 06 | 76 |
| 22 | Қимматли қоғозлар сотиб олинган (номинал қиймати бўйича); депозитларга маблағ сарфлашлар амалга оширилган; илгари вужудга келган қарзнинг олиниши ҳисобига бошқа корхоналарга қарзлар; бунда харажатларга ҳақ тўланган (маслаҳатчилар. брокерлар) | 58, 06 | 76 |
| 23 | Ўзаро ҳисоб-китобларда ҳисобга олинган суммалар | 60 | 76 |
| 24 | Қарз мавоза бўйича келиб тушган товар-моддий бойликлар қийматига камаяди | 60, 76 | 62, 76 |
| 25 | Иш ҳақидан квартира ҳақи ва коммунал хизматлар учун ушлаб қолинган суммалар; ижро варақалари бўйича тўловлар; депонентлик қарзи; кредитга сотиб олинган товарлар учун (банкнинг кредити бўлмаганида) | 70 | 76 |
| 26 | Ҳисобдор шахслар ўзга кредиторлар ва шу кабилар билан ҳисоб-китоблар учун бошқа ташкилотлардан суммаларни ёки банкдан пул ҳужжатларини (чек дафтарчаларини) олган | 71 | 76 |
| 27 | Турли ташкилот ва корхоналар ушбу корхона ходимларига хизматлар кўрсатган | 73 | 76 |
| 28 | Бошқа дебиторлик ва кредиторлик қарзининг ўзаро ҳисобга олиниши амалга оширилган | 76 | 76 |
| 29 | Турли ташкилот ва корхоналар алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга хизматлар кўрсатган | 79 | 76 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 30 | Ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзлари, жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловлари (эътироф этилганлари) суммалари | 26 | 76 |
| 31 | Савдодан ташқари тусдаги операциялар бўйича валюта курсидаги фарқлар (салбий ёки ижобий) | 80 | 76 |
| 32 | Турли корхоналарнинг маданий-маърифий муассасалар ва соғломлаштириш лагерларини тутиб туриш бўйича кўрсатган хизматлари акс эттирилган; қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар бўйича ҳисобланган фоизлар (векселлар дисконти бўйича); хорижий валютани харид қилиш курсининг ЎзР МБ курсидан ортган қисмини ҳисобдан чиқариш | 26, 80 | 76 |
| 33 | Депозитарийларга харид қилинган акцияларни сақлаганлик учун қарзнинг ҳисобланиши | 80 | 76 |
| 34 | Илгари корхона шубҳали деб эътироф этган талаб қилиб олинмаган қарзлар ҳисобдан чиқарилган | 82 | 76 |
| 35 | Турли корхоналарнинг илгари ҳисобланган захиралар ҳисобига қилган харажатларни амалга оширишда кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган (мавсумий тармоқларда, кафолатли тузатиш, кон-тайёргарлик ишлари ва ҳоказо) | 89 | 76 |
| 36 | Турли ташкилотлар, корхоналар ва шахсларнинг мақсадли маблағлар ҳисобига қиладиган харажатларни амалга оширишда кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган (транспорт ва ҳоказо) | 96 | 76 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 37 | Узоқ муддатли ижаранинг муҳлати даврида ўтказилиши лозим бўлган ижара ҳақининг навбатдаги суммаси бўйича акс эттирилган (ижарага берувчида) | 76 | 09 |
| 38 | Ижарага олинган асосий воситаларни капитал тузатиш харажатлари ҳисобдан чиқарилган (ижарага берувчи ҳисобидан) | 76 | 23 |
| 39 | Нотураржой хоналари ижарачиларининг, уй-жой-коммунал хўжалиги, квартирани ижарага олувчилар ва шу кабиларнинг қарзи акс эттирилган | 76 | 29 |
| 40 | Нокапитал ишлар бошқа корхоналар ва ташкилотлар учун бажарилган | 76 | 30 |
| 41 | Келгуси даврлар харажатларининг бир қисми турли корхоналар ҳисобидан бажарилган (мавсумий тармоқларда ва ҳоказо) | 76 | 31 |
| 42 | Ижарага олувчилар қайтармаган ижара буюмлари ҳисобдан чиқарилган | 76 | 41 |
| 43 | Турли корхона ва ташкилотларнинг уларга бериб юборилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун қарзи акс эттирилган | 76 | 45 |
| 44 | Мижозлардан воситачилик операциялари бўйича олиниши лозим бўлган комиссион ҳақлар суммаси акс эттирилган; сотилган асосий воситалар учун тушум; бошқа активларнинг сотилиши, ижарачига асосий воситалар объектларининг сотилиши; мавоза операциялари | 60, 76 | 46, 47, 48 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 45 | Турли суммалар нақд пуллар билан берилган (ижро варақалари бўйича ва ҳоказо); бошқа кредиторлар олдидаги қарз узилган (транспорт харажатлари бўйича ва ҳоказо); ижара ҳақи, кредитга олинган товарлар, турли корхона ва шахслар фойдасига, олинадиган қарз мажбуриятларига ҳақ тўлаш учун ушлаб қолинган суммалар бўйича қарз узилган | 76 | 50, 51, 52, 55 |
| 46 | Ҳисоб-китоб варагига хорижий валютани биржа курси бўйича сўмларга сотишдан банкнинг комиссия ҳақи ушлаб қолинган тушум келиб тушди (банк корхонанинг топшириғига кўра сотган) | 51,76 | 48 |
| 47 | Ижара ҳақи бўйича қўшилган қиймат солиғи | 76 | 68 |
| 48 | Корхона ходимларига бошқа корхоналардан, учинчи шахслардан ва шу кабилардан олиниши лозим бўлган суммалар акс эттирилган | 76 | 70 |
| 49 | Ҳисобдор шахслар турли корхоналар кўрсатган хизматларга ҳақ тўлаган (нотижорат тусидаги), шунингдек чеклар билан | 76 | 71 |
| 50 | Шўъба корхоналари ва алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар турли корхоналарга хизматлар кўрсатишди (нотижорат тусидаги ва ҳоказо) | 76 | 78, 79 |
| 51 | Носавдо тусидаги операциялар бўйича валюта курсидаги фарқлар (салбий ёки ижобий) | 80,76 | 76,80 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 52 | Ижарага топширилган асосий воситалар учун тўланиши лозим бўлган ижара ҳақи суммаси (шу жумладан, уй-жой-коммунал хўжалиги бинолари), кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар (шу жумладан, депонентлик); ўз улуши билан қатнашишдан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича; қарз мажбуриятлари бўйича олинган фондлар; узоқ муддатли қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар | 76 | 80 |
| 53 | Келгуси даврларга тегишли даромадлар суммалари (олдиндан олинадиган ижара ҳақи ва ҳоказо) | 76 | 83 |
| 54 | Банк ҳақини тўлаган лимитланган чек дафтарчалари бўйича суммалар, шу жумладан транспорт харажатлари | 76 | 90 |
| 55 | Турли корхоналарнинг уларга берилган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар бўйича қарзи акс эттирилган | 76 | 94, 95 |
| 56 | Турли корхоналар ва шахсларнинг мақсадли суммалар бўйича қарзини узиши (шу жумладан, ота-оналарнинг болалар муассасалари бўйича) | 76 | 96 |

## 78-"ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИ БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

78-"Шўъба корхоналари билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи шўъба корхоналар билан жорий ҳисоб-китобларнинг ҳамма турлари (балансларaро ҳисоб-китоблар) ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

78-"Шўъба корхоналари билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир шўъба корхонаси бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

## 78-"Шўъба корхоналари билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | дебет | кредит |
|---|---|---|---|
| 1 | Шўъба корхоналардан ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, АТБнинг келиб тушиши ва кирим қилиниши, капитал маблағ сарфлашлар ва шу кабиларда ўз улуши билан қатнашиш | 07,08, 10,11, 12 | 78 |
| 2 | Шўъба корхоналари умумий хўжалик тусидаги хизматларни кўрсатишди | 26 | 78 |
| 3 | Шунинг ўзи, лекин келгуси даврлар харажатларига тегишли харажатларни амалга ошириш учун хизматлар | 31 | 78 |
| 4 | Шўъба корхоналардан товарларнинг келиб тушиши (бутловчи буюмлар ва савдо корхоналарида) | 41 | 78 |
| 5 | Шўъба корхоналарнинг маҳсулотни юклаш ва сотиш бўйича кўрсатган хизматлари суммаси акс эттирилган | 26 | 78 |
| 6 | Шўъба корхоналар савдо корхоналари ва шу кабиларнинг муомала харажатлари таркибида акс эттириладиган хизматларни кўрсатди | 26 | 78 |
| 7 | Шўъба корхоналардан кассага, шунингдек банкдаги ҳисобварақларга суммалар келиб тушди | 50,51, 52 | 78 |
| 8 | Шўъба корхоналардан пул ҳужжатларининг келиб тушиши акс эттирилган | 56 | 78 |
| 9 | Ўтказма пул шўъба корхоналардан келиб тушди | 57 | 78 |
| 10 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар олдидаги қарзни шўъба корхоналар узган | 60 | 78 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Илгари шўъба корхоналарга ёзиб қўйилган суммалар уларнинг ҳисобидан чиқарилган ва эътирозлар сифатида бошқа корхоналар ва ташкилотларга тақдим этилган | 63 | 78 |
| 12 | Шўъба корхоналар турли корхоналар, ташкилотлар ва шахсларга хизматлар кўрсатган | 76 | 78 |
| 13 | Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича валюта курсидаги салбий фарқлар | 80 | 78 |
| 14 | Акциялар ўзининг шўъба корхоналарига берилган; акциялар қиймати шўъба корхоналар ҳисобидан камайтирилган | 85 | 78 |
| 15 | Шўъба корхоналар қисқа муддатли кредитлар бўйича қарзларни узган; ёки улар ҳисобига узиш | 90, 92 | 78 |
| 16 | Материаллар ва АТБ шўъба корхоналарга берилган | 78 | 10, 12 |
| 17 | Шўъба корхоналарга ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар хизматлар кўрсатган (ёки маҳсулот берилган) | 78 | 23, 29 |
| 18 | Товарлар шўъба корхоналарга берилган (бутловчи буюмлар ёки савдо корхоналарида) | 78 | 41 |
| 19 | Шўъба корхоналарга маҳсулотлар сотилган, асосий воситалар берилган, номоддий ва бошқа активлар сотилган | 78 | 46,47, 48 |
| 20 | Кассадан ёки банклардаги ҳисобварақлардан шўъба корхоналар ҳисобидан тўловлар акс эттирилган ёки улар олдидаги қарз узилган | 78 | 50,51, 52,55 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар шуъба корхоналарга етказиб берган моддий бойликлар ва кўрсатган хизматлар учун уларнинг ҳисобварақлари ҳақ тўлаш учун қабул қилинган (акцепт пайтида акс эттирилган) | 78 | 60 |
| 22 | Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича валюта курсидаги ижобий фарқлар | 78 | 80 |
| 23 | Акциялар шуъба корхоналардан олинган; акциялар, қиймати шуъба корхоналар ҳисобидан кўпайтирилган | 78 | 85 |
| 24 | Банклардан олинган кредитлар шуъба корхоналарга берилган | 78 | 90, 92 |

## 79-"ХЎЖАЛИК ИЧИДАГИ ҲИСОБ-КИТОБЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

79-"Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи корхонанинг филиаллари, ваколатхоналари, алоҳида балансларга ажратилган бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари билан ҳисоб-китобларнинг ҳамма турлари (ички балансдаги ҳисоб-китоблар) ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, ажратилган мол-мулк; моддий бойликларнинг ўзаро бериб юборилиши; маҳсулотнинг сотилиши; умумий бошқарувчилик фаолиятига оид харажатларнинг берилиши; бўлинмаларнинг ходимларига иш ҳақи тўланиши бўйича ҳисоб-китоблар.

79-"Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

79-1-"Ажратилган мол-мулк бўйича",

79-2-"Жорий операциялар бўйича" ва бошқалар.

79-1-"Ажратилган мол-мулк бўйича" илова ҳисобварағида корхонанинг филиаллари, ваколатхоналари, алоҳида балансларга ажратилган бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари билан уларга берилган асосий ва айланма воситалар бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳисобга олинади.

Кўрсатилган бўлинмаларга ажратилган мол-мулк корхона томонидан 01-"Асосий воситалар" ва бошқа ҳисобварақлардан 79-"Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

79-ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб корхонада ҳар бир алоҳида балансга ажратилган бўлинма бўйича юритилади.

Корхонанинг кўрсатилган бўлинмаларга ажратган мол-мулки ушбу бўлинмалар томонидан 79-"Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредитидан 01-"Асосий воситалар" ва бошқа ҳисобварақларнинг дебетига ҳисобга қабул қилинади.

79-2-"Жорий операциялар бўйича" илова ҳисобварағида корхонанинг филиаллари, ваколатхоналари, алоҳида балансларга ажратилган бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари билан бошқа барча ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳисобга олинади.

Корхона балансида хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар акс эттирилмайди.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **79-"Хўжалик ичидаги ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан турли товар-моддий бойликлар олинган (ускуналар, материаллар, ҳайвонлар, АТБ, шунингдек капитал маблағ сарфлашдаги хизматлар) | 07,08, 11,12 ва бошқ. | 79 |
| 2 | Шунинг ўзи, лекин тегишли ҳолларда келиб тушиш 15-ҳисобварақдан фойдаланиб акс эттирилади | 15 | 79 |
| 3 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан олинган товар-моддий бойликлар қийматидаги фарқлар ҳисобга олинган (ортиқча харажат; иқтисод - қизил билан) | 16 | 79 |
| 4 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларнинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришлар, умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик эҳтиёжларига, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларга харажатлари акс эттирилган | 20, 23, 25, 26, 29 | 79 |
| 5 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан олинган ярим тайёр маҳсулотлар кирим қилинган | 21 | 79 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 6 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар келгуси даврлар харажатлари таркибида ҳисобга олинадиган ишлар бўйича хизматлар кўрсатган | 31 | 79 |
| 7 | Товарлар (бутловчи буюмлар ва савдода) ички бўлинмалардан келиб тушди (ички балансдаги ҳисоб-китоблар тартибида) | 41 | 79 |
| 8 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар харидорларга ўз маҳсулотларини юклаб жўнатди ва хизматлар кўрсатди (ягона ҳисоб-китоб варағидан) ёки бошқа ички бўлинмага | 45 | 79 |
| 9 | Ички бўлинмалар сотган маҳсулот таннархи, чиқиб кетган асосий воситалар қиймати акс эттирилган (45-ҳисобварақни қўлламасдан); улар хизматлар кўрсатган | 46, 47, 48 | 79 |
| 10 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан кассага суммалар келиб тушди (йўлланмалар учун ва ҳоказо) | 50 | 79 |
| 11 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан банкларга тушумларнинг келиб тушиши акс эттирилган | 51, 52 | 79 |
| 12 | Ушбу бўлинмалардан пул ҳужжатларининг келиб тушиши акс эттирилган | 56 | 79 |
| 13 | Пул ўтказмаси ушбу бўлинмалардан келиб тушди | 57 | 79 |
| 14 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар турли ташкилотлар ва корхоналарга хизматлар кўрсатди (нотижорат тусидаги ва ҳоказо) | 76 | 79 |
| 15 | Ушбу бўлинмаларнинг фойдаси ҳисобига ёзиб қўйиладиган турли зарарлар суммалари (табиий офатлар, ёнғинлар, жарималардан ва ҳоказо) | 80,26 | 79 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 16 | Филиаллар билан ҳисоб-китобларда курсдаги салбий фарқлар | 80 | 79 |
| 17 | Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши ички бўлинмаларнинг алоҳида балансига ўтказилган (уларнинг берилишида) | 79 | 02, 05 |
| 18 | Асосий воситалар ускуналар ва номоддий активлар алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга берилган, шунингдек турли материаллар, ҳайвонлар ва АТБ | 79 | 01,07, 04,10, 11,12 |
| 19 | Моддий бойликлар ушбу бўлинмаларнинг кирим қилиши учун берилган (15-ҳисобварақ қўлланилганида) | 79 | 15 |
| 20 | Материаллар қийматидаги фарқларнинг бир қисми алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларнинг ҳисобварақларига ҳисобдан чиқарилган, уларга берилган материаллар бўйича (ортиқча харажат; иқтисод-қизил билан) | 79 | 16 |
| 21 | Асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг маҳсулотлари ва кўрсатган хизматлари ушбу бўлинмалар ҳисобига ёзиб қўйилган; умумий ишлаб чиқариш харажатларининг бир қисми уларга ҳисобдан чиқарилган | 79 | 20,23, 25,29 |
| 22 | Ички бўлинмаларга берилган ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобдан чиқарилган | 79 | 21 |
| 23 | 37-ҳисобварақ қўлланилганида ички бўлинмаларга хизматлар кўрсатилиши (ва маҳсулотларнинг бериб юборилиши) акс эттирилган (норматив ёки режадаги таннари бўйича) | 79 | 37 |
| 24 | Товарлар (бутловчи буюмлар ва савдода) алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга бериб юборилган | 79 | 41 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 25 | Ўз бўлинмаларига жўнатилган маҳсулот ва ҳоказолар акс эттирилган (жўнатилганлиги сотиш ҳисобварағи орқали ўтказма қилинади) | 79 | 45 |
| 26 | Ўша ички бўлинмаларга маҳсулот ва ҳоказолар жўнатилган (45-ҳисобварағини қўлламасдан), жўнатиш сотиш ҳисобвараги орқали ўтказма қилинади | 79 | 46 |
| 27 | Алоҳида балансларга ажратилган ўз ички бўлинмалари ҳисобига нақд тўловлар акс эттирилган | 79 | 50 |
| 28 | Банклардаги ҳисобварақларидан қарз ёки бошқа суммалар ўша ички бўлинмаларга ўтказилган | 79 | 51,52, 55 |
| 29 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар учун етказиб берилган моддий бойликлар ва хизматлар учун маҳсулот юборувчилар ва пудратчиларнинг ҳисобварақлари акцептланган | 79 | 60 |
| 30 | Бюджетдан ташқари фондларга тегишли бадаллар суммалари ўша бўлинмаларнинг ҳисобварақларига ўтказилган | 79 | 67 |
| 31 | Турли ташкилот ва корхоналар алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларга хизмат кўрсатган | 79 | 76 |
| 32 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмаларнинг шуъба корхоналарга қарзи акс эттирилган | 79 | 78 |
| 33 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалардан ўз фаолиятининг фойдаси суммаси олинган | 79 | 80 |
| 34 | Филиаллар ва ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблар бўйича курсдаги ижобий тафовут | 79 | 80 |

# VII БЎЛИМ

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ВА ФОЙДАНИ ИШЛАТИШ

Ушбу бўлим ҳисобварақлари корхонанинг ҳисобот йилидаги фаолияти молиявий натижаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

### 80-"ФОЙДАЛАР ВА ЗАРАРЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараги корхонанинг ҳисобот йилидаги фаолияти пировард молиявий натижасини шакллантириш ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Пировард молиявий натижа (фойда ёки зарар) асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан даромадлар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва фавқулодда даромадларнинг ушбу операциялар бўйича харажатлар суммасига камайтирилган молиявий натижасидан ташкил топади. 80-ҳисобварақнинг дебети бўйича корхонанинг зарарлари (йўқотишлари), кредити бўйича эса - фойдалари (даромадлари) акс эттирилади. Ҳисобот йили учун дебет ва кредит айланишларининг таққосланиши ҳисобот давридаги пировард молиявий натижани кўрсатади.

80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағида ҳисобга олиш қуйидагича илова ҳисобварақларида амалга оширилади:

80-1-"Сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлардан олинган фойда (зарар)";

80-2-"Давр харажатлари";

80-3-"Операцион даромадлар ва тушумлар";

80-4-"Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар";

80-5-"Фавқулодда фойдалар ва зарарлар".

80-1-"Сотилган маҳсулотлар, товарлар, ишлар, хизматлардан олинган фойда (зарар)" илова ҳисобварағи 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)"ларнинг сотилиши ҳисобварағи билан боғлиқликда тайёр маҳсулотларни сотишдан, бажарилган ишлардан ва кўрсатилган хизматлардан олинадиган молиявий натижани акс эттириш учун хизмат қилади. Савдо ташкилотлари бу ҳисобварақққа сотилган харид товарлари бўйича савдо устамасини (ялпи даромадни) ёзиб қўядилар.

80-2-"Давр харажатлари" илова ҳисобварағида 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағидан ўтказиладиган ва 26-ҳисобварақдаги каби учинчи тартибдаги қуйидагича ҳисобварақлар бўйича турларга бўлинадиган харажатлар акс эттирилади.

80-2.1-"Сотиш бўйича харажатлар (савдо ташкилотлари учун - муомала чиқимлари)";

80-2.2-"Маъмурий харажатлар";

80-2.3-"Бошқа умумий хўжалик ва ташкилий харажатлар";

80-2.4-"Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари".

80-3-"Операцион даромадлар ва тушумлар" илова ҳисобварағида ҳисобот даври давомида қуйидагилар ўз аксини топади:

- қарздор ундирган жарималар, пенялар, бардсизлик тўловлари ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун жазоларнинг бошқа турлари, шунингдек келтирилган зарарларни қоплаш бўйича даромадлари - ҳисоб-китобларни ёки пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси (маҳсулот етказиб берувчилардан хизматлар ва моддий бойликлар учун қайта ҳисоб-китоблар бўйича келиб тушган, ўтган йили олинган ва сарфланган суммалар; ўтган йили сотилган маҳсулот ва шу кабилар учун қайта ҳисоб-китоблар бўйича харидорлар ва буюртмачилардан олинган суммалар) - пул маблағларини ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебети билан боғлиқликда;

- маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган рента даромади, корхоналар қошидаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан ва тара билан операциялардан кўриладиган даромадлар сингари бошқа даромадлар - ҳисоб-китобларни ёки пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- корхонанинг асосий фондларини ва бошқа мол-мулкини сотишдан тушган даромад - 47-"Бошқа активларнинг сотилиши" ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- даъво муддати ўтган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар - пул маблағларини ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебети билан боғлиқликда;

- бошқа операцион даромадлар (моддий бойликларни ва тайёр маҳсулотни қайта баҳолашдан олинган даромадлар, корхоналарнинг нарх белгилашни тартибга солиш натижасида йўқотишларнинг ўрнини қоплаш сифатида олган тушумлари, шунингдек корхона ва ташкилотларнинг ҳисобварақларига бюджетдан тушадиган зарарларни қопловчи тушумлар) - мод-

дий бойликларини, ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни, пул маблағларини ва ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда.

80-4-"Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар" илова ҳисобварағи молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар ва қилинадиган харажатларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган:

- сармоя роялтиси ва трансферини олиш - пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида ўз улуши билан қатнашишдан олинган даромадлар, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда корхонага тегишли бошқа қимматли қоғозлар бўйича даромадлар - ҳисоб-китобларни ёки пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- мол-мулкни узоқ муддатли ижарага топширишдан олинган даромадлар - пул маблағларини ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- валюта ҳисобварақлари, шунингдек хорижий валюталардаги операциялар бўйича курсдаги ижобий фарқлар - пул маблағларини ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- қимматли қоғозлар, шўъба корхоналарга сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан олинган фойдалар ва молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар - пул маблағларини ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- хорижий валютадаги операциялар бўйича курсдаги салбий фарқлар - пул маблағларини ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- банкларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган ҳисобга олиш ставкаси доирасида ёки ундан юқори тўловлар ва маҳсулот етказиб берувчиларнинг кредитлари бўйича фоизларни тўлаш харажатлари - 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари". 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ва бошқа ҳисобварақлар билан боғлиқликда;

- мол-мулкнинг узоқ муддатли ижараси бўйича фоизларни тўлашга доир харажатлар - пул маблағларини ёки тегишли ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- сарфланган маблағларни қайта баҳолашдан қилинган зарарлар (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга) - пул маб-

лағларини ёки ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда;

- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар - пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда.

80-5-"Фавқулодда фойдалар ва зарарлар" илова ҳисобвараги тасодифий, корхона учун типик бўлмаган, унинг одатдаги фаолиятидан кутилмаган ва бундай фаолиятга тегишли бўлмаган фойдалар ва даромадларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Тасодифий, кутилмаган ва типик бўлмаган зарарлар ҳам шу илова ҳисобварагида акс эттирилади.

Ҳар бир ҳисобот даври охирида илова ҳисобварақларининг кўрсаткичлари жамланади ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараги бўйича ҳисобот даври учун солиққа тортишгача бўлган умумий баланс фойдасини (зарарни) ифодалайдиган умумий сальдо ҳисоблаб чиқилади.

Ҳисобот йили тугагач, йиллик бухгалтерлик ҳисоботини тузишда 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараги ёпилади, 81-"Фойда (даромадлар) учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағининг дебети бўйича ҳисобланган суммалар 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг дебетига ўтказилади. Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) 80-ҳисобварақдан 87-"Тақсимланган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағининг дебетига (зарар) ёки кредитга (соф фойда) ўтказилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Қимматли қоғозларнинг харид нархи билан номинал қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилган (қўшимча ҳисобланган) (харид нархи паст) | 06,58 | 80 |
| 2 | Ускунанинг ортиқча миқдорлари; табиий офатлар оқибатларини тугатишдаги материаллар ва АТБ; уларнинг рўйхатдан ўтказишдаги ортиқча миқдорлари кирим қилинган | 07,08, 10, 12 | 80 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 3 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари акс эттирилган | 09 | 80 |
| 4 | Айланишдаги воситаларга кирадиган бойликларнинг қўшимча баҳоланган суммалари молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилган | 14 | 80 |
| 5 | Хомашё ва материаллар таннархи билан уларнинг ҳисобга олиш қиймати ўртасидаги фарқларнинг нотўғри тақсимланишини ёки материалларнинг ишлаб чиқариш харажатларига ортиқча ҳисобдан чиқарилишини тузатиш | 10,15, 16 | 80 |
| 6 | Асосий ва ёрдамчи цехларда, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги, умумий ишлаб чиқариш омборларидаги ортиқча миқдорлар (камомадлардан ортиқ бўлган суммада); уй-жой-коммунал хўжалигидан фойда кирим қилинган | 20,23, 25,29 | 80 |
| 7 | Товарларнинг ортиқча миқдорлари, шунингдек илгари табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабилар туфайли ҳисобдан чиқарилган товарлар кирим қилинган (савдо, воситачилик ва шу каби корхоналарда) | 41 | 80 |
| 8 | Нархлардаги фарқлар (тара ва шу кабилар бўйича) корхона даромадига айлантирилган (тара билан операциялар бўйича натижалар) - савдо ва шу каби корхоналарда | 42 | 80 |
| 9 | Тара билан ўтказилган операциялар бўйича даромадлар (харажатлардан ортиқ бўлган суммада), шунингдек товарларни кредитга сотишдан олинган фоизларнинг тўланганидан ортиқ суммалари ҳисобдан чиқарилган | 26 | 80 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 10 | Маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни, хорижий валютани сотишдан олинган, асосий воситалар ва бошқа активларни сотишдан ва уларнинг бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда акс эттирилган | 46,47, 48 | 80 |
| 11 | Бошқа корхоналарда ўз улуши билан қатнашишдан олинган даромадлар; банклардан маблағлардан ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларда фойдаланганлик учун олинган даромадлар; корхонага тегишли акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар; мол-мулкни ижарага топширишдан, илгари ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзининг келиб тушишидан олинган даромадлар; ўтган йиллар фойдаси | 50,51, 52 | 80 |
| 12 | Ўтказмалар бўйича келиб тушган суммалар корхонанинг даромадига айлантирилган (жарималар, пенялар, олинган бурдсизлик тўловлари ва ҳоказо) | 57 | 80 |
| 13 | Маҳсулот етказиб берувчилардан хизматлар ва моддий бойликлар учун қайта ҳисоблашлар бўйича келиб тушган, ўтган йилларда олинган ва сарфланган суммалар акс эттирилган; кредиторлик қарзларининг даъво муддати ўтиб кетганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилиши | 60 | 80 |
| 14 | Харидорлар ва буюртмачилардан олинган векселлар бўйича фоизлар учун уларнинг қарзи акс эттирилган; харидорлар билан ўтган йиллардаги операциялар бўйича қайта ҳисоб-китоблар | 62 | 80 |
| 15 | Бошқа корхоналарга шартнома мажбуриятларига амал қилганлик учун солинган жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловлари суммалари (эътироф этилган ёки қарор чиқарилган) | 63 | 80 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 16 | Суғурта органларидан мулкий суғурта бўйича келиб тушган суғурта тўловлари корхонанинг даромадига айлантирилган | 65 | 80 |
| 17 | Ходимлар ўтган йили олган ва сарфлаган хизматлар ва моддий бойликлар юзасидан қайта ҳисоблашлар бўйича улардан келиб тушган суммалар | 73 | 80 |
| 18 | Шўъба корхоналар ва филиаллар ўз фойдасининг бир қисмини уни тақсимлаш тартибида беришди; бошқа корхоналарда ўз улуши билан қатнашишдан олинган (лекин хали келиб тушмаган) даромадлар; қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар (шу жумладан, облигациялар бўйича); корхонага тегишли бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар; мол-мулкни ижарага топширишдан, илгари ҳисобдан чиқарилган қарзлардан; кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар ва ҳоказо | 76,78, 79 | 80 |
| 19 | Шубҳали қарзлар бўйича сарфланмаган захиралар суммаларининг улар барпо бўлган йилдан кейинги йилнинг фойдасига қўшиб қўйилиши | 82 | 80 |
| 20 | Камомадлар бўйича қарз суммаларининг келиб тушиши (ўтган йиллар учун); бойликлар камомадининг ундирилиши лозим бўлган суммаси билан баланс қиймати ўртасидаги фарқлар; ижарага топширилган асосий воситалар объектларининг келишилган нархларидаги фарқлар; харид нархи билан баҳолаш нархи ўртасидаги фарқнинг харидор-корхона фойдасига секин-аста ҳисобдан чиқарилиши (кимошди савдосида) | 83 | 80 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 21 | Камомадлар бўйича нархлардаги фарқлар (ушбу ҳисобот давридаги) корхона даромадига айлантирилган | 84 | 80 |
| 22 | Ҳисобот давридаги зарар суммаси декабрнинг якунловчи айланишлари билан ҳисобдан чиқарилади | 87 | 80 |
| 23 | Ижарага берувчининг ижарага топширган объектлар бўйича эскиришни ҳисоблаши (қайтариб сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олинган узоқ муддатлиларидан ташқари) | 80 | 02 |
| 24 | Рўйхатдан ўтказишда ишларни пудрат усулида амалга оширaётган қурувчиларда, шунингдек табиий офатлар ва шу кабиларда аниқланган ускуналарнинг камомадлари акс эттирилган | 80 | 07 |
| 25 | Асосий воситалар объектларининг қийматига киритилмайдиган зарарлар ва йўқотишлар ҳисобдан чиқарилган (уларнинг қурилишида ва харид қилинишида) | 80 | 26 |
| 26 | Узоқ муддатли ижара операциялари бўйича нархни аниқлаш суммалари зарарларга ёзиб қўйилган (келишилган қиймат ва қолдиқ қиймати ўртасидаги) | 80 | 09 |
| 27 | Табиий офатларда йўқотилган ёки уларнинг оқибатларини тугатишга, консервация қилинган объектларни тутиб туришга ва шу кабиларга сарфланган турли моддий бойликлар ҳисобдан чиқарилган | 80 | 10,11, 12 ва бошқ. |
| 28 | Моддий захираларнинг бозор нархлари жорий бухгалтерлик ҳисобида уларнинг нархидан пасайтирилгани сабабли олинган зарар акс эттирилган (йиллик ҳисоботни тузишда) | 80 | 14 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 29 | Бекор қилинган буюртмалар бўйича харажатлар ҳисобдан чиқарилган; маҳсулот бермаган ишлаб чиқаришга кетган харажатлар; табиий офатлар, ёнгинлар ва шу кабилар сабабли туталланмаган ишлаб чиқариш зарарлари; ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар бўйича ҳам шунинг ўзи; таранинг тузатилиши | 80 | 20,21, 23, 25, 26 |
| 30 | Бракдан ўрни қопланмайдиган зарарлар (шу жумладан, ўтган йиллар операциялари бўйича ташқаридагилари ҳам) зарарларга ҳисобдан чиқарилган | 80 | 28 |
| 31 | Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг зарарлари ҳисобдан чиқарилган (табиий офатлар ва ҳоказо); таранинг тузатилиши | 80 | 29 |
| 32 | Келгуси даврлар харажатлари натижа бермаган ишлар бўйича, табиий офатлар, бекор қилинган буюртмалар ва шу кабиларда кўрилган зарарларга ҳисобдан чмиқарилган | 80 | 31 |
| 33 | Табиий офатлар, ёнгинлар, авариялар ва шу кабилар натижасида тайёр маҳсулотлар ёки товарлар бўйича йўқотишлар (ўрни қопланмайдиган) зарарларга ҳисобдан чиқарилган | 80 | 40,41 |
| 34 | Ҳисобот йили тугаши билан турли сотиш операцияларидан молиявий натижа аниқланган (зарар) | 80 | 46,47, 48 |
| 35 | Турли жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловлари тўланган; табиий офатлар бўйича харажатлар; кимошди савдосидаги йиғим ва ҳоказо; ўтган йиллар зарарлари; суд харажатлари ва арбитраж йиғимлари ва ҳоказо | 26, 80 | 50,51, 52 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 36 | Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг табиий офатларнинг олдини олишда ва оқибатларини тугатишда кўрсатган хизматлари учун ҳисобварақлари ҳақ тўлашга қабул қилинган; тарани топширувчи қайтарадиган тарани етказиб беришга доир харажатлар суммалари | 80 | 60 |
| 37 | Илгари берилган, лекин даъво муддати ўтгани сабабли талаб қилиб олинмаган зарарларнинг ҳисобдан чиқарилиши | 80 | 61 |
| 38 | Харидорлар ва буюртмачиларнинг ўрни қопланмайдиган қарзлари (вексellar бўйича ва ҳоказо), агар шубҳали қарзлар бўйича захиралар вужудга келмаса, зарарги ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилган | 80 | 62 |
| 39 | Тақдим этилган эътирозлар суммалари даъво муддати ўтгани сабабли ҳисобдан чиқарилади | 80 | 63 |
| 40 | Молиявий натижаларга ёзиладиган солиқлар ва йиғимлар акс эттирилган | 80 | 68 |
| 41 | Табиий офатлар, ёнғинлар ва шу кабиларнинг олдини олиш ёки тугатиш, консервация қилинган корхоналарни тутиб туриш билан боғлиқ ходимлар меҳнатига ҳақ ҳисобланган | 80 | 70 |
| 42 | Ҳисобдор шахслар офатлар, ёнғинлар, авариялар ва шу кабилар билан боғлиқ турли харажатларга ҳақ тўлаган; уларнинг олиниши гумон қарзи ҳисобдан чиқарилган | 80 | 71 |
| 43 | Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарз суммалари даъво муддати ўтганлиги сабабли зарарларга ҳисобдан чиқарилган | 80 | 73 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 44 | Ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзлари, жарималар, пенялар ва бурдсизлик тўловлари (эътироф этилган) суммалари | (26<br>80 | 76)<br>26 |
| 45 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар фойдасига ёзиб қўйиладиган турли зарарлар суммаси акс эттирилган (табиий офатлар ва ҳоказо) | 80 | 79 |
| 46 | Шубҳали қарзлар бўйича захиралар барпо этилган | 80 | 82 |
| 47 | Товар-моддий бойликлар камомадлари зарарларга ҳисобдан чиқарилган (табиий офатлар, бошқа сабабларда, қарор қилинмаган суммалар ва ҳоказо) | 80 | 84 |
| 48 | Ҳисобот йилининг тақсимланган фойдаси суммаси декабрнинг якунловчи ёзувлари билан ҳисобдан чиқарилади | 80 | 87 |
| 49 | Харажатларнинг таннархга ҳисобдан чиқарилмаганлиги фактларининг тузатилиши (ўтган йиллар зарарлари); ўтган йилдаги эскиришнинг тўлиқ ҳисобланмаганлиги (ортиқча ҳисобдан чиқаришга - тескари ёзув) | 80 | 02,05, 13 турли ҳисоб-варақлар |
| 50 | Йил давомида хорижий валютадаги узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар билан ўтказилган операциялар бўйича курсдаги фарқлар (бевосита молиявий натижаларга ҳисобдан чиқаришда)<br>ижобий<br>салбий | <br>06<br>80 | <br>80<br>06 |
| 51 | Вексель билан таъминланган пуллик ссуда бўйича қарзнинг даъво муддати ўтиб кетганлиги сабабли зарарга ҳисобдан чиқарилиши | 80 | 6 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 52 | Тикланаётган асосий воситалар объектлари қийматига киритиладиган зарарлар ҳисобдан чиқарилган; ускуна ва бошқа мол-мулкнинг ортиқча миқдорлари | 08 | 80 |
| 53 | Талаб қилиб олинмаган бўнаклар ҳисобдан чиқарилган; курсдаги ижобий фарқлар | 64 | 80 |
| 54 | Илгари ҳисобга берилган хорижий валютадаги суммаларни узиш операциялари бўйича курсдаги ижобий фарқлар | 71 | 80 |
| 55 | Илгари ҳисобга берилган хорижий валютадаги суммаларни узиш операциялари бўйича курсдаги салбий фарқлар | 80 | 71 |
| 56 | Шуъба корхоналар ўз фойдасининг бир қисмини уни тақсимлаш тартибида беришди | 78 | 80 |
| 57 | Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича валюта курсидаги ижобий фарқлар | 78 | 80 |
| 58 | Алоҳида балансларга ажратилган ички бўлинмалар фойдасига ёзиб қўйиладиган турли захиралар суммаси (табиий офатлар, ёнғинлар, жарималар ва ҳоказо туфайли) | 80 | 79 |
| 59 | Филиаллар билан ҳисоб-китоблардаги курсдаги салбий фарқлар | 80 | 79 |
| 60 | Филиаллар ва ваколатхоналар билан ҳисоб-китоблардаги курсдаги ижобий фарқлар | 79 | 80 |
| 61 | Уй-жой-коммунал хўжалигидан фойдаланишдан кўрилган зарарларнинг қопланиши суммалари акс эттирилган | 80 | 29 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 62 | Суғурта қопламалари билан ўрни қопланмайдиган суғурта ҳолатларидан зарарлар фойда ҳисобига ҳисобдан чиқарилган | 80 | 65 |
| 63 | Йил давомида ҳисобланган солиқ тўловлари ва йиғимлар акс эттирилган | 81,<br>80 | 68 |
| 64 | Маданий-маърифий муассасаларни ва болалар лагерларини тутиб туриш бўйича турли корхоналар қоплайдиган харажатлар акс эттирилган | 80 | 26 |
| 65 | Қопланмаган зарарнинг ҳисобдан чиқарилиши | 80 | 87 |
| 66 | Асосий воситаларнинг узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича фоизларнинг тўланиши учун ҳисобланган суммалар | 80 | 97 |
| 67 | Ҳисобот йили фойдаси ҳисобидан мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағларининг шакллантирилиши акс эттирилган | 87/2 | 96 |
| 68 | Акцияларни чиқаришга доир харажатлар | 26 | Харажат ҳисоб-варақлари |
| 69 | 83-ҳисобварақда ҳисобда турган кўрсатилган қарз бўйича курсдаги фарқларнинг ижобий сальдоси ҳисобдан чиқарилади (кирим қилиниш санасига) | 83 | 80 |
| 70 | Капитал маблағ сарфлашлар бўйича курсдаги фарқларнинг салбий сальдоси ҳисобдан чиқарилади | 08 | 80 |
| 71 | 52-ҳисобварақда ҳисобда турган маблағларнинг ЎзР МБнинг хорижий валютани сотиш кунидаги курси бўйича қайта ҳисоблаб чиқилиши натижасида вужудга келган курсдаги фарқ акс эттирилади (курсга қараб) | 80<br>52 | 52,<br>80 |

# 81-"ФОЙДА (ДАРОМАД)ЛАР УЧУН ҲИСОБЛАНГАН ВА ТЎЛАНГАН СОЛИҚЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи йил давомида фойда (даромад)лардан қонунга кўра белгиланган солиқлар бўйича бўнак тўловларини ва ушбу солиқлар бўйича амалдаги фойдадан қайта ҳисоб-китоблар бўйича ҳисобланган тўловларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Фойдадан солиқларнинг ҳисобланиши ва тўланиши тартиби қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳисобот йили тугагач йиллик бухгалтерлик ҳисоботини тузишда бу ҳисобварақ ёпилади.

81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағининг дебети бўйича йил давомида бюджетга ҳисобланган солиқ тўловлари - 68-"Бюджет билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади. 81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағида ҳисобда турган суммалар 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ажратмалар, бадаллар, тўловларнинг турлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Фойдадан бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган қарз суммалари акс эттирилган | 81 | 68 |
| 2 | Бюджетга, шу жумладан маҳаллий бюджетларга тўланиши лозим бўлган солиқлар ва йиғимлар акс эттирилган | 81 | 68 |
| 3 | Асоссиз олинган фойда ва иқтисодий жазоларнинг бюджетга киритилиши | 81 | 68 |
| 4 | Ҳисобот йили давомида 81-"Фойда (даромад)лар учун ҳисобланган ва тўланган солиқлар" ҳисобварағининг ёпилиши | 80 | 81 |

## 82-"ШУБҲАЛИ ҚАРЗЛАР БЎЙИЧА ЗАХИРАЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

82-"Шубҳали қарзлар бўйича захиралар" ҳисобварағи бухгалтерлик ҳисобида айрим объектларнинг баҳоланишини аниқлаш учун корхона фойдаси ҳисобидан барпо этиладиган захиралар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Шубҳали қарзлар бўйича захиралар рўйхати ва уларни барпо этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

82-"Шубҳали қарзлар бўйича захиралар" ҳисобварағида шубҳали қарзлар бўйича захираларнинг аҳволи ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Барпо этиладиган захиралар суммасига 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг дебети ва 82-"Шубҳали қарзлар бўйича захиралар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзувлар дебиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисобварақлари билан боғлиқликда амалга оширилади. Шубҳали қарзлар бўйича захираларнинг сарфланмаган суммаларини улар барпо этилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшишда 82-"Шубҳали қарзлар бўйича захиралар" ҳисобварағининг дебети ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг кредити бўйича ёзув амалга оширилади.

82-"Шубҳали қарзлар бўйича захиралар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб захира барпо этилган ҳар бир шубҳали қарз бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **82-"Шубҳали қарзлар бўйича захиралар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Шубҳали қарзлар бўйича захиралар барпо этилган (декабрнинг якунловчи ёзувлари билан) | 80 | 82 |
| 2 | Берилган бўнаклар бўйича униши гумон қарз ҳисобдан чиқарилган | 82 | 61 |
| 3 | Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзлари (шу жумладан, векселлар бўйича) шубҳали қарзлар учун захиралар ҳисобидан ҳисобдан чиқарилган | 82 | 62 |
| 4 | Корхона илгари шубҳали деб эътироф этган талаб қилиб олинмаган қарзлар ҳисобдан чиқарилган | 82 | 76 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Шубҳали қарзлар бўйича захираларнинг сарфланмаган суммаларини улар барпо этилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшиш | 82 | 80 |

## 83-"КЕЛГУСИ ДАВРЛАР ХАРАЖАТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

83-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобвараги ҳисобот йилида олинган (ҳисобланган), лекин келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган даромадлар, шунингдек ҳисобот йилида ўтган йиллар учун аниқланган камомадлар ва айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма билан бойликларнинг камомадлари бўйича баланс қиймати ўртасидаги фарқлар ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

83-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағига қуйидаги илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

83-1-"Келгуси даврлар ҳисобига олинган даромадлар";

83-2-"Ўтган йилларда аниқланган камомадларга доир қарзлар юзасидан тушиши лозим бўлган тушумлар";

83-3-"Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма билан бойликларнинг камомадига оид баланс қиймати ўртасидаги фарқ".

83-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағининг кредити бўйича келгуси ҳисобот давридаги тегишли даромадлар суммалари, дебети бўйича эса - ушбу даромадлар тегишли бўлган ҳисобот даври келганида тегишли ҳисобварақларга ўтказилган даромадлар суммалари пул маблағларини ёки дебиторлик ва кредиторлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

83-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб даромадларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

83-1-"Келгуси даврлар ҳисобига олинган даромадлар" илова ҳисобварағида ҳисобот даврида олинган, лекин келгуси ҳисобот даврларига тегишли бўлган даромадлар; ижара ёки квартира ҳақи, коммунал хизматлар учун ҳақ, юк ташишлар учун тушум, алоқа воситаларидан фойдаланганлик учун абонемент ҳақи ва бошқаларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

83-2-"Ўтган йилларда аниқланган камомадларга доир қарзлар юзасидан тушиши лозим бўлган тушумлар" илова ҳисобварағида ҳисобот даврида ўтган йиллар учун аниқланган камомадларга доир қарзлар юзасидан тушиши лозим бўлган тушумларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

83-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағининг кредити бўйича ўтган ҳисобот даврларида (ҳисобот йилигача) аниқланган, айбдор шахслар томонидан эътироф этилган ёки суд органлари улардан ундириш бўйича қарор чиқарган бойликлар камомадлари суммалари 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади. Айни пайтда ушбу суммаларга 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ("Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи) ҳисобварағи билан боғлиқликда кредит қилинади.

Камомадлар бўйича қарзнинг узилишига қараб 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда бир вақтнинг ўзида келиб тушган суммаларни 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг кредити (ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдалари) ва 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағининг дебети бўйича акс эттирилган ҳолда кредит қилинади.

83-3-"Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма билан бойликларнинг камомадига оид баланс қиймати ўртасидаги фарқ" илова ҳисобварағида айбдор шахслардан етмайдиган моддий ва бошқа бойликлар учун ундириб олинадиган сумма билан бундай бойликларнинг корхона балансида ҳисобда турган қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобга олинади.

83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағининг кредити бўйича шахслардан ундириб олинадиган сумма билан бундай бойликларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ("Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи) ҳисобварағи акс эттирилади. 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағида ҳисобга қабул қилинган қарзнинг узилишига қараб фарқнинг тегишли суммалари 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағидан 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағининг кредитига ҳисобдан чиқарилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **83-"Келгуси даврлар харажатлари" ҳисобварағи** | | | |
| 1 | Етмайдиган товарлар ва тара тегишли чегирма (устама) суммаси ҳисобдан чиқарилган | 42 | 83 |
| 2 | Қўшимча ижара талаблари; ижарага берувчининг фоизлари ва даромади; ижарага топширилган объектлар қийматидаги фарқ | 47 | 83 |
| 3 | Келгуси даврлар даромадлари ҳисобига турли тўловлар келиб тушди (олдиндан келиб тушган ижара ҳақи, коммунал хизматлар учун ҳақ ва ҳоказо) | 50,51, 52 | 83 |
| 4 | Бойликларнинг камомадлари бўйича айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган сумма билан баланс қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилади | 73 | 83 |
| 5 | Тўланиши лозим бўлган, олдиндан олинган ижара ҳақи, коммунал хизматлар учун ҳақ ва ҳоказо | 76 | 83 |
| 6 | Ўтган ҳисобот даврларида (ҳисобот йилигача) аниқланган, айбдор шахслар томонидан эътироф этилган ёки суд органлари улардан ундириш бўйича қарор чиқарган бойликлар камомадлари суммалари | 84 | 83 |
| 7 | Илгари хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларнинг харажатлари сифатида акс эттирилган, ушбу даромадлар тегишли бўлган ҳисобот даври келганида келгуси даврлар даромадларига ўтказиладиган даромадлар (олдиндан келиб тушган ижара ҳақи, коммунал хизматлар учун ҳақ ва ҳоказо) | 83 | 29 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобвараҳлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 8 | Келгуси даврлар тушумлари суммалари (олдиндан олинган алоқа хизматлари, коммунал хизматлари ва ҳоказо) улар тегишли бўлган ҳисобот даври келганида сотиш ҳажмига киритилган | 83 | 46 |
| 9 | Кассадан келгуси даврлар даромадларини камайтириш учун йўналтирилган суммалар тўланган | 83 | 50 |
| 10 | Камомаднинг айбдор шахслардан ундириладиган суммаси билан уларнинг ҳисобга олиш нархлари бўйича қиймати ўртасидаги бюджет даромадига ўтказиладиган фарқнинг ҳисобланиши акс эттирилган | 83 | 68 |
| 11 | Тегишли давр келганида ижара ҳақининг акс эттирилиши; навбатдаги муддат бўйича қўшимча даромад (асосий воситалар ижарачи томонидан ижара муддати тугагунигача сотиб олинган) | 83 | 80 |
| 12 | Илгари харид қилинган, ижарага топширилган объектларнинг тўлиқ муддати учун ижара тўловлари суммаси акс эттирилган | 09 | 83 |
| 13 | Қарзнинг узилишига қараб фарқнинг тегишли суммалари ҳисобдан чиқарилади (етмайдиган бойликлар бўйича); узоқ муддатли маблағ билан таъминланадиган ижарада тушадиган даромадлар (мол-мулкнинг ижарага топширилиши); кимошди савдосида сотиб олишдаги фарқ секин-аста фойдага ёзиб қўйилади | 83 | 80 |

## 84-"БОЙЛИКЛАРНИНГ ИШДАН ЧИҚИШИ НАТИЖАСИДАГИ КАМОМАДЛАР ВА ЙЎҚОТИШЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи бойликлар (шу жумладан, пул

маблағлари)нинг тайёрланиши, сақланиши ва сотилиши жараёнида аниқланган, уларнинг ишдан чиқиши натижасида юз берган камомадлар, ўғирликлар ва йўқотишлар суммаларининг, улар ишлаб чиқариш (муомала) харажатлари ёки айбдор шахсларнинг ҳисобварақларига киритилишидан қатъи назар, мавжудлиги ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бунда бойликларнинг табиий офатлар натижасида вужудга келган йўқотишлар ҳисобот йилидаги зарарлар (табиий офатлардан ўрни қопланмайдиган йўқотишлар) сифатида 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ёзилади.

Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасида юз берган камомадлар, ўғирликлар ва йўқотишлар суммаларини ҳисобдан чиқариш қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича қуйидагилар келтирилади:

етмайдиган (ўғирланган) ёки тўлиқ ишдан чиққан товар-моддий бойликлар бўйича - уларнинг амалдаги таннархи (таъминот, сотиш, савдо корхоналари - ҳисоб сотиш нархлари бўйича юритилганида сотиш нархлари бўйича қиймати);

етмайдиган (ўғирланган) ёки тўлиқ ишдан чиққан асосий воситалар бўйича - уларнинг қолдиқ қиймати (ҳисобланган эскириш суммаси чиқариб ташланган дастлабки қиймати);

қисман ишдан чиққан товар-моддий бойликлар бўйича - белгиланган йўқотишлар суммаси.

Моддий бойликларнинг камомадлари (ўғирликлар) ва ишдан чиқиши бўйича 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича айтиб ўтилган бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредитидан ёзувлар амалга оширилади.

Харидорнинг маҳсулот етказиб берувчилардан келиб тушган товарларни қабул қилишида камомад ёки бузилиш аниқланса, унда табиий зарар нормалари доирасидаги камомад суммасини харидор товарларни кирим қилишда 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебетига 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредитидан, маҳсулот етказиб берувчиларга ёки транспорт ташкилотига тақдим этилган табиий зарар нормаларидан ортиқ йўқотишлар суммасини 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебетига 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудрат-

чилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредитидан ёзиб қўяди. Арбитраж органлари маҳсулот етказиб берувчилар ёки транспорт ташкилотларидан йўқотишлар суммасини ундиришдан воз кечганида илгари 63-"Эътирозлар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебетига ёзиб қўйилган сумма 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

Арбитраж органлари маҳсулот етказиб берувчилардан табиий зарар нормаларидан ортиқ камомадлар ва йўқотишлар суммасини ундириш тўғрисида қарор чиқарганида маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтерлик ҳисобида илгари 51-"Ҳисоб-китобварағи", 52-"Валюта ҳисобварағи" ёки 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг дебети ва 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилган сумма харидор ундирган камомадлар ва йўқотишлар суммасига сторно қилинади. Айни бир пайтда кўрсатилган сумма 51-, 52- ёки 62-ҳисобварақларнинг дебети ва 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича оддий ёзув билан акс эттирилади. Суммаларнинг харидорга ўтказилишида 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи 51-"Ҳисоб-китобварағи" билан алоқадорликда дебет қилинади. Маҳсулот етказиб берувчи ҳам айланишларни 46-"Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши" ҳисобварағининг дебети ва 40-"Тайёр маҳсулот" ҳисобварағининг кредити бўйича сторно қилиши керак. Шу тариқа 40-"Тайёр маҳсулот" ҳисобварағига қайта тикланган сумма кейинчалик 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг кредити бўйича қуйидагиларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирлади:

бойликларнинг табиий зарар нормалари доирасидаги камомадлар ва йўқотишлар - моддий бойликларни ҳисобга олиш бўйича ҳисобварақларга (улар тайёрланиш пайтида аниқланганида) ёки ишлаб чиқариш, муомала харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларига (улар сақлаш ёки сотиш пайтида аниқланганида);

бойликларнинг табиий зарар нормаларидан ортиқ камомадлари, бузилишдан йўқотишлар, шунингдек ўғирланган бойликлар - 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-

китоблар" ("Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи) ҳисобварағининг дебетига;

аниқ айбдорлар бўлмаган ҳоллардаги бойликларнинг табиий зарар нормаларидан ортиқ камомадлари ва бузилишдан йўқотишлари, шунингдек даъвонинг асосланмаганлигига кўра суд ундирилишидан воз кечган товар-моддий бойликларнинг камомадлари ва ўғирланишлари - 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағига.

84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг кредити бўйича суммалар кўрсатилган ҳисобварақнинг дебети бўйича ҳисобга қабул қилинган миқдорларда акс эттирилади. Бунда етмайдиган, ўғирланган ёки бузилган моддий бойликлар уларнинг амалдаги таннархи бўйича ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисобвароқларига ҳисобдан чиқарилади.

84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебети бўйича кўрсатилган бойликларнинг қийматини сотиш нархлари бўйича акс эттирадиган таъминот, сотиш ва савдо корхоналари муомала харажатларига ҳисобдан чиқарилган суммани 42-"Савдо устамаси" ҳисобварағидан қўшимча ёзув билан ана шундай товарларга тўғри келадиган чегирма (устама)ларга ўзгартиради.

Агар етмайдиган ёки ўғирланган бойликларнинг қиймати айбдор шахслардан уларнинг баланс қийматидан ортиқ бўлган нархлар бўйича ундириладиган бўлса, унда етмайдиган бойликларнинг 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағига ёзиб қўйилган қиймати билан уларнинг 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағида акс эттирилган қиймати ўртасидаги фарқ 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағининг кредитига ёзиб қўйилади. Айбдор шахсдан ундирилиши лозим бўлган сумманинг ундирилишига қараб кўрсатилган фарқ 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

Бойликларнинг жорий йилда аниқланган, лекин ўтган даврларга тегишли бўлган, моддий жавобгар шахслар томонидан эътироф этилган ёки айбдор шахслардан ундириб олиниши хусусида суд органларининг қарори мавжуд бўлган камомадлар 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағининг дебети ва 83-"Келгуси даврлар даромадлар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади. Айни бир пайтда ушбу суммаларга 73-"Ходимлар билан

бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ("Моддий зарарни қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар" илова ҳисобварағи) ҳисобварағи дебет қилинади ва 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи кредит қилинади. Қарзнинг узилишига қараб 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи дебет қилинади ва 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағи дебет қилинади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

### 84-"Бойликларнинг ишдан чиқиши натижасидаги камомадлар ва йўқотишлар" ҳисобварағи

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Қимматли қоғозларнинг камомади | 84 | 06,58 |
| 2 | Тугалланмаган қурилиш, шу жумладан монтаж талаб қилмайдиган ускуналарнинг камомадлари акс эттирилган | 84 | 08 |
| 3 | Товар-моддий бойликларни ишлаб чиқаришга (фойдаланишга) бериб юборишгача уларнинг камомади ва бузилиши аниқланган, шу жумладан суд ёки арбитражнинг рад қилишида (суммаларни қайта тиклашни); ўлган ёки сўйилган ҳайвонларнинг (эпизоотия ва табиий офатлардан ташқари) | 84 | 10,21, 11,12 19,40 41 |
| 4 | Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг камомадлари акс эттирилган (асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда, хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда) | 84 | 20,23, 29 |
| 5 | Илгари ҳисобдан чиқарилган камомад қайта тикланган ва муомала харажатларини қамайтиришга айлантирилган (савдо ва шу каби корхоналарда) | 84 | 26 |
| 6 | Илгари юклаб жўнатилган сифатида акс эттирилган бойликларнинг камомади акс эттирилган | 84 | 45 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 7 | Етмайдиган асосий воситаларнинг қиймати акс эттирилган | 84 | 47 |
| 8 | Кассада пул маблағларининг камомади акс эттирилган (рўйхатдан ўтказишда) | 84 | 50 |
| 9 | Пул ҳужжатларининг камомади акс эттирилган | 84 | 56 |
| 10 | Товар-моддий бойликларни қабул қилиш ва кирим қилишда уларнинг табиий зарар нормалари доирасидаги камомади ёки корхона ва унинг ходимлар айбига кўра қабул қилиниши акс эттирилади | 84 | 60 |
| 11 | Суд ва арбитраж органларининг илгари эътирозлар сифатида тақдим этилган камомадлар суммаларининг маҳсулот етказиб берувчилар ёки транспорт ташкилотларидан ундирилишини рад қилиши | 84 | 63 |
| 12 | Ходимлар белгиланган муддатларда қайтармаган ёки ноқонуний сарфланган ҳисобдаги суммалар | 84 | 71 |
| 13 | Даъвонинг асосланмаганлиги сабабли ундирилиши рад қилинган камомадлар суммалари ҳисобдан чиқарилган | 84 | 73 |
| 14 | Камомадлар бўйича нархлардаги фарқлар (ушбу ҳисобот йилида) корхонанинг даромадига айлантирилган; айбдор шахсларга ёзилган, совуққонлик туфайли келтирилган зарарларнинг ҳисобдан чиқарилиши | 84 | 80 |
| 15 | Ўтган ҳисобот даврлари учун (ҳисобот йилигача) аниқланган, айбдор шахслар эътироф этган ёки суд ундирилишини қарор қилган бойликлар камомадларининг суммалари | 84 | 83 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 16 | Бойликларнинг камомади ва бузилиши капитал маблаг сарфлашлар бўйича харажатларга киритилган (ундиришни суд рад қилганида ва ҳоказо) | 08 | 84 |
| 17 | Табиий зарар нормалари доирасидаги камомадлар (йўлдаги) тайёрланган материалларнинг таннархига киритилган (15-ҳисобварақ қўлланилганида) | 15 | 84 |
| 18 | Етмайдиган ёки бузилган материалларга тегишли қийматдаги фарқлар ҳисобдан чиқарилган (ортиқча харажат ёки иқтисод - сторно) | 16 | 84 |
| 19 | Моддий бойликларнинг камомадлари (қонунларга биноан) корхона ҳисобига қабул қилинган ва тегишли ҳисобварақларга ёзиб қўйилган (шу жумладан, табиий зарар) | 20,23<br>25,26<br>29 | 84 |
| 20 | Товарлар ва шу кабиларнинг камомади корхона ҳисобига қабул қилинган ва муомала харажатларига ёзиб қўйилган (савдода) | 26 | 84 |
| 21 | Илгари акс эттирилган моддий бойликларнинг камомадлари ёки бузилиши айбдорларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммаларидан ушлаб қолишлар (табиий зарар нормаларидан ортиқ бўлганида) | 70 | 84 |
| 22 | Айбдор шахслардан (камомадлар учун ва ҳоказо), шу жумладан ўтган йиллардаги камомадлар ва табиий зарар нормаларидан ортиқ даражадаги зарарлар учун ундирилиши лозим бўлган суммалар акс эттирилган | 73 | 84 |
| 23 | Қарор қилинмаган суммалар ҳисобдан чиқарилган, шунингдек камомадлар зарарларга ёзиб қўйилган (табиий офатларда ва шунга ўхшаган сабабларда) | 80 | 84 |

## VIII бўлим

## САРМОЯ ВА ЗАХИРАЛАР

Ушбу бўлим ҳисобварақлари корхонанинг ўз сармояси, шу жумладан қонун ҳужжатлари ва (ёки) таъсис ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган фондлар ва захираларнинг аҳволи ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

## 85-"УСТАВ САРМОЯСИ" ҲИСОБВАРАҒИ

85-"Устав сармояси" ҳисобварағи корхонанинг устав сармояси (капитали)нинг аҳволи ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Устав сармоясини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва таъсис ҳужжатлари орқали тартибга солинади.

Устав сармоясининг "Устав сармояси (фонди)" ҳисобварағида ҳисобга олиниши қуйидагича илова ҳисобварақларида амалга оширилади:

85-1-"Устав сармояси (фонди)"

85-2-"Қўшилган сармоя"

85-3-"Захира сармояси"

85-1-"Устав сармояси (фонди)" илова ҳисобварағи давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларининг устав фондини, шунингдек акциядорлик жамиятлари ва ширкатларининг устав сармоясини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу илова ҳисобварағида рўйхатдан ўтказилган миқдори доирасидаги амалдаги устав сармояси миқдори ҳисобда уставда рўйхатдан ўтказилган суммадан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Иштирокчиларга уларнинг устав сармоясидаги улушининг бир қисмини қайтариш бундай сармоя суммасини камайтирмайди, балки акциядорлик жамиятининг сотиб олинган ўз акциялари сифатида 56-"Пул ҳужжатлари" ҳисобварағига ёзиб қўйиш билан расмийлаштирилади.

85-2-"Қўшилган сармоя" илова ҳисобварағи акцияларнинг номинал қийматидан ортиқ нархлар бўйича дастлабки сотилишида олинадиган эмиссия даромадини ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бухгалтерлик ўтказмаси қуйидагича ёзув билан расмийлаштирилади:

85-2-ҳ.в. к-ти - пул маблағларини ёки корхонага акцияларга ҳақ тўлаш учун берилган бошқа бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг д-ти.

85-3-"Захира сармояси" илова ҳисобварағи корхона уставига биноан фойда ҳисобидан ташкил этиладиган захираларни, мол-мулкни қайта баҳоланишида вужудга келадиган инфляция захираларини, шунингдек пул маблағларидан ташқари текинга олинган мол-мулк қийматини, шунингдек акциядорлик жамияти (ширкати)нинг мол-мулкини кўпайтирадиган бошқа тушумларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

85-3-"Захира капитали" илова ҳисобарағининг ташкил топиши ва тўлдирилиши 85-3-ҳ.в. нинг кредити бўйича 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)", 04-"Номоддий активлар", 01-"Асосий воситалар", 10-"Материаллар" ва бошқа мол-мулкни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

Корхона давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг унинг устав сармояси таъсис ҳужжатларида назарда тутилган муассислар (иштирокчилар)нинг ҳиссалари суммасида (акцияларга ўтказилган обуна суммасида) 85-"Устав сармояси" ҳисобварағининг кредити бўйича 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади. ҳиссаларнинг келиб тушиши 85-ҳисобвараққа даҳл қилмайди, балки муассисларнинг қарзини узади. Муассислар ҳиссаларининг амалда келиб тушиши 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича пул маблағларини ва бошқа бойликларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ўтказилади.

85-"Устав сармояси" ҳисобварағида балансда акс эттириладиган устав сармоясининг миқдори корхонанинг таъсис ҳужжатлари (устави)га мувофиқ келади. Устав сармоясининг миқдори ўзгарганида уставга ўзгартишлар киритиш зарур. Агар уставга тегишли ўзгартишлар киритилмаган бўлса, асосий фондларнинг келиб тушишида, чиқиб кетишида, қайта баҳоланишида устав сармояси миқдори ўзгармайди.

Мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналарда асосий сармоянинг миқдори турлича аниқланади: акциядорлик жамиятларида устав сармояси акцияларнинг номинал бўйича жами қийматига, масъулияти чекланган жамият (ширкат)ларда - таъсис ҳужжатларига биноан мулкнинг улушлари суммасига, мулкчиликнинг жамоа шаклидаги корхонада - барча ходимлар ҳиссаларининг суммаси бўйича, давлат корхоналарида устав сармояси корхона ўзининг хўжалдик фаолиятини амалга оширишни учун давлат унга биркитиб қўйган мулк суммасига тенг бўлади.

Муассислик бадаллари пул суммалари сифатида ва бинолар,

иншоотлар, ускуналар, номоддий активлар ва бошқалар кўринишида киритилиши мумкин.

85-"Устав сармояси" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб шу тариқа ташкил этилиши керакки, у корхонанинг муассислари, сармоянинг шаклланиш босқичлари ва акцияларнинг турлари бўйича ахборотнинг вужудга келишини таъминлаши лозим.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **85-"Устав сармояси (фонди)" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Текинга олинган номоддий активлар балансга олинган; давлат корхоналари учун | 04<br>04 | 80<br>85 |
| 2 | Устав сармояси (корхона рўйхатдан ўтганидан сўнг) иштирокчилар ҳиссаларининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган суммасида тасдиқланади (акцияларга обуна суммасида); акцияларнинг номиналини кўпайтиришда қўшимча суммалар | 75 | 85 |
| 3 | Устав сармоясининг шўъба корхоналар ҳисобидан кўпайтирилиши; акциялар қиймати шўъба корхоналар ҳисобидан оширилган | 78 | 85 |
| 4 | Фойданинг бир қисми устав сармоясини кўпайтиришга йўналтирилган | 87 | 85 |
| 5 | Корхона муассисларининг ҳиссаларини қайтариш акс эттирилган; акциялар номинал қийматининг камайтирилиши; устав сармоясининг камайтирилиши | 85 | 75 |
| 6 | Устав сармояси шўъба корхонаси ташкил этилганлиги сабабли камайтирилган; акциялар қиймати шўъба корхоналар ҳисобидан камайтирилган | 85 | 75 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 7 | Бекор қилинган акциялар устав сармоясини камайтиришга ҳисобдан чиқарилган | 85 | 56 |
| 8 | Устав сармояси хусусийлаштиришнинг алоҳида тартиби назарда тутилган (давлат корхоналари учун) ижтимоий-маданий ва коммунал-маиший мақсаддаги ва бошқа объектларнинг қолдиқ қийматига камайтирилади | 85 | 47 |
| 9 | Меҳнат жамоаси аъзоларига корхонанинг фойдаси ҳисобидан берилган акциялар қиймати | 75<br>(87 | 85<br>75) |
| 10 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари (бошқа корхоналардан мақсадли дастурларни маблағ билан таъминлашга олинганларидан ташқари) устав сармоясини кўпайтиришга йўналтирилади | 96 | 85 |
| 11 | Хусусийлаштирилган (кимошди савдосида) корхона мулки ҳисобга қабул қилинган | Турли мол-мулк ҳисоб-варақлари | 85 |
| 12 | Бошқа корхоналар ва шахслардан текинга олинган асосий воситалар объектларининг кирим қилиниши; давлат корхоналари учун | 01<br>01 | 80<br>85 |
| 13 | Ижарага берувчининг ижарачи жорий ижара бўйича қайтарган асосий воситалар қийматини ижарачининг ижарага олинган асосий воситаларга сарфлаган капитал маблағлари қийматига кўпайтириши | 01 | 85/1 |
| 14 | Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга тугалланмаган қурилишнинг қўшимча баҳоланиши | 01, 07, 08 | 85/3 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Ижарага олинган ишлаб чиқариш аҳамиятига эга асосий воситаларнинг қўшимча баҳоланиши | 03 | 85/3 |
| 16 | Кимошди савдосида (кўрикда) корхона қийматининг дастлабки баҳога нисбатан ўсиши акс эттирилади (мулкнинг харид қиймати билан баҳолаш қиймати ўртасидаги фарқ) | 04 | 85 |
| 17 | Бошқа корхоналардан турли қимматли қоғозлар текинга олинган (узоқ муддатли молиявий маблағ сарфлашлар бўйича) | 06 | 80 |
| 18 | Текинга олинган турли товар-моддий бойликларнинг кирим қилиниши (шу жумладан, монтаж талаб қилмайдиган ускунанинг ) | 07, 08, 10, 11, 12, 41 ва бошқ. | 80 |
| 19 | Бошқа корхона ва шахсларнинг пул маблағлари билан берилган текин бадаллари | 50, 51, 52 | 80 |
| 20 | Эмиссия даромади акс эттирилган (жойлаштирилган акцияларнинг сотиш харажатлари чиқариб ташланган номинал қийматидан ортиқ суммалари) | 51, 52 | 85/2 |
| 21 | Сотилган ва сотиб олинган (бекор қилинган) акцияларнинг қийматидаги фарқ қўшилган сармоя ҳисобварағига ёзиб қўйилади:<br>камайтиришга<br>кўпайтиришга | <br><br><br><br>85<br>56 | <br><br><br><br>56<br>85 |

## 86-"ЗАХИРА ФОНДИ" ҲИСОБВАРАҒИ

86-"Захира фонди" ҳисобварағи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган захира фондининг аҳволи ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Фойдадан захира фондига ажратмалар 86-"Захира фонди"

ҳисобварағининг кредити бўйича 26-"Давр харажатлари" ҳисобварағи билан боғлиқликда акс эттирилади.

Захира фонди маблағларининг фойдаланилиши 86-"Захира фонди" ҳисобварағининг дебети бўйича ана шу маблағлар истеъмолчиларининг ҳисобварақлари билан боғлиқликда ҳисобга олинади. Масалан, ҳисобот йилида иштирокчиларга даромадлар (дивидендлар)ни тўлаш мақсадлари учун фойданинг йўқлиги ёки камлиги ҳолларида ана шу мақсадлар учун йўналтириладиган суммалар - 75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ҳисобга олинади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **86-"Захира фонди" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Бойликларнинг арзонлаштирилиши захира фонди суммалари ҳисобига ёзиб қўйилган | 86 | 14 |
| 2 | Ҳисобот йилида иштирокчиларга даромадларни тўлаш мақсадлари учун фойданинг йўқлиги ёки камлиги ҳолларида ана шу мақсадлар учун йўналтириладиган захира фонди суммалари | 86 | 75 |
| 3 | Захира фонди турли дебиторлар қарзларини ҳисобдан чиқариш ҳисобига камайтирилган; захира фонди ҳисобидан дивидендларнинг ҳисобланиши | 86 | 75, 76 |

## 87-"ТАҚСИМЛАНМАГАН ФОЙДА (ҚОПЛАНМАГАН ЗАРАР)" ҲИСОБВАРАҒИ

87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағи корхонанинг тақсимланмаган фойдаси ёки қопланмаган зарари суммаларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағига қуйидагича илова ҳисобварақлари очилиши мумкин:

87-1-"Йиғилган фойда".

87-2-"Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)".

87-ҳисобварақнинг кредит сальдоси корхона амал қила бошлаган пайтдан бошлаб бутун давр учун йиғилган (капиталлаштирилган) суммадир.

87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағи бўйича дебет сальдоси корхонанинг қопланмаган зарари суммасини ифодалайди.

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси суммаси декабрь ойининг якунловчи айланмалари билан 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисоб варағининг кредитига 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ҳисобдан чиқарилади. Ҳисобот йилидаги зарар суммаси декабрь ойининг якунловчи айланмалари билан 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағининг дебетига 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ҳисобдан чиқарилади.

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдасидан фойдаланиш 87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағининг дебети бўйича қуйидаги ҳисобварақлар билан боғлиқликда акс эттирилади:

75-"Муассислар билан ҳисоб-китоблар" ва 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" - фойданинг корхона муассисларига даромадларни тўлашга йўналтиришида қўлланилади.

87-2-"Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" илова ҳисобварағида корхона фаолиятининг бутун ҳисобот йилидаги тақсимланмаган (йиғилган) фойдаси ва ўтган йиллардаги қопланмаган зарарнинг узилиши ҳисобга олинади.

Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси суммаси дивидендлар ҳисобланганидан сўнг 87-2-илова ҳисобварағидан 87-1-илова ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **87-"Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси суммаси декабрь ойининг айланмалари билан ҳисобдан чиқарилади | 80 | 87/2 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойданинг корхона муассисларига даромад (дивиденд)лар тўлашга йўналтирилиши | 87/2 | 70, 75 |
| 3 | Ҳисобот йилининг балансдаги зарари умумий молиявий натижа сифатида ҳисобдан чиқарилган (декабрнинг якунловчи айланмалари билан) | 87/2 | 80 |
| 4 | Акциядорлар (муассислар)га тўланиши лозим бўлган дивидендлар акс эттирилган | 87/2 | 75 |
| 5 | Акциядор-ходимларга тўланиши лозим бўлган даромад (дивиденд)лар акс эттирилган; моддий ёрдам ва бошқа тўловлар ва нафақаларнинг ҳисобланиши | 87/2 | 70 |
| 6 | Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойданинг қолдиғи йиғилган фойдага ёзиб қўйилган | 87/2 | 87/1 |

## 89-"НАВБАТДАГИ ХАРАЖАТЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ ЗАХИРАЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағи харажатлар ва тўловларни бир текисда ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига киритиш мақсадида белгиланган тартибда захира қилинган суммаларнинг аҳволи ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Жумладан, бу ҳисобварақда қуйидаги суммалар акс эттирилиши мумкин:

саноатнинг мавсумий тармоқларидаги тайёргарлик ишлари бўйича ишлаб чиқиш харажатлари;

асосий воситаларни тузатиш бўйича эндиликда қилинадиган харажатлар;

вақтинчалик (титулли) бино ва иншоотларни тиклаш бўйича харажатлар.

Ишлаб чиқариш ва муомала харажатлари ҳисобидан суммаларни захира қилиш тартиби тегишли қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади.

У ёки бошқа суммаларнинг захира қилиниши 89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағининг кредити бўйича ишлаб чиқариш ёки давр харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда акс эттирилади.

Илгари захира қилинган амалдаги харажатлар ва тўловлар 89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағининг дебетига, жумладан, қуйидаги ҳисобварақлар билан боғлиқликда ёзиб қўйилади: 70-"Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар" - ходимларга таътил вақти учун иш ҳақи ва хизмат муддати учун ҳар йилги рағбатлантириш ҳақи суммаларига; 23-"Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" - корхонанинг цехлари (устахоналари) амалга оширган асосий воситаларни тузатиш қийматига ва ҳоказо.

Бирор захира бўйича суммаларнинг тўғри таркиб топтирилиши ва фойдаланилиши вақти-вақти билан (йил охирида эса - мажбурий тарзда) сметалар, ҳисоб-китоблар ва шу кабиларнинг маълумотлари бўйича текширилади ва зарур бўлганида ўзгартирилади.

89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб алоҳида захиралар бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **89-"Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидан навбатдаги харажатлар захираларининг таркиб топтирилиши акс эттирилган (тегишли ҳисобварақлар бўйича); ортиқча ҳисобланган захиранинг ҳисобланиши ёки сторно қилиниши ҳам шу тарзда ўтказилади | 20, 23, 25, 26, 29 | 89 |
| 2 | Шунинг ўзи, лекин келгуси даврлар харажатлари сифатида акс эттириладиган харажатлар бўйича (мавсумий тармоқларда, тузатиш ишлари бўйича, ижарага олинган воситалар бўйича ва ҳоказо) | 31 | 89 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 3 | Шунинг ўзи, лекин маҳсулотнинг сотилиши билан банд бўлган ишчилар бўйича | 26 | 89 |
| 4 | Шунинг ўзи, лекин савдо, умумий овқатланиш, воситачилик ва шу каби корхоналарда | 26 | 89 |
| 5 | Илгари келгусида харажатлар таркибида захира қилинган эскиришнинг акс эттирилиши (мавсумий тармоқларда, асосий воситалар ва ижара буюмларининг тузатилиши) | 89 | 02 |
| 6 | Материаллар илгари ташкил этилган келгусидаги харажатларнинг захиралари ҳисобига акс эттириладиган харажатларга ҳисобдан чиқарилган | 89 | 10 |
| 7 | Харажатлари илгари захира қилинган тузатиш ва бошқа ишларда ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 89 | 13 |
| 8 | Ўз ишлаб чиқаришнинг ярим тайёр маҳсулотлари келгусидаги тўловлар захиралари ҳисобига амалга ошириладиган харажатларга сарфланган | 89 | 21 |
| 9 | Корхона цехлари амалга оширган асосий воситаларни тузатиш ва бошқа ишларнинг, шунингдек хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларда илгари ташкил этилган захиралар ҳисобига бажарилган ишлар ва хизматларнинг қиймати | 89 | 23, 29 |
| 10 | Вақтинчалик бино ва иншоотларни тиклашга доир харажатлар илгари шу мақсадлар учун ташкил этилган захира ҳисобидан амалга оширилган | 89 | 30 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 11 | Шунинг ўзи, лекин мавсумий тармоқлардаги харажатлар бўйича, ижарага олинган асосий воситалар бўйича тузатиш ишлари ва ҳоказо | 89 | 31 |
| 12 | Навбатдаги харажатлар ва тўловларнинг захиралари ҳисобидан ишлатилган товарлар қиймати ҳисобдан чиқарилган | 89 | 41 |
| 13 | Харажатларга ҳисоб-китоб ёки валюта ҳисобварагидан илгари захира қилинган суммалар бўйича ҳақ тўланган | 89 | 51, 52 |
| 14 | Турли корхоналарнинг келгусидаги захиралар ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар, шу жумладан кафолатли тузатишнинг амалга оширилишида кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган | 89 | 76 |
| 15 | Келгусидаги харажатларга ҳисобланган, фойдаланилмай қолган захиралар суммалари корхонанинг даромадига айлантирилган | 89 | 80 |

# IX бўлим
# КРЕДИТЛАР ВА МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Бу бўлимнинг ҳисобварақлари корхона фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун четдан олинган маблағлар: банкдан олинган кредитлар; бошқа қарз берувчилар (кредиторлар)дан олинган кредитлар; мақсадли тадбирларни маблағ билан таъминлашнинг бошқа маблағлари аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар корхона банкдаги махсус ссуда ҳисобварағига эга бўлса, унда ушбу ҳисобварақдаги маблағларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун "Махсус ссуда ҳисобвараги" деган ном бериладиган 91-ҳисобварақ қўлланилади.

Корхона фаолиятининг хорижий валюталардаги маблағ билан таъминланиши билан боғлиқ ҳисоб-китоблар ушбу бўлим ҳисобварақларида сўмларда хорижий валютани пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари ёзилган кундаги курс бўйича қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланадиган суммаларда ҳисобга олинади. Айни бир вақтда бу ҳисоб-китоблар ва тўловлар валютасида ҳам акс эттирилади. Банклар, бошқа қарз берувчилар (кредиторлар)-нинг хорижий валюталардаги кредитлари бўйича курсдаги фарқлар, шу жумладан, қарзнинг бухгалтерлик балансини тузиш санасидаги қайта баҳолашдаги фарқ 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ёзиб қўйилади.

Хорижий валюталардаги маблағ билан таъминлаш маблағлари ушбу бўлим ҳисобварақларида алоҳида тарзда, яъни алоҳида илова ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

## 90-"БАНКЛАРНИНГ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағи корхонанинг республика худудидаги ва хориждаги банклардан миллий ва хорижий валюталарда олинган турли қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатта) кредитларининг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Кредит бериш, кредитларни расмийлаштириш ва уларни узиш тартиби банкларнинг қоидалари ва кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Банкларнинг олинган қисқа муддатли кредитлари суммалари 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағининг кредити ва 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи", 52-"Валюта ҳисобварағи", 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақ-

лар", 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоб" ва шу каби ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

Банкларнинг узилган кредитлари суммаларига 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобвараги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда дебет қилинади. Банкларнинг ўз муддатида тўланмаган кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

Агар олинган кредитлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг тўланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан (90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағини четлаб) тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича ёзув ёзиб қўйилади. Агар олинган кредитлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг ҳисобланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағининг кредити бўйича тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзув ёзиб қўйилади. Ҳисобланган фоизлар суммалари алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

Қисқа муддатли кредитларнинг тафсилий ҳисоби кредитлар турлари, уларни берган банклар ва алоҳида кредитлар бўйича юритилади.

90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағига алоҳида илова ҳисобварағида банклар билан узиш муддати бир йилгача бўлган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операциялари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операциялари векселни ушлаб турган корхона томонидан 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" (векселнинг номинал қиймати) ҳисобварақининг кредити ва 51-"Ҳисоб-китобварағи" ёки 52-"Валюта ҳисобварағи" (пул маблағларининг амалда олинган суммаси) ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" (банкка тўланган ҳисобга олиш фоизи) ҳисобварақларининг дебети бўйича акс эттирилади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операцияси банкнинг ҳақ тўлангани ҳақидаги хабарномаси асосида вексель суммасини 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағининг дебети ва 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттириш йўли билан ёпилади.

Векселни ушлаб турган корхонанинг банкдан олинган пул маблағларини векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) натижасида векселни берувчи ёки вексель бўйича бошқа тўловчининг тўлов бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганлиги сабабли қайтаришида 90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағининг дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзув амалга оширилади. Бунда харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича муддати ўтказиб юборилган вексель билан таъминланган қарз 62-"Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар" ҳисобварағида ҳисобга олинишда давом эттирилаверади.

Дисконт қилинган векселларнинг тафсилий ҳисоби векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт)-ни амалга оширган банклар, вексель берувчилар ва алоҳида векселлар бўйича юритилади.

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **90-"Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Ҳисобот даврининг охирида фоизларни тўлашга олиниши лозим бўлган сумма банкнинг ссудасига оид қарзга қўшиб қўйилади | 80 ва бошқ. | 90 |
| 2 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар суммалари акс эттирилган; векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операцияси (узиш муддати - бир йилгача) - пул маблағларининг амалда олинган суммаси | 50, 51, 5 | 90 |
| 3 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг қарзларини узишга ишлатилади (акцепт қилинган тўлов ҳужжатларига ҳақ тўлаш) | 60 | 90 |
| 4 | Банкдан олинган қисқа муддатли ссуда билан ҳақ тўланган материаллар кирим қилинган | 10 | 90 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 5 | Бўнак банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисобидан берилган | 51 (61 | 90 51) |
| 6 | Қисқа муддатли кредитлар эътироф этилган ёки қарор қилинган эътирозлар суммалари ўрнига олинган (ҳали келиб тушмаган); банкка хато ёзувлар бўйича эътирозлар | 63 | 90 |
| 7 | Олинган бўнаклар банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисобига узилган | 64 | 90 |
| 8 | Бюджетга қарз банклардан қисқа муддатли ссуда олиш йўли билан узилган | 68 | 90 |
| 9 | Банкнинг ҳақ тўланган лимитланган чек дафтарчалари бўйича сумма (транспорт ва бошқа) | 76 | 90 |
| 10 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар шўъба корхоналарга берилган | 78 | 90 |
| 11 | Узоқ муддатли ссудаларнинг олинган қисқа муддатли кредитлар билан узилиши | 92 | 90 |
| 12 | Қисқа муддатли кредитларнинг бир тури уларнинг бошқа турига қайта расмийлаштирилган (шу жумладан, муддати ўтказиб юборилган ссудалар бўйича қарзни узиш) | 90 | 90 |
| 13 | Корхоналарнинг (банклардан ташқари) қарзга оид мажбуриятларининг олинган қисқа муддатли кредитлар билан узилиши | 94, 95 | 90 |
| 14 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича қарзнинг узилиши; векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) натижасида векселни берувчининг тўлов бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганлиги сабабли векселни ушлаб турган корхонанинг банкдан олинган пул маблағларини қайтариши; банкнинг векселга харидорнинг ҳақ тўлагани ҳақидаги хабарномаси олинган | 90 | 50, 51, 52, 55 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 15 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича қарз шўъба корхоналар ҳисобидан узилган (ёки улар томонидан) | 90 | 78 |
| 16 | Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операцияси банкнинг ҳақ тўлангани ҳақидаги хабарномаси асосида вексель суммасини акс эттириш йўли билан ёпилади | 90 | 62 |
| 17 | Банкларнинг хорижий валюталардаги қисқа муддатли кредитлари бўйича курсдаги ижобий фарқлар, шу жумладан қарзнинг балансни тузиш санасидаги қайта баҳоланишидаги фарқ акс эттирилган; банклар, корхона ва ташкилотлардан олинган кредитлар ва қарзларнинг узилиши операциялари бўйича | 90 | 80 |
| 18 | Шунинг ўзи, лекин салбий фарқларда; векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт)да банкка тўланган ҳисобга олиш фоизи | 80 | 90 |
| 19 | Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар ҳисобига бўнакларнинг ўтказилиши акс эттирилган | 61 | 90,92 |

## 92-"БАНКЛАРНИНГ УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобварағи корхонанинг мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги банклардан миллий ва хорижий валюталарда олган турли ўрта ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ бўлган муддатга) кредитларининг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Кредит бериш, кредитларни расмийлаштириш ва уларни узиш тартиби банкларнинг қоидалари ва кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Банкларнинг олинган ўрта ва узоқ муддатли кредитлари суммалари 92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисоб-

варағининг кредити ва 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китобварағи", 52-"Валюта ҳисобварағи", 55-"Банклардаги махсус ҳисобварақлар", 60-"Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар" ва шу каби ҳисобварақларнинг дебети бўйича акс эттирилади.

Банкларнинг узилган кредитлари суммаларига 92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобварағи пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда дебет қилинади. Банкларнинг ўз муддатида тўланмаган кредитлари алоҳида ҳисобга олинади.

Агар олинган кредитлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг тўланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан (92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобварағини четлаб) капитал маблағ сарфлашларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича ёзув ёзиб қўйилади. Агар олинган кредитлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг ҳисобланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига 92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобварағининг кредити бўйича тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзув ёзиб қўйилади. Ҳисобланган фоизлар суммалари алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли кредитларнинг тафсилий ҳисоби кредитлар турлари, уларни берган банклар ва алоҳида кредитлар бўйича юритилади.

92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобварағига алоҳида илова ҳисобварағида банклар билан узиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операциялари бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобга олинади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операцияси векселни ушлаб турган корхона томонидан 92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобварағининг кредити (векселнинг номинал қиймати) ва 51-"Ҳисоб-китобварағи" ёки 52-"Валюта ҳисобварағи" (пул маблағларининг амалда олинган суммаси) ва 80-"Фойдалар ва зарарлар" (банкка тўланган ҳисобга олиш фоизи) ҳисобварақларининг дебети бўйича акс эттирилади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операцияси банкнинг ҳақ тўлангани ҳақидаги хабарномаси асосида вексель суммасини 92-"Банкларнинг узоқ муд-

датли кредитлари” ҳисобварағининг дебети ва тегишли дебиторлик қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича акс эттириш йўли билан ёпилади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) натижасида векселни берувчи ёки вексель бўйича бошқа тўловчининг тўлов бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганлиги сабабли векселни ушлаб турган корхонанинг банкдан олинган пул маблағларини қайтаришида 92-”Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари” ҳисобварағининг дебети бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзув амалга оширилади. Бунда харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар бўйича муддати ўтказиб юборилган вексель билан таъминланган қарз 62-”Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисобварағида ҳисобга олинишда давом эттирилаверади.

Дисконт қилинган векселларнинг тафсилий ҳисоби векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт)-ни амалга оширган банклар, вексель берувчилар ва алоҳида векселлар бўйича юритилади.

| Т/р | Операциялар мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **92-"Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари" ҳисобвараги** | | |
| 1 | Корхона банклардан олган узоқ муддатли кредитлар ҳисобига сотиб олинган, монтажни талаб қиладиган ускуна кирим қилинган | 07<br>(51 | 51<br>92) |
| 2 | Капитал маблағ сарфлашларни амалга оширишда банклардан олинган кредитлар суммалари акс эттирилган (асосий воситаларнинг қурилиши ёки сотиб олиниши) | 08<br>(51 | 51<br>92) |
| 3 | Банкларнинг узоқ муддатли кредитларининг олиниши акс эттирилган (муддати - бир йилдан ортиқ); узоқ муддатли векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операцияси; очилган аккредитивлар суммаси | 51, 52,<br>55, 50 | 92 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро богланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Хусусийлаштирилган мулкни сотиб олиш учун банкдан кредит олинган | 51 | 92 |
| 5 | Векселни узиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганида дисконт операцияси | 51,52 | 92 |
| 6 | Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарзни узишга ишлатилган | 60 | 92 |
| 7 | Ҳисобот даврининг охирида фоизларни тўлашга олиниши лозим бўлган сумма банкнинг ссудасига оид қарзга қўшиб қўйилади | 26, 08, 81 ва бошқ. | 92 |
| 8 | Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари бўйича қарзнинг узилиши акс эттирилган | 92 | 51, 52, 55 |
| 9 | Банкларнинг хорижий валюталардаги узоқ муддатли кредитлари бўйича курсдаги ижобий фарқлар акс эттирилган | 92 | 80 |
| 10 | Шунинг ўзи, лекин салбий фарқларда | 80 | 92 |
| 11 | Узоқ муддатли кредитларнинг олинган қисқа муддатли ссудалар билан узилиши | 92 | 90 |
| 12 | Векселни ҳисобга олиш (дисконт) натижасида векселни берувчининг тўлов бўйича ўз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганлиги сабабли векселни ушлаб турувчининг банкдан олинган пул маблагларини қайтариши (уларнинг нотариал норозилигидан қатъи назар) | 92 | 51, 52 |
| 13 | Дисконт фоизи акс эттирилади | 26, 31 | 92 |
| 14 | Банкнинг ҳақ тўланганлиги ҳақидаги хабарномаси олинган; векселларни ҳисобга олиш (дисконт) операцияси ёпилади | 92 | 62, 58 |
| 15 | Бюджетга қарз банкларнинг ссудасини олиш йўли билан узилган | 68 | 92 |

# 93-"БАНКЛАРНИНГ ХОДИМЛАР УЧУН КРЕДИТЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағи корхонанинг ходимларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши, боғҳовли уйчалари қурилиши ва бошқа мақсадлар учун ҳамда савдо ташкилотларининг ходимларга кредитга сотган товарлари суммаларини қоплаш учун қарзлар беришга банклардан олган кредитларининг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Кредит бериш, кредитларни расмийлаштириш ва уларни узиш тартиби банкларнинг қоидалари ва кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Банкнинг корхона ходимларига кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларига ҳақ тўлашида 93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағи 73-"Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи билан боғлиқликда кредит қилинади. Корхонанинг ходимларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши, боғҳовли уйчалари қурилиши ва бошқа мақсадлар учун қарзлар беришга банклардан олган кредитлари суммалари 93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағининг кредити ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебети бўйича акс эттирилади.

Банкларнинг кредитларини узиш суммаларига 93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағи банкка тўланиши лозим бўлган суммаларга ҳақ тўланган ҳисобварақлар (51-"Ҳисоб-китоб варағи" ва бошқалар) билан боғлиқликда дебет қилинади.

93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб кредитлар турлари, уларни берган банклар ва алоҳида кредитлар бўйича юритилади.

| Т/р | Операциялар мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **93-"Банкларнинг ходимлар учун кредитлари" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Корхонанинг ходимларга якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва бошқа мақсадларга қарзлар бериш учун банклардан олган кредитлари суммалари | 50, 51 | 93 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 2 | Кредитга товарлар сотиб олган ходимларнинг қарзни қоплаш учун банкларнинг кредити олинган; банкдан олинган кредит бўйича фоизлар суммаси | 73 | 93 |
| 3 | Ходимлар учун олинган кредитлар бўйича банкларга қарзнинг узилиши суммалари акс эттирилган; кассадан ходимларга кредитлар берилган, шунингдек кредитга берилган товарлар учун қарзни қоплашга илгари берилган кредитлар | 93 | 50, 51 |
| 4 | Корхона ходимларига банкларнинг кредитлари бўйича қарзнинг ҳисобланиши акс эттирилган | 93 | 73 |

## 94-"ҚИСҚА МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағи республика ичидаги ва хориждаги қарз берувчилар (банклардан ташқари) билан улардан олинган бир йилгача бўлган муддатли миллий ва хорижий валюталардаги кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қарз берувчилар (банклардан ташқари)дан маблағларнинг келиб тушиши пул маблағларини ёки ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебети ва 94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади. Қарз берувчи олдидаги корхона томонидан берилган векселлар билан таъминланган қарз 94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилмайди, балки алоҳида тарзда тафсилий ҳисобда ҳисобга олинади.

Агар корхонанинг маблағларни жалб этиш қисқа муддатли қимматли қоғозларни уларнинг номинал қийматидан ортиқ бўлган нарх бўйича сотиш йўли билан амалга оширилган бўлса, унда қимматли қоғозларнинг сотиш нархи билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ 85/2-"Захира сармояси" ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисобга қабул қилинади.

Агар олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг тўланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан (94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағини четлаб) тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича ёзув ёзиб қўйилади. Агар олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг ҳисобланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига 94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағининг кредити бўйича тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзув ёзиб қўйилади. Ҳисобланган фоизлар суммалари алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

Олинган кредитларнинг қайтарилиши (узилиши) ва 94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзув ёзиб қўйилади.

94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб қарз берувчилар ва кредитларни узиш муддатлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операциялар мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **94-"Қисқа муддатли қарзлар" ҳисобварағи** | | |
| 1 | Қарз берувчилар (банклардан ташқари)дан олинган бир йилгача бўлган муддатли кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича улардан маблағларнинг келиб тушиши акс эттирилган | 50, 51 | 94 |
| 2 | Қарз берувчилар (банклардан ташқари)дан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобварақларига ёзиб қўйилган қисқа муддатли қарзлар (банклардан ташқари) бўйича маблағларнинг келиб тушиши | 51<br>(70 | 94<br>51) |
| 3 | Бошқа корхоналарнинг қарз маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланган материаллар кирим қилинган | 10 | 94 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Узаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Турли корхоналарнинг уларга берилган қисқа муддатли қарзлар бўйича қарзи акс эттирилган | 76 | 94 |
| 5 | Илгари олинган кредитларнинг қарз берувчиларга қайтарилиши (узилиши) | 94 | 51, 52, 50 |
| 6 | Хорижий валюталардаги қисқа муддатли қарзлар (кредиторларнинг) ва кредитларни ва қарзларни узиш операциялари бўйича курсдаги ижобий фарқлар акс эттирилган | 94 | 80 |
| 7 | Шунинг ўзи, лекин салбий фарқларда | 80 | 94 |
| 8 | Кредитга етказиб берилган моддий бойликлар (ишлар, хизматлар) учун қисқа муддатли векселнинг берилиши | 60 | 94 |
| 9 | Ҳисобот даврининг охирида фоизларни тўлашга олиниши лозим бўлган сумма қарзга қўшиб қўйилади | 26, 08 ва бошқ. | 94 |
| 10 | Корхона банклардан олган ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ва бошқа корхоналарнинг қарз маблаглари ҳисобидан сотиб олинган, монтажни талаб қиладиган ускуна кирим қилинган | 07 | 94 |
| 11 | Шунинг ўзи, бошқа корхоналарнинг (банклардан ташқари) маблағларини ўтказиш ҳисобига | 61 | 94 |

## 95-"УЗОҚ МУДДАТЛИ ҚАРЗЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобвараги республика ичидаги ва хориждаги қарз берувчилар (банклардан ташқари) билан улардан олинган бир йилдан ортиқ бўлган муддатли миллий ва хорижий валюталардаги кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қарз берувчилар (банклардан ташқари)дан маблағларнинг келиб тушиши пул маблағларини ёки ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш ҳисобварақларининг дебети ва 95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағинмг кредити бўйича акс эттирилади. Қарз берувчи олдидаги корхона томонидан берилган векселлар билан таъминланган қарз 95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилмайди, балки алоҳида тарзда тафсилий ҳисобда ҳисобга олинади.

Агар корхонанинг маблағларни жалб этиш қисқа муддатли қимматли қоғозларни уларнинг номинал қийматидан ортиқ бўлган нарх бўйича сотиш йўли билан амалга оширилган бўлса, унда қимматли қоғозларнинг сотиш нархи билан уларнинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ 83-"Келгуси даврлар даромадлари" ҳисобварағининг кредити бўйича ҳисобга қабул қилинади, кейинчалик қарз шартномасининг бутун муддати давомида бир текисда бу ҳисобварақдан 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади. Ҳар йиллик ажратмалар суммаси кўрсатилган фарқнинг миқдори ва корхонанинг қимматли қоғозлари чиқарилган муддат асосида ҳисоблаб чиқилади.

Агар олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг тўланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари кредитидан (95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағини четлаб) тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари дебети бўйича ёзув ёзиб қўйилади. Агар олинган кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар бўйича фоизлар бухгалтерлик ҳисобида уларнинг ҳисобланишига қараб акс эттирилса, унда уларнинг суммасига 95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағининг кредити бўйича тўлов манбаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари билан боғлиқликда ёзув ёзиб қўйилади. Ҳисобланган фоизлар суммалари алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

Олинган кредитларнинг қайтарилиши (узилиши)да 95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича ёзув ёзиб қўйилади.

95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб қарз берувчилар ва кредитларни узиш муддатлари бўйича юритилади.

| Т/р | Операциялар мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |

**95-"Узоқ муддатли қарзлар" ҳисобварағи**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 | Қарз берувчилар (банклардан ташқари)дан улардан олинган бир йилдан ортиқ муддатли кредитлар ва бошқа жалб қилинган маблағлар (шу жумладан, ускуна) бўйича маблағларнинг келиб тушиши акс эттирилган | 50, 51, 07 | 95 |
| 2 | Шунинг ўзи, лекин меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобварақларига ёзиб қўйилганлари | 50, 51 (70 | 95 50, 51) |
| 3 | Турли корхоналарнинг уларга берилган узоқ муддатли қарзлар бўйича қарзи акс эттирилган | 76 | 95 |
| 4 | Илгари қарз берувчилардан (банклардан ташқари) олинган узоқ муддатли қарзларнинг қайтарилиши (узилиши) | 95 | 50, 51, 52 |
| 5 | Хорижий валюталардаги узоқ муддатли қарзлар (кредиторларнинг) бўйича курсдаги ижобий фарқлар, шу жумладан балансни тузиш санасидан қарзни қайта баҳолашдаги фарқлар акс эттирилган; кредитлар ва қарзларни узиш операциялари бўйича | 95 | 80 |
| 6 | Шунинг ўзи, лекин салбий фарқларда | 80 | 95 |
| 7 | Берилган вексель ўрнига олинган узоқ муддатли қарз | 51, 52 | 95 |
| 8 | Ҳисобот даврининг охирида фоизларни тўлашга олиниши лозим бўлган сумма қарзга қўшиб қўйилади | 26, 08 | 95 |

## 96-"МАҚСАДЛИ МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ТУШУМЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварағи маълум мақсадларга мўлжалланган тадбирларни амал-

га ошириш учун йўналтирилган маблағлар; бошқа корхоналардан келиб тушган маблағлар; ҳукумат органларининг субсидиялари ва бошқаларнинг ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

У ёки бошқа тадбирларни маблағ билан таъминлаш манбалари сифатида олинган мақсадли маблағлар 96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварағининг кредити бўйича акс эттирилади. Мақсадли маблағ билан таъминлашнинг кўрсатилган манбалари қандай маблағлар ҳисобидан ташкил топганлигига қараб ёзувлар пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари ёки 76-"Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар" ҳисобвараги билан боғлиқликда амалга оширилади.

96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобварағининг дебетига тегишли ҳисобварақларнинг кредитидан у ёки бошқа тадбирларга сарфланган суммалар ҳисобдан чиқарилади.

96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобвараги бўйича тафсилий ҳисоб мақсадли маблағларнинг мўлжаллари ва тушумларнинг манбалари бўйича юритилади.

| Т/р | Операциялар мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| | **96-"Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар" ҳисобвараги** | | |
| 1 | У ёки бошқа тадбирларни маблағ билан таъминлаш манбалари сифатида олинган мақсадли маблағлар акс эттирилган | 50, 51, 52, 55, 76 | 96 |
| 2 | Корхонанинг НИОКРни ўтказиш учун бюджетдан ташқари фонддан олган маблағлари; вазирликлар ҳисобида - корхоналардан НИОКР фондига келиб тушган маблағлар | 51 | 96 |
| 3 | Материаллар тадбирларни ўтказиш учун мақсадли маблағлар ҳисобидан сарфланган; бирлиги учун белгиланган лимитгача бўлган қийматдаги АТБ ҳисобдан чиқарилган ёки болалар муассасалари ва шу кабиларга берилган | 96 | 10, 12 |

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Узаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 4 | Тадбирларни амалга оширишда мақсадли маблағлар ҳисобидан ишлатиладиган АТБнинг эскириши ҳисобланган | 96 | 13 |
| 5 | Мақсадли маблағлар ҳисобидан тутиб туриладиган бўлинмаларга кўрсатилган ишлар ва хизматлар қиймати ҳисобдан чиқарилган; илгари ишлаб чиқариш харажатларига ҳисобдан чиқарилган суммалар | 96 | 20, 23, 26, 29 |
| 6 | Тадбирларни ўтказишга пул маблағлари сарфланган (мақсадли маблағ билан таъминлаш ҳисобидан) | 96 | 50, 51, 52, 55 |
| 7 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар ҳисобидан пул ўтказмаси (суммалар олдин йўлда деб ҳисобланарди) | 96 | 57 |
| 8 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари ҳисобидан ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш суммаларидан ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар амалга оширилган | 96 | 69 |
| 9 | Ходимларнинг меҳнатига мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари ҳисобидан ҳақ ҳисобланган | 96 | 70 |
| 10 | Ноишлаб чиқариш эҳтиёжларига ишлатилган асосий воситалар, номоддий активлар, маҳсулот ва товарлар (ишлар ва хизматлар) бўйича ҚҚС суммалари акс эттирилган | 96 | 19 |
| 11 | Ҳисобдор шахслар турли харид ва харажатларни мақсадли маблағ билан таъминлаш ва тушумлар ҳисобидан амалга оширишди | 96 | 71 |
| 12 | Турли ташкилотлар, корхоналар ва шахсларнинг мақсадли харажатларни (транспорт ва бошқа) амалга оширишда кўрсатган хизматлари қиймати акс эттирилган | 96 | 76 |



22 —7501

| Т/р | Операцияларнинг мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| 13 | Мақсадли маблағ билан таъминлаш маблағлари (бошқа корхоналардан мақсадли дастурларни маблағ билан таъминлаш учун олинганларидан ташқари) устав сармояси ва қўшилган сармояга йўналтирилади | 96 | 85 |

## 97-"ИЖАРАГА ОИД МАЖБУРИЯТЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

97-"Ижарага оид мажбуриятлар" ҳисобварағи ижарага берувчилар билан узоқ муддатли ижара шартлари асосида ижарага берилган асосий воситалар учун ҳисоб-китобларнинг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ ижарачи корхоналар томонидан қўлланилади.

Узоқ муддатли ижара шартлари асосида ижарага олинган асосий воситаларга ижара шартномаси ёки ижарага берувчи билан ижарачининг қўшимча битими бундай воситаларнинг ижара муддати тугаши билан ёки бундай муддат тугагунгача ижарачи битимда айтиб ўтилган сотиб олиш нархини тўлиқ тўлагани ҳолда унинг мулкига ўтишини назарда тутадиган объектлар киради.

Корхонага узоқ муддатли ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар учун ижарага берувчи олдидаги қарз 97-"Ижарага оид мажбуриятлар" ҳисобварағининг кредити бўйича 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағи билан боғлиқликда ҳисобга қабул қилинади.

Ижарага берувчига узоқ муддатли ижара шартлари асосида ижарага олинган асосий воситалар учун тўловларнинг тўланиши 97-"Ижарага оид мажбуриятлар" ҳисобварағининг дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларининг кредити бўйича акс эттирилади. Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммаси 97-"Ижарага оид мажбуриятлар" ҳисобварағининг кредити бўйича 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда амалга оширилади.

97-"Ижарага оид мажбуриятлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ҳар бир ижарага берувчи бўйича юритилади.

| Т/р | Операциялар мазмуни | Ўзаро боғланувчи вакиллик ҳисобварақлари | |
|---|---|---|---|
| | | дебет | кредит |
| **97-"Ижарага оид мажбуриятлар"- ҳисобвараги** | | | |
| 1 | Узоқ муддатли (молиявий) ижара шартлари асосида келиб тушган асосий воситалар учун ижарага берувчи олдидаги қарз акс эттирилган (келишилган нарх бўйича) | 03 | 97 |
| 2 | Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича ҳисобланган фоизлар суммалари акс эттирилган (фойда тақсимланганида фойда ҳисобидан) | 80 | 97 |
| 3 | Ижарага берувчига узоқ муддатли ижара шартлари асосида ижарага олинган асосий воситаларнинг ижара муддати тугагунигача объектлардан фойдаланганлик учун тўланмаган тўловлар суммасига қайтарилиши | 97 | 03 |
| 4 | Ижарага берувчига узоқ муддатли ижара шартлари асосида ижарага олинган асосий воситалардан фойдаланганлик учун тўланиши лозим бўлган тўловлар ва фоизларнинг тўланиши | 97 | 50, 51, 52, 55 |

## БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ ҲИСОБВАРАҚЛАР

Балансдан ташқари ҳисобварақлар корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча унинг фойдаланишида ва тасаррufida бўлган (ижарага олинган асосий воситалар, масъулиятли сақланишдаги моддий бойликлар, қайта ишлашдаги ва ҳоказо) бойликлар, шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш, шунингдек алоҳида хўжалик операцияларини назорат қилиш учун мўлжалланган.

Кўрсатилган бойликларнинг бухгалтерлик ҳисоби оддий тизим бўйича юритилади.

### 001-"ИЖАРАГА ОЛИНГАН АСОСИЙ ВОСИТАЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

001-"Ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағи корхона ижарага олган асосий воситалар (балансдаги 03-"Узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағида ҳисобга олинадиган узоқ муддатга ижарага олинган асосий воситалардан ташқари)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ижарага олинган асосий воситалар 001-"Ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағида ижара шартномаларида кўрсатилган нархда ҳисобга олинади.

001-"Ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб ижарага берувчилар, ҳар бир ижарага олинган асосий воситалар объекти (ижарага берувчининг инвентарь рақамлари бўйича) бўйича юритилади. Хорижда бўлган ижарага олинган асосий воситалар 001-"Ижарага олинган асосий воситалар" ҳисобварағида алоҳида тарзда ҳисобга олинади.

### 002-"МАСЪУЛИЯТЛИ САҚЛАШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағи масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Харидор корхоналар 002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағида қуйидаги ҳолларда сақлашга қабул қилинган бойликларни ҳисобга оладилар:

маҳсулот етказиб берувчилардан корхона қонуний асосларда ҳисобварақлар-тўлов талабномаларини акцепт қилиш ва уларга ҳақ тўлашдан воз кечган товар-моддий бойликларнинг олиниши;

маҳсулот етказиб берувчилардан ҳақи тўланмаган, ҳақ тўлаш шартлари бўйича сарфланиши тақиқланган товар-моддий бойликларнинг олиниши;

товар-моддий бойликларнинг бошқа сабабларга кўра масъулиятли сақлашга қабул қилиниши.

Консигнация асосида қабул қилинган товарлар (ЎзР Молия вазирлигининг 1995 йил 10 апрелдаги 31-сонли хати).

Маҳсулот етказиб берувчи корхоналар 002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағида харидорлар ҳақини тўлаган, истисно тариқасида, масъулиятли сақлашга қолдирилган, сақлаш ёзувлари билан расмийлаштирилган, лекин корхоналарга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра олиб кетилмаган товар-моддий бойликларни ҳисобга оладилар.

Товар-моддий бойликлар 002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағида қабул қилиш-топшириш далолатномаларида ёки ҳисобварақлар-тўлов талабномаларида назарда тутилган нархларда ҳисобга олинади.

002-"Масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган товар-моддий бойликлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб эгалик қилувчи корхоналар, сақлаш турлари, навлари ва жойлари бўйича юритилади.

## 003-"ҚАЙТА ИШЛАШГА ОЛИНГАН МАТЕРИАЛЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

003-"Қайта ишлашга олинган материаллар" ҳисобварағи буюртмачининг қайта ишлаш учун қабул қилинган (бериладиган хом ашё), тайёрловчи корхона ҳақ тўламайдиган хом ашё ва материалларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хом ашё ва материалларнинг қайта ёки қўшимча ишланишига доир харажатларнинг ҳисобга олиниши ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга оладиган, шу билан боғлиқ харажатларни (буюртмачининг хом ашё ва материалларининг қийматидан ташқари) акс эттирадиган ҳисобварақларида юритилади.

Буюртмачининг қайта ишлаш учун қабул қилинган хом ашё ва материаллари 003-"Қайта ишлашга олинган материаллар" ҳисобварағида шартномаларда назарда тутилган нархлар бўйича ҳисобга олинади.

003-"Қайта ишлашга олинган материаллар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб буюртмачилар, хом ашё ва материалларнинг турлари, навлари ва улар жойлашган жойлар бўйича юритилади.

## 004-"КОМИССИЯГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТОВАРЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

004-"Комиссияга қабул қилинган товарлар" ҳисобварағи шартномага мувофиқ комиссияга қабул қилинган товарларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ комиссионер-корхоналар томонидан қўлланилади.

Комиссияга қабул қилинган товарлар 004-"Комиссияга қабул қилинган товарлар" ҳисобварағида қабул қилиш-топшириш далолатномаларида назарда тутилган нархларда ҳисобга олинади.

004-"Комиссияга қабул қилинган товарлар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб товарларнинг турлари ва комитент-корхона (шахс)лар бўйича юритилади.

## 005-"МОНТАЖ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН УСКУНАЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

005-"Монтаж учун қабул қилинган ускуналар" ҳисобварағи пудратчи ташкилот буюртмачидан монтаж учун олган ускуналарнинг ҳамма турларининг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобварақ пудратчи корхоналар томонидан қўлланилади.

Ускуналар 005-"Монтаж учун қабул қилинган ускуналар" ҳисобварағида буюртмачи илова ҳужжатларида кўрсатган нархларда ҳисобга олинади.

005-"Монтаж учун қабул қилинган ускуналар" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб алоҳида объектлар ёки агрегатлар бўйича юритилади.

## 006-"ҚАТЪИЙ ҲИСОБОТ БОСМА ИШ ҚОҒОЗЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

006-"Қатъий ҳисобот босма иш қоғозлари" ҳисобварағи сақланишда бўлган ва ҳисобга бериладиган қатъий ҳисобот босма иш қоғозлари - квитанция дафтарчалари, гувоҳномалар, дипломлар бланкалари , турли абонементлар, талонлар, патталар, товар-

илова ҳужжатлари ва шу кабиларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Қатъий ҳисобот босма иш қоғозларига (бланкларга) тегишли ҳужжатлар рўйхати, уларни сақлаш ва фойдаланиш тартиби корхона томонидан белгиланади.

Қатъий ҳисобот босма иш қоғозлари 006-"Қатъий ҳисобот босма иш қоғозлари" ҳисобварағида шартли нархларда ҳисобга олинади.

006-"Қатъий ҳисобот босма иш қоғозлари" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб қатъий ҳисобот босма иш қоғозларининг ҳар бир тури ва уларнинг сақланиш жойлари бўйича юритилади.

## 007-"ТЎЛОВГА ЛАЁҚАТЛИ БЎЛМАГАН ДЕБИТОРЛАРНИНГ ЗАРАРГА ҲИСОБДАН ЧИҚАРИЛГАН ҚАРЗЛАРИ" ҲИСОБВАРАҒИ

007-"Тўловга лаёқатли бўлмаган дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзлари" ҳисобварағи қарздорларнинг тўловга лаёқатли бўлмаганлиги сабабли зарарга ҳисобдан чиқарилган дебиторлик қарзларининг аҳволи ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бундай қарз ҳисобдан чиқарилган пайтдан бошлаб беш йил давомида қарздорларнинг мулкий ҳолати ўзгаргани ҳолда уни ундириб олиш мумкин бўлиши учун кузатиш мақсадида балансда ҳисобда туриши лозим.

Илгари зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзнинг ундирилиши тартибида келиб тушган суммаларга 50-"Касса", 51-"Ҳисоб-китоб варағи" ёки 52-"Валюта ҳисобварағи" 80-"Фойдалар ва зарарлар" ҳисобварағи билан боғлиқликда дебет қилинади. Айни бир вақтда кўрсатилган суммаларга балансдан ташқари 007-"Тўловга лаёқатли бўлмаган дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзлари" ҳисобварағи ҳам кредит қилинади.

007-"Тўловга лаёқатли бўлмаган дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзлари" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб қарзи зарарга ҳисобдан чиқарилган ҳар бир қарздор ва ҳар бир зарарга ҳисобдан чиқарилган қарз бўйича юритилади.

## 008-"МАЖБУРИЯТЛАР ВА ТЎЛОВЛАРНИНГ (ОЛИНГАНЛАРИНИНГ) ТАЪМИНОТИ" ҲИСОБВАРАҒИ

008-"Мажбуриятлар ва тўловларнинг (олинганларининг) таъминоти" ҳисобварағи мажбуриятлар ва тўловларнинг бажарилишини таъминлашга олинган кафолатлар, шунингдек бо-

шқа корхоналарга консигнацияга берилган товарлар ўрнига олинган таъминотларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳақидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Агар кафолатда сумма кўрсатилмаган бўлса, унда у бухгалтерлик ҳисоби учун шартноманинг шартларидан келиб чиқиб аниқланади.

008-"Мажбуриятлар ва тўловларнинг (олинганларининг) таъминоти" ҳисобварағида ҳисобга олинган таъминотлар суммалари қарзнинг узилишига қараб ҳисобдан чиқарилади.

008-"Мажбуриятлар ва тўловларнинг (олинганларининг) таъминоти" ҳисобварағи бўйича тафсилий ҳисоб берилган ҳар бир таъминот бўйича юритилади.

## 10-"СОЛИҚҚА ТОРТИЛАДИГАН БАЗАДАН ЧИҚАРИБ ТАШЛАНАДИГАН ХАРАЖАТЛАР" ҲИСОБВАРАҒИ

10-"Солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган харажатлар" ҳисобварағи балансдан ташқари ҳисобварағида мазкур ҳисобот даврининг солиққа тортиладиган базасига киритиладиган, лекин навбатдаги ҳисобот даврларининг солиққа тортиладиган фойдаси (даромади)дан чиқариб ташланадиган харажатлар ҳисобга олинади. Бундай харажатлар моддалари Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомнинг 2-иловасида келтирилган. Балансдан ташқари 10-ҳисобварақнинг тафсилий ҳисоби корхона Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳисоблаб чиққан солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган харажатларнинг 2-иловада назарда тутилган моддалари, уларнинг чиқарилиш миқдорлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни таъминлаши лозим.

# ҚИСҚАЧА ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ЛУҒАТ

| | |
|---|---|
| Айланиш | оборот |
| Ажратма | отчисление |
| Бадал | взнос |
| Босма иш қоғозлари | бланклар |
| Бурдсизлик | неустойка |
| Бўнак | аванс |
| Далолатнома | акт |
| Захира | запас, резерв |
| Камомад | недоставок |
| Кимошди савдоси | аукцион |
| Мавоза | бартер |
| Омонат | вклад |
| Сармоя | капитал |
| Тушумлар | поступления |
| улуш | доля |
| устама | накидка |
| Чегирма | скидка |
| Ўтказма | перевод |
| Ҳисобварақ | счёт |
| Ҳисса | вклад |

# МУНДАРИЖА

Кириш.....................................................................................3

Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режаси......................................4
Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисобварақлари режасини қўллаш бўйича тавсияномалар...........................................16

I бўлим. Асосий воситалар ва бошқа узоқ муддатли маблағ сарфлашлар..................16
II бўлим. Ишлаб чиқариш захиралари...........................52

III бўлим. Ишлаб чиқариш харажатлари..........................93

IV бўлим. Тайёр маҳсулот, товарлар ва сотиш.............144

V бўлим. Пул маблағлари................................................180

VI бўлим. Ҳисоб-китоблар................................................220

VII бўлим. Молиявий натижалар ва фойдадан фойдаланиш..................................286

VIII бўлим. Сармоя ва захиралар.......................................311

IX бўлим. Кредитлар ва маблағ билан таъминлаш..........................................322

Балансдан ташқари ҳисобварақлар.................................340

**_ЁРДАМЧИ ЁЗУВЛАР УЧУН_**

Русчадан таржима
("План счетов бухгалтерского учета и
рекомендации по его применению")

Таржимон Т. Искандаров
Муҳаррир М. Мирбобоев
Компьютерда саҳифаловчи
ва оригинал-макет тайёрловчи А.В. Манюрова
Муқова макетини тайёрловчи Ш.Р. Шарифьянов

Ҳажми 22,0 нашр тобоқ. Адади 5000. Бичими 60х90 1/
Буюртмачининг диапозитивларидан
"Тошкент матбаа комбинати" ижарадаги корхонасида бос
Тошкент, Навоий кўчаси, 30 Буюртма № Д-7